ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ «ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ



# ГЛОБАЛЛАШУВ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ТОЛЕРАНТЛИК: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР



Тошкент-2009

66. 3 (5Ў)
Г- 57

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ «ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

# ГЛОБАЛЛАШУВ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ТОЛЕРАНТЛИК: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

BUXORO MUH
TEXNOLOGIYA
R 76444
4

Тошкент-2009

## ЯЛПИ МАЖЛИС

## САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

*Рўзиев Р.Ж. – ю.ф.д., профессор, ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори*

Сайловларни адолат мезонлари асосида, қонунийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда, демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказиш барча давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқаролардан ўзига хос масъулият талаб этади. Сайловлар **биринчи навбатда** демократик андозаларга асосланган ҳолда ташкил этилиши: яъни, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши, сайланиш ва сайлаш жараёнларида уларнинг эркинлиги тўлиқ кафолатланиши; ривожланган мамлакатларнинг бу борада эришган илғор тажрибалари, мамлакатимиз ҳамда халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, менталитети, бой маънавий маданий меросига таяниш назарда тутилади. Сайловларда қатнашиш жараёнида демократик руҳнинг ҳукмронлиги деганда, ҳамма ўз хоҳлаганича ёки билганича эмас, балки амалдаги ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда иштирок этиши ниҳоятда зарурлигини бир зум ҳам унутмаслигимиз керак.

**Иккинчидан**, сайловларнинг кўппартиявийлик асосида амалга оширилиши ҳам муҳим омил ҳисобланади. Кўппартиявийлик деганда, сайлов жараёнларида Ўзбекистондаги барча сиёсий партияларнинг иштирок этиши тушунилади. Албатта, сайловларнинг самарадорлигини таъминловчи, ижтимоий аҳамияти жиҳатидан юксаклигини белгиловчи муҳим мезон бу — кўппартиявийликдир. Айтиш жоизки, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятига доир танқидий фикрларни кузатиб борамиз. Бунинг сабаби нимада? Асосий сабаб, уларнинг фақат сайлов жараёнларидагина фаоллашувидадир. Айрим ҳолларда эса баъзи партияларнинг сайлов жараёнларида ҳам фаол иштирок эта олмаслигига гувоҳ бўлганмиз. Фикримизча, сиёсий партиялар доимо фаол бўлишлари, ўз электоратларининг манфаатларини рўёбга чиқаришлари лозим. Сиёсий партиялар том маънода халқнинг орасига кириб бориши, уларнинг хоҳиш-истакларини ҳис этишлари, халқ манфаатининг давлат ва жамият бошқарувида акс этишини таъминлашлари зарур. Улар фақат сайлов жараёнларидагина эмас, балки узлуксиз равишда халқ дарди билан яшашлари, фаолият юритишлари зарур. Демак, ана шунда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик фаолияти таъминланади, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади, мамлакатимиз равнақ топади.

Сайловларнинг ҳақиқий демократик тарзда амалга оширилишининг ўта муҳим ва зарурий шарти – аҳолининг барча қатламлари унда фаол иштирок этишидадир. Барча фуқароларнинг сайловларга қизиқиши, сайловларга демократик танлов сифатида муносабатда бўлишлари ва бундай сиёсий жараёнлар уларнинг эртанги кунида муҳим аҳамият касб этишини ҳис қилган ҳолда, унда иштирок этишлари сайловларнинг муваффақиятли кечишини таъминлайди, демократик омилга айланади.

Сайловларда сайловчиларнинг фаол иштироки айни вақтда, мамлакатдаги сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг юксаклигини намоён этади. Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, сайловларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятига боғлиқдир. Аҳолининг сиёсий тафаккурини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари етакчи роль ўйнайди. Оммавий ахборот воситалари орқали сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини узлуксиз ёритиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Демак, тўртинчи ҳокимият вакиллари ҳам бу борада ўз йўналишларини белгилаб олишлари ва махсус тамойиллар асосида ҳаракат қилишлари лозим.

Мамлакатимиз ҳаётидаги сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар навбатдаги сайловларнинг янада такомиллашган қонунлар асосида амалга оширилишини

таъминламокда. Чунки, мамлакатда сайлов конунчилиги янада ривожланди, такомиллашди. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чикилган ва Олий Мажлис томонидан кабул килинган «Давлат бошкарувини янгилаш ва янада демократлаштириш хамда мамлакатни модернизация килишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий конуни хамда 2008 йил 25 декабрдаги «Сайлов тўгрисидаги конун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш хакида»[1]ги Ўзбекистон Республикаси конунининг кабул килинганлиги билан ифодалаймиз. Юкоридаги конунлар сайлов жараёнларининг хукукий тартибга солинишида ўзига хос ахамиятга эгадир.

Жамиятда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш билан боглик амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатнинг тадрижий демократлашиб бораётганлигини акс эттириш баробарида, сайлов жараёнларида сиёсий партияларнинг мавкеи ошишини таъминлайди. Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи конунчиликнинг такомиллашганлиги уларни янада фаол харакатланишга ундайди. Яъни, навбатдаги сайловларда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган партияларнинг ўзига хос соглом ракобати кузатилади.

Бу йилги сайлов жараёнлари мамлакатда пайдо бўлган «янги куч» — экологик харакатнинг иштироки билан хам ахамиятлидир. Маълумки, сайлов конунчилигининг такомиллаштирилиши муносабати билан Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатларининг сони 120 дан 150 тага кўпайтирилди. Келгусида Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатларининг 135 нафари худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўгридан-тўгри сайлов хукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Конунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон экологик харакатидан сайланади. Бундан кўриниб турибдики, экологик харакат янги сиёсий куч сифатида шаклланмокда. Унга катта ишонч ва юксак ваколат берилишининг мухим шарти, глобал муаммо хисобланган экология бузилишининг олдини олиш, атроф-мухит мухофазасини таъминлашнинг янги хукукий механизмини жорий этишдан иборат бўлиб, ушбу харакат келгусида ўзига юклатилган вазифани адо этади ва мамлакат тараккиётига ўз хиссасини кўшади, деган катъий ишонч бор, албатта.

Ўтган сайловларга караганда бу йилги сайловларда сайловчилар ташаббускор гурухларининг бекор килиниши хам ўзига хос янгилик бўлди. Ушбу жараённи «сиёсий партиялар учун яратилган имконият», дея бахолашимиз мумкин. Чунки, ташаббускор гурухларнинг аъзолари эндиликда муайян партияга аъзо бўлган холда ўз карашларини ўша партия манфаатлари учун ифода этадилар ёки ўзлари муносиб деб топган номзоднинг сайланишини партиядан туриб амалга оширадилар. Фукаролар ташаббускор гурухларидан Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартибининг бекор килиниши хар кандай шахснинг эмас, балки жамиятда ўзининг дастури оркали жамоатчилик орасида маълум бир ўринга эга партиялар томонидан номзод кўрсатилиши сиёсий партияларнинг ўз дастурларини амалга татбик этилишига янада кенг имкониятлар яратади хамда фукаролар сиёсий фаоллигининг ошишига хизмат килади, тенглик хукуки юзага келади.

Сайлов конунчилигининг такомиллашуви муносабати билан сиёсий партияларга сайлов участкасида овозларни санаб чикишда иштирок этиш хукуки берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўгрисидаги ва халк депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларига сайлов тўгрисидаги конунларга янги 17-модданинг киритилиши сайлов амалиётида ўзига хос янгилик бўлиб, унга асосан сиёсий партиянинг ваколатли вакили Халк депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларига ва Конунчилик палатаси

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2008, №12, 637-модда

депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақлидир. Ваколатли вакиллар овозларни санашнинг ҳаққонийлигини назорат қиладилар. Бу янги норма сайловларнинг янада адолатли ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига номзодлар ишончли вакиллар сонининг беш нафардан ўн нафарга оширилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу сайлов олди тарғибот ва ташвиқот ишларининг муваффақиятли кечишини таъминлайди ва ҳар бир номзоднинг имкониятларини, дастур ва ғояларини кенг очиб беришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ишончли вакилларда сайлов округининг бутун ҳудуди бўйлаб сайлов олди тарғиботи ва ташвиқотини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Аксарият сайлов округларининг катта ҳудуд ва кўп сонли аҳолини қамраб олишини инобатга олсак, бу ўзгаришлар ижобий натижа бериши табиий ҳол, деб ўйлаймиз.

Олдинги сайловларда сиёсий партиялар сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши ҳақидаги муддат эндиликда тўрт ой қилиб, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирда депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги талаб қирқ минг сайловчи имзосига туширилди. Бу сиёсий партиялар учун муайян қулайликни вужудга келтиради.

Сайлов қонунчилигининг такомиллашуви хусусидаги фикрларнинг якуни сифатида қуйидагиларни эътироф этишимиз мумкин: **мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос келадиган, очиқ, ошкора сайловларни ўтказишга имконият яратадиган, жамиятда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, замон талабларига жавоб берадиган демократик сайлов қонунчилиги такомиллашган ҳамда шаклланиб бормоқда.**

Демак, биринчидан, фуқароларнинг сайлов жараёнида иштирокини таъминлайдиган қонунчилик жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маданий тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланди, ўзгаришлар ва ютуқларни ўзида бевосита акс эттирди; иккинчидан, сайлов қонунчилиги жаҳондаги илғор сайловлар тажрибалари асосида шаклланди ва улардаги энг муҳим ғояларни ўзида мужассамлаштирди; учинчидан, халқаро андозалар ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар сайлов тўғрисидаги қонунларни такомиллаштиришга асос бўлди; тўртинчидан, сайлов жараёнларининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги ва демократияни мустаҳкамлашга, халқнинг ижодкор ташаббусини қўллаб-қувватлашга, фикр эркинлиги, ижобий тортишув асосида сиёсий ҳаётни қуриш ва уни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, сайловларда ҳокимиятнинг фуқаролар томонидан тан олиниши, бу таркибга кирмаган камчилик аҳоли ҳокимият олдида ҳимоясиз қолади, дегани эмас. Бугунги кунда демократияни кўпчилик ҳокимиятдан иборат, деб тушунмаслик керак. Тарихга мурожаат қилайлик. Руссо даврида бу тамойилларнинг қарор топиши учун ҳокимият камчилик (олигархлар) қўлидан кўпчилик қўлига ўтишининг ўзи етарли бўлган бўлса, XX асрга келиб эркинликнинг янги мезони олға сурилади, бунга кўра, сайловларда камчиликни ташкил этганларнинг ҳуқуқи парламентда таъминланган ва ҳимояланган бўлади. Немис олими Г.Иелинек ўзининг «Озчилик ҳуқуқи» (1906) асарида қуйидагиларни қайд этган эди: «Жамиятни демократиялаштириш қанча олға борса, кўпчилик тамойили шунчалик кенгайиб, ҳукмронликни даъво қилади. Бу цивилизациялашган дунё учун жиддий хавф солади. Бу шунчаки аллақандай кайфият туфайли ёки мавжуд ижтимоий тартибни ўзгартириш

юзасидан айтилган фикр эмас, балки ҳозирги сиёсий тараққиётнинг илғор курашчилари томонидан тан олинган ва тез-тез такрорланиб турадиган ғоядир. Фақат ҳақиқий ҳаётдан бутунлай ажралиб қолган одам, омманинг саховатпешалиги ва уларнинг ҳақиқатга бўлган муҳаббати тўғрисида хаёл суриши мумкин».

Инчунун, сайловлар олдидан уни ташкил этиш, ўтказиш хусусида қуйидаги масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Сайлов кампаниясининг демократик тарзда, қонуний асосларда ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш;

2. Оммавий ахборот воситаларида сайловлар жараёнлари ва унга доир маълумотларни ёритиб боришни режалаштириш;

3. Сиёсий партиялар томонидан 2009 йил сайловларида фаол иштирок этиш учун тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва пухта тайёргарлик кўриш;

4. Давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларни сайловларга тайёрлаш ва уларни ушбу сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш;

5. Сайловларни ўтказишда сайлов тамойилларига тўлиқ амал қилиш эътироф этилади.

Шундай қилиб, юқоридаги мезонларга асосланган ҳолда сайловларни ташкил этсак ва амалга оширсак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар демократик тарзда, қонунийлик тамойилларига таянган ҳолда олиб борилади, унинг якунида эса ҳақиқий муносиб номзодлар сайланиб, депутатлар Ўзбекистоннинг истиқболли тараққиёти учун хизмат қилади.

## ДАЛЬНЕЙШЕЕ РАЗВИТИЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ – НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ПОСТРОЕНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

***Кадырова З.Р. – д.филос.н., Институт философии и права АН РУз***

Одним из основных демократических принципов, лежащих в основе строящегося у нас гражданского общества и неразрывно связанных с современными концепциями плюрализма, социальной свободы и прав человека, является принцип толерантности. В самом широком смысле слова толерантность означает терпимость к чужому образу жизни, поведению, обычаям, чувствам, мнениям, идеям, верованиям.

Принцип толерантности выступает важным фактором дальнейшего социально-политического развития узбекистанского общества.

В условиях распространения в мировом сообществе межэтнических и межконфессиональных конфликтов, а также международного терроризма формирование толерантности, ориентированной на проявление конструктивной деятельности, обретает крайне важное значение.

Понятие «гражданское общество» подразумевает верховенство закона, права в отношениях между людьми, включение гражданина в активный процесс принятия решений, связанных с функционированием общества. Гражданское общество – это та часть общества, которая не управляется государством непосредственно. Такими организациями являются профессиональные союзы, неполитические общественные организации (религиозные, молодежные, женские, ветеранские, экологические организации, творческие союзы т.д.).

Дальнейшее углубление демократических реформ связано с последовательным формированием основ гражданского общества, реализацией принципа «От сильного государства – к сильному гражданскому обществу». В стране реализуется целый комплекс проектов и программ, направленных на создание условий для свободного функционирования и развития политических партий, негосударственных некоммерческих организаций, независимых средств

Антик давр файласуфларидан тасаввуф намояндаларигача инсон бутун борлиқ ичида кичик зарра, микроолам бўлса-да, лекин маъно жиҳатидан макроолам эканлигини тавсифу талқиқ этганлар.

Инсон ўз моҳиятига уйғун рози ҳолатда амал қилса бахтли яшайди, лекин унга номувофиқ, норизо бўлса изтироблар занжирида ўралашади. Инсон ўз-ўзини англамай, изтироблар гирдобига қолишига сабаблар нима? Инсон ўз-ўзини, моҳиятини, ҳаётдаги ўрнини, умр мазмунини англаб, тақдирга рози бўлиб яшаса сокин, хотиржам бўлади. Лекин маълум тор доирадаги нарсаларга боғланса, умрини фоний ўткинчи нарсаларга қурбон қилиш мумкин. Демак, инсон тана ва руҳи учун озуқа бўлган нарсаларга боғланиши меъёрида бўлиши керак.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МАСАЛАЛАРИ

***Яхшиликов Ж.Я. – проф., СамДУ***

XXI аср арафасида вужудга келган кўп қутблилик ва мафкуравий плюрелизм дунёнинг ўзаро диалектик алоқа ва зиддиятлар бирлиги асосида ҳаракат қиладиган улкан система сифатида фаолият кўрсатишини тақозо қилмоқда. Бу жараённинг ривожланиш қонунияти баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра «бутун жаҳонда иқтисодий ва маданий маконнинг пайдо бўлишига ҳамда дунё миқёсидаги ягона инсоний муштаракликнинг вужудга келиши..., умумжаҳон ягона ахборот алмашув маконининг барпо этилиши кишилик цивилизациясининг янги шакли юзага келишига олиб боради»[1]. Ваҳоланки, жамият тараққиётининг ҳозирги тенденцияси ва ижтимоий амалиёти дунёда вужудга келган вазият глобал муаммоларнинг ечимига эмас, балки кескинлашувига олиб бораётганлигини кўрсатмоқда, яъни бу масалада оптимистик қарашлар ўзини оқламаётир. Лекин, ҳар бир давлатнинг маънавий интеграция соҳасидаги сиёсий муносабатларида асосий субъект бутун инсоният эканлигини англаши, дунё маънавий хавфсизлиги ва тараққиёти барқарорлигининг энг муҳим ижтимоий-сиёсий кафолатидир. Бинобарин, келажак тақдири турли миллат ва халқларининг, фақат муросага асосланган интегратив яхлитлигига боғлиқ бўлиб, цивилизация ва маданиятлар ўзаро муносабатлари борасидаги муаммолар ечимига маънавий–цивилизацион ёндашишни тақозо этади.

Интеграция жараёнида субъектларнинг амал қилишини ижтимоий маконга кўра – маҳаллий, минтақавий ва умумбашарий; муносабатлар доирасига кўра – ички ва ташқи; ижтимоий ҳаёт соҳаларига қараб – иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ва бошқа йўналишларга ажратиб таҳлил қилиш муҳим методологик аҳамиятга эга. Хусусан, иқтисодий интеграция натижасида вужудга келган эркин савдо минтақаси, умумий бозор демократик жамиятда сиёсий, маданий ва маънавий интеграция жараёнининг ривожланишига қулай шарт-шароит яратади. Сиёсий интеграция ўз моҳияти, умумий интеграция тизимидаги ўрни, вазифалари ва функциялари жиҳатидан маънавий интеграцияга яқиндир. Чунки сиёсий интеграция маънавий интеграция замирида вужудга келади ва ривожланади.

Сўнги вақтда «маданий интеграция» тушунчаси Республикамизда ўтказилаётган илмий анжуманлар ва учрашувларда, ҳамда чоп этилаётган илмий адабиётларда тез-тез ишлатилмоқда. Масалан, 2001 йил 28 ноябрда Академик Яҳё Ғуломов ижодига бағишланган «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарида «Ўзбекистонда маданий интеграция ва миллатлараро ҳамжиҳатлик тарихи ва ҳозирги замон» мавзуси алоҳида

---

[1] Юлдашева Ф. Методологические проблемы процесса глобализации. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари 2008. № 2 С. 75. (70-75)

муҳокама килиниб, муаммонинг умумий йўналишлари белгиланган эди. Бирок, ҳозиргача чоп этилаётган илмий адабиётларда маданий интеграция тушунчасига тўлик ва аник таъриф берилган эмас. Ваҳоланки, «маънавият» тушунчасига синоним тарзда кўлланиладиган тушунчалар дефинициясига аниклик киритиш эхтиёжи сезилмокда ва уларнинг мазмунини мужассам эта оладиган илмий атама турлича талкин килинмокда. Хусусан, ўзбек тилида «маънавият» рус тилидаги «духовность» тушунчасининг таржимаси сифатида кўлланилади. Лекин, рус олимлари ўртасида ҳам бу тушунчага нисбатан турли карашлар мавжуд. Масалан, А.А.Зиновьев, «духовность» атамасининг анъанавий талкинларидан фаркли ўларок, «таълим (айникса, гуманитар), маориф, фан ютуклари тарғиботи, адабиёт, кино, мусика, мусаввирлик, театр ва маданиятнинг бошка таркибий кисмлари, маънавий кадриятлар ва ахлокий тарбия таъсири остида шаклланадиган кишилар онги (руҳи)нинг кенг кўламдаги холати»[1]ни тушунади.

Маданий ва маънавий интеграция умумий интеграция жараёнида бир-бири билан ўзаро диалектик алокадорликда амал килади. Бунда биринчиси кейингисининг изчил, максадли йўналишда рўёбга чикиши учун зарурий имконият вазифасини ўтайди. Айни пайтда, маънавий интеграция маданий интеграцияни мазмунан бойитади, уни сифат жиҳатидан юкори боскичига кўтаради. Шу нуктаи назардан, маънавий интеграция турли халклар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, алокалар ривожланиши негизида юзага келадиган объектив жараённинг юксак боскичи ҳисобланади.

Маънавий интеграция турли ирк, мазҳаб, эътикодга эга элат, халк, миллатларнинг ўзаро тарихий шаклланиб борган ижтимоий, иктисодий, сиёсий, маданий алокалари кучайиши ҳамда уларнинг умумий максад йўлида бирлашиш зарурияти асосида руҳий-маърифий якинлашиш жараёнидир.

Мазкур объектив жараёнда ҳар бир миллат менталитети, унинг миллий руҳи умуммиллийлик, умуминсонийлик даражасига кўтарилиб боради. Шунга кўра, ҳозирги давр интеграцияси, ўз моҳиятига кўра, бир томондан, инсониятнинг фукаролик жамияти тараккиётн глобал тенденцияси натижаси ўларок шаклланадиган ва умумбашарий микёсда амал киладиган объектив конуниятларга бўйсунади. Иккинчи томондан, маънавий интеграция асосини маданият таркибий элементларини ташкил килган инсон борлигининг ботиний моҳиятидан кидириш керак. Зеро, маънавият турли миллат ва элатлар ўртасидаги алокаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашнинг муҳим субъектив омили ҳисобланади. У миллат ҳаёти, турмуш тарзи ва тараккиётидаги, миллатлараро муносабатларидаги салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, окибатларини бартараф этиш, миллатни ягона максад йўлида жипслаштиришда муҳим рол ўйнайди. «Маънавияти юксак миллат миллий бирлик, аҳиллик, тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик кўллаб-кувватлайди. Маънавият миллий мустакилликка хавф соладиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, тарафкашлик каби хислатларига йўл кўймайди»[2].

Маънавиятнинг ижтимоий вазифаларидан бири кишиларнинг ирки, миллати, эътикоди, ижтимоий таркибдаги ўрни, сиёсий маслакларидан катъи назар, бир-бирига нисбатан кадриятлилик муносабатларни шакллантиришдир. Чунки ҳар бир халк маънавияти минтакавий ва умуминсоний маънавият унсурлари бирлигида ривожланади ҳамда интеграциялашиш имкониятига эга бўлади. Муайян минтакадаги маънавий муносабатлар интеграцияси, уларда яшаётган миллатларига хос, умумий кимматига эга бўлган маънавий кадриятлар шаклланиш жараёнидир.

---

[1] Зиновьев А.А. Идеологические заметки // Свободная мысль – XXI. 2005. № 2. С.80.
[2] [illegible] С. Маънавият, мафкура ва миллий кадриятларнинг кишилар онги ва дунёкарашини шакллантиришдаги роли. Самарканд. 1999. 177-бет.

Нажмий Занжоний томонидан таржима қилиниб, 1939 йилда Техронда чоп этилган. М.Н.Занжонийнинг комил ишонч билан таъкидланишича, мазкур рисола гарчанд ҳажм жиҳатидан кичик бўлса-да, муҳим аҳамиятга моликдир, чунки ахлоқ-одоб ҳақидаги фан ва маънавий-ахлоқий фаолият комил инсон шахсини шакллантиришга бевосита хизмат қилади"[1].

Тадқиқотчи А.В.Сагадеевнинг фикрича, Ибн Синонинг илмий ижодий меросида "фозил шаҳар" ҳақида рисолаларнинг учрамаслигининг асосий сабаби, эҳтимол, у яшаб ижод этган тарихий давр сиёсий вазияти бўлса керак. Бу давр учун қудратли Ғазнанинг ўзида ал-Форобий ва "Соф биродарлар"нинг сиёсий хаёлий "фозил шаҳар" назарияларини сингдирган исмоилийлар билан кураши характерлидир[2]. Ибн Сино Абу Наср Форобийнинг амалий фалсафасига тааллуқли башоратларни рационалистик руҳда талқин этишда ривожлантириб борди. Алломага кўра, инсон танҳо ҳолда бахт-саодатга эриша олмайди. У ўзининг эҳтиёжларини бошқалар билан ҳамкорликда амалга оширади. Ҳаётни давом эттириш мақсадида одамлар меҳнат тақсимотига асосланган жамоаларга бирлашишга мажбур бўладилар. Ҳамкорликка эришиш эса қонун ва адолатнинг қарор топишини тақозо қилади. Қонун ва адолат тантанасини рўёбга чиқариш учун ҳукмдорлар зарур бўлиб, улар одамларга таъсирчан нутқ билан мурожаат эта билиши ва уларни қонунга риоя қилишини талаб қила олиши зарур эканлигини тақозо қилади. Улар бу борада кишиларни ва уларнинг қарашларини бошқаришсиз қолдирмасликлари лозим, чунки акс ҳолда "улар ўртасида ўзаро низолар келиб чиқади. Оқибатда ҳар ким ўзига фойдали нарсани адолатли, зарарли нарсани эса адолатсизлик деб ҳисоблайди"[3].

Ҳукмдор бўлиш ўта масъулиятли вазифа. Бошқаларни бошқариш, уларга тўғри йўлни кўрсатиб беришдан аввал бундай шахс ўз хулқ-атворини ўзига итоат эттира олган бўлиши шарт. Ахлоқ-одобда барчага ўрнак бўла оладиган инсонгина бошқаларга ҳукмдор бўлади. Доно раҳбарлар, эътиборли ҳукмдорлар ўз фуқаросини эзгу ният, эзгу ишларга одатлантириб бориб, уларнинг ўзларини юксак фазилатлар соҳиблари қилиб тарбиялайдилар.

Ибн Синонинг сиёсий қарашлари кишиларнинг табиий тенгсизлигига асосланганлиги сир эмас, албатта. Инсон барча жонзотлар каби ўз ҳаётини ҳар қандай хавф-хатарлардан муҳофаза қилишга интилади. Бордики, жамиятда ҳамма одамлар бой-бадавлат бўлиб қолсалар, ўзаро тўқнашувлар, низолар натижасида жамият ҳаёти, қонун устуворлиги ва адолат меъёрлари таназзулга юз тутади. Барча кишилар ёппасига қашшоқларга айланиб қолган тақдирда эса бундай вазият туфайли улар ҳалокатга учраган бўлар эдилар. Демак, ҳар бир одам жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий мақомга эга эканлигидан мамнун бўлмоғи лозим. Бой-бадавлат киши эришган мақоми орқали ундан етишмайдиган ақл-заковат ва таълим-тарбия кемтикларини қоплаганлигини, маърифатли камбағал эса, ўз ҳолатини унинг аҳволи билан қиёслаб кўриб, унга нисбатан бирмунча дурустроқ мавқега эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Ўз касби-кори орқали кундалик егулик нонини топаётган уста чексиз ваколатларга эга ҳукмдорга, катта бойликлар соҳиби бўлган бой кишига ҳеч қачон ортиқча ҳавас қилиб яшамайди[4], деб уқтиради мутафаккир.

Жамият муайян табақа ва тоифаларни ўзига жамлаган. Жамият ҳаёти асосан ҳукмдорлар, ҳарбийлар ва моддий ноз-неъматларни бунёд этувчи субъектлар ўртасида юзага келган меҳнат тақсимоти орқали таъминланади. Жамиятнинг ижтимоий таркиби ўзига хос қатор қатламлардан ташкил топган бўлиб, қуллар уларнинг қуйисидан ўрин оладилар.

Инсон ҳайвонлар билан рақобатга кириша олмайди, чунки у ожиз махлуқ сифатида яратилган. Аммо шунга қарамасдан, у барча ҳайвонлар орасида

---

[1] Ибн Сино ва "Тадбир-з манзил". Техрон, 1319 хуршидий й. 2-бет.
[2] Қаранг: Сагадеев А.В. Ибн Сина. М.: Мысль, 1985. С.181
[3] Сагадеев А.В. Ибн Сина. М.: Мысль, 1985. С.181.
[4] Қаранг: Шайх ал-Ард. Ибн Сино фалсафасига кириш. Байрут, 1987. 486-бет (араб тилида)

эътиборли ўрин эгаллаган, илоҳий карамдан баҳраманд бўлиш, оламда тартиб ўрнатиш ва уни обод килишга тегишли ваколатларни олган зотдир. Ибн Синонинг фикрича, тангри инсонга шундай куч-кувватни инъом этдики, у оркали яхшиликни ёмонликдан, етукликни ёлгон-яшикдан фарк эта олиш имконияти пайдо бўлди[1].

Инсон камолоти ва такдири унинг ўзига богликдир. Илмга чексиз рагбат, сабр-каноат, кундалик хаёт машмашаларини сабр-бардош ила енга олиш, максад сари доимий интилиш, ўз мехнат самарасини кутиш акл, донолик билан хамкор ва хамнафасдир. Ибн Сино тафаккурининг бундай йўналиши кейинги давр мутафаккирлари – Ахмад Дониш, Мукимий, Фуркат кабиларнинг дунёкарашининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатди.

## РОЛЬ ТАШКЕНТА В ФОРМИРОВАНИИ КУЛЬТУРЫ МИРОЛЮБИЯ, ТОЛЕРАНТНОСТИ И ГУМАНИЗМА

*Кадырова З.Р., д.филос.н., ведущий научный сотрудник ИФП АН РУ*
*Шарипов А.Д., к.филос.н., ведущий научный сотрудник ИФП АН РУ*

В социально-политической, экономической, культурной, духовно-просветительской жизни внутри нашей страны и за её пределами огромную роль и значение имеет один из крупнейших городов мира Ташкент. Постановление Президента нашей страны «О подготовке и проведении 2200-летнего юбилея города Ташкента» (2 апреля 2008 года) способствовало восстановлению и реставрации исторических архивов, научно-просветительского, историко-архитектурного наследия, памятников, благоустройству нашего города. Одним из ярких доказательств международного признания Ташкента является постановление 34-й сессии Генеральной конференции ЮНЕСКО (2 ноября 2007 года) о праздновании 2200-летия города Ташкента и участии ЮНЕСКО в юбилее.

Выходцами из Шаша были многие крупные деятели в сфере религии, политики, науки и искусства. Например, имам Абу Бакр ал-Каффал аш-Шаши (903-976), который занимал видное положение и в Багдаде, имел там своих учеников. Ему принадлежит «Тафсир» в 20ти томах. Широкую известность в своё время получили его труды по юриспруденции, логике, он был признан как крупный общественный и религиозный деятель. Он известен также своим стремлением к мирному разрешению возникающих конфликтов, смягчению путей и методов политических конфликтов, о чем свидетельствует участие в переписке между багдадским халифом и византийским правителем. К его имени обычно прибавляется «кабир» («великий»), что свидетельствует о признании его крупных заслуг.

В истории средневековой Центральной Азии, ее духовно-культурной, религиозной жизни огромную роль сыграл в свое время другой выходец из Ташкентского вилоята знаменитый Ходжа Убайдуллох Ахрор (1404-1490). Он использует свои большие материальные возможности, сложившиеся в результате успешной хозяйственной деятельности, для оказания помощи земледельцам, жителям города. Он сам указывал на то, что необходимо помогать народу, но только честным путем. Он принимает активное участие в общественно-политической жизни, особенно в период, когда он проживал в Самарканде по приглашению его правителя. Ему принадлежат большие заслуги в регуляции взаимоотношений между различными ханствами и правителями региона. Его заслуги весьма высоко ценил Алишер Навои. Из Ташкента происходил и крупный историк, литератор и общественно-государственный деятель своего времени Мирзо Мухаммад Хайдар Дуглот (1499-1551), автор признанного в мировой науке труда «Тарихи Рашидий». В нем содержатся

[1] Каранг: Ибн Сино ва "Тадбири манзил", 4-бет.

локал цивилизациялар орқали рўй бериб келади деган хулосага олиб келади ва у ўзининг цивилизациялар назариясини ушбу хулосага қуради.

А.Тойнби цивилизацияларнинг юзага келишини диний-мифологик асослашга, талқин қилишга интилади. Инь ва Ян ёки Даъват ва Жавоб схемаси файласуфнинг ҳаётий тўқимаси бўлсада, у барча цивилизациялар генезисида уларнинг изларини топади. Цивилизацияларнинг ташқи ва ички таъсирларини кузатгач А.Тойнби илоҳий куч, Худо аралашуви тараққиётни Инь (совуқлик, қоронғилик, аёллик белгиларини ифода этади) → Ян (иссиқлик, ёруғлик, эркаклик белгиларини ифода этади) → Инь, яъни универсал, диалектик тарзда ифода этади. Шунинг учун локал цивилизациялар мутлақ ўз қобиғида қолиб кетмайди, улар ташқи ва ички омиллар, айниқса илоҳий куч, Худо аралашуви таъсирида универсал хусусият касб этади. "А.Ж.Тойнбининг локал цивилизациялари ўзининг ритмлари билан тарихнинг умумий ритмини, унинг универсализмини тасдиқловчи тарих моделларидир. Локализация рад этмайди, балки универсализмнинг табиий таркибий қисми бўлиб келади"[1]. Шунинг учун А.Тойнби тарихнинг доимий континуитетлари ва локал цивилизацияларнинг барқарор парадигмаларини аниқлаб, уларнинг универсализм ва глобализация билан боғлиқлигини қайд этади.

А.Тойнби асосий диққатини локал цивилизацияларнинг генезисига қаратган бўлсада, у замонавий цивилизацияларда юз бераётган жараёнларни кузатишга, уларни тарихий жараёнлар билан қиёслаб "тарихий башоратлар" қилишга интилади. С.Хантингтон "маданиятлар тўқнашуви"[2] назариясини А.Тойнбидан олганга ўхшайди, чунки айнан А.Тойнби "цивилизациялар тўқнашувини" 60-йилларда башорат қилганди. Аммо у Ғарб билан коммунистик тузум ўртасида эмас, балки Ғарб билан Ислом дунёси ўртасида рўй бериши мумкин деб билганди. Кейинги йилларда Ғарб олимлари, сиёсатчилари "ислом омили" дунё тараққиётига жиддий, тўғрироғи, акс таъсир кўрсатиши мумкин деган хавотирли фикрларни билдирадилар. Аслида ислом цивилизацияси глобаллашув жараёнига таъсир этмай қолмайди, чунки Ғарбнинг ўзи ислом дунёсини ўз кетидан эргашишга ундаган эди. Бундан ташқари Хитой, Жанубий Корея, Япония каби давлатларнинг глобал ҳаётга ўтказаётган таъсирини ҳам унутиб бўлмайди. Хуллас, Ғарб (АҚШ, Европа) цивилизацияси ва Шарқ (Осиё, ислом) цивилизацияси генезиси, парадигмаси, ўзаги нуқтаи назаридан локал белгиларга эга бўлсада, улар ўртасидаги маданий-гуманитар интеграция ҳам рўй бераётганини кўрмаслик мумкин эмас. Албатта, бу жараёнлар иқтисодий ва информация омиллари таъсирида янада чуқурлашади.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИДА ДИНЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

***Муҳамедов И. – тарих фанлари номзоди, ТИУ***

Жаҳондаги аксарият мамлакатлар кўп миллатли ва турли динли бўлгани каби Ўзбекистон ҳам шундай давлатлар қаторига киради. Унда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик каби умуминсоний қадриятлар ўзининг чуқур илдизларига эга.

Ўзбекистон илк диний тасаввурлар юзага келган энг қадимий ўлкалардан бири эканлиги қатор тарихий манбаларда қайд этилган. Ўлкада қадим замонларданоқ зардуштийлик, буддизм, яҳудийлик, насронийлик каби мураккаб идеологик тизимга эга динлар тинч-тотув фаолият олиб борганлар. Тешик-Тош горларидаги қадимий қабрлар, Фаёз ва Қора-Тепанинг буддавийлик топилмалари, Далварзинтепа ва Суғдиёна қолдиқлари, ҳозирда француз ва япон

[1] Тойнби А.Дж. Цивилизация перед судом истории. //Суд истории как поиск истины. Сборник. – М.: Рая[illegible], 2002. –С.6.
[2] Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ, 2005.

археологлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар натижалари бунинг яққол далолат беради[1].

Дарҳақиқат, халқимизга азалдан хос хислат – бағрикенглик, толерантлик бир зумда пайдо бўлган эмас, у биз учун анъанавийдир. Ўзбекистоннинг диний тарихига қисқача назар ташласак, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди инсонларда илк диний тасаввурлар ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимги ўлкалардан бири эканига гувоҳ бўламиз. Тош асрининг ўрталарида аждодларимиз орасида турли ҳайвонлар ва Қуёшга топиниш, кейинроқ фетишизм, анимизм, афсунгарлик (магия) тарқалди.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддавийлик ҳам муҳим ўрин тутади. Бухоро шаҳрининг номи ҳам "вахара" – буддавийлар ибодатхонаси номидан келиб чиққан, деган фикрлар ҳам буни тасдиқлайди. Кушон ва Эфталитлар давлатлари даврида Ўзбекистон ҳудудига бевосита Ҳиндистондан буддавийлик кириб келди ва кенг илдиз отди. В.Литвинскийнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда "ҳунарманднинг хонадони ва чорикорнинг кулбасигача будда дини кириб борганди"[2].

Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишка (I асрнинг охири – II асрнинг бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, Канишка зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарама) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган.

XX асрнинг бошларида Амударёнинг ўнг қирғоғида буддавийликка мансуб кўплаб қимматбаҳо металлар – олтин ёки кумушдан ясалган кўп сонли тангалар, ҳайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликлар топилган[3].

Халқимизда толерантлик ва муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатган турли динлар маданияти бўйича изланишлар олиб бораётган япон олими Като фикрига кўра Сурхондарё воҳасида аниқланган ноёб Будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари юртимиздаги ислом обидалари билан бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Юртимиз ҳудудида зардуштийлар билан бир қаторда буддавийликка эътиқод қилувчилар ҳам яшаганлар. Милоднинг биринчи асрларидан бошлаб, Самарқанд ва Бухорога кириб келган яҳудийлар жамоалари вакиллари ҳозирга қадар ўз динларига эркин эътиқод қилиб келмоқдалар[4].

Ўзбекистонда исломдан олдин мавжуд бўлган динлар қаторида Шом (Сурия) ва Эрон орқали кириб келган христиан динининг несториан мазҳаби сезиларли ўрин тутган. Христиан жамоалари гуз, тўққизўғиз каби баъзи кўчманчи турк қабилаларининг вакилларини ҳам ўз ичига олган. Академик В.Бартольднинг фикрича, VI асрда Самарқандда христиан епископи ва бевосита араблар келишидан олдин эса митрополити бўлган. Ҳозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудида ҳам христиан динига мансуб аҳоли мавжуд эди[5].

Илмий адабиётларда Марказий Осиёга христианлик III асрларда кириб келган деб талқин қилинади. Бу Эронда мазкур дин вакилларининг таъқиб қилиниши ва уларнинг бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши билан боғланади. Эрон

---

[1] Қаранг: Дёрманн Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 10-12, 56-60.
[2] Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 101.
[3] Қаранг: Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 30.
[4] Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 69.
[5] Бартольд В. Сочинения. - М., 1996. Т.6. – С. 105.

шоҳи Шопур I (241 – 272 йиллар) асир олинган Рим аскарларини шарқий ерларга жойлаштирган. Улар орасида насронийлар ҳам бўлган. Баъзи ёзма манбаларда 334 йилда Марвда епархия фаолият кўрсатгани қайд қилинади. Бу Марвда христианларининг 334 йилдан аввалроқ пайдо бўлгани ва йирик жамоалари шаклланганидан далолат беради.

Умуман олганда, VIII асрда Мовароуннаҳрга кириб келган ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришиши юз берди[1]. Мовароуннаҳр халқлари ислом динига маҳаллий ахлоқ ғоялари, ҳуқуқий меъёрлари ва урф-одатларини олиб кирдилар. Мовароуннаҳрда бу ҳолат исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига сабаб бўлди. Ўша вақтга келиб минтақада шаклланиб улгурган қулай бағрикенглик муҳитида бу тасодифий ҳодиса эмас эди.

Ислом дини барқарор бўлганидан, то шу бугунги кунгача, Ислом дини кенг ёйилган мусулмон давлатларида бошқа ҳақ динларга ҳам бемалол йўл берилган. Улар черков, синагогаларига кириб, ибодатларини бемалол қилаверганлар. Ҳатто, уларнинг мол-у жонлари давлат ҳимоясига олинган.

Тарихий манбаларда ўтмишда Ўзбекистонда диний муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмаганини қайд қилинади. Бундай ҳолатни ҳозирги Ўзбекистондаги ислом, христиан, яҳудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай дўстона муносабатлардан хулоса қилиб, Президент Ислом Каримов: "Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигуликдир"[2], дея воқеликни аниқ кўрсатиб берди.

## ГИЛОНИЙ МУРОСА ФАЛСАФАСИ ХУСУСИДА

*Наврўзова Г.Н. – ф.ф.д.,*
*Юнусова Г. – ф.ф.н., БухОО ва ЕСТИ*

Муросали ҳаёт тарзи ҳақида мутасаввифлар, инчунин Ғавсул Аъзам – Буюк Сакловчи, Пири Дастгир номлари билан машҳур Абдулқодир Гийлоний (1078-1167) ҳам тафаккур қилиб, бунёдкор ғояларини ёзиб қолдирган. У кишининг ҳам ризо тушунчаси ҳақида фикр юритган ва у ҳам нақшбандия ғояларига таъсир этган.

Биз Абдулқодир Гийлонийнинг "Фатҳур Раббоний вал-Файзур Раҳмоний", яъни "Раббонийлик ва Раҳмоний файзни фатҳи" асари асосида буюк мутасаввифни ризо ҳақидаги ғояларига тўхталмоқчи эдик. Ғавсул Аъзамнинг бу асари Тошкентдаги "Мовароуннаҳр" нашриётидан 2005 йилда биринчи томи, 2006 йилда иккинчи томи самарқандлик уламо аҳлидан Муҳаммадкарим Нуриддин, Олимхон Юсуф, Аброр Абдулазим, Абдулбоқи Азимлар таржимасида "Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш" номи билан нашр этилди. Бу китоб олтмиш саккиз мажлисдан иборат бўлиб, таржимонлар эллик мажлисини чоп этганлар.

Бутун тасаввуф аҳли каби Ғавсул Аъзам борлиқни илоҳий моҳиятга эга эканлигини ва у жуда ҳам мукаммалликда яратилганлигини тан олади. Шунинг учун борлиқдаги мукаммаллик, мутаносибликка мос, уйғун ҳаракат тўғри, эзгу, яхши иш деб қаралган. Ғавсул Аъзам ўз асарларида бутун илоҳий моҳиятга мос, мувофиқ яшашни борлиқдаги барча тизим ва структураларни ўзаро уйғун яшаши деб англайди.

Ўз асарларида Гийлоний мувофиқ, уйғун, муроса, ризо каби тушунчаларни тез-тез ишлатади. "Солиҳ бандалар Унинг ҳузурида ихлос билан

---

[1] Қаранг: Дервиш Р.А., Лаптева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 10-12, 56-60.

[2] Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 102.

тавба қилиб собит турадилар. Қазои қадарга ўзингиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам мувофиқ бўлинглар. Азизлику хорлик, бойлику фақирлик, саломатлигу касаллик ва яхши-ёмон нарсаларда Ундан рози бўлинглар"[1] деб ёзади Ғавсул Аъзам. Бу иқтибос унинг норозилик гуноҳни келтириб чиқаришини ва инсон ундан қайтиб, тавба қилиб рози бўлиб, борлиққа уйғун, муроса билан ҳаракат қилиши зарурлиги, бунинг учун қазои қадарга мувофиқ бўлиш кераклиги нуқтаи назарини ёритади.

Дарҳақиқат, инсон ўз-ўзини яхши англаса, ўзида берилган имкон, ақл-идрок, фаҳм-фаросат, интилиш ва лаёқатни сезса жамиятдаги ўрни ва ўз вазифасини билади ва шунга мос ҳаракат қилади. Розилик муросаю мадорани, у бўлса хотиржамлик ва сокинликни келтириб чиқаради. Норозилик, ўзига мос бўлмаган нарса ва ҳодисаларга интилиш муросасизлик, низо, жанжал, урушни келтириб чиқаради ва инсонлар ҳаловати бузилади. Ўз-ўзини англамаслик, билмаслик ва муросасизлик инсонга турли изтиробларни ва бу изтироблар ёмон ҳис-туйғулар: ғазаб, нафрат, ҳасад, жаҳл, рашк, умидсизлик, кибру ҳаволарни уйғотиб, инсонни ўз нафсининг қурбонига айлантиради. Шунинг учун Ғавсул Аъзам ёзади: "Аллоҳ таоло тортишувчи ва жанжалкаш билан дўст бўлмайди. Балки у гўзал хулқли, зоҳири ва ботини хотиржам, тўғри, софдил кишига ҳамроҳдир. Қадарга рози бўлган ҳар бир кишига Аллоҳ таолонинг ҳамроҳлиги доимий бўлади"[2].

Ғавсул Аъзам Аллоҳга мувофиқ бўлишга, унинг сизга ва бошқаларга нисбатан феълларига рози бўлишга чақиради. Аллоҳга мувофиқлик деганда у тор доирадаги боғланишлардан узилиб, энг олий ҳаддаги умумборлиқ мингёсидаги зотга боғланиш ва бутун борлиққа юқоридан назар қилиб, меҳр-муҳаббатли бўлишни тушунади. Инсонлар кўпинча ўз мансаблари, мавқеалари, одамларнинг уларни ҳурмат-иззат қилиши, пул, мол-дунё, оила-фарзанд ва бошқаларга боғланиб, тор доирада ўйлайдилар. Оллоҳга мувофиқлик ёки унга боғланиш бутун миллатларни бу зот яратгани, барча динлар, уларнинг пайғамбар, валийи, муқаддас китоблари унинг изни билан бўлганлигини англашга ва уларни ҳурмат қилишга, улар ҳам яшаш ва мавжудлик ҳуқуқига эга бўлишини тушунишга олиб келиб, тинч-тотувлик, бағрикенгликка асос бўлади.

Ғавсул Аъзам бутун борлиққа мувофиқлик билан ҳаракатга хилоф ишни нафс деб айтади. Дарҳақиқат, инсон тана ва руҳнинг уйғунлигидан иборат. Тана истаклари нафсни туғдиради. Уларни меъёрдан ортиши баднафслик, бахиллик, жоҳиллик, зулм, хиёнат, мунофиқлик, риёкорликка сабаб бўлади. Абдулқодир Гийлоний "Агар нажот истасанг, Раббинг азза ва жаллага мувофиқ бўлиш орқали нафсингга хилоф иш тут. Унинг тоатига мувофиқ бўлиб, осий бўлишдан сақлан"[3], дейди. Бу билан бутун борлиқ доирасидаги илоҳий мувофиқлик инсонни имонлилик ва бандалик каби улуғ мақомга етказиб, эзгу иш бўлса, нафсга мувофиқлик эса тор доирада ўйлаш, номутаносиблик, номукаммалликка олиб келади ва исён ва осийликка сабаб бўлиб, инсонни тубанлаштиради деган ғояни илгари суради.

Ғавсул Аъзам бутун махлуқотни уч турга бўлади: фаришта, шайтон, инс. "Фаришта бутунлай яхши, шайтон бутунлай ёмон. Инсда эса яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам аралаш. Агар яхшилик ғолиб келса, фаришта қўшилади, агар ёмонлик ғолиб келса шайтон билан танишади"[4], деб ёзади Гийлоний.

Ғавсул Аъзам "Машғуллик ила фориғлик" шиор билан бутун ҳолатда Оллоҳдан огоҳ бўлишга, яъни ҳар бир амални бутун борлиқ учун эзгу бўлишига эътибор бериб қилишга чақиради. У бирор иш билан машғуллик сизни аслдан фориғ этмаслиги лозим дейди. Сиз мансаб, пул, мол-дунёга машғул бўлиб,

---

1 Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва Раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. /Масъул муҳаррир Тўлқин Исо ўғли. Т.:Мовароуннаҳр, 2005. 43-бет.
2 Ўша асар. 45-бет
3 Ўша асар. 91-бет
4 Ўша асар. Иккинчи китоб. Т.: Мовароуннаҳр. 2006. 124-бет

ёлгон, макр-хийла, омонатга хиёнат килганингизда Раҳмонни унутиб, шайтон йўлига ўтасиз. Бу эса номақбул ҳаракатлигини Ғавсул Аъзам таъкидлайди. Ғавсул Аъзам ўз асарида "Одамларга муросаю мадора килиш ҳам садақадир" деган ҳадисни келтириб, сахий бўлишга. Оллоҳнинг сизга килган икромилари уларни ҳам баҳраманд этишга чақиради. Одамларга меҳрибонлик ва юмшоқлик туфайли инсон хулқи илоҳий сифатни эгаллаши ва натижада инсон илоҳий моҳиятга мувофиқ бўла олишини буюк мутасаввиф таъкидлайди. "Мувофиқлик муҳаббат шартларидандир. Мухолифлик эса душманлик шартларидандир"[1], деб, Ғавсул Аъзам тақдирдан рози бўлишга чақиради. Ғавсул Аъзам инсоннинг зоҳирини ботинига, дилини тилига, амалини илмига мувофиқ, уйғун бўлиши лозим деб, риё, мунофиқлик. сохталикдан инсонларни саклаш лозим дейди.

Мувофиқлик, уйғунлик, муросадан чекинганда, гуноҳ юкларидан қутулиш учун мутасаввиф таъба килишни тавсия беради.

## МУҲЙИДДИН ИБН АРАБИЙ ТАЪЛИМОТИДА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР


*Болтаев А – БухДУ, сиёсий фанлар номзоди,*

*Болтаева Г. – Ғиждувон тумани, 29-сон ўрта мактаб ўқитувчиси*


Муҳйиддин ибн Арабий яратган таълимот ва назариялар ҳозирги кунгача инсониятни ҳайратга солиб, тўхтовсиз ўрганиб келинмоқда. У ёзган асарлар дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Унинг ижодига таъсир этган бирламчи омил шубҳасиз. давр хусусиятлари бўлиб, ўзининг турли ижтимоий-сиёсий жараёнлари тезлашган давр эканлиги билан характерланади.

Андалусия[2] ўша пайтларда муробитлар (араб. – работда яшовчилар) сулоласи қўлида бўлиб, давлат ва ҳукумат ишлари уларнинг диний-сиёсий иродаси асосида бошқарилар эди. Шимолдан насронийларнинг салибчилик ҳаракатлари бошланган эди. Ана шу мураккаб сиёсий жараёнлар турли этносларнинг, диний эътиқод ва кадриятларнинг қурамалашувига сабаб бўлди. Табиийки, бунинг натижасида жамият орасида турли муаммолар вужудга келиб, ўз ечими учун тарихий заруратни юзага келтирди.

Борлиқни идрок этишнинг насронийча, мусулмонча акидалари ўртасида турли зиддиятлар бўлиб, уларни ўз навбатида икки томон вакиллари турли усулларда асослашга ҳаракат қилишар эди. Ибн Арабийнинг буюк хизмати шундан иборат бўлдики, у барча динлар, эътиқод шакллари, мазхаблар ва оқимлар учун умумий қолипга эга бўлган оламни идрок этишнинг янгича «ваҳдату-л-вужуд» назариясини таклиф қила олди. Унинг «ваҳдату-л-вужуд» тўғрисидаги ақидаси табиийки, тўла маънода эътирофга сазовор бўлди деб айтиш қийин. Бу назария ўз замондошлари ва ундан кейинги давр олимлари ўртасида қаттиқ тортишув ва мунозараларга ҳам сабаб бўлди. Бу назарияни тушунтиришда айримлар борлиқни ботиний англаш десалар, баъзилар уни диндан чиққанликда айбладилар. Бу айбловга асос қилиб унинг «Муназзаҳ (пок) Ҳақ мушаббаҳ (ўхшаш) халқдир», «Олам Аллоҳнинг сурати ва ҳувийяти (ўзлиги) дир», деган қарашларини асос қилиб олдилар. Унинг энг катта танқидчиларидан ҳисобланган Ибн Таймия ҳам уни маълум маънода эътироф этади ва дейди: «Дарҳақиқат у ваҳдатул вужуд ҳақида гапирган сўфийлар ичида Исломга энг яқинидир. У зоҳир ва мазоҳирни, амр ва наҳйни, шариатни тўғри фарқлай олган. Ўз сулукида ахлоқ ва ибодатни машойихлар буюрганидек буюрган».[3]

Ибн Арабийнинг ваҳдату-л-вужудни асословчи, юқорида келтирилган икки фикрига қарши бўлган ва диндан чиққанликда айбловчиларнинг кўпчилиги у Термизий, Муслим ва Бухорийларнинг саҳих ҳадисларини тўла ёд

---

[1] Ўша асар. 100 – бет.

[2] Ҳозирги Испаниянинг жанубий қисмидаги мухтор вилояти. Ер майдони 87,3 минг кв. км.

[3] Ибн Таймия. Мажмуату-р-расоил ва-л-масоил

олганлиги тўғрисида ўз даврининг энг машҳур ва эътироф этилган шайхлари Искандариялик Ибн Жавзий ва Дамашқлик Ибн Асокирлардан ижозат (диплом) олганлигини билар эдилар.

Ибн Арабийнинг ихлосмандлари икки шўъбага ажралади. Биринчиси уни ваҳдату-л-вужуд назариётчиси сифатида қадрласа, иккинчи шўъба эса уни илоҳий муҳаббат куйчиси сифатида эътироф этади. Унинг «Таржуману-л-ашвақ» («Шавқларнинг таржимони») номли девонини зоҳирий нуқтаи назардан ўқиганлар наздида Ибн Арабий Маккадаги мақоми Иброҳимда яшаган шайх Макинуддиннинг Нозим исмли қизига ошиқу беқарор бўлган инсон сифатида гавдаланади. Унинг ғазалларида қизнинг гўзаллиги мадҳ қилинади. Фикримизнинг исботи учун унинг қуйидаги ғазалидан парча келтириб, таҳлил доирасига тортамиз:

Таржимаси:
Қасалман, боиси – ул бодом қовоқ,
Эсласам, эзуниб қоламан шу чоқ.
Ўйин қароқ жонон ўз ҳарамида,
Гўзаллар ичида гўзалликда тоқ.
Кўзларга қуёшдек порлоқ кўринар,
Ботса, жилва: уфқидан чиққай, бироқ
Қасамки. У менинг кафтимда омон
Ўтлаб юрган кийик – кетмасдан йироқ.
(Таржималар бизники – А. Б.)

Мазкур ғазалдан англашиладики, унинг муаллифи қайсидир бир гўзалга ошиқ бўлган. Унинг васфини қилмоқда. Агар яна муаллифнинг ўзига мурожаат қилинса, бу ғазал илоҳий муҳаббатнинг рамзи эканлиги маълум бўлади. Унда ишлатилган ҳар бир сўз мажозий маъно касб этишлиги аёнлашади. Жумладан, муаллиф ўзининг ҳар бир сўзи муайян маъно касб этишлигини таъкидлаб ёзади:

Таржимаси:
Неки айтсам барчаси маънога кон,
Ул хароботу ё каср ёки макон.
Ё аёллар ёки сийна ёки қиз,
Ёки юлдуз ё санамдир ё жаҳон.
Барчаси қудсий сифатлардан эрур,
Унда ҳамма росту ҳақ сўзлар ниҳон.
Хотирингдан кетказ ул зоҳирни сен,
Боқкин, ул ботин билан бўлгай аён.

Ибн Арабийнинг шу ва шунга ўхшаш фикр ва ғоялари тўғрисида ҳозирги мусулмон уламолари ҳам икки фирқага бўлинганлар. Мусулмон уламолари ҳал этолмаган мазкур муаммони Ғарб шарқшунослиги ҳам ҳал этаолмади. XX асрнинг биринчи ярмигача унинг назарияларини таҳлил этишга ҳаракат қилган М. Асин Паласиос, Р. Николсон, Ҳ. Нюберг ва А. Афифий каби шарқшунослар уни исломий таълимотдан юлиб олиб, «насроний»лаштиришга ҳам уриниб кўрдилар[1].

Юқоридагилардан маълум бўладики, Ибн Арабий биринчилардан бўлиб, диний-ғоявий бағрикенглик ғоясини илгари суриб, инсон ва Илоҳ ўртасидаги мувофиқликни асослашга ва умуминсоний қадриятлар – яхшилик, муҳаббат ҳамда эзгулик тушунчаларини энг юқори даражаларда тараннум этишга интилдики, унинг таълимотидаги бу ғоялар ҳозирги кунгача ўз қимматини йўқотмаган.

[1] Ибн Араби. Мекканские откровения. Перевод А.Д.Кныша. Введение, стр. 8

# ФОРОБИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МЕЗОНЛАРИ ҲАҚИДА

*Хўжақулова М. – ТИУ аспиранти*

Фуқаролик жамияти деб комилликка интилувчи фуқаролардан, сиёсий маданиятга эга, ахлоқий жиҳатдан юксак, маънавий бой инсонлардан ташкил топган уюшмага айтилади. Сўнгги йилларда инсоният тарихида ҳуқуқий жиҳатдан юксалган давлат ёки демократик давлат сари интилиш кучаймоқда. Аммо демократияни ҳамма бирдай тушунмайди, умуман олганда демократиянинг ягона андозаси ёки битта қолипи йўқ. Аммо шунга қарамай давлатдаги барча фуқаролар тенг ҳуқуқли, касбга эга бўлиши ва шу касби орқали ишлай олиши, виждон эркинлиги каби қонунларга амал қилиши шарт. Демократик жамиятда барча қонунлар инсон манфаатлари йўлида хизмат қилиши шарт. Улар муайян инсоннинг эҳтиёжлари, ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилган бўлиши лозим. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик мукаммал бўлса, жамият ва давлатнинг вазифалари шунчалик аниқ ажралиб туради.

Абу Наср ал-Форобийнинг Фозил шаҳри бугунги кундаги демократик жамият ёки фуқаролик жамиятининг орзуси эди. Ал-Форобийнинг "Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида" номли рисоласида: "Бахт-саодатнинг мақсади ва унга олиб борувчи йўлнинг ўзи ҳам бахтдир, саодат эса бениҳоя гўзалдир. Бахт-саодат ва гўзалликнинг барчаси инсонийликнинг ички туйғуларидан ва ихтиёрий амаллардан келиб чиқади... *Жаҳондаги адолат ва тартиб тимсолидаги хайр.* Биринчи сабаб (Худо)дан зарурий равишда нима келиб чиққан бўлса, яъни барча яратилган нарсалар ва ҳаётнинг юқори поғоналаридан тортиб қуйи поғоналаригача босиб ўтилган барча босқичлар, бир-бирларига занжир каби боғлиқликда бўлиб, адолат тартибининг гўзаллиги ва хайрлилигидан гувоҳлик беради. Дунёда шарр (ёмонлик) учун яратилган зарурий эҳтиёж йўқ. Илоҳий дунёда эса шарр умуман йўқ. Мавжуд дунёдаги шаррнинг келиб чиқиш манбаси фақат инсон иродасидир. Борлиқдаги барча нарсалар аслида хайрлидир. Шарр келиб чиқиши мумкин бўлган манба фақат ва фақат инсон иродасидир, холос"[1].

Мустақил Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган қонунлар умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга, тарихий анъаналарга суянган ҳолда қабул қилинмоқда. Жамиятда бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, диний муаммоларнинг юзага келиши табиий ҳолат. Бундай хатти-ҳаракатларни халққа етказишда тўртинчи ҳокимият, яъни ОАВнинг ўрни катта. Демократияни таъминланишида ОАВ етакчи ҳисобланса-да, аммо бугунги кунда улар ўз ўрни, бурчи ва вазифаларини тўлақонли адо эта олмаяпти. Шунингдек, партияларнинг кўп сонли бўлгани маъқул, аммо уларнинг дастурларининг ўхшашлиги, уларнинг фаолиятлари деярли сезилмаётганлиги фуқаролик жамиятининг мустаҳкам бўлиши учун салбий таъсир қилади ва қилмоқда. Фуқаролик жамиятида қонун барча учун баробар бўлиши таъминланган бўлиши шарт. Ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситилишига йўл қўймаслик, ҳатто озодликдан маҳрум қилинган инсонларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш зарур. Бунинг учун барча фуқаролар қонунларга амал қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир[2].

Инсон яралибдики, у ҳаётида дин ҳамиша долзарб бўлиб келган. Дунёдаги динларнинг барчаси инсонни эзгуликка, ўз-ўзини ўлдиришга қарши (буддизмдан ташқари) курашда фикрлар билдириб, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларни тарғиб этади. Нафақат фуқаролик жамияти, балки умум

---

[1] Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. М.Қодиров. –Т., 2002. 17-б

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., 1997. 192-б

жамиятнинг хеч бири дин ва эътикодсиз яшай олмайди. Бугунги кунда эзгу гояларни нафакат мусулмонлар ўртасида, балки бутун инсоният орасида тинчлик ва баркарорликни саклаш учун ва уни мустахкамлаш учун харакат килинаётганлигини кўрмокдамиз. Диёримизда кадимги даврдан бугунги кунгача бир канча динлар хукмронлик килган: зардуштийлик, оташпарастлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик, маздакийлик ва ислом динларига эътикод килувчилар бўлган. Хозир Ўзбекистонда виждон эркинлиги конуни амал килмокда. Юртимизда ислом, насронийлик, католиклик, православ, яхудий, будда динига эътикод килувчилар истикомат килмокдалар. Шу ўринда айтиш жоизки, уларнинг барчаси Ватанимизда инок, тотув ва ахил яшамокдалар. Уларнинг масжид, черков, ибодатхона ва шу каби мукаддас жойларда бемалол диний расм-русумларини адо килмокдалар. Хар бир давлатда толерантлик мавжуд бўлиб, тинчликни саклаш долзарб масалалардан хисобланади, бунга виждон эркинлиги конунининг амал килишини хам сабаб килиб курсатиш мумкин. Уларнинг орасида хеч кандай можароларнинг бўлмаётганлиги хам толерантлик борасида катта фаолият олиб бораётганлигимиз, тинчликни тўлаконли таъминлай олаётганлигимиздан далолатдир.

Хозирда Ўзбекистонда 16 дан ортик конфессиялар ўз фаолиятини олиб бормокда. Фукаролик жамиятини шакллантиришда конунларни амалга ошириш демократик дунёвий давлатни куриш учун замин хисобланади. Фукаролик жамиятида хар бир фукарога эрк берилади хамда иктисодий, сиёсий, ижтимоий каби сохалар бўйича конунлар кабул килинади, яъни хар бир шахснинг такдири устида бош котирилади. Адолатли жамият бўлиши учун инсон манфаатларини мухофаза килиш зарур. "Инсон хукуклари бизнинг жамиятимизда конунлар билангина эмас, балки халкнинг ўз онги, унинг ахлокий тажрибаси, мехр-шафкати ва сезгирлиги билан хам мустахкамланади"[1], деган эди Юртбошимиз.

Ал-Форобий: "Конунларни жорий этиш учун хаёт тажрибасига эга ва хуш хулкли одамларни жалб этиш керак, аммо асло бу ишга гўл ва жохил одамларни кўшмаслик даркор"[2], - дейди.

"Энг катта жиноят – рахбар шахс томонидан килинган жиноятдир", – деган эди ал-Форобий. Агар шу каби иллатларга чора кўрилмаса, жамиятда бош-бошдоклик хукмронлик килади.

Умуман олганда, жамиятда дин маданиятнинг ажралмас кисми хисобланса-да, аммо унга сиёсатнинг баъзи жихатлари таъсир этиши натижасида кўплаб тушунмовчиликлар келиб чикади. Бундай холатни бартараф этиш учун адолат, садокат, фидойилик мезонларига амал килиш шарт, деб белгиланиши жоиз.

Президент Ислом Каримов, "Инсоннинг энг устувор ва мукаддас хукукларидан бири – бу тинч яшаш хукукидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу хукукни барча конуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу хукукни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг мухим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади"[3], – деб кайд килган эди.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т., 1996. 78-б.
[2] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т., 1993. 39-б.
[3] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т., 1996. 79-б.

# МАХДУМИ АЪЗАМ ТАЪЛИМОТИДА ИЖТИМОИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

*Зоиров Э.Х. – ф.ф.н., Бух.ОО. ва ЕСТИ*

Нақшбандия тариқати аҳли ижтимоий ҳаётдан узоқ турган эмас. XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқати ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат "ихтилот" сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, борди-келди, мулоқот, суҳбат, машварат, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган.

Бундай анъаналар Марказий Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида юз берган Уйғониш даврининг кейинги босқичи (XIV-XVI асрлар) диёримиздан етишиб чиққан йирик мутасаввифлар Хожа Аҳрори Валий (1404-1499), Муҳаммад Қози (1447-1516), Махдуми Аъзам каби мутасаввифлар томонидан давом эттирилди ва янги ғоялар билан бойитилди.

Нақшбандия шайхлари ишлаб чиққан сиёсий таълимотлар орасида Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Махдуми Аъзам ҳукмдорларга: "Агар подшоҳ одил бўлса, унинг қарамидаги раъият уни васф қилур, агар золиму нодон бўлса, ўз фуқаросига ҳамда ўз бошига жабру зулматлар келтирур",[1] деб йўлланмалар берар эди. Яъни, у давлат раҳбарлари адолатли, виждонли, қалби пок, талабчан, тадбиркор, ўткир зеҳнли, ақл-заковатли, узоқни кўра биладиган киши бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаган. Шунингдек, пайғамбаримизнинг "бир соатлик адолат олтмиш йиллик нафл ибодатдан афзал" мазмунидаги ҳадисини эслатиб, давлат раҳбарлари ҳамиша адолат тарозисини ҳар ишда, ҳар доим қўллашлари лозимлигини уқтиради, одилликни давлат мустаҳкамлиги, умрбоқийлиги ва равнақининг асоси эканлигини баён қилади. Бу адолатнинг ибодатдан афзаллигини, мўмин-мусулмон адолат тантанаси учун интилмоғи лозимлигини қайд этишдир.

Шу тарика, мутасаввиф Хон деб адолатни, унинг мезони қилиб - ҳақиқат ва икки палласи деб **шариат ва тариқатни** кўрсатади. Адолат инсоният табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган қудратли маънавий кучга эга бўлган ғоядир.

Махдуми Аъзам давлат арбобларини Аллоҳнинг ердаги сояси, олимлар Аллоҳнинг огоҳлигидан далолат берувчи кўзгуси, улар Аллоҳнинг гўзаллигини кўрсатувчилар бўлиб, уларнинг ҳусни, унинг гўзаллигига далилдир, деб қуйидаги байтни келтиради:

Подшоҳон мазҳари шоҳии Ҳақ,
Олимон миръоти огоҳии Ҳақ.
Хубрўён мазҳари хубии ў,
Ҳусни эшон акси маҳрўйи ў.[2]

Мазмуни:

Подшоҳлар Ҳақ шоҳлигининг мазҳари,
Олимлар эса Ҳақ огоҳлигининг кўзгуси.
Яхшилар Ҳақ яхшилиги мазҳари,
Уларнинг ҳусни Ҳақ ҳуснининг аксидир.

Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий таълимоти шуни кўрсатадики, халқнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг манфаатини ҳимоялаш учун турли воситалардан, инчунун сиёсий институтларнинг имкониятларидан ҳам унумли

---

[1] Хожагий Аҳмад Косоний. Зубдат ус – соликийн ва танбиҳ ус – салотийн // Тарж. Б Валихўжаев. – Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. – Б.59.

[2] Хожагий Аҳмад косоний. Зубдат ус – соликийн ва танбиҳ ус – салотийн // Тарж. Валихўжаев Б. – Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. – Б. 71.

фойдаланиш зарур. Мақсад юрт тинчлиги ва фаровонлиги бўлиши лозим. Бу таълимот миллий истиқлол мафкурасининг теран диний-фалсафий илдизларидан биридир.

Махдуми Аъзам фикрларининг ҳозирги давримиз учун ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, халқаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари устувор бўлган жамиятда ҳар томонлама мустаҳкам ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади. Бундай шароитнинг вужудга келиши эса, жамиятда иқтисодий ва маънавий равнақни белгиловчи омиллардан бирига айланади. Ушбу масалалар ҳозирги давримиз учун ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги шундаки, улар аввало юртимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга фуқароларни сафарбарликка чақирувчи бир ғоявий даъват бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан, диний фундаментализм ва терроризмнинг вужудга келишида ғоявий ва сиёсий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик хавфига қарши курашда ҳам кучли ғоявий қурол вазифасини ўташи мумкин.

## ҚАДРИ АБАДУЛ АБАД ТУШМАС ФАЗИЛАТ

*Бердиев М. – Бух ОО ва ЕСТИ*
*Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси*

Маънавият кенг қўламли ўлчов бўлса, бағрикенглик ундан кейинда бўлмаган инсон улуғлигининг, миллат буюклигининг намунасидир. Агар маънавият жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим кишиларнинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча бўлса, бағрикенглик ҳам инсонга хос фазилат демак, уни шакллантириш ва такомиллаштириш учун инсонни зоҳирий ва ботиний дунёсини бойитиш, эҳтимол ботинан Ҳаққа, зоҳиран Халққа яқинлаштирмоқ керакдир. Амир Темур таъкидлаганидек, «Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир».

Бугунги кунга келиб умуминсоний ва миллий маънавиятимиз қадр топмоқда. Инсонлар бир жамиятда, бир даврда ва ўхшаш шароитларда яшаётганликларига қарамасдан, у ёки бу нарсанинг қадрини турлича англайдилар. Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг қадриятлар тўғрисидаги тасаввурлари, қарашлари ўзгаради, бу эса тараққиёт жараёнида одамларнинг турмуш шароити, ҳаёти ва маънавий қиёфасида ўзгаришлар билан боғлиқдир. Масалан: Юртни ёв босганда – озодлик, мустамлакачиликдан сўнг – истиқлол, уруш даврида – тинчлик, беморлик даврида – сиҳат-саломатлик қадри ошади, уларга интилиш кучаяди.

Демак, инсон доимо ўзига ва ўзгаларга яраштулик қадриятлар асосида яшашга лойиқ ва у қадри абадул-абад тушмас мезонга интилади. Агар бу мезонни биринни бағрикенглик асосида давом эттирилса, ўзбек менталитетига хос ва мос қаноатлилик, одоб-ахлоқлилик, турли миллат, элат, ирқ, жинсдаги кишиларга илтифот кўрсатувчи, уларнинг урф одат, маросим, анъана тилига яхлит ахлоқий кодекс бўлиш, улардан яхшиликларни канда қилмаслик каби сифатлардир.

Бугунги глобаллашув шароитида инсонларда бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, бу борада таълим-тарбия шакл ва мазмунида ушбу ғояларни ёшлар онги ва шуурига етказиш маъносида ўзгаришлар киритиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Ёшларни эркин ва ижодий муҳитга ва бу муҳитда ўзини намоён этадиган турли-туманликка хайрихоҳлик руҳида яшашга ўргатиш умумий тарбиянинг муҳим қисми бўлиб келган, бу эса шахс эркинлиги, ҳуқуқи, ҳурфикрлилик, эркин ижод қилиш, маданий ва маънавий бойликлар яратиш ва улардан баҳраманд бўлиш каби меъёрларда акс этади.

Ёш авлодни умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқ этиб тарбиялаш барча таълим-тарбия бўғинларига бирдек тааллуқли бўлиб, унда инсонпарварлик, меҳр-оқибат, сабр-тоқат, маърифат, адолат, эътиқод, иймон, ҳалоллик поклик,

ўз-ўзини англаш, давлат тизимига ҳурмат, фукаролик бурчига садоқат, қонунларга итоаткорлик, мамлакат ҳаётида фаоллик каби фазилатлар мустаҳкамланиб борилса, аксинча локайдлик, бепарволик, сабрсизлик, масъулиятсизлик, ишончсизлик, ҳасад, кибр-ҳаво, ўзини англамаслик, адолатсизлик, иймонсизлик, беъманилик каби салбий ҳолатларга барҳам берилади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, бой маънавий маданий хазинага эга азиз ва табаррук заминимиз янгича тараккиёт боскичида бўлиб, ўзини кўз-кўз қилишга арзигулик, дунё тан олган мувоффакиятларни қўлга киритмоқда. "энг муҳими биз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга, демократик ва фаровон ҳаёт даражасига эришмоқчи эканмиз уни кимгадир ёқиш учун эмас, [illegible] учун эмас, аввало бизнинг ўзимизга, келажак авлодларимизга керак бўлгани учун қурмоқдамиз"[1].

## АМИР ТЕМУР МУРУВВАТИ

*Бадриддинова Н. – Бухоро Иқтисодиёт ва*
*Банк коллежи ўқитувчиси*

XIV аср тарихда шунчалик кўп саркардаларга бой бўлганки, бу [illegible] Европа ва Осиёда донги кетган соҳибқирон Амир Темур, ёшинда [illegible] шиддаткор турк султони Султон Боязид, Москванинг буюк князи Дмитрий Донской, Мўғул хонзодаси Тўхтамиш, Қирим хонлигига асос солган дорруғо Эдикур бир даврда яшаб тақдир иплари туташган. Бу ҳол Амир Темур ва Тўхтамишхоннинг ўзаро муносабатларида кўринади. Тўхтамиш 1376 йил Амир Темур ҳузурига паноҳ излаб келади. Меҳмондўст ва саховатли Соҳибқирон иззат-икром кўрсатиб, уни ўз мулозимлари сафига қўшади.

1377 йили Урисхоннинг набираси Кутлуғ Темур ва унинг мингбошиси Эдикур ҳам Соҳибқирон ҳузурига ёрдам сўраб келишган. Амир Темур [illegible] учаласига ҳам амир унвонини бериб, ўз қўшинига хизматга олади. Буларнинг учаласини ҳам душманга қарши урушга ишга солади. Оқ Ўрда хонини кучсизлантириш мақсадида Тўхтамишни унга қарши урушга юборади. Лекин Тўхтамиш ундан енгилади.

Темур яна унга омадини синаб кўриш учун имкон бериб, Кутлуғ Темур, Эдикул билан бирга Тўхтамиш Оқ Ўрдага бостириб киради ва Урисхон лашкарига дуч келиб, қаттиқ ярадор бўлиб, зўрға қутилади. Амир Темур қўшинлари ўртасида Тўхтамишхонга қарши кайфият кучаяди. Аммо Темур ажойиб саховат ва меҳмоннавозлик кўрсатиб, шахсан ўзи қўшинга бош бўлиб Урисхонга қарши уруш қилиб, Оқ Ўрдани олиб, у ерга Тўхтамишни хон этиб тайинлайди. Тўхтамиш ўз биродарлари Кутлуғ Темурни ва Эдикурни менсимай уларга илтифот этмайди. Шундан сўнг улар яна Амир Темур хизматига қайтиб келадилар. Тўхтамиш 1380 йили Олтин Ўрдани олади. Оқ Ўрда, Олтин Ўрда ва Москва босиб олган Тўхтамишхон, иштаҳаси очилиб Мовароуннаҳр [illegible] қарайди. Амир Темурдек валъи-неъмати берган ош-тузга тупуриб, унинг салтанатига ҳужум бошлади. Хазар денгизи соҳилидаги ғарбий вилоятларга бостириб кирган Тўхтамиш соҳибқироннинг Озарбайжонда юрганлигидан фойдаланиб Темурнинг ўғли Мироншоҳ қўл остидаги туманларга бостириб киради. Тўхтамиш қўшинлари енгилади. У Темур ҳузурига элчи юбориб соҳибқироннинг табиатини яхши билгани учун унинг олижаноблигини суиистеъмол қилган. Икки йилдан кейин-яна ҳужумни такрорлаганда, Сирдарё соҳилида мағлубиятга учраганда, яна ялиниб узур сўрайди. Темур бу гал ҳам кечиради. Лекин Тўхтамиш соҳибқироннинг саховатли, мурувватли характеридан бир неча маротаба фойдаланади.

---

[1] Каримов И. "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги куч қудратимизга халқимизнинг хамжиҳатлиги [illegible] букилмас иродасига боғлиқ". Тошкент, 2004.

Ёзим ривоят қилишларича, Темур Боязид билан бўлган жангда, Боязид мағлубиятга учрагач, уни кўл-оёкларини боғлаб олиб кирганда, Амир Темур кўз ёшини ўзини тия олмаган. Ўз ракибини олдига ўтказиб, «Боязид! Бахтсизлигингиз учун ўзингиз айбдор. Бу сиз эккан дарахтларнинг мевалари. Темур кўз ёшларини артиб ўз кароргохи якинида Боязидга хос чодир куришларини буюради.

Душманга бўлган бунчалик инсонпарварлик ва мехмонсеварлик саркардалар ичида факат Амир Темурга хос хислат эди.

Амир Темур доимо дўстликни улуғлаб келди. Унинг учун дўстликнинг хам гашти-латофати бор эди. Мехрибонлиги ва ширин-суханлиги билан дўст орттирди ва уларни дўст деб аташдан тортинмади ва дўстликни саклаб келди. Чунки Темур дўстлик факат дўстлик кайтарилишини, барча бойликлари харбийлар ёки хушомадгўйлар ёклаши учун хизмат килажагини яхши билар эди. Унинг такводор имом Баракага ихлос кўйгани, бу художўй одамнинг вафотини эшитиб, кўз ёш тўкиш-кудратли султон табиатига хос бўлган хислат эди.

Темурни Александр Македонский билан таккослаш мумкин деб ёзади Гаммер. Бу таккослаш унинг жасурлиги, фотихлик, инсонпарварликлари ва камсукумликларидаги ўхшашликка асосланади. Бундай олижаноб фазилатлар сохибкиронни умрини охиригача уни тарк этмади. Хозир хам бундай фазилатлар хар бир давлат рахбарига ўрнак бўлса, арзигулик фазилатлардир.

## БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ЯПОНЛАРГА МУРУВВАТИ

***Бадриддинов С. – Бух ОО ва ЕСТИ***
***Ижтимоий фанлар кафедраси доценти***

Совет хукумати йилларида ойнаи-жахон оркали ва кўчма лenталарда намойиш килинадиган бадиий ва хужжатли фильмлар асосан мустабид мафкура манфаатларига хизмат килар эди. Минтакамиз халкларига намойиш килинадиган кинофильмларнинг аксарияти «босмачилик» харакати ва иккинчи жахон уруши йилларидаги вокеалар тафсилотини баён килар, фильм бошида оғир ахвол хамда кийин вазиятда колган советлар, унинг сўнгида муваффакият ва ғалаба нашидасини сурарди. Кўп холларда эса тарихий хакикат бузиб талкин килинарди. Республикамиз истиклоли туфайли Ўзбекистон жахонга, жахон Ўзбекистонга юз бурди. Бир пайтлар Буюк ипак йўли оркали ўзаро мустахкам боғланган Шарк мамлакатлари билан асрий анъанавий алокаларимиз янгидан бунёд кўрила олди. Нафакат урф-одатларимизда, балки мусика санъатларимизда, кундалик турмуш тарзимизда, маданиятимизни барча жихатларида хамохангликмавжуд бўлган Япония, Жанубий Корея каби давлатлар билан хамкорлигимизнинг янги зархал харфлар билан битилган сахифалари очилмокда.

Истиклол йилларида хорижий мамлакатларнинг республикамиз ойнаи-жахонида ўнлаб телесериаллар намойиш килинди. Фильмлар оркали биз ер юзи турли минтакаларида истикомат килаётган халкларнинг хаёти, иктисодиёти, урф-одати, маданияти, ўзига хос психологик хусусиятлари кабилардан хабардор бўламиз. Бугунги кунга кадар намойиш килинган хорижий фильмлардан бирортаси Япониянинг «Ошин» хамда Жанубий Кореянинг «Киш сонатаси» каби телесериаллари каби хамманинг калбидан мустахкам ўрин ололмагани сир эмас.

Севимли рўзномамиз «Бухорономa»нинг ўтмишдоши бўлган «Бухоро ахбори» газетасининг 1923 йил сентябр сонларини варакларкан эканмиз, Япониядаги мисли кўрилмаган зилзила лахзалари тафсилотларидан гувох бўламиз. Зилзила туфайли «Токио, Якогама ва бошка шахарлар хароб бўлди. Токио ёнадур. Темир йўл, радио, телеграф бузилгон. Пойтахтдаги подшо саройи, театр, полиция биноси, дорилфунун, курол-ярог заводи, дори омбори, газета идоралари ва 20 минг кадар уй емирилди. Шахарга курукчилик ориши

бориладиган йўл кесилди... Сумигава дарёси тескари караб оқа бошлади».—деб ёзилади газетанинг 1923 йил 9 сентябрда чоп этилган 199-сонида. Японияда уйлар 1920-йилларга қадар чўп қозиқлар устида мустаҳкам қилиб ёгоч ва тахтадан бир қаватли қилиб қурилган. Ўша пайтда эндигина 3-4 қаватли уйлар қуриш расм бўлган эди. Ер силкиниши шу қадар юқори бўлганки, унга бир қаватли уйлар ҳам бардош бера олмаган. 2 миллион аҳолили пойтахт фуқаролари бошпанасиз қолган.

Маълумки, 1920 йилларда Совет Россиясининг Узоқ Шарк ҳудудида Чор Россияси зобитлари большевикларга қарши кураш олиб борган эди. Жумладан, адмирал Колчак, атаман Семёнов кабилар ҳарбий ҳаракатлардаги мағлубиятлардан кейин ўн минглаб сафдошлари билан хорижга ўтиб кетган. Шу сабабли Хитой ва Японияда 100-150 минг сонли «оқ муҳожирлар» яшаши билан боглиқ маълумотлар берилади. «Якогамада зилзила бўлгон вақтда рус муҳожирларидан атаман Семёнов бутун тарафдорлари билан ҳалок бўлган. Меркулов ҳам ҳалок бўлгондур, деб гумон қилинадур. Якогамада Россия телеграф агентураси ўлтиргон бино ҳам вайрон бўлгон» деб ёзади «Бухоро ахбори» ўзининг 1923 йил 14 сентябрдаги 201-сонида.

Японияда офатдан зарар кўрганларга жаҳон халқлари маънавий ва моддий дардлошлик кўрсатди. Жумладан, Бухоро халқи ҳам бу хайрли меҳр-мурувватдан четда турган эмас. Ўша давр матбуот органларини варақлар эканмиз, фикримизни исботловчи бир қатор далилларга дуч келамиз. Бухоро республикасида Япония меҳнаткашларига ёрдам бериш учун «иона тўплаш комиссияси» тузилди. Комиссия аъзолари бир йил давомида фаол иш олиб бордилар. Хабарлардан бирида; «23 сентябр Зирабод қишлоқ ячейкаси билан деҳқонлар иттифоқи аъзоларининг қўшма мажлисида Қайлани Оға ўртоқларнинг ҳозирги байналминал аҳвол ва Япониядаги фалокат тўғрисидаги маърузалари эшиттирилгандан сўнг мажлисда иштирок қилган 70 киши бир оғиздан Япония меҳнаткашларига ёрдам бермакни қарор бердилар» - деб ёзилганди. («Бухоро ахбори», 1923 йил 30 октябр 209-сон) 1923 йил сентябр ойида зилзила даҳшатини бошидан кечирган Ошин ва Ризо Танакура каби кекса ёшли аҳолининг асосий қисми оламдан ўтган. Лекин уларнинг фарзандлари ва набиралари бугунги кунда Японияни жаҳон шох супасидаги карвонбошчилик даражасига олиб чиқдилар. Аждодларимиз ўртасига маданий ва иқтисодий алоқалар, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, оғир дамларда дардлош бўлиш бизга азалдан мерос бўлиб қолди.

Мустақил Ўзбекистон моддий ва маданий тараққиёт пиллапояларида жадал кўтарилиб келаётганлиги бизни қувонтиради, кези келганда айрим йўналишларни таққослашни лозим топдик. Япония ҳудуди 372,2 минг кв.км. бўлиб, нуфузи 160 миллионга яқин. Ўзбекистонда 447,4 минг кв.км. майдонда 26 миллионли аҳоли истиқомат қилади. Юртимиз ер ости бойликларига бой, Япониядаги табиий бойликлар бизга нисбатан 5 фоизни ташкил қилади. Муҳожир ватандошларимиздан бири таъкидлаганидек, мамлакатимиздаги ер усти неъматларидан оқилона фойдаланилса, 120 миллион кишини боқиш мумкин экан.

Япониялик, фитратшунос олим Хисау Кумасу: «Сизда пахта, пилла, тилла, газ, ширин-шарбат мевалар, қовун, тарвуз бисёр, халқингиз меҳнатсиз туролмайди, шунинг учун юртингиз келажаги порлоқ» деганди.

Ўзбекистон Япония билан иқтисодий, сейсмологик, илмий-технологик соҳаларда кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Ишлаб чиқаришни замонавий технологик талаблар асосида йўлга қўйиш учун ўнлаб япон фирмалари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Япон кинорежиссёрларининг «Ошин» сингари таъсирли ва ҳақиқатга ҳамоҳанг телесериаллари халқларимиз ҳамкорлиги, моддий ва маънавий яқинлигини, тарихимиз бир-бирига узвий боғлиқлигини кўрсатиб турибди. XX аср 20-йилларида бухороликларнинг япон халқига кўрсатган мурувватн эса оқибатли ва дардлош бўлиш миллатимизга хос азалий одат эканлигини яна бир бор синовдан ўтказди.

# АБУ БАКР АР-РОЗИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

*Аҳмедов Б. – ТИУ илмий тадқиқотчиси*

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби миллий-маънавий меросимизга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Асрлар давомида халқимизнинг эътиқодини ўзида акс эттирган муқаддас динимиз асосидаги ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган маънавий бойлик изчил ўргана бошланди. Бу ҳақда президент Ислом Каримовнинг шундай фикрлари бор: «Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни қалбида сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик»[1]. Мана шу бой меросни чуқур таҳлил қилиб, ҳаётга татбиқ қилиш ва ўсиб келаётган янги баркамол авлод тарбиясида ундан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Замон ва маконга қараб вақти-вақти билан ўзгариб келган тафсир илми инсон тафаккури ривожланганида ҳамда дунёда янги-янги кашфиётлар кўпайган сари услуби ва ҳажми доимо ўзгариб келган. Ҳар бир илм арбоби ўзининг илмий салоҳиятидан ва давр талабидан келиб чиқиб, Қуръонни тафсир қилишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун турли даврларга оид фарқли мавзулардаги тафсирларни кўришимиз мумкин. Масалан, оятларни ҳадис орқали тафсир қилиш, тасаввуфий тафсир, фиқҳий тафсир ва ҳоказо. Фиқҳий тафсир деб, Қуръони каримнинг фиқҳий ҳукмларига, яъни ибодат ва муомалот жиҳатларига эътибор бериб, оятларни шарҳлаш ва улардан ҳукм олишга айтилади. Одатда, фиқҳий тафсирларда ҳукмий оятларга кўпроқ эътибор қаратилади. Манбаларда дастлабки фиқҳий тафсир сифатида Имом аш-Шофеъийнинг «Аҳком ал-Қуръон» тафсири кўрсатилади.

Ўз даврида ислом динига оид илмларининг маркази ҳисобланган Бағдодда таҳсил олган ва ҳанафий олимларнинг раҳбари лавозимига кўтарилган ҳамда умрининг охиригача бу вазифада қолган Абу Бакр ар-Розий Жассос ал-Ҳанафийнинг «Аҳком ал-Қуръон» асари ҳам бу соҳада ҳанафий олимлари томонидан доимо мурожаат қилинадиган энг мўътабар манбалардан бири ҳисобланади.

Абу Бакр ар-Розий (305/907-370/981й[2].) Рай шаҳрида дунёга келади. Рай шаҳри Аббосийлар даврида мусулмон оламининг илмий, тижорий ва саноат марказларидан бири ҳисобланган. Олимнинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Али ар-Розий, кунияси Абу Бакр[3] ва лақаби Жассосдир. У ўз даврининг энг машҳур ҳанафий уламоларидан бири бўлган. 20 ёшида Бағдодга кўчиб келиб, замонасининг энг кучли ҳанафий фақиҳлари – Абу-л Ҳасан ал-Кархий ва Абу Али аш-Шошийлардан таълим олган. Кейинчалик у ўз устозлари вазифасини бажарган ва 65 ёшида Бағдодда вафот этган.

Абу Бакр ар-Розийнинг тафсир илмига оид «Аҳком ал-Қуръон» асари Қуръони каримдаги ўзига хос ҳуқуқ тизимини ажойиб тарзда ёритиб берганлиги билан, бугундан кейин ҳам бу соҳада тадқиқот олиб борувчилар учун муҳим манба сифатида алоҳида ўрин тутади. Чунки, ушбу асар ҳанафий фиқҳи соҳасида энг илк асарлардан бири бўлишига қарамасдан ҳали тадқиқотчилар томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ал-Жассос ал-Ҳанафий эса, ўз даврида моҳир ҳуқуқшунос, мужтаҳид олим айни пайтда кучли муфассир ва муҳаддис ҳисобланган.

---

[1] Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 79

[2] Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълам. VIII жилдли. – Байрут: Дору-л-илм ли-л-малайин, 1998. – Б. 171

[3] Абу Муҳаммад Абду-л-Қодир ибн Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий, ал-Қураший. Ал-Жавоҳиру-л-музийа фи табақоти-л-ҳанафийа. II жилдли. – Ҳайдаробод: 1332/1913. – Б. 89

системе, что отразилось и в законодательстве колониального Туркестана. В этих условиях идет процесс приспособления норм шариата и адата к колонизаторской политике царизма, постепенного вытеснения местных обычаев и правовых норм царским правом. По инициативе царской администрации была предпринята систематизация норм шариата и адата в угоду колонизаторам, и в результате составлен ряд систематизированных сборников[1]. Они содержали нормы вещно-правового и обязательственно-правового характера и служили практически руководством для казийских и бийских судов Туркестана. Царизм не только вел курс на постепенное вытеснение норм шариата и адата правовыми нормами Российской империи (в частности, в сфере земельных отношений), но и стремился ослабить влияние феодальной верхушки, частично конфискуя мюльковые земли, ликвидируя привилегии мюлькдаров и облагая налогом вакуфные земли, тем самым пытаясь ослабить исламские традиции толерантность в этом контексте.

С 1 января 1887 г. вступило в силу Положение «Об управлении Туркестанским краем»[2], содержащее специальный раздел – «Поземельное устройство». Тем самым царская администрация пыталась упорядочить земельные правоотношения, но каких либо существенных изменений в этой сфере не было сделано. Согласно ст.255 Положения, за сельским оседлым населением утверждались на правах полной собственности и установленных обычаем основаниях те амляковые земли, которые имелись в его постоянном потомственном владении и пользовании. В Положении разъяснялось, что под амляковыми следовало понимать все находившиеся в пользовании населения мюльковые и государственные земли. Все свободные земли, а также дикорастущие леса, даже на землях, находившихся во владении коренного населения, по ст.257 Положения, признавались государственной собственностью. Что касается усадебных участков горожан в черте города, то в силу ст.269 Положения, они признавались собственностью городских жителей.

Земельные преобразования не упразднили института вакуфа и вакуфной собственности на землю, хотя ст.ст.265-267 Положения установили определенные ограничения норм шариата в области вакуфного землепользования. Населенные земли, входившие в состав признанных правительством вакуфов, оставались во владении сельских обществ, а ненаселенные земли, составлявшие признанные правительством частные вакуфы, сохранялись за теми лицами, в пользу которых эти вакуфы были учреждены. Таким образом, на радикальные шаги в отношении вакуфов царское правительство не решилось, а лишь приняло меры к ограничению существующих вакуфов и ставило преграды дальнейшему развитию этого института. Так, государственному поземельному налогу не подлежали только «вакуфные ненаселенные земли»[3], а учреждение новых вакуфов допускалось с разрешения губернатора края, если он признавал доводы просителя «заслуживающими особого уважения»[4].

Положением 1886 г. все земли в пределах Туркестанского генерал-губернаторства признавались находящимися: а) на праве государственной собственности; б) на праве частной собственности. К частнособственническим относились: а) земли, приобретенные по купчим крепостям и другим законным актам; б) участки земли в городской черте, отведенные жителям городов; в) земли мюльки – хурри-холисс, если они состояли в непосредственном

---

[1] Шариатные статьи о правовых отношениях мусульманского населения Туркестанского края (Ташкент, 1910) и «Опыт систематического изложения главнейших начал шариата, применяемых ныне в коренных областях Туркестанского края, составленный ревизионной комиссией К.К.Палена с участием местных законоведов» (Ташкент, 1914).

[2] Положение об управлении Туркестанским краем. - Ташкент, 1911. С.54-57

[3] Там же, ст.ст.285/38, 285/41, 285/53.

[4] Там же, ст.266.

пользовании владельцев и не были заселены посторонними лицами и обществами, г) признанные царским правительством населенные и ненаселенные вакуфные земли. Все прочие земли объявлялись собственностью государства. Таковы были земельные отношения в прошлом в среде коренного населения колониального Туркестана, отражавшие то сложное состояние, в котором оказались некоторые традиции исламской толерантности в колониальный период.

# АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИДА ГЛОБАЛЛАШУВ УНСУРЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

***Айматов А. – СамДУ тадқиқотчиси***

Ижтимоий-сиёсий воқеалар, фалсафий-эстетик қарашлар макон ва замонда туташиб, ўзгариб туриши мумкин. Чўлпон сингари буюк сиймолар эса ўзининг ҳайкалдай монолит ва изчил дунёқарашини кўрсатувчи ранг-баранг бадиий образлари, маҳорат жилолари билан абадий гавдаланади. Дарҳақиқат, у романтик кайфиятдаги жўшқинликни ҳам, фожеавий кайфият силсилаларини ҳам баравар ифода эта олган, туйғуси сел шоир эди. Унинг севгисининг ҳам, қаҳрининг ҳам, қувонч шодлигининг ҳам чегараси йўқ.

Бундай камолотга Чўлпон бирданига эришгани йўқ. У ўз даврининг илғор кишилари билан, Шарқ поэзиясининг инсонпарварлик руҳидан баҳраманд бўлган ҳолда чинакам маърифатпарвар, эрксевар ижодкор даражасига кўтарилди. Чўлпон ижодининг ғоявий-бадиий асослари, шоирнинг эстетик қарашлари, поэзия ва насрининг ўзига хос хусусиятлари, услубий қирралари XX асрнинг бошларидаёқ глобаллашув учун замин яратганини мантиқан таҳлил қилган ҳолда англаш мумкин.

Абдулҳамид Чўлпоннинг дастлабки саводи эски мактабда чиқади. У яшаган даврда Туркистонда рус-тузем мактаблари кўпроқ очила бошлаган ва унда дунёвий илмларга эътибор кучайиб, ерли халқ вакилларининг тушунган оилалари ўз фарзандларининг истиқболи ғамида ана шу мактабга эътиборларини қаратган эдилар. Рус-тузем мактабида рус тили ва дунёвий фанларга қизиқиб қолган Чўлпон ўз билимини давом эттириш ниятида Тошкентга келиб ўқийди. Унинг ёшлик, айни чоқда, илмга чанқоқ даврида рус тили билан баробар араб, форс-тожик, туркий тиллардан саводини ошириш иштиёқи кучли бўлди. Бундай кўптиллилик Чўлпонга бадиий асарларни оригиналида ўқиш ва мутолаа қилиш имкониятини берди. Бу эса, ўз навбатида Чўлпоннинг кенг қамровли фаолият юритилишига, бугунги замон тили билан айтганда глобаллашувга кириб келганлигини кўрсатади.

«Абдулҳамид ҳар куни хусусий равишда русча ўқир эди, – деб ёзади ўз хотираларида М.Муҳаммаджонов. – Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам ўқиб турар эди»[1].

Тил билиш завқи дил завқини, шуурини ва хаёлот парвозини кучайтириб юборди. Академик С.Мамажонов Чўлпоннинг Р.Тагор ҳақида мақола ёзиш жараёнида инглизча Қомуслар билан ҳам танишгани ҳақида ҳужжатлар келтиради. «Мана бу ҳужжат Чўлпоннинг инглизчани бироз тушунганини ёки дўстлари ёрдамида инглиз нашрларидан материал қидирганидан далолат беради»[2].

Кейинчалик тил билиш ҳам унга таъна сифатида қаралганда у ёзувчилар уюшмасида сўзлаган нутқларидан бирида гапирган эди: «Мен классик асарларни кўп ўқийман. Форс шоирларининг энг гўзал нарсаларини ёзиб олганман. Шуни баъзи бир жойларини ўқиб бераман. Агар шу зарарли бўлса мен буни бўйнимга оламан. Мен Ҳофиз ва бошқа шоирларнинг асарларидан

---

[1] Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. –Т.: 1964, -Б. 130.
[2] Мамажонов С. Чўлпон ва театр. –Нафосат, 1992, № 2, -Б. 7.

ўкийман[1]. Бу фикрлар оркали ҳаттоки ўша давр гояларида ҳам глобаллашувга карши чикувчи кишилар бўлганлигини англашимиз мумкин.

Агар эски мактаб анъанаси унга Навоий, Ҳофиз, Саъдий, Машраб, Бедил ва бошка Шарк мутафаккирларининг ижодини чукур ўрганишни талаб этса, рус тилидан эришган муваффакиятлари уни А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, Л.Н.Толстой ва М.Горкийларнинг ижод оламига етаклаб келди.

Берлинда таҳсил кўраётган талабалар «Кўмак» тўпламини нашр этиши, унинг биринчи сонидаёк Европа ўкувчиларини Фитрат ва Чўлпон ижоди билан таништирадилар. Берлин университети фалсафа факультетининг талабаси Аҳмад Шукрийнинг «Турк адабиётида идеализм ва реализм», «Чўлпон - Чўлпондир» маколалари ва Чўлпоннинг «Кетганда» номли шеъри босилади.

Аҳмад Шукрий Чўлпонни Шекспир билан киёслаб, куйидаги хулосага келади: «Чўлпон оти кулогимга киргунча кўзимга Шекспир кўриналирди-турадир. Шекспир лирикаси билан Чўлпон шеърияти орасида нималар айирма ахтарсам-да, они топа олмадам. «Уйгониш»ни неча топкирлар ўкиб чиклим, Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг «Шекспир - Чўлпон ёхуд Чўлпон - Шекспирдир» фикрига келдим. Чўлпон шеърлари Шекспир жўшкинлиги билан тўладир. Чўлпон оккўнгиллиги Шекспир самимийлигидан ўтадир. Чўлпон бизда севги тангриси, севги яратувчисидир. Чўлпон лирик, Чўлпон шоирдир, Чўлпон Чўлпондир»[2]. Унинг эстетик карашларини ўша даврда бутун дунё бўйлаб кезиши глобаллашувнинг унсурлари Ўзбекистонда ҳам ривожланиб борганини кўрсатиб туради.

## ДИНЛАРАРО ТОЛЕРАНТЛИК ВА АХЛОҚНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ

***Рўзиева М. – БухДУ Фалсафа кафедраси***

Мустакиллик ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларидаги каби динлараро тотувлик соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар ясади. Бу нафакат Республикамиз халклари ўртасидаги тинчлик-тотувлик, багрикенглик ва ҳамжиҳатликда, балки конституциямизда белгилаб берилган тамойиллар асосида миллати ва динидан катъи назар ҳар бир фукаромиз ҳаётида ўз ифодасини топмокда. Ватанимиз 130 дан ортик миллат вакиллари истикомат килаётган, 17 диний конфессия фаолият кўрсатаётган, асрлар мобайнида турли маданиятлар, миллий анъаналар ва диний эътикодлар учрашган табаррук заминдир. Кадимдан юртимизнинг йирик шаҳарларида мачит, черков ва синагогалар ўз ибодатчиларига эмин-эркин хизмат кўрсатиб келгани, тарихимизнинг огир, синовли дамларида ҳам диний асосда можароларнинг чикмаганлиги, халкимизнинг динлараро багрикенглик борасида улкан тажрибага эга эканлигидан далолат беради. Диний манбааларни караб чикадиган бўлсак толерантлик, яъни багрикенглик гояларининг барча диний карашларда ўзига хос тарзда намоён бўлишини кўрамиз.

Бошкаларга кандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўгрисидаги савол билан барча диний конфессиал таълимотларга назар солсак, бу тўгрида барча динларда турли сўзлар билан ифодалаган бўлсада бир хил мазмунга эга жавобга дуч келамиз.

Буддизмда ***"Инсон ўз якинлари ва дўстларига муносабатини бешта йўл билан намоён этади дейилган. Булар, олийжаноблик; багрикенглик; самимийлик; сенга кандай муносабатда бўлишларини истасанг, ўзинг ҳам уларга шундай муносабатда бўлиш; ўз сўзига содиклик"***.

Конфуций таълимотидаги ***"Ўзинга раво кўрмаганни, ўзгага муносиб билма"*** деган ҳикмат ахлокнинг олтин коидасига айланган.

Исломда, ***"Ўз биродарингизни ўзингизни севганингиз каби севмаганингизча сизларнинг ҳеч бирингиз мўмин бўлолмайсиз"***, деб айтилган.

[1] Чўлпон. Мен миллатчи эмасман (Нашрга тайёрловчи С.Аҳмедов). –Санъат, 1989, №8, Б. 21.
[2] Аҳмад Шукрий. Чўлпон – Чўлпондир. //Кўмак, Берлин, 1923, № 5, -Б. 19-20

Милоддан аввалги VI асрда ҳиндуизмдан ажралиб чиққан жайнизм динида *"Бахт ва қайғуда, саодат ва кулфатда биз барча жонзотларга ўзимизга муносабатда бўлганимиз каби бўлишимиз лозим"*, дейилади.

Қадимий яҳудий динида *"Ўзингга ёмон туюлган нарсани ўз яқинингга раво кўрма"*.

XV- XVI асрларда шаклланган сикхизмда *"Ўзинг ҳақингда қандай фикрда бўлсанг, бошқалар ҳақида ҳам шундай фикрда бўл, шундагина самода барча тенглашади"*, дейилади.

Фалсафий таълимот сифатида милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Хитойда пайдо бўлган даосизмда *"Қўшнинг ютуғини ўзингники деб бил, унинг қайғусини ҳам ўзингнинг қайғунг деб бил"*, деб кўрсатилган.

Мамлакатимизда бундан 2700 йил илгари пайдо бўлган зардуштийлик таълимотида *"Уш ўзи учун ёмон санаганни бошқаларга раво кўрмаган киши гўзалдир"*, деб айтилган.

Эрамизнинг бошида пайдо бўлган христианлик динида *"Ўзингизга ўзгалар қандай муносабатда бўлишини истасангиз, сиз ҳам ўзгаларга шундай муносабатда бўлинг"*, дейилган. Юқорида санаб ўтилган инсон тафаккури ва хулқидаги меъёрлар, бир сўз билан айтганда, толерантлик ёки бағрикенглик деб аталади.

## БУЮК МУТАФАККИРЛАРИМИЗ МЕРОСИДА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИ

*Қаюмова А. – БухДУ Социология ва маданиятшунослик кафедраси катта ўқитувчиси,*

*Жўраева Л. – Бухоро Давлат Тиббиёт институти ўқитувчиси*

Бағрикенглик ғояси гуманизм, инсонпарварлик қоидаларига таянади. Инсонпарварлик инсонларга меҳр кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш, уларни қўллаб-қувватлашни билдирувчи тушунчадир. Шунингдек, бағрикенглик жамиятдаги турфа маданиятлилик, плюрализм, турли-туманлилик ва хилма-хилликларнинг мавжудлигига ижобий муносабатдир.

Бағрикенглик инсон шахсини улуғлайди, инсонга ҳақиқий одамийлик хислатларини юксалтиришга кўмаклашади. Бағрикенглик олий қадрият сифатида Қуръони Каримда, ҳадисларда, тасаввуф аҳли таълимотларида ва буюк мутафаккирлар қарашларида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Зеро, улар таълимотидан баҳраманд бўлган шахслар ҳаётда уларнинг одамийлик сифатларини энг гўзал хулқ-атворларида намоён этганлар. Қуръони Каримда яхши ва солиҳ амаллар 31 марта, эзгуликлар 12 марта, хайр-эҳсон, садақа, меҳр-шавқат 4 марта, ҳидоят йўли 5 марта тилга олинади. Чунки Ислом тафаккурида инсонпарварлик, эзгулик, солиҳ амаллар, одамийлик, бағрикенглик ғояларига кенг ўрин берилган. Бу ғоялар жамият учун муҳим аҳамиятга эга.

Ислом дини, маънавияти биродарлик, бағрикенглик ғоясини мўминларга сингдириб келган. Халқимизнинг андишали, сабр-тоқатли бўлиши ҳам унинг қадимий маданият ва бой маънавий тарихга эга эканлигида. Абдухолик Ғиждувоний, Хожа Аҳрор Вали ва бошқалар жамоаларни доимо муросага, бағрикенгликка чақирганлар. Мазҳаблар ўртасида низо-нифоқларга йўл қўймаслик борасида хизмат қилганлар. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг Марказий Осиё халқлари маданиятини ривожланишида хизматлари беқиёсдир. Ул зот туфайли тасаввуфда туб ўзгаришлар содир бўлди. Меҳнат аҳли, мўминлар ўз мазҳабларидан қатъи назар бағрикенглик ва биродарликда, ҳамжиҳатона яшашлари лозим, деган ғоялари кенг тарқалди.

Бизга хою-ҳашам на даркор,
Фақирликдан ҳам ғам на даркор.
Жанда бирла ўлсак мозорда,

топографик ва археологик кузатишлар шуни кўрсатадики шаҳарда сув таъминоти ва ободончилик, диний бинолар, илмий ва маърифат муассасалари ҳамда бозорлар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Жамоатчилик бинолари қаторига барча мусулмон шаҳарларида аҳамиятли бўлган ҳаммомларни ҳам киритиш лозим. Тарихчиларнинг ёзишича Бухорода 20 тагача ҳаммом бўлган. Тонг отишидан олдин аҳоли бурғуча (сурнай)нинг мусулмонларни қонун бўйича тайинланган таҳоратга таклиф этувчи чўзиқ ва мунгли овозидан уйғонишган. Кечқурун худди шу товуш билан аёллар таклиф этилган. Баъзан мусулмонларга жамоат ҳовузларида чўмилишга рухсат берилган. Тарихий манбаларда айтилишича Бухорода 15 000 та уй мавжуд бўлиб, ҳар бир уйда 5 киши яшаши тахмини билан Бухоро аҳолиси 75 000 кишидан иборат бўлган. Шаҳар ичидаги мозорлар кўплиги Бухоро ташқи кўринишининг хослигидир. Бухорода мозорлар ва аҳоли турар жойлари аралаш қурилган. Манбаларда айтилишича мозорлар аҳоли турар жойларига қараганда мустаҳкамроқ ва ҳашаматлироқ қилиб қурилган. Аҳоли турар жойлари лой гуваладан ясалган. Мозорлардаги қабрлар пишган ғиштдан қурилган ва уч қиррали призма шаклида бўлган. Хаников ташрифи вақтида хонликда 360 та масжид, 130 та мадраса, 38 та карвонсарой, 16 та ҳаммом, 44 та бозор, 2500 та шахсий уй ва 60 000 дан 70 000 тагача аҳолиси бўлган. Ўзбек халқидаги бағрикенглик ғоялари тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ғоялар ҳозирги кеча-кундузда пайдо бўлган эмас. Бағрикенглик ғоялари ўзбек халқининг томир-томирига сингиб кетган. Келажаги буюк бағрикенг халқнинг тарихий ворисларимиз.

## БАҒРИКЕНГЛИК АЛЛОМАЛАР ЗИКРИДА

*Тошева О.М. – БухОО ва ЕСТИ ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси*

Бағрикенглик нима? Бағрикенглик ҳақида гап кетганда буюк мутафаккир Жалолиддин Румий билан бир воқеа ёдга келади. Кунларнинг бирида Румий ҳазратлари насронийларнинг Руҳоний пешвоси – попга дуч келади. Руҳоний гарчи ғайридин эсада Румий Ҳазратлари унга аввал бўлиб таъзим бажо келтирадилар. Бу Румий талқинида оддий инсонийлик қоидаси ҳисобланарди. поп ҳам ўз навбатида Румийга таъзим бажо келтиради. Румий эса иккинчи маротаба яна таъзимга бош эгади. Поп ҳам ўз навбатида буни жавобсиз қолдирмайди. Бу ўзаро ҳурмат-эҳтиром маросими яна бир неча маротаба такрорланади. Оқибат бу ўзига хос «одамгарчилик» мусобақасида Румий ҳазратлари ғолиб чиқадилар. Мазкур ғалати ҳолатни кузатиб турган Румийнинг шогирдлари ҳайратдан ёқа ушлаб бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарайдилар. Наҳотки шу киши биз билган мусулмонларнинг пешвоси Жалолиддин Румий бўлса?! Ахир ғайридинга бу қадар эҳтиром бажо келтириш жоиз эмас эди-ку? Шогирдлар даврасига кириб келган Румий уларнинг ҳайратини кўриб дейди: «Биз такаллуф ва бағрикенгликда ҳам улардан қолишмаслигимиз керак. Биз бу олий мартабани ғайридинларга бериб қўймагаймиз. Инсон зотига ҳурмат бажо келтириш бизга пайғамбаримиз с.а.в. дан суннатдир».

Кўриниб турибдики, бағрикенглик биз тушунган оддий маънодан юксакроқ маънога эга экан. Маълумки, таваккал ҳам бағрикенгликнинг олий намунаси ҳисобланади, чунки бағрикенг бўлмаган инсон Оллоҳга таваккал қилолмайди. Жўмард, бағрикенг инсонларгина таваккал қиладилар. Абу Ҳомид Ғаззолий буни шундай шарҳлайди: «қай бир бандани кўрмайин ўзига ўхшаш яна бир бандани паноҳ тутади. Шунда Оллоҳ Таолонинг ушбу каломи ёдимга тушди: Кимки Оллоҳ Таолога таваккал қилса, Оллоҳ уни кифоя этгувчидир ва унинг ишини мукаммал қилгувчидир. Бас, Оллоҳга таваккал қилдим, у менинг кифоя этгувчимдир, у менинг буюк суянчиғимдир». Бағрикенгликнинг олий тимсоли яратувчининг ўзидир. Мана у яратган оламга бир назар солинг. Мусаффо осмонида қуёш чарақлаб турибди, у текин ёруғлик ва иссиклик

манбаи. Чор атрофимизда наботот олами яшнаб турибди, биз улардан хохлаганча бахраманд буламиз.

Коинотнинг ўзи хам багрикенгликнинг олий намунаси эмасми? Бас, шундай экан, ушбу Олами сағир, яъни Ҳазрати инсон хам то шу оламга муносиб бўлмас экан, тирикликнинг мукаммал аъзоси, мумтоз вакили бўла олмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсондаги энг олижаноб фазилатлардан бири багрикенгликнинг манбаи бевосита Олий яратувчининг узига бориб тақалади. Багрикенгликнинг фалсафий моҳиятини эса алломаларимизнинг хар бир асарларида учратишимиз мумкин.

## ИБН СИНОНИНГ БАГРИКЕНГЛИК ТЎГРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

*Норова Д.Т. – БухОО ва ЕСТИ хузуридаги академик лицейи ўқитувчиси*

Багрикенглик гоялари бирданига пайдо булмаган, балки хар бир халк тарихий тажрибаси махсули ўларок авлоддан-авлодга ўтиб келган. Тарихан маълумки ҳалоллик, поклик, мехр-шафқат, биродарлик, сахийлик каби фазилатлар жамият таъсирида ривожланиб ўзгариб борган. Буюк комусий аллома тиббиёт бобокалони «Шайхул-раис» номи билан машхур Абу Али ибн Сино бу фазилатларни қуйидагича таърифлаган: «Ҳаётдаги хар хил майда-чуйда кўнгилсизликлар кундалик турмушда бошкалар билан мулокотда бўлиш учун аҳамияти кенглигини ўзларининг тажрибаларидан келиб чиққан холда хар бир нарсани кузатиш ва тажриба асосини ўрганишни, кейин эса хулоса чикаришга интилганлар».Шу тажрибалар асосида барча багрикенглик инсоннинг мехнатига боглиқлигини таъкидлаганлар. Шу билан бир каторда буюк мутафаккир жамиятда инсонларни ўзаро ёрдам асосида ишлашлари кераклигини жамият кишиларининг ўзаро келишуви асосида кабул қилинадиган адолатли конунлар асосида яшашларини айтиб ўтган. Чунки мутафаккир яшаган даврда сиёсий курашлар авжига чиққан эди. Сабабсиз бирон нарса содир бўлмаслигига ишонган аллома касаллик сабабларини аниқлаш билан жиддий шуғулланиб тиббиёт фанига юксак хисса киритган.

Ибн Сино одамларга карата «Рисолатут-Тайр» асарида шундай деган эди: «Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлиб хакикатни очинглар. Ҳар киши ўз биродари учун кўнглидаги самимийликдан тўсиқинлик пардасини очиб ташласин. Шундай қилинганларки биродарингиз сизлардан ўзи билмаган баъзи нарсаларни ўргансин ва бошкалари бўлса баъзи нарсаларни ўрганиб, ўзини камолотга етказсин.

Ўша асарнинг бошка бир жойида одамларни дўстликнинг кадрига етишга, унинг тўла маъносини яхши тушуниб уқиб олишга даъват этади. Оғизда дўст ман деб, амалда дўстининг холидан хабар олмайдиган, номигагина дўст бўлиб юрадиган кишиларни танкид қилади. Одамларни эхтиёт бўлишга ундаб эхтиёт бўлмаслик ёмон оқибатларга олиб келишини огохлантириб шундай ёзган эди: «Сирингни бошкага айтишдан эхтиёт бўл, чунки аклли бўлиш деган сўз – эхтиёткор бўлиш деган сўздир. Агар сирингни сакласанг, у сенинг асирингдир. Барчага ошкора килсанг, сен сирингни асири бўлиб коласан».

Бобокалонимиз инсон аклининг хар томонлама ривожланишини табиат сирлари ва хакикатни билиш мумкинлигига каттик ишонган. Шу сабаб олим одамларни софдил, самимий дўст бўлиб, яшаса бир ёкадан бош чикаришса хар қандай мушкул осон бўлишига каттик ишониб, ўз асарларида багрикенгликнинг бир асоси килиб дўстликни, софдилликни ёритган. Олим ўз сирини хеч кимга ишонмаганлиги учун кам сиридан огох бўлишни тарғиб қилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, буюк бобокалонимиз Ибн Синонинг багрикенглик гояларида дўстлик, иймон, эътиқод ва бошка тушунчалар талқин қилинган.

топографик ва археологик кузатишлар шуни кўрсатадики шаҳарда сув таъминоти ва ободончилик, диний бинолар, илмий ва маърифат муассасалари ҳамда бозорлар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Жамоатчилик бинолари қаторига барча мусулмон шаҳарларида аҳамиятли бўлган ҳаммомларни ҳам киритиш лозим. Тарихчиларнинг ёзишича Бухорода 20 тагача ҳаммом бўлган. Тонг отишидан олдин аҳоли бурғуча (сурнай)нинг мусулмонларни қонун бўйича тайинланган таҳоратга таклиф этувчи чўзиқ ва мунгли овозидан уйғонишган. Кечқурун худди шу товуш билан аёллар таклиф этилган. Баъзан мусулмонларга жамоат ҳовузларида чўмилишга рухсат берилган. Тарихий манбаларда айтилишича Бухорода 15 000 та уй мавжуд бўлиб, ҳар бир уйда 5 киши яшаши тахмини билан Бухоро аҳолиси 75 000 кишидан иборат бўлган. Шаҳар ичидаги мозорлар кўплиги Бухоро ташқи кўринишининг хослигидир. Бухорода мозорлар ва аҳоли турар жойлари аралаш қурилган. Манбаларда айтилишича мозорлар аҳоли турар жойларига қараганда мустаҳкамроқ ва ҳашаматлироқ қилиб қурилган. Аҳоли турар жойлари лой гуваладан ясалган. Мозорлардаги қабрлар пишган ғиштдан қурилган ва уч қиррали призма шаклида бўлган. Хаников ташрифи вақтида хонликда 360 та масжид, 130 та мадраса, 38 та карвонсарой, 16 та ҳаммом, 44 та бозор, 2500 та шахсий уй ва 60 000 дан 70 000 гагача аҳолиси бўлган. Ўзбек халқидаги бағрикенглик ғоялари тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ғоялар ҳозирги кеча-кундузда пайдо бўлган эмас. Бағрикенглик ғоялари ўзбек халқининг томир-томирига сингиб кетган. Келажаги буюк бағрикенг халқнинг тарихий ворисларимиз.

## БАҒРИКЕНГЛИК АЛЛОМАЛАР ЗИКРИДА

*Тошева О.М. – БухОО ва ЕСТИ ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси*

Бағрикенглик нима? Бағрикенглик ҳақида гап кетганда буюк мутафаккир Жалолиддин Румий билан бир воқеа ёдга келади. Кунларнинг бирида Румий ҳазратлари насронийларнинг Руҳоний пешвоси – попга дуч келади. Руҳоний гарчи ғайридин эсада Румий Ҳазратлари унга аввал бўлиб таъзим бажо келтирадилар. Бу Румий талқинида оддий инсонийлик қоидаси ҳисобланарди. поп ҳам ўз навбатида Румийга таъзим бажо келтиради. Румий эса иккинчи маротаба яна таъзимга бош эгади. Поп ҳам ўз навбатида буни жавобсиз қолдирмайди. Бу ўзаро ҳурмат-эҳтиром маросими яна бир неча маротаба такрорланади. Оқибат бу ўзига хос «одамгарчилик» мусобақасида Румий ҳазратлари ғолиб чиқадилар. Мазкур ғалати ҳолатни кузатиб турган Румийнинг шогирдлари ҳайратдан ёқа ушлаб бир-бирларига ҳайрон бўлиб қарайдилар. Наҳотки шу киши биз билган мусулмонларнинг пешвоси Жалолиддин Румий бўлса?! Ахир ғайридинга бу қадар эҳтиром бажо келтириш жоиз эмас эди-ку? Шогирдлар даврасига кириб келган Румий уларнинг ҳайратини кўриб дейди: «Биз такаллуф ва бағрикенгликда ҳам улардан қолишмаслигимиз керак. Биз бу олий мартабани ғайридинларга бериб қўймагаймиз. Инсон зотига ҳурмат бажо келтириш бизга пайғамбаримиз с.а.в. дан суннатдир».

Кўриниб турибдики, бағрикенглик биз тушунган оддий маънодан юксакроқ маънога эга экан. Маълумки, таваккал ҳам бағрикенгликнинг олий намунаси ҳисобланади, чунки бағрикенг бўлмаган инсон Оллоҳга таваккал қилолмайди. Жўмард, бағрикенг инсонларгина таваккал қиладилар. Абу Ҳомид Ғаззолий буни шундай шарҳлайди: «қай бир бандани кўрмайин ўзига ўхшаш яна бир бандани паноҳ тутади. Шунда Оллоҳ Таолонинг ушбу каломи ёдимга тушди: Кимки Оллоҳ Таолога таваккал қилса, Оллоҳ уни кифоя этгувчидир ва унинг ишини мукаммал қилгувчидир. Бас, Оллоҳга таваккал қилдим, у менинг кифоя этгувчимдир, у менинг буюк суянчиғимдир». Бағрикенгликнинг олий тимсоли яратувчининг ўзидир. Мана у яратган оламга бир назар солинг. Мусаффо осмонида қуёш чарақлаб турибди, у текин ёруғлик ва иссиклик

манбаи. Чор атрофимизда наботот олами яшнаб турибди, биз улардан хохлаганча бахраманд бўламиз.

Коинотнинг ўзи хам бағрикенгликнинг олий намунаси эмасми? Бас, шундай экан, ушбу Олами сағир, яъни Ҳазрати инсон хам то шу оламга муносиб бўлмас экан, тирикликнинг мукаммал аъзоси, мумтоз вакили бўла олмайди.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, инсондаги энг олижаноб фазилатлардан бири бағрикенгликнинг манбаи бевосита Олий яратувчининг ўзига бориб такалади. Бағрикенгликнинг фалсафий мохиятини эса алломаларимизнинг хар бир асарларида учратишимиз мумкин.

## ИБН СИНОНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

*Норова Д.Т. – БухОО ва ЕСТИ хузуридаги академик лицейи ўкитувчиси*

Бағрикенглик ғоялари бирданига пайдо бўлмаган, балки хар бир халк тарихий тажрибаси махсули ўларок авлоддан-авлодга ўтиб келган. Тарихан маълумки халоллик, поклик, мехр-шафкат, биродарлик, сахийлик каби фазилатлар жамият таъсирида ривожланиб ўзгариб борган. Буюк комусий аллома тиббиёт бобокалони «Шайхул-раис» номи билан машхур Абу Али ибн Сино бу фазилатларни куйидагича таърифлаган: «Ҳаётдаги хар хил майда-чуйда кўнгилсизликлар кундалик турмушда бошкалар билан мулокотда бўлиш учун ахамияти кенглигини ўзларининг тажрибаларидан келиб чиккан холда хар бир нарсани кузатиш ва тажриба асосини ўрганишни, кейин эса хулоса чикаришга интилганлар».Шу тажрибалар асосида барча бағрикенглик инсоннинг мехнатига боғликлигини таъкидлаганлар. Шу билан бир каторда буюк мутафаккир жамиятда инсонларни ўзаро ёрдам асосида ишлашлари кераклигини жамият кишиларининг ўзаро келишуви асосида кабул килинадиган адолатли конунлар асосида яшашларини айтиб ўтган. Чунки мутафаккир яшаган даврда сиёсий курашлар авжига чиккан эди. Сабабсиз бирон нарса содир бўлмаслигига ишонган аллома касаллик сабабларини аниклаш билан жиддий шуғулланиб тиббиёт фанига юксак хисса киритган.

Ибн Сино одамларга карата «Рисолатут-Тайр» асарида шундай деган эди: «Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлиб хакикатни очинглар. Ҳар киши ўз биродари учун кўнглидаги самимийликдан тўскинлик пардасини очиб ташласин. Шундай килингларки биродарингиз сизлардан ўзи билмаган баъзи нарсаларни ўргансин ва бошкалари бўлса баъзи нарсаларни ўрганиб, ўзини камолотга етказсин.

Ушба асарнинг бошка бир жойида одамларни дўстликнинг кадрига етишга, унинг тўла маъносини яхши тушуниб уkиб олишга даъват этади. Оғизда дўст ман деб, амалда дўстининг холидан хабар олмайдиган, номигагина дўст бўлиб юрадиган кишиларни танкид килади. Одамларни эхтиёт бўлишга ундаб эхтиёт бўлмаслик ёмон окибатларга олиб келишини огохлантириб шундай ёзган эди: «Сирингни бошкага айтишдан эхтиёт бўл, чунки аклли бўлиш деган сўз – эхтиёткор бўлиш деган сўздир. Агар сирингни сакласанг, у сенинг асирингдир. Барчага ошкора килсанг, сен сирингни асири бўлиб коласан».

Бобокалонимиз инсон аклининг хар томонлама ривожланишини табиат сирлари ва хакикатни билиш мумкинлигига каттик ишонган. Шу сабаб олим одамларни софдил, самимий дўст бўлиб, яшаса бир ёкадан бош чикаришса хар кандай мушкул осон бўлишига каттик ишониб, ўз асарларида бағрикенгликнинг бир асоси килиб дўстликни, софдилликни ёритган. Олим ўз сирини хеч кимга ишонмаганлиги учун кам сиридан огох бўлишни тарғиб килган.

Хулоса киладиган бўлсак, буюк бобокалонимиз Ибн Синонинг бағрикенглик ғояларида дўстлик, иймон, эътикод ва бошка тушунчалар талкин килинган.

жаҳон ҳамжамиятига тобора уйғунлашишимиз каби ютукларимиз ҳам бўлди. Буларнинг негизида халкимизни бирлаштирувчи маънавий руҳий байроқ – миллий ғоямиз борлиги, бу ғоянинг бенихоя зарурлиги сиёсий раҳбариятимиз томонидан ўз вактида англаб етилганлиги ётади.

Минтакавий баркарорлик миллий-ҳудудий баркарорлик гаровидир. Афғон муаммоси, Марказий Осиёда вужудга келган геосиёсий мавҳумлик, коммуникация, ёкилғи, энергетик ва сув ресурслари бўйича ўзаро ҳамкорликнинг заифлиги халкимизни миллий ғоя атрофида тобора бирлашиши лозимлигини, миллий мустакиллигимиз асосларини янада мустаҳкамлашни талаб килади. Миллий мустакиллигимизнинг асосларидан бири – халкимизнинг маънавий бирлигидир. Маънавий бирлигимиз, бағрикенглигимиз, турли дин, эътикод, миллат ва элатлар ўртасидаги тобора мустаҳкамланаётган ўзаро ҳурмат ва дўст-биродарлигимизнинг сиёсий-ҳукукий гарови – шу кунларда 17 йиллиги кенг нишонланаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Бош Қонунимиз асосида, миллий ғоямиз таъсирида халкимизда ўзаро толерантлик муҳим карор топди. "Ўзбекистонлик" деган атама муомалага кирди. Ушбу атаманинг кенг муомалага кириб бераётганлиги ҳам халклар, миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ўзаро толерантликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлигининг ифодасидир.

Ўзбекистон ҳам жаҳоннинг ривожланган давлатлари катори аграр-индустриал жамиятдан постиндустриал жамият томон илдам кадам ташлаб бормокда, экспорт ҳажмимиз импортга нисбатан ошмокда. Ўзбек саноати раќобатбардош маҳсулотларни тобора кўпроқ ишлаб чикармокда. Улар сифат жиҳатидан Хитой, Туркия ва Покистон маҳсулотларидан ҳеч ҳам колишмаяпти, халкимизда уларга нисбатан талаб ортмокда. Буларнинг барчаси миллий ғоямизнинг бош максадлари кун сайин ҳаётимизда ўз ифодасини топаётганлигини кўрсатади.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ

*Мадаева Ш.О. – ф.ф.н., ЎзМУ доценти*

Инсоният ижтимоий ҳаётининг учинчи минг йилликдаги киёфасида бутун ер юзини таќдирини ҳал килиши мумкин бўлган турли ҳолатлар мавжуд. Лекин бу барча ҳолатларни интеграциялаштирувчи ягона бир окимни ҳам кузатиш мумкин. Бу глобаллашувдир. Хосе Ортега- и Гассет ХХ аср бошларида ёзган «Омманинг кўзғалони» («Восстание масс») номли асарида глобаллашувга ижтимоий ходиса сифатида баҳо берган эди. Ушбу ходиса нари борса юз йил вакт ичида инсониятнинг иктисодий, сиёсий, коммуникацион ҳаётини ҳам камраб олди ва ягона тизимни хосил килди.

Глобаллашувнинг XXI асрдаги маънавиятга таъсир этувчи хусусияти – бу инсон маънавиятида оммавий маданиятга бўлган интилишни шакллантиришдир. Шу ўринда савол туғилади, миллий-маънавий кадриятлари кайтадан ҳаётбахш заминга тушиб, тараккиёт асосларини миллий давлатчилик шаклида кураётган ўтиш даври мамлакатларининг ижтимоий манавий ҳаётида глобаллашув давридаги маънавий мезонлар диалектикаси кайси меъёрларга асосан шакллантирилиши лозим.

Маълумки, глобаллашувнинг умуминсоний тус олиши глобал ахлок, глобал маиший маданият, глобал маънавият масалаларини кун тартибига кўяди. Буларнинг замирида миллий кадриятлар, маънавият ва ҳар бир халкнинг ўзига хос бўлган мумтоз ахлокий нормаларнинг нозик жиҳатлари, уларнинг ботиний маънолари ўз зарурати ва аҳамиятини йўкота боради.

Давр канчалик янги ва ўзгарувчан бўлиши билан ментал жараёнларнинг мураккаблиги ва интенсивлиги ҳам ошиб боришини замонавий назариялар исботлаб турибди. Шу сабабли ҳам ҳозирги давр ёшлари дунёкараши

шаклланиб шахс сифатида такомиллашаётган даврида глобаллашув, информациялашув, интеграциялашув каби ижтимоий ходисаларнинг иктисодий, маънавий окибатлари ёшлар дунёкарашида кўникма хосил килган, тарбиясининг ахлокий меъёрларини ташкил этувчи миллий маънавий кадриятлар, уларнинг сакланиб колиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатмокда. Миллат ёшлари онгида миллий маънавий кадриятларга муносабат, миллий тарбия кўникмаларини мафкуравий иммунитет сифатида хосил килиш масалалари долзарблик касб этмокда.

Шунинг учун хам глобаллашув тенденциясининг табиийлигини, унинг мобиллигини назарда тутган холда хозирги кунда юртимиз ижтимоий-гуманитар фанлари олдида глобаллашув ва миллий маънавият дискурси кўринишидаги, уни хал этиш доирасидаги масъулиятли вазифа турганини таъкидлаш лозим. Айникса, халкимизнинг умуминсоний тараккиётга интеграциялашув жараёни глобал демократик тамойилларни миллий хаётга татбик этиш ёки уларни демократлаштиришнинг умумий механизми асосида жорий этишнигина эмас, дедуктив методни куллаган холда умуминсоний тараккиёта йўналишини ички имкониятлардан, асрлар давомида талатўп ва таназзуллар давридан ўзбек номини саклаб кела олган ички миллий генотип хусусиятларидан хам излашни такозо этаётган бир даврда миллийлик ва умуминсонийлик мезонлари масаласи мухим ахамият касб этади. Психолог олим П.Н.Шихарев таъкидлаганидек, «тарихни инсон фаолиятининг факатгина бир доирасида, иктисодиёт доирасида тахлил килиш шуни кўрсатаптики, ишлаб чикариш воситаларининг ривожи ва мураккаблашиши даражасида инсоният унсиз равишда уйгонишнинг ташки шаклларидан шахснинг мотивацион ядроси, кадриятлар базаси бўлган ички шаклларига уларни фаолиятга жалб этган холда силжиб бормокда»[1]. Ёшлар тарбиясида ички маънавий генотип омиллар мухим ўрин тутар экан, уни такомиллаштиришда куйидаги тадбирларни тавсия этиш мумкин:

1. Дунё цивилизацияси тарихида ўзининг алохида макоми ва ўрнига эга бўлган ўзбек миллий кадриятларини олий ва ўрта таълим дастурларида системали ўрганишга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чикиш зарур.

2. Ёш авлодни тарбиялашда кадриятий дунёкарашни шакллантириш ва миллий тарбиянинг маънавий кўникмаларини хосил килишда мумтоз тарбия усулларини ўкув тизими методикасига сингдириш лозим.

Узида ахлокий, эстетик, экологик тарбия сохаларининг энг мукаммал ва маънавий етук шаклларини камраб олган миллий маънавий кадриятлар боскичма-боскич амалга ошириладиган, максадга йўналтирилган режа асосида, махсус дастурлар оркали сингдирилиши лозим.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ШАХС ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

***Гайбуллаев О. – ф.ф.н., СамДУ доценти***

Глобаллашув инсоният тарихий тараккиёти, маданий мероси, ижтимоий тузуми ва мафкуравий карашларида жиддий ўзгаришлар содир бўлишини такозо этмокда. Бу жараён Ўзбекистонда шахс эстетик маданиятининг шаклланишида хам намоён бўлмокда. Айникса, оилада вояга етадиган ёш авлодни юксак эстетик идеаллар асосида тарбиялаш, уни хар томонлама етук шахс бўлиб етишишини таъминлаш масалалари долзарб муаммога айланиб бормокда. Ёш оилаларга гамхўрлик кўрсатиш, оналик мухофазаси, аёлларнинг турмуши ва мехнат килишларига шароитлар яратиш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштириш бу жараённинг асосий йўналишларидир.

[1] Шихарев П.Н. Современная социальная психология. М., 2000. С.7.

Ижтимоий тараққиёт жараёнининг жадал суръатлар билан боришида алоҳида аҳамият касб этаётган глобаллашув ҳар бир давлат, халқ, миллат, бу шахс эстетик маданиятига янгича талаблар қўймоқда. Жамият ривожида ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, хис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда»[1], деган эди Юртбошимиз. Ана шундай бир вазиятда, мустақиллик мафкураси билан қуролланган шахсгина миллий мерос ва қадриятлардан ажралмаган ҳолда глобаллашувга, замонавий ижтимоий-сиёсий ва маънавий-фалсафий муаммоларга тўғри муносабатда бўлади.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий ғоянинг моҳиятини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш, глобаллашув жараёнининг шахс эстетик маданиятига таъсири ва шу билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Глобаллашув шароитида миллий ғояни ҳар бир шахс, халқ қалбига, жамиятимизга сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кундаги эстетик маданият шахснинг жамиятга алоқадорлиги ва муносабатида яққол намоён бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, янгича тафаккур, янгича дунёқараш, янгича мафкуравий иммунитет, янгича бадиий-эстетик тушунчалар шаклланишига олиб келмоқда. Шу билан бирга глобаллашув шароитида «шахснинг ўзини намоён этиши, ҳаётий мақсадларга етиши, давлат ва жамият ўртасидаги алоқалари унинг жамиятдаги ўрни билан»[2] боғлиқлиги ҳам жиддий аҳамият касб этади. Бундай ўзаро алоқадорликда халқимизнинг юксак маънавияти, асрлар оша бойиб ва кенгайиб келаётган эстетик маданияти, ахлоқий ва диний қадриятлари намоён бўлмоқда. Шунингдек, глобаллашув жараёни анъанавий ўтмиш меросимиз ва замонавий қадриятларимизга таҳдид солувчи куч сифатида ҳам амал қилиши мумкин. Чунки глобаллашувнинг мусбат ва манфий жиҳатлари бўлиб, гап ана шу жиҳатларга нисбатан ижтимоий-маънавий муносабатларни тўғри танлашга бориб тақалади. Бундай вазиятдан ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз, халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналарини огоҳлик билан ҳимоя қилишимиз лозим. Шунинг учун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва жиҳатлари глобаллашув жараёни билан тобора маҳкам боғланиб бораётган, жаҳон миқёсида маънавий-мафкуравий таҳдид ва зиддиятлар кескинлашган, ҳар бир инсоннинг онги ва қалбини эгаллаш учун кураш жадаллашган, сиёсий ва диний экстремистлар ва террорчиларнинг қабиҳ ишлари давом этаётган бир пайтда, ҳар бир мамлакатда жамият ва шахс эстетик маданияти уйғун равишда юксалиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Агар мамлакатда жамият ва шахс эстетик маданияти ўртасида уйғунлик бўлмаса, уларнинг ўрнини диний бағриторлик ва бузғунчи ғоялар эгалласа, улар

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, - Б. 111-112

[2] Мусаев Ф. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: 2008, -Б. 17.

бир мамлакат миқёсида ҳам турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар вужудга келиши мумкин. Бунга, маълум даражада, ҳозирги Ливан, Афғонистон ва Ирок давлатлари, Ҳиндистон ва Покистон, Украина ва Грузияда бўлиб ўтган аянчли воқеалар мисол бўлиши мумкин. Сиёсий зиддиятлар, пировард натижада, юксак маданиятга салбий таъсир кўрсатиши табиий. Қайси мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашса, маънавий-руҳий, диний ва эстетик маданиятлар соҳасида ҳам парокандалик бошланади.

Ўзбекистонда мустақиллик ўрнатилгандан кейин, айрим давлатларнинг сиёсий кучлари Марказий Осиё ҳудудида, ислом динига асосланган, ягона халифалик давлати барпо этишга жон-жаҳд билан киришиб кетдилар. Бу кучларнинг асл мақсади, ислом динини ниқоб қилиб олиб, бу ҳудуддаги суверен давлатларни йўқ қилиб, ўзларининг сиёсий ва мафкуравий мақсадларини амалга ошириш эди. Лекин юртбошимизнинг оқилона сиёсати асосида республикамизда динга маънавий қадрият сифатида қараш тамойили амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ буюк аждодларимизнинг динга қўшган ҳиссалари улуғланиб, уларнинг таваллуд айёмлари ва муборак номлари абадийлаштирилди. Имом ал-Бухорийнинг номи тикланиб, Самарқанд вилояти Пайарик туманида Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи ва Имом ал-Бухорий халқаро маркази бунёд этилди. Бундан ташқари, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал-Мотурудий, Аз-Замахшарий, Ғиждувоний, Термизийларнинг номлари билан боғлиқ диний ва эстетик маданият даргоҳлари вужудга келди.

Бу эса, ўз навбатида, юртимизда диний ва эстетик маданият уйғунлигига алоҳида эътибор берилаётганлиги, ижтимоий ва шахс эстетик маданияти азалий ҳамда миллий қадриятларга асосланаётганлигидан далолат беради.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД

***Хошимова С.Х. – Пастдаргом автомобил ва йўллар коллежи маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари***

Ҳозирги давр инсоният жамияти тарихий тараққиётида глобаллашув жараёнининг кучайган даври бўлиб, глобаллашув жамият ҳаётининг барча соҳаларига, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий соҳаларга тобора кучлироқ ўз таъсирини ўтказмоқда.

Жамият ҳаётининг цивилизациявий тараққиёт йўли таҳлил қилинганда, илмий адабиётларда аграр, индустриал ва ахборотлашган цивилизация босқичлари ҳақида маълумот берилади. Глобаллашув жараёни жамият ҳаётининг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатиб, ахборотлашган цивилизация босқичида ғоявий, мафкуравий курашнинг мавқеи бир мунча ошиб, геополитик мақсадлар ташқи сиёсатдаги етакчи тамойилларга айланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ҳамда мавқеини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимиз Евроосиё материгининг муҳим транскоммуникациялар тизими ўзаро кесишган нуқтасида жойлашган бўлиб, жаҳондаги кўпгина етакчи давлатларнинг геополитик мақсадлари бу ҳудудда ўзаро тўқнашади. Жаҳонда нефт, газ ва бошқа фойдали қазилма бойликлари аста-секин камайиб бораётган бир шароитда 2,7 мингдан зиёд турли конлар мавжуд бўлган, 900 дан ортиқ кондаги захиралар 970 миллиард доллар, умумий минерал хомашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ бўлган Ўзбекистоннинг қулай табиий имкониятлари жаҳондаги кўпгина давлатларнинг бу ҳудуддаги ўзининг геополитик мақсад ва манфаатларини излашига сабабчи бўлмоқда. Иккинчи томондан жаҳон иқтисодий инқирози шароитида Марказий Осиё ва унинг муҳим бир қисмини ташкил этувчи Ўзбекистон ҳудуди ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун бозор вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам турли давлатларнинг геополитик, геостратегик мақсад ва манфаатлари бу ҳудудда тўқнашиб, ўзининг таъсир доирасини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир, – деб

ҳар бир фукарони ҳимоя киладиган олий даражадаги ҳужжатдир. Унда нафақат диний бағрикенглик, балки дунёвий бағрикенглик ғоялари ўз аксини топган. Масалан, Конституциямизнинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади" дейилган. Бунинг амалиётда ўз аксини топганлигини мамлакатимизда яшовчи 100 дан ортиқ халқ ва миллат, 15 диний конфессия вакилларининг бир-бирлари билан инок, биродар бўлиб яшаётганлигидан ҳам кўрса бўлади. Уларнинг тинч ва осойишта истиқомат қилишларини Конституциямизнинг 18-моддасидаги "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар"[1] деб кўрса-тилган юртимизда яшаётган кишилар орасида ҳар қандай адоватларнинг олдини олишига кафолатдир. Асосий қомусимиздаги виждон эркинлиги масаласига бағишланган 31-модда ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"[2] деган жумлалар демократик ҳуқуқий, инсонпарвар дунёвий жамиятга хосдир. Унда диний бағрикенглик ва эътиқод эркинлиги белгилаб берилган.

## МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД – КЕЛАЖАККА ТАҲДИД

***Исламов И.Н. – ТДШИ институти докторанти***

Глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бориши натижасида инсоният учун хавфли бўлган турли хил ноанъанавий таҳдидлар юзага келмоқда. Булардан энг хавфлилари инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадиган маънавий таҳдидлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маънавий таҳдид муаммосига алоҳида эътибор қаратиб, "Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим"[3], – деб таъкидлаган эди.

Халқимиз маънавиятини асраш ва уни юксалтириш, айниқса, ёш авлодни турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан, бир сўз билан айтганда, маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда илмий лексиконимизда нисбатан янги кириб келган «маънавий таҳдид» тушунчаси учрамоқда. Ҳозирда мазкур тушунча борасида турлича ёндошувлар мавжуд. Фалсафа фанлари доктори Г.Туленовананг "Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари"[4] мақоласида мафкуравий таҳдидлар, жумладан, терроризм, ақидапарастлик ва диний экстремизм маънавий таҳдид сифатида қаралган.

Россиялик тадқиқотчиларининг "Россия маънавий хавфсизлиги (маънавий хавфсизликнинг долзарб назарий-методологик ва амалий муаммолари)" номли илмий-методик қўлланмасида маънавий таҳдидларга алоҳида тўхталиб ўтилган[5].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.:Ўзбекистон, 2001.9-бет.
[2] Ўша жойда.12-бет.
[3] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – Б. 13-14.
[4] Туленова Г. Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари // Ҳуқук. -Тошкент, 1999.- № 1(5). -Б.31-36.
[5] Архиепископ Иоанн (Попов), Возьмитель А.А., Хамза-Одинтер А.И. Духовная безопасность России (актуальные теоретико-методологические и практические проблемы духовной безопасности). Научно-методическое пособие. – М., 2005. - 109 с.

Мазкур қўлланмада хозирги вактда маънавий хавфсизликка старли даражада эътибор қаратилмаётганлиги таъкидланган ва маънавий таҳдидлар сифатида демографик ва диний онгга таъсир этувчи таҳдидлар таҳлил қилинган.

Е.А.Бокша маънавий таҳдидлар сифатида Россия оилалари турмуш тарзига қаратилган деструктив характердаги, маънавий қарама-каршиликларни келиб чиқишига сабабчи бўлувчи жараёнларни ривожлантирувчи омилларга эътибор қаратган[1]. Шунингдек, хозирда оилаларнинг хаётига карши қаратилган радикал феминизм мафкураси, гей-маданияти ғоясини тарқалиши (оммалашуви), шаҳватпарастликнинг (эротизм) тарғиботи, Россия оиласида эгоистик (худбинлик) кадриятларининг мажбуран қабул қилиниши, бозор илеалларининг ўз навбатида маънавий асосларга салбий таъсирини маънавий таҳдидлар сифатида баҳолаган. Маънавий таҳдидлар кенг қамровли бўлиб, мазкур ёндашувларда уларнинг у ёки бу жиҳатлари ҳисобга олинган. Миллий хавфсизликнинг объектлари шахс, жамият ва давлат ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда, маънавий таҳдид тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин. Маънавий таҳдид – шахс, жамият ва давлатнинг маънавият соҳасидаги хаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шарт ва шароитлар, омиллар мажмуидир. Маънавиятга салбий таъсир кўрсатувчи ва миллий маънавий манфаатлар учун хавфли бўлган ходиса ва жараёнларни келтириб чиқарувчи омиллар маънавий хавфсизликка бўлган таҳдидлар ҳисобланади.

Маънавий соҳадаги хаётий муҳим манфаатлар сифатида умумий холда миллатнинг маданий-тарихий бирлик тарикасида ўзлигини саклаб қолишини, миллий қадриятлар, маънавий бойликлар, ижтимоий соха институтларининг ҳимоя қилинишини кўрсатиш мумкин. Мазкур манфаатларга карши қаратилган ички ва ташки таҳдидлар мавжуддир. Маънавий манфаатларимизга қарши қаратилган ташқи таҳдидлар сифатида халқимизнинг тарихи, маданий ва маънавий қадриятларининг бузиб кўрсатилиши; ёш авлоднинг маънавий тарбиясига тузатиб бўлмас даражада зарар келтираётган зўрлик, ахлоқсизлик, гиёҳвандликни тарғиб қилиш натижасида Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларига бўлган таҳдидларни киритиш мумкин. Ички таҳдидларга эса миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка, барқарорликка путур етказиш, мамлакатимизда, айникса, ёшлар ўртасида диний экстремизм ва турли бузғунчи ғояларни тарқатиш каби фаолиятлар мисол бўлади.

Маънавий манфаатларимизга қарши қаратилган таҳдидларни тўғри белгилашда маънавий хавф объектининг элементлари, яъни, халқимизнинг тарихи, унинг маънавий-ахлоқий, маданий қадриятлари ва динига асосий эътиборни қаратиш лозим.

## ГЛОБАЛ БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИ МУАММОСИГА ДОИР

*Салахов А.Қ. – БухОО ва ЕСТИ*

Толерантлик – инсонлар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, турли эътиқоддаги кишиларни бир-бири билан боғлаб, улар ўртасидаги дўстона муҳитнинг юзага келишини ва мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Бирлик хилма-хилликда тамойилининг инсоният томонидан англаниши глобал толерантликнинг асосий жиҳатларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Жаҳонда интеграллашув, глобаллашув ва ахборотлар тарқалиши ўта тезлашган хозирги тарихий даврда бағрикенглик, хамжиҳатлик, кечиримлилик тамойиллари турли дин ва миллат вакилларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини ифодалайди".

---

[1] Бокша Е. А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ): Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – М., 2008. – С.18.

Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда ҳур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик турли-туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик тинчликка эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир.

Глобал бағрикенглик маданиятининг асосий белгилари давлатларнинг ҳамжиҳатликда мавжуд глобал муаммоларни бартараф этиш учун ҳамкорлик қилиш, биргаликда дастурлар қабул қилиш, умумбашарий даражадаги демографик аҳвол, таълим тарбия, сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда қатнашиш, ҳозирги кунда инсоният олдидаги муҳим муаммо саналаётган гиёҳвандлик, очарчилик, одам савдосига қарши курашишдан иборат.

Ҳозирги замон глобаллашув, илмий-техника инқилоби, ахборот бўҳронлари ва мафкуравий курашлар авж олаётганлиги билан характерланади. Дунё миқёсида содир бўлаётган глобаллашув, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги интеграция жараёнлари бир томондан мамлакатлар тараққиётига ижобий таъсир қилса, иккинчи томондан миллатлар, халқларнинг урф-одати, маънавий маданиятининг сақланиб қолишига хавф туғдирмоқда. Жаҳонда терроризм ва экстремизм хавфи кучайган ва уларга қарши кураш зарурияти ошиб бораётган шароитда толерантликни ўрганишга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Давлатларнинг глобал толерантлик, толерантлик маданияти цивилизацияни асраш, маданий-гуманитар алоқаларни, ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, маданий бойликлардан тенг фойдаланиш учун умуминсоний ҳуқуқий макон яратиш демократияни, маданий плюрализмни, маданий интеграцияни умуминсоний тараққиёт шартига айлантиришга қаратилган ҳамкорликдир[1].

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва ахборотлашув жараёнида давлатлар, миллатлар, шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларда толерантлик тамойилига амал қилинмас экан, барқарорлик ва тараққиётга доимий хавф ва таҳдид сақланиб қолаверади. Дунё миқёсида толерантлик тамойили тўғрисидаги ғояларнинг ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалиётга қай даражада жорий қилинаётганлигини кузатиб ва ўрганиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, толерантлик (ёки бағрикенглик) тамойилини халқаро муносабатларда ҳамда давлат ва жамиятда қарор топтириш тинчлик ва тараққиётнинг кафолати сифатида хизмат қилади.

Бугун инсоният минглаб глобал муаммоларга тўқнаш яшаяпти. Уларни ҳал этиш учун давлатлар, халқлар, миллатлар трансмиллий ҳамкорликни, уюшмаларни, алоқаларни кенгайтиришга мажбурдир. Алоҳида давлат, халқ, миллат ўзидаги муаммоларни ҳам, умумпланетар муаммоларни ҳам ечиши мушкул. Толерантлик икки халқ, миллат ўртасидаги зиддиятларни, фарқларни тинч ҳал этишдангина иборат эмас, бугун давлатлараро толерантлик ҳам муҳимдир.

---

[1] Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Мадаева Ш.О., Каримова Э.Г. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Т.:Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006, 201-бет.

# ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

*Муксимова Х.В. – ЎзМУ Фалсафа тарихи ва мантиқ кафедраси ўқитувчиси*

Ҳозирги замон жамияти ҳаётини ахборот технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Компьютерлар банк системасида, атом реакторини назоратлашда, қувватни тақсимлашда, самолёт ва космик кемаларини бошқаришда ва соҳаларда ишлатилмоқда.

Жамиятнинг автоматлаштиришнинг юқори даражасига интилиши уни фойдаланиладиган ахборот технологияларининг хавфсизлиги савиясига боғлиқ қилиб қўйди. Ҳақиқатан, компьютер системаларининг кенг кўламда қилиб қўлли доимо ўсиб борувчи ахборот ҳажмини ишлаш жараёнларини ишлатилиши автоматлаштиришга имкон берсада, бу жараёнларни агрессив таъсирларга нисбатан ожиз қилиб қўяди, бу эса ахборот технологиялардан фойдаланувчилар олдида янги муаммо – ахборот хавфсизлиги муаммоси кўндаланг бўлди.

Интернет технологияларининг яратилиши турли манбалардан тез ва осон йўл билан ахборот олиш имкониятларини ҳамма учун мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди. Давлат муассасалари, фан-таълим муассасалари, тижорат корхоналари ва алоҳида шахслар ахборотни электрон шаклда яратиб, сақлай бошладилар. Бу муҳит аввалги физикавий сақлашга нисбатан катта қулайликлар туғдиради: сақлаш жуда ихчам, узатиш эса бир онда юз беради ва тармоқ орқали бой маълумот базаларига мурожаат қилиш имкониятлари жуда кенг. Ахборотдан самарали фойдаланиш имкониятлари ахборот миқдорининг тез кўпайишига олиб келди. Бу албатта оммавий ахборот ва ҳамма билиши мумкин бўлган ахборот ҳақида гап борганда ўта ижобий ходиса. Бу каби ахборотлар ичида маълум маънода ҳимояни, махфийликни ва сир сақланишини талаб этадиганлари ҳам бўлади, негаки, бу тоифадаги маълумотларнинг ошкор бўлиши, ўғирланиши ёки йўқ қилиниши каби ҳолатлар ташкилот учун катта талофатларни, молиявий ёки моддий зарарларни олиб келиши мумкин. Бу каби ҳолатларни олдини олиш учун эса қандай соҳа бўлмасин албатта, ахборот хавфсизлигини, унинг ҳимояси ва муҳофазасини амалга ошириш лозим.

Ахборот асри ҳатто ҳарбий ҳаракатларнинг усул ва услубларига ҳам муайян ўзгартиришлар киритди. Шу билан бирга ахборот хуружлари ҳам авж ола бошлади. Бевосита ахборот курашига келсак, ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир давлат ахборотга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни ҳимоялашга интилади, шу боис муайян бир давлат бошқа бир давлатга оид ахборотни қўлга киритса, муайян устунликка эга бўлади. Информацион уруш якуний мақсад эмас, балки якуний мақсадга эришиш йўлидаги воситадир. Ҳозирги технологиялар ахборот ўрнига уйдирма тарқатиш, бошқаларни ёлғон ахборотга ишонтириш имконини беради. Бундай уйдирмага ишонган томон охир оқибат ёлғон тарқатаётган томоннинг манфаатларига мос ҳаракат қила бошлайди. Кундалик ҳаётда учрайдиган фитна ва бўҳтонлар ҳам ахборот урушининг содда кўринишларидир.

Ахборот урушининг таркибий қисмлари ҳам кўп. Масалан, психологик операциялар, дезинформация, воқеани бузиб ёки бўрттириб кўрсатиш орқали одамларнинг бирор фирма ё компанияга, бирор сиёсий ҳаракатга ва ҳатто ҳукуматга ишончини сўндириш ёки ошириш мумкин.

Ахборот хуружнинг хавфли томони шундаки, юқорида айтилганидек, у кучли бомбадек таъсир кўрсатади. Унинг олдини олиш учун айни қуролга қарши айни турдаги қурол билан жавоб қайтариш зарур. Президент Ислом Каримов айтганидек, мафкурага қарши мафкура, ғояга қарши ғоя билан курашиш керак.

Ахборот технологиялари хавфсизлиги масалаларини тадкик этар эканмиз, уларнинг бир неча йўналишларини айтиб ўтиш мумкин. Булар компьютер системалари ва тармокларида ахборот химояси методлари ва воситаларидир.

Хулоса килиб айтганда глобаллашув жараёнида яшаётган инсоният олдида хали ўзи тасаввур кила олмайдиган муаммолар саноксиз. Унинг ижобий тарафлари хам кўп. Лекин ахборотдан тўғри фойдалана олмайдиган жамият учун ахборот катта талофатлар олиб келиши мумкин. XX асрда инсоният курол кучидан кўплаб азият чеккан бўлса, XXI асрда ахборот энг кучли курол айланди. Биргина нотўғри ахборот юртнинг тинчлигини бузиб юбориши мумкин. Ахборот окимини тўғри йўналтира олмаслик хам йиллар давомида шаклланиб келаётган маънавий кадриятларни издан чикариб юбориши мумкин.

Ахборот хуружларидан сакланиш ва осойишталикни саклаш учун куйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилади: ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш талабларини бажарган холда миллий тармокларни жахон очик тармокларга богланишини таъминловчи ахборот технологияларини мукаммаллаштиришнинг давлат дастурини ишлаб чикиш, жахон ахборот тармокларида ишловчи ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассисларни ва оммавий фойдаланувчилар малакасини комплекс ошириш хамда тайёрлаш тизимини ташкил этиш, жахон очик тармокларидан фойдаланувчиларнинг ахборот ресурслари билан ишлаш борасидаги масъулияти, мажбуриятлари, хукукларининг регламентини белгиловчи миллий конун коидаларни ишлаб чикиш. Глобаллашув жараёнларининг ахборот технологияларининг хавфсизликка таъсири, ижобий, салбий томонларини Ўзбекистон микёсида тахлил килиш ва Ўзбекистонда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги муаммоларининг илмий-методологик жихатларини тахлилий ёритиб бериш оркали юртимиз тинчлиги ва хотиржамлигини саклаш мумкин.

## К ВОПРОСУ О МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

*Зокиров Ш.М. – к.ф.н., Джураев А.А. – к.ф.н., ТОГПИ*

Современное человечество живёт в все более глобализирующемся мире, который открывает широкие возможности для дальнейшего развития, в то же самое время таит в себе вызовы, противостоять которым можно при условии принятия своевременных, долгосрочных и коллективных усилий. В условиях глобализации устраняются барьеры на пути экономического и политического развития, происходит широкое распространение информации и технологий, увеличивается социальная мобильность населения, ускоряются процессы обновления и конкуренции.

Позитивные тенденции глобализационных процессов, как показывает практика, сопровождаются негативными явлениями, такими как экстремизм, терроризм, идеологическая конфронтация, межэтнические конфликты. Антагонизм, непонимание, неприятие и подавление различий между культурами свидетельствует о нетерпимости, которая, наряду с другими, стала глобальной социальной проблемой. Её реальной альтернативой, содержащей в себе позитивный и созидательный потенциал, является толерантность. Идея ненасилия и толерантность - это тот путь, став на который человечество может сохранить себя от глобальной катастрофы. Состоявшийся в 2000 году в Организации Объединённых Наций Саммит тысячелетия принял Декларацию, в которой толерантность была охарактеризована в качестве основы международных отношений. Толерантность предполагает возможность сосуществовать различным человеческим сообществам вместе, независимо от различий между ними. Толерантность может и должна быть во всех сферах человеческих взаимоотношений – в экономических, политических, социальных, межличностных, семейных и др. Указанная социальная проблема-нетерпимость

– это своего рода сигнал, вызванный несоответствиями, диспропорциями, нарушениями закономерностей общественных процессов. Общество – это управляемая система, в которой находит свою реализацию принцип детерминизма. Тем не менее в обществе часто имеют место явления, процессы или события, которые именуют случайностями. Эти случайности, рассматриваемые в философском смысле, выступают в качестве естественных спутников закономерностей, которые предстают как проявление необходимости. Первична необходимость, ибо она объективна и закономерна. Случайность же – это с одной стороны, суть издержки необходимости. С другой стороны – результат и продукт сознательной или неосознанной деятельности социального субъекта.

Когда Гегель говорит, что закономерность – это случайность, случайность – это закономерность, он имеет ввиду, что случайное случайно постольку, поскольку оно не познано. Не познано, значит и не спрогнозировано. Познанная случайность превращается в необходимость. Принцип детерминизма обязывает изучать проблему в контексте управляемых систем, комплексно и системно, разрабатывать возможные варианты развития, прогнозировать будущее состояние проблемы и управлять процессом ее разрешения во избежание появления случайностей. Превращение последних в необходимость ни в коей мере не способствует позитивному решению социальной проблемы. Такое понимание взаимоотношения закономерности и случайности позволяет назвать нетерпимость случайностью, а толерантность - закономерностью. Движение человечества в сторону взаимопонимания, мирного сосуществования и терпимости - это закономерность, которую необходимо не только познавать, но и культивировать, а значит и управлять ею.

Социальная проблема, которая всё больше занимает умы политиков, государственных руководителей, ученых – это современное положение в сфере межнациональных отношений и достижение состояния полной и абсолютной толерантности между людьми различной национальной, религиозной, гендерной и др. видов принадлежности.

Проблема сама по себе не нова. Издавна люди, различающиеся по этнической, религиозной принадлежности, стремились к мирному сосуществованию. Как отмечает Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов, испокон веков в нашем регионе жили бок о бок и поддерживали друг друга представители разных наций и народностей. И в то время и теперь не только в Узбекистане, но и в других полиэтнических государствах социальная стабильность и благополучие граждан непосредственно связаны с состоянием отношений между людьми, принадлежащими к различным национальным, религиозным, профессиональным, половозрастным и др. группам. Специфика проблемы сегодня обусловлена противоречиями, связанными, с одной стороны, со все более углубляющимися интеграционными процессами, а с другой – дальнейшим ростом национального самосознания и усилением процессов самоидентификации, неизбежностью диалога культур, приобщения к общечеловеческим ценностям и все большим ростом интереса к национальной культуре.

В глобализирующемся мире наиболее приемлемым принципом взаимоотношений между людьми и государствами может быть принцип толерантности, включающий в себя взаимоуважение во всем многообразии отношений, симпатию, терпимость, равноправие. Истинность этого положения подтверждает закономерность развития человека как человечества, как условие самосохранения, саморазвития и неизбежности установления «вечного мира», как говорил Кант.

# ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ СИНЕРГЕТИК ТАДҚИҚИ

***Бозаров Д.М. – ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти кичик илмий ходими***

Фалсафа ва фан тараққиётининг муҳим масалаларидан бири айланаётган кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёни синергетиканинг методологик имкониятлари (очиқ тизим, ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини бошқариш, автопоэзис, аттрактор, ночизиқли флуктуация, бифуркация, тартиб ва хаос, когерентлик, коэволюция, фрактал, кўп вариантлилик, мукобиллик)лан кенг фойдаланиш заруратини келтирмоқда. Бундай имкониятдан самарали фойдаланиш асосида биз ҳозирги дунё ривожланишининг янги сифат босқичига кираётганлигини ва уни тушунишда янгича тафаккур тарзига ҳам мурожаат қилишимиз лозимлигини англаймиз.

Ҳозирги кунда синергетика фанлараро тадқиқот методларини бирлаштириш орқали соҳалараро фалсафа белгиларини намоён қилмоқда. Шу боисдан ҳам синергетик тадқиқотларни олиб боришнинг ўзида ҳар бир онгли инсонни қизиқтираётган саволларга жавоб изланмоқда. Бундай саволлар жумласига коинот нима, коинотнинг ўлчами қачон содир бўлади, ҳаёт қандай пайдо бўлган, коинотда инсон ягона мавжудотми, ер юзидаги аҳоли қанчагача кўпайиб бориши мумкин, инсоният хавфли касалликларни енга оладими, инсоннинг ўзи қандай пайдо бўлган, онг нима дегани, иқлимни ким бошқаради, қандай қилиб бир ҳужайра бутунбир организмга айланади, сунъий интеллектни шакллантиришдан мақсад нима, нанофан ва нано технологиялар истиқболи қандай бўлиши мумкин, фуқаролик жамиятининг императивлари нималар билан белгиланади, техносфера ва информацион жамиятнинг асосий тараққиёт тенденциялари нималар билан боғлиқ, биоэтика ва ноосфера ғояларининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишдан мақсад нима ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

В.С.Степин, Н.Н.Моисеев, Т.П.Григорьева, Ю.А.Данилов, С.П.Капица, Ю.Л.Климонтович, А.П.Огурцев, Д.С.Чернавский, В.А.Шуперлар ўз ўзларининг ночизиқли муҳит, эволюциянинг кўп қиррали жиҳатлари, метабаркарор ўзгаришлар ҳақидаги янгича ёндашувлари билан кенг омма ўзига жалб қиладилар. Уларнинг таъкидлашларича, инсониятни ҳозирги кундаги ўсиш сурати 1970 йилдан буён юқори кўрсаткичга эга бўлиб бормоқда. Бу ўсиш сурати атиги 40 йил ичидагина ўзининг юқори чўққисига чиқиб олди. Масалан 1969 йилда дунё аҳолиси 3 млрдни ташкил этган бўлса, 1999 йилда 6 млрд аҳоли қайд этилмоқда. Агар аҳолини ўсиши шу тарика давом этадиган бўлса, у 2050–2070 йилларга бориб, 14 млрдни ташкил қилади[1]. Бу эса биздан глобал доирадаги муаммоларни ҳал этишда муносиб фикрлашни, дунёга бир бутун бирлик сифатида ёндашишни талаб этади[2]. Умумий тартибга солиш ва ташкиллаштириш масаласи глобал муаммоларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг назаримизда, энергетик, экологик ва бошқа катта муаммоларни бартараф этишда синергетик принциплар муҳим ўринни эгалайди. Бу жараёнда синаш имкониятлари мавжуд бўлмайди. Системанинг ички хусусиятларини билган ҳолда ишлаш эса тафаккур асосида амалга оширилади.

Айтиш жоизки, юқоридаги синергетика принциплари асосида биз фанлараро тадқиқот методларнинг ишлаб чиқилиши натижасида бутун коинотда воқеалар интеграл сценарийсини билиб олишимиз мумкин. Бу глоба

[1] Қаранг: Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Основания синергетики. Синергетическое Мировидение. – М.: КомКнига, 2005. – 20 с.

[2] Қаранг: Синергетическая парадигма. Многообразие поисков и подходов. – М.: Прогресс – Традиция, 2000. – 536 с.

жараёнлар микро-макро ва мегадаражадаги масалаларни, билим структураси ва амалий фаолиятда инсон ролини кайта тушунишга ёрдам беради[1].

Ўз-ўзини ташкиллаштириш принципини тадкик этган И. Янч "ўз-ўзидан ривожланувчи оламга инсон киради ва бу билан глобал эволюционизмга гуманистик мазмун беради"[2] деган хулосага келади. Бу билан И.Янч ҳозирда мураккаб иерархик ташкиллашган системаларнинг пайдо бўлиши билан характерланувчи ўз-ўзини ташкил қилиш ғояси прогрессив эволюция асосида эканлигини асосламокчи бўлади.

Коинот 10 миллиард йилдан бери ўзини кенгайиш ҳодисасини давом эттирмокда. Ушбу жараёнлар глобал масштабда ўз-ўзини ташкил қилувчи жараёнлар хисобланади. Биз синергетикани ўз-ўзини ташкил қилиш принципи сифатида очик ва ёпик системаларда ўз–ўзидан ҳаракат, ўз–ўзидан тараккиёт жараёнларини тадкик этувчи янги методологик йўналиш эканлигини эътироф этишимиз мумкин.

Ҳозирги замон глобал муаммоларда объектив асослар мавжуд ва уларни халкаро миқёсда ҳамкорликда фаолият олиб бориш оркалигина олдини олиш мумкин. Шунинг учун ҳам бундай ҳамкорликни таъминлашга доир мукобил илмий концепцияларга эҳтиёж сезилмокда. Булар жумласига И.Пригожин, Г.Хакен, Арнольд, С.П.Курдюмов, Мандельброт, Р.Том ва бошкалар томонидан таклиф қилинаётган ижтимоий тараккиёт ва глобаллашув жараёнларини ўз ичига камраб олишга кодир бўлган синергетик интерпретация методини келтиришимиз мумкин. Бу тадкикот методи асосида биз глобаллашув жараёнлари ва турли кўринишдаги мураккаб муаммоларни ўз-ўзини ташкиллаштириш, очик система, бифуркация, флуктуация, супператтрактор, хаос (тартибсизлик), диссипатив тузилма, ижтимоий энтропия ва бошка шу каби илмий ёндашувлар оркали таҳлил қилиш имкониятига эга бўламиз. Ва бу борада керакли назарий ва амалий чора-тадбирлар тўғрисида илмий аҳамиятга молик хулосалар ишлаб чикишимиз мумкин бўлади.

Жаҳон тараккиётининг муҳим хусусиятларидан бирига айланаётган кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнларини тадкик қилишда синергетиканинг имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурати юзага келмокда.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ УДУМЛАРИНИ ЎРНИ

***Юлдошева С. – ТМИ Фалсафа кафедраси доценти***

Ҳар кандай халк ёки мамлакатнинг ривожланиши ундаги урф-одати, осори-атикалари, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилади.

Бизнинг халкимиз ҳам дунёдаги энг кадимий маданиятга эга халклардан бири хисобланади. Биз ўз урф-одат ҳамда кадимий маданиятларимиз билан ҳар канча фахрлансак арзийди.

Шуни ҳар доим ёдимизда тутишимиз керакки, ҳеч бир халкнинг урф-одатлари маданияти, адабиёти, санъати бири-биридан ажралган ҳолда, яъни соф ҳолда ривожланмаган ва ривожланмайди ҳам. Шу боис удумларимиз биз билан кадим-кадимдан ён кўшни, жон кўшни сифатида ҳаёт кечираётган кардош

---

[1] Қаранг: Калинина Н.М. Проблемы глобального Мира: Утрата и обретение смысла// "Вызовы современности и ответственность философа". Материалы "Круглого стола", посвященного Дню философии, 20 ноября 2003. – Б.: Изд–во КРСУ, 2003. – 90 с.

[2] Қаранг: Янч И. Самоорганизующаяся Вселенная научные и гуманистические следствия возникающей парадигмы эволюции. - М.: 1998. –С 52. Янч Э. Самоорганизующаяся Вселенная // Общественные науки и современность. 1999. № 1. - С. 143–158.

қозоқ, қирғиз, туркман ҳамда озарбайжон халқларини бевосита
оки ёки ҳамоҳанглигида яратилган ва тараққий топган.
Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз удумлари ҳамда урф-одатлари мавжуд
у ўтмишга чуқур илдиз отган ҳолда жаҳон маданияти хазинасидан
иб ўрин эгаллайди.
Биз болалигимиздан яхши ёки ёмон урф-одатларнинг қайси бирига
б қолган бўлсак, биз уни бир умр тарк эта олмаймиз. Шунинг учун ҳам
изда "бешикда теккан" ёки "қон билан кирган" деган мақолалар бежиз
аган.
Инсоннинг феъл-атвори, тили, хулқи қон билан кириб бутун жисми
тарқалиб кетувчи урф-одатлар ва анъаналардан иборат бўлади.
Ҳаётда биринчи зарурий эҳтиёжлар борки, уларни қондирмаслик ёки
маслик мумкин эмас. Хусусан, овқатланиш, ювиниш, кийиниш ва
лар. Бироқ тасаввур қилинг, вужудимизга биз бевосита истеъмол
ган моддий неъматлардан аҳамияти жиҳатидан деярлик паст бўлмаган
ий неъматлар ёки туйғулар, урф-одатлар, удумлар борки биз уларни ҳеч
шан, онгимиздан чиқара олмаймиз. Ана шундай инсоний
аримиздан ёки удумларимиздан бири каттага ҳурмат, кичикка шавқатдир.
да донишмандларимиз кекса кишиларга, ота-онага, ака-ука, опа-сингил,
қон-уруғларга маҳалла-гузар аҳлига нисбатан ҳурмат, меҳр-оқибат
, муҳаббат туйғуларини юракдан энг асл гавҳар донасидай асраш
ида жуда кўп рисолалар ёзиб қолдирганлар.
Айникса, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қашқарий ҳамда Алишер
й сингари буюк аждодларимиз ижодий меросининг катта қисми мана шу
инсоний мавзуга бағишланган. Албатта, инсонлардаги катталар олдида
сақлаш, уларнинг гапи, ўгити, панд-насиҳатларига қулоқ тутиб иш
лашида жуда маъно кўп.
Удумларимиз моҳиятига янада чуқурроқ назар солсангиз, уларда ҳатто
арсалардан ҳам ёруғлик қилириш, уларни ҳам тўғри йўлга солиш истаги
игининг гувоҳи бўласиз. Инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари
бировларнинг дилига оғир ботмаслиги керак. Ҳақоратнинг оғир-енгили
тта-кичиги бўлмайди, у тарсаки билан урадими? ёки ноўрин ҳаракатлари
инсон ғашига тегадими у барибир ҳақоратдир. Шу боис, қадим
лардан буён кунгина Шарқ халқлари ҳаётида "каттага ҳурмат, кичик ва
арга шавқат" қонунияти ҳар бир кишининг инсоний бурчи ҳисобланиб
ади.
Инсондаги ҳурмат-иззат, эъзозлаш, азиз тутиш туйғуси нафақат
ларга балки дунёдан ўтган марҳумларга нисбатан ҳам ҳатто жониворлар,
нинг ризқу-насибаси бўлган нонга илм-маърифат, маданият рамзи оқ
а, тириклик ва ҳаёт манбаи бўлган сувга нисбатан ҳам кенг қўлланилади.
ликда одамларга, жамиятга, илм-маърифатга, маданиятга катта фойда
ган инсонларга уларнинг вафотидан кейин ҳам уларга нисбатан чуқур
т-эҳтиром сақланиб қолади ва уларнинг қабрларини азиз билишади.
Ота-боболаримиз ерда ётган нон увоғини охиста олиб ўтиб, юз-кўзларига
б оёқ остидан четга, қушлар ёки мушуклар еб кетадиган жойларга
ган нонни ерга ташлаш, ёки уни босиб ўтиш катта гуноҳ ҳисобланган.
дёт тўғрисида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.
Инсондаги иззат-ҳурмат туйғуси бобида эркак кишининг аёл зотига
абати алоҳида ўрин эгаллайди.
Ота-боболаримиз ер юзидаги барча эзгуликлар манбаи, инсон ҳаётининг
шмаси бўлган аёл зотига ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром сақлаб, ва уларни
жинс сифатида ҳар қандай оғир юмушлардан асраб келганлар. Эркаклар,
игит-ўспиринлар аёл зотининг хизматида доимий камарбаста бўлишган.
табаррук зот саналиб, босган излари кўзга суртилган ва фарзанд бутун
давомида онани оғринтирмасликка ҳаракат қилган.

Ривоят қилишларича онани фарзанд томонидан саватга солиб, бошига кўтариб, етти марта Маккаю Мадинага олиб бориб, тавоф қилдириш, онаизорнинг фарзанд бешиги устида бедор ўтказган бир кунига тенг келмас экан. Бобур Мирзо бобомиз эгачилари Хонзода бегимни йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, хафтада бир марта зиёрат қилишини тарк этмаганлар. Бундай воқеликларни ҳаётда жуда кўп келтириш мумкин.

Инсоннинг баркамол инсон бўлиб етишуви унинг қалбини, яъни юрагини қандай туйғулар банд этганлигига қараб белгиланади. Бинобарин, иззат-ҳурмат, шавқат хис-туйғулари муборак саналиб, ҳаётда у кишиларга кўп яхшиликларни бахшида этади. Шу боис бизнинг хаётда яшашдан мақсадимиз ҳам шунга келиб тақалади. Инсонлар қалбига меҳр-мурувват, марҳамат, раҳмдиллик, бир-бирига иззат-хурмат, эҳтиром хисларини солиш хам удумларимиз махсулидир. Бирор ҳалқнинг яшаш даврини таҳлил этиш зарурати пайдо бўлса унинг удумларини ўрганишдан бошламоқ зарур. Чунки, унда халқнинг тафаккури, турмуш тарзи, яшаш йўсини, руҳият имкониятлари яхлит намоён бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, албатта удумлар ҳар бир халқнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий онг даражасидан ҳам дарак беради ва унинг идрок манзарасини яққол кўрсатиб туради. Ўз қадрини билган маърифатли халқлар энг аввало, маънавиятга пойдевор бўлган, расм-русумлар ҳамда урф-одатларининг ривожланишига эътиборни кучайтиради ва уларни асраб-авайлаб авлоддан-авлодга ўтказиб беради.

## МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

*Усманбекова З. – ЎзДЖҚА аспиранти*

Инсониятнинг кейинги тараққиёт йўллари глобаллашув шароитида шахснинг ижтимоий онги, йўналтирувчи мақсадлари, қадриятлари, ҳаётий тушунчалари, дунёқараши ва охир-оқибат унинг жамият билан муносабатларида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганига боғлиқ.

Глобаллашув жараёнлари ҳозирги даврда энг илғор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари тизимларининг ривожланиши, илмий, техник ҳамда одамлар ҳаёти учун зарур ахборотни йиғиш ва тақсимлаш, меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиб, бу борада кенг имкониятлар очмоқда. Глобаллашув байроғи остида дунёни қайта тақсимлашга қаратилган жиддий ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Глобаллашув, *бир томондан*, дунё ҳамжамияти ҳаётини, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларни белгилаб берувчи етакчи омилга айланмоқда. *Иккинчи томондан* эса, алоҳида олинган давлат ва ҳудудлар ички сиёсатини таркиб топган умумдунёвий шароит билан мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Глобаллашув шароитида қуйидаги ҳолатлар инсон тафаккури ва маънавий дунёсида ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Булар:

- глобаллашув жамият маданий-маънавий соҳаларига таъсир ўтказиб, анъанавий қадриятлар тизимини издан чиқаради;
- глобаллашув жараёнида инсонларнинг онгига таъсир этувчи ахборот-психологик таҳдидлар инсоннинг маънавий-ахлоқий, психологик қиёфасига жиддий таъсир ўтказади ва демак, ҳозирги замон жамиятининг қиёфасини муайян тарзда ўзгартиради;
- глобаллашув таъсирида ижтимоий ва индивидуал онгда, ҳаётий мақсадлар ва тасаввурларда ўзгаришлар содир бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва турли миллатлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатлари хусусида гапирар экан: "Ўзбек халқи руҳининг тикланганлиги, миллат маънавий-ахлоқий

идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ходисадир.

Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, умуминсоний руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқда. Бу эса мустақиллик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди"[1], – деган эди.

Бу муаммонинг ечими ҳисобланмиш яна бир белги толерантликдир. Барчамизга маълумки, бизнинг халқимизга хос фазилатлардан бири – бу турли эл ва элатлар вакиллари, ғоявий қарашлари ранг-баранг бўлган фуқаролар билан мулоқотларга кириша олиши ҳамда бу муносабатларни мустаҳкамлай билишидир.

Халқимиз толерантлиги Ўзбекистонда миллий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топтирди[2]. Бу ютуқлар мамлакатимизда турли миллий маданиятларнинг ривожланиши нафақат турли халқларни этник ўзига хослигини сақлаб, уни такомиллаштириш имконини бериши, балки уларнинг ватан ягоналиги, жамиятнинг ички бир бутунлигини қалбдан ҳис этишларига маънавий шарт-шароитлар барпо қилинишидандир.

Юқорида санаб ўтган глобал муаммолар қаторида яна бир қанча муаммолар мавжуд: 1) ижтимоий тенгсизлик муаммолари; 2) таълим соҳасидаги муаммолар; 3) фуқаролар ва гендер тенглиги ва хотин-қизлар ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалалари; 4) она ва болалар ўлимини камайтириш ва соғлиғини яхшилаш масалалари; 5) ОИТС/ОИВ ва бошқа касалликларга қарши курашиш; 6) экологик барқарорликни таъминлаш масалалари.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, "ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас"[3]. Шундай экан, глобаллашувнинг ижобий ва маънавий-маданий жиҳатлари халқаро интеграция, ҳамкорлик алоқалари, хорижий инвестиция, капитал ва товарлар алмашинуви, ишчи кучининг эркин ҳаракати, янги иш ўринларининг вужудга келиши, замонавий коммуникация, илм-фан ютуқлари тез тарқалиши, қадриятларнинг уйғунлашуви ва шу каби ижобий томонлари бўлгани каби, унинг маънавий таҳдид, мафкуравий бўшлиқ, миллий қадриятларни поймол қилиш, психологик таъсир этиш, ахборот тизими орқали турли мафкуравий тазйиқлар ўтказишдек салбий томонлари ҳам мавжуд. Айниқса, бугунги кунда давлат келажаги бўлмиш ёшларни ана шундай таҳдидлардан асраш муҳим муаммо бўлиб келмоқда. Бу ишларни амалга оширишда асосий ва муҳим восита бўлиб ОАВ хизмат қилади. Шу жиҳатдан, Президент И.А.Каримов "Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади"[4], дея таъкидлагани бежиз эмас. Албатта ўзлигини таниган халқ бундай тазйиқларга қарши тура олади. Дунёда турли халқларга таҳдид солаётган мафкуралардан холи бўлишнинг энг мақбул воситаси эса ўз ривожланиш ва тараққиёт йўлини миллий хусусиятларга, урф-одат ва қадриятларга мувофиқ тарзда белгилашдир.

Шундай экан, юқорида келтирилган бир қанча глобал муаммоларнинг ечимларини топиш, уни биргаликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Олий ўқув юртлари талабалари, мактаб ва боғча ёшиданоқ ёшларни миллий-маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаб, турли мафкуравий таҳдидларга қарши бардошли қилиб етиштириш муҳимдир.

---

[1] Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т., "Ўзбекистон", 1998, 129-б.

[2] Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т., "Маънавият", 2008, 350-б.

[3] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., "Маънавият", 2008, 112-б.

[4] Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. –Т., "Ўзбекистон", 1998, 20-б.

Маънавият халқни бирлаштирадиган, жипслаштирадиган қадриятлар тизимидир. Буни таъминлашдаги асосий омил эса инсонларнинг маънавий салоҳиятини ошириш ва уларда ғоявий иммунитетни шакллантиришдир.

## БАҒРИКЕНГЛИК ВА АХЛОҚИЙ АНЪАНАЛАРГА СОДИҚЛИК МАСАЛАЛАРИ

*Расулова Н. – ТИУ аспиранти*

Ҳозирги даврда ижтимоий-фалсафий адабиётларда ва оммавий ахборот воситаларида "глобаллашув", "жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг глобаллашуви", "глобаллашув жараёнида маданиятлараро мулоқотлар" каби атамалар дунё халқларининг барча тилларига кириб келмоқда. Жамиятнинг ривожланиб бориши ўзининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишда, янги маънавий муҳит ва жараёнларга асос солишда ва уларни амалга оширишда, биринчи навбатда, бу ғояларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан Президент И.Каримовнинг ёшларнинг маънавий тарбияси ҳақидаги гаплари алоҳида аҳамият касб этади: "аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин"[1]. Юксак ғоялар оддий кишилар онги ва қалбидан жой олмагунча, бу ғояларнинг ижтимоий-тарихий моҳияти ва аҳамияти ер ости бойликлари тарзида ётаверади. Шунинг учун "маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди"[2], – деган Юртбошимиз.

Ҳозирги даврда жамиятлар ривожланишини глобаллашув жараёнларининг одамлар менталитети, маънавий дунёси, ижтимоий хатти-ҳаракатларига таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли, мазкур муаммолар ҳозирнинг ўзидаёқ инсониятнинг бугунги ва келгуси ривожланишини фалсафий ва илмий таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Зеро, бу соҳада ҳозирги воқеликни тушуниб етиш ва дунёнинг келгуси тузилиши юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарур. Чунки сўнгги йилларда глобаллашув жараёнлари инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳа ва соҳаларини қамраб олаётган долзарб ҳамда кескин муаммоларни юзага чиқармоқда.

Глобаллашув жараёнларининг бошланишини олим ва сиёсатчилар турли давр ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлашади. Таниқли немис социологи Ульрих Бек бу ҳақда шундай ёзади: "Иқтисодий глобаллашув қачон бошланди, деган савол тўсиқларга тўла чакалакзорларга етаклайди"[3].

Глобаллашув шароитида ҳар бир инсоннинг тафаккури ва маънавий дунёсида қуйидаги муаммолар пайдо бўлиши мумкин, чунки 1) глобаллашув шароити натижасида содир бўладиган ўгаришлар инсоннинг маънавий-ахлоқий, психологик қиёфасига таъсир ўтказади; 2) глобаллашув шахсни шакллантирувчи жамиятнинг маданий-маънавий соҳаларига таъсир ўтказиб, муайян ўзгаришларга олиб келади, натижада эса анъанавий қадриятлар тизимини издан чиқаради; 3) глобаллашув натижасида ижтимоий ва индивидуал онгда ўзгаришлар рўй беради.

Глобаллашув шароитида турли миллат ва дин вакилларининг ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликда яшашлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: "Маънавият", 2008. 119-б.
[2] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: "Ўзбекистон", 1995. 184-б.
[3] Бек У. Что такое глобализация. Ошибки глобализма – ответы на глобализацию. –М.: «Прогресс-Традиция», 2001. С.42.

аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутади, тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Айни дамда мамлакатимиздан ўндан зиёд конфессияларга мансуб диний ташкилотлар фаолият юритмоқдалар. Уларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуғ ва муштарак ғоялар йўлида ҳаракат қилиш учун имкон яратади. Ана шундай ғоялар ўтмишдаги аждодларимиз асарлари, рисолаларида ўз аксини топган бўлиб, уларда ахлоқ, ватанпарварлик, фидойилик каби эзгу баҳс мавзулари устида қалам тебратилган. Чунки, жамиятда тартиб ва ахлоқийлик ҳукм сурмас экан, бундай жамиятда бош-бошдоқлик ҳукмрон бўлиб, у инқирозга юз тутади. Масалан, "ахлоқ" илмининг асосчиларидан бири Муҳаммад ибн Мискавайҳнинг "Таҳзиб ул-ахлоқ" асарида қуйидаги фикрлар билдирилган:

*Интизом* – нафснинг бир ҳолати бўлиб, у нафсни илмларни гўзал тарзда бажариш ва уларни лозим бўлган даражада тартибга солиб чиқишга ундайди.

*Гўзал ҳидоят* – нафсни гўзал зийнатлар билан мукаммаллаштиришга бўлган муҳаббатдир[1].

Ижтимоий ҳаёт аввало, интеллектуал, ахлоқий, иқтисодий ва диний ҳаётдир. Цивилизациянинг тезкор суръатлари ва тарихий жараёнлари глобал ўзаро муносабатлар, уларнинг чуқурлашуви, мамлакат ва халқлар ўртасида алоқалар мустаҳкамланишини тақозо этмоқда. Ҳозирги жамиятда инсоннинг янгича типи юзага келмоқда, яъни мунтазам равишда юз бераётган янгиланиш натижасида ўзгариш, шу ўзгариш натижасида фаолият кўрсатишга ҳаракат қилаётган инсон тури.

Глобаллашувнинг ижобий ва маънавий-маданий жиҳатлари халқаро интеграция, ҳамкорлик алоқалари, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар алмашинуви, ишчи кучининг эркин ҳаракати, янги иш ўринларининг вужудга келиши, замонавий коммуникация, илм-фан ютуқларининг тез тарқалиши, қадриятларнинг уйғунлашуви, ўзаро ёрдам имкониятларининг ортиб бориши билан белгиланади. Бу жараёнларнинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар табиийки, ўткир мафкуравий таъсир, тазйиқ, маънавий таҳдид, маънавий бўшлиқ, ахборот хуружлари, хатарли таҳдидлар, ахлоқий бузуқликни тарғиб қилиш, оммавий маданият, эгоцентризм, маънавий негизларга беписандлик билан муносабатда бўлиш, зўравонлик каби бузғунчи ғоялар билан боғлангандир[2]. Ҳаёт ўз-ўзидан кишиларни бахт-саодатли бўлиш даражасига кўтара олмайди. Бунинг учун одамлардан тегишли йўналишдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИ МУАММОЛАРИ

*Исроилов Б.Э. – СамДУ аспиранти*

Бугунги кунда глобал ва локал даражаларда адолатлиликка, инсонпарварликка, демократик қадриятларга асосланган муносабатларни қарор топтиришнинг шарт-шароитлари, воситалари ва мақсади сифатида мамлакатлар, континентлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик, шерикчилик муносабатларидан иборат янги алоқалар ўрнатиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. "Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти учун, айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш

---

[1] Al-mouarrix al-Bahis al-faylasuf Ahmad Ibn Miskaweyh. –Bayrut, 1961. p.24

[2] Ижтимоий фалсафанинг долзарб муаммолари. –Т., 2009. 113-б.

авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор этолмайди. Аввалambор, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз"[1]. Шу билан бирга глобаллашувнинг салбий томонлари ҳам инсониятни ташвишга солмоқда.

Бу жараённинг мазмунида бир-бирига қарама қарши бўлган ижобий ва салбий жиҳатлари намоён бўлиши асосида жамиятни ташкил қилган структуравий элементлар манфаатлари хилма хиллиги ётади. Шу ўринда россиялик олим А.Зиновьевнинг: "Глобаллашув янги жаҳон уруши. У янги типдаги жаҳон уруши"[2] деган таъкиди ёки глобаллашувнинг авж олиши миллат "чегараларини" йўқ қилиб юбормоқда, оммавий маданиятни шакллантиришга олиб келмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир миллатга хос бўлган урф-одат, анъана ва бошқа маънавий қадриятлар ўз аҳамиятини "йўқотиш" хавфи юзага келмоқда. Бу миллатларнинг маънавий қашшоқлашуви содир бўлишига, уларнинг ўзлигини англамайдиган манқуртларга айланишига олиб келувчи таҳдидларни юзага келтирмоқда[3], деган пессимистик хулосалари кишини анча сергак торттиради. Умуман, глобаллашув жараёни натижаларидан муайян манфаатларга кўра фойдаланиш, уни турлича баҳолашга олиб келган бўлса ҳам, уларни баҳолашнинг умуминсоний мезонлари шаклланган ва ҳар қандай тарихий даврда нисбатан турғун характер касб этган мезон гуманистик тамойилларга мос келиши ҳисобланган.

Глобаллашув жараёнининг тарихий генезисини тадқиқ қилган аксарият тадқиқотчилар «глобаллашув ибтидоси - антик дунёдадир, бу кучли давлатлар томонидан дунёни босиб олишга бўлган илк ҳаракатларидан бошланиб, дастлаб "ҳарбий характерда бўлганлигини, аммо аста-секин, тарихнинг цивилизация йўлида одимлаши билан, иқтисодий, геосиёсий, ахлоқий, маданий, экологик, лингвинистик, коммуникациявий глобаллашув шакллари пайдо бўлган"[4], деган хулосага келганлар. Бизнинг назаримизда, глобаллашув жараёнининг ретроспектив асосларини ҳарбий-агрессив ҳаракатлар, уларнинг эскалацияси билан боғлаш, масалага ёндошувда муайян детерминистик муносабатларни устуворлаштириш ёки мутлақлаштириш оқибатидир. Чунки инсонларнинг яшаш учун кураш инстинктлари, иқтисодий эҳтиёжлар динамикаси, ҳаёт тарзини ўзгартиришга интилишлари ижтимоий муносабатлар географияси кенгайишига олиб келган. Бунда ҳарбий юришлар глобаллашувнинг сиёсий воситаси бўлган ва муайян манфаатларга мос келган. Шунинг учун, умуман глобаллашув жараёнида, хусусан маънавий муносабатлар интеграциялашуви чегаралари кенгайишида, уларнинг фақат сиёсий мақсадлари эмас, балки гуманистик эҳтиёжлари ҳам асосий рол ўйнаганлигини эътироф этиш керак. Ҳарбий агрессиялар эса, ҳеч қачон гуманистик тамойилларга мос келмаган. Глобаллашув жараёни, инсоният тараққиёти тақдирини белгилайдиган ижтимоий феномен сифатида, фақат XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб илмий тадқиқ қилина бошланди ва уни ўрганувчи махсус "Глобалистика" фани вужудга келди. Унинг нисбатан мукаммал назарий-методологик асослари шаклланиб, маънавий интеграция жараёнининг амалий йўналишларини белгилаб бериши, ҳозирги тарихий давр объектив воқелигига муносабатига кўра эзгулик ва ёвузликнинг ифодаси тарзида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳозирги даврда жаҳон жамоатчилигини бир-бирига тубдан қарама

---

[1] Каримов И. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т. 2009. 5-бет.

[2] http://uz.infocom.uz/more.php?id=207_0_1_0_M8

[3] Қаранг: Ўша сайтда

[4] Қаранг: Юлдашева Ф. Методологические проблемы исследования процесса глобализации / Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. 70-71 бетлар. (70-75 б.).

билан боғлиқ. Чунки, инсон маълумотли бўлиши учун ўзидан олдинги авлод яратган билимларни ўрганиши, ўзлаштириши лозим. Агар бу ерда ўзга томонидан ёзиб қолдирилган матнни тадқиқ этиш зарурати туғилар экан, у албатта герменевтиканинг муайян методи орқали амалга ошади. Чунки, тушунишга йўналтирилган ҳар қандай тадқиқот герменевтик аҳамият касб этади. Герменевтик билимлар тараққиёти ҳам инсоният тўплаган маънавий бойлик ошгани сари мукаммаллашиб борди, хусусан, дастлаб, фақат матн талқини билан шуғулланган герменевтика кейинги икки асрга келиб, онтологик, аксиологик, экзистенциал-психологик, праксиологик ва бошқа аҳамият касб эта бошлади. Яъни инсон ва ижтимоий ҳодисаларнинг субъектив жиҳатларини ҳам тадқиқ эта бошлади. Натижада, герменевтика XX асрда алоҳида фалсафий йўналишга айланди.

Герменевтик билимлар тарихан тадқиқот объектига кўра, диний, филологик, ҳуқуқий ва фалсафий босқичларни босиб ўтди. Диний матнларни талқин қилишда, хусусан христиан динида тарихий жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда ортодоксал, ноортодоксал, консерватив ва либерал герменевтика; диний ва бадиий матнларни талқин этишда романтик герменевтика, феноменология, экзистенциализм, тарих фалсафаси вакилларининг мероси фалсафий герменевтиканинг муҳим назарий асоси бўлиб хизмат қилди. Шунга кўра, герменевтик билимлар ривожи ўзига хос илмий тушунчалар тизимини яратди. Зеро, тушунишнинг муҳим қонуни бўлган "Герменевтик доира" ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини бизга тушунтириб туради. Худди шу каби матн, символ, тил кабилар ҳам инсон мавжудлигининг муҳим шартидир. Демак, фалсафий герменевтиканинг илмий аппарати ва тадқиқот доираси ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг назарий асосланган амалий йўналиш эканлигини исботлайди.

Герменевтик методология ривожининг асосий хусусиятлари Х.Г.Гадамер илмий мероси билан боғлиқ, файласуф томонидан илгари сурилган анъаналар оддий ҳаётий вазиятлардан ҳам мазмун топиш имкониятини беради. Бунинг ягона шарти, фақат ва фақат – мулоҳаза юритиш, тизимли фикрлашдан тўхтамаслик ва фикрлар узвийлигини таъминлай олишдир. Шу ҳолатдагина, герменевтик тафаккурни ўзлаштириш мумкин. Ҳозирги замонда ҳар бир ижтимоий ва табиий соҳа тадқиқотчиси герменевтик тафаккурга эга бўлиши лозим. Чунки, герменевтик тафаккур олимни ижодий фикрлашга, таҳлилий қобилиятини кучайтиришга хизмат қилади. Шу ўринда герменевтик тафаккурга таъриф бериб ўтсак, герменевтик тафаккур эркин ихтиёрий ҳаракат қилади, яъни у қатъий қонун-қоидаларга бўйсунмай, балки тадқиқот объектининг ўзига хос хусусияти ва тадқиқотнинг мақсадига кўра методларни танлайди. Мазкур фикрлаш тарзи объектнинг ички мазмунини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, бунда объект вазият ва заруратга қараб индуктив ва дедуктив ёндашувлар, яъни бутун ва қисм диалектикаси воситасида ҳам тадқиқ этиш имконини беради.

Умуман олганда, герменевтик тафаккур бу – диалектик тафаккурдаги тўғри чизиқли ёки синергетик тафаккурдаги ночизиқли хаотик тизим эмас, балки ташқи (яъни, белги, код, рамз каби) ифодалар билан бирга, ички мазмунни аниқлашга йўналтирилган эгилувчан ва кўпқиррали тафаккур тарзидир. Эгилувчан дейилишига сабаб, герменевтик тафаккур объектнинг хусусиятига кўра, ёндашув ва методларини осон ўзгартиради. Унинг кўпқирралилиги эса, бир ҳодисанинг бир неча аспектда таҳлил қилиш имконини беришидадир.

Глобал жараёнлар таъсири сезиларли ортиб бораётган бугунги кунда буюк аждодларимиз маънавий меросини илмий тадқиқ этиш билан бирга, бугунги ёшларнинг ўтган олимлар билан мустаҳкам ворисийлигини таъминлаш лозим. Одатда, жаҳон илм-фанига ёки миллатининг фахрига айланган сиймоларга тарихий ёдгорликлар бунёд этилади. Монументал ёдгорликларни ўрнатиш ёшларда тарихий тафаккурнинг ривожланишига таъсир кўрсатиб, бевосита миллий ғояни мустаҳкамланишига сабаб бўлади. "Шулар қатори янги

тарихимиз давомида Ватанга бўлган меҳри ва садоқатини намоён этиб, истиқлолимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг буюк келажаги учун азму шижоат намунасини кўрсатиб, шу мақсад йўлида ўз ҳаёти, ижодий фаолиятини тўла сафарбар этган, керак бўлса, азиз жонини фидо этишга ҳам тайёр бўлган муносиб ватандошларимизга бағишлаб қанчадан-қанча ижод намуналарини яратиш мумкин эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тасаввур қиламиз"[1].

Умуман олганда, герменевтик тафаккур глобал жараёнлар моҳиятини тушунишда муҳим методологик восита бўлиб хизмат қилади.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЖАМИЯТ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ САЛБИЙ ОМИЛЛАР

*Аблокулова Д. – СамДУ тадқиқотчиси*

Глобаллашув жаҳон миқёсида ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига объектив ва субъектив тарзда таъсир кўрсатаётган бир даврда ҳар бир жамият соғлом турмуш тарзи, маънавий тараққиётнинг аҳволи ва истиқболини жиддий ўйлаш, чора-тадбирлар кўриш вазифаси ижтимоий заруриятга айланади.

Жаҳон сиёсий саҳналарида рўй бераётган ҳар қандай янгилик ёки ўзгариш қай даражада миллатлар ва мамлакатлар турмуш тарзи ва тақдирига мақбуллигини ёки хавф солаётганини чуқур идрок этиш лозим бўлиб қолди.

XX асрдаги катта империяларнинг миллат ва элатлар тақдирига салбий таъсири мана шундай мураккаб вазиятларнинг вужудга келишига сабаб бўлганлигини бугунги кунда мустақилликка эришган давлатлар яхши англаб етмоқда. Мустақил давлатлар ўз миллий қадриятлари ва тарихини тиклашга интилаётган бир даврда глобаллашувни пеш қилиб, ўзгача маънавий-ахлоқий ва «оммавий маданият»ларни жаҳон миқёсида ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилаётган мафкуравий кучлар ҳам пайдо бўлмоқда. Шу боисдан тараққий этган мамлакатларнинг глобаллашувга бўлган таъсир доирасидан, уларнинг шахс онги ва руҳиятига аста-секинлик билан салбий таъсир этувчи, «оммавий маданият» негизида кириб келаётган носоғлом турмуш тарзидан огоҳ бўлмоқ даркор. Мана шундай салбий омилларнинг халқимиз соғлом турмуш тарзи, маънавияти, миллий қадриятларига киритишга интилаётган «бадиий маҳсулотларидан» эҳтиёт бўлмоқ керак. Чунки, беозоргина кўринган бирор буюм, мультфилм ёки «оммавий маҳсулот» одамлар қалби ва онгига таъсир этиши, миллий маданиятимизга путур етказиши мумкин. Уларнинг «ташвиқотлардан кўзланган мақсади ҳам жуда катта, яъни катта фойдага эга бўлиш, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодиёти ва моддий ресурсларини қўлга киритиш, уларнинг миллий маънавиятини эгаллаш, ўз урф-одат, анъана, ахлоқий қадриятларини ўзгалар онги ва қалбига сингдириш, уларни амалга ошириш йўли билан ўзга миллатни маънавий қашшоқ, ўзлигидан маҳрум қилишдан иборат эканлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир»[2].

Бугунги глобаллашув шароити жамият соғлом турмуш тарзини ҳар томонлама мукаммал ва серқирра бўлишини талаб этмоқда. Бунинг боиси жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар бевосита ҳеч кимни глобаллашув жараёнидан четда қолдирмайди, аксинча, ундан қочаман деганлар кўпроқ унинг тўрига тушиб қолади. Инсоннинг ахборот олишга бўлган иштиёқи, турмуш тарзи ва кечинмалари ўзи ҳохламаган ҳолда бу вазиятга олиб бориши мумкин. Ижтимоий ҳаётда «ҳозирги замон технотрон, информацион цивилизацияси шаклланишининг аҳамиятли таркибий жиҳати сифатида жаҳон глобаллашуви намоён бўлмоқда. Глобал информацион алмашинув ватанпарварликни шакллантиришда аввалги замон шароитидан бутунлай бошқа вазиятни яратади, чунки аввал ҳар бир мамлакатда инсон, асосан ўз давлати, миллати, Ватани томонидан шакллантирилган ахборотлар тизими таъсирида ривожланган бўлса,

---

[1] Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2009. –Б.17

[2] Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008, -Б. 46.

фукароларнинг ахборотга бўлган эхтиёжини кондириш учун барча шарт-шароитлар яратилиши бу кучлар учун кўл келмокда. Бугунги онг ва тафаккур ривожланган дунёда улар мамлакат ҳудудига тўғридан-тўғри бостириб кириш мумкин эмаслигини яхши англайдилар. Бундай тажовузкор кучлар ўз максадларини ҳар-хил йўллар билан, яъни ёшларни онгини бузадиган видео клиплар, кинолар, модалар оркали бузишга ҳаракат киладилар. "Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўкима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу максад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга катъий максад килиб кўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз"[1]. Албатта, ёшларимизни бундай иллатлардан асраш учун уларни ҳар доим оркасидан кузатиб юриш мантикка тўғри келмайдиган ҳаракатлардан биридир. Уларни асрашнинг бирдан-бир йўли, бу уларда миллий маънавий кадриятларни шакллантиришдир.

Ўзининг буюк ўтмиши, ота-боболарининг ўгитлари, миллий маънавий кадриятлари билан куролланган инсонни ҳеч кандай ғоя ёки окимлар унинг ишончи, имони ва эътикодини ўзгартира олмайди. Колаверса, эзгу фазилатларни ўзида жо килган инсонда ғурур, журъат, матонат каби туйғулар ҳам шаклланиши шубҳасиз. Бундай инсонлар ҳар доим ватани ва миллатининг осойишталиги учун ҳар кандай вазифани ўзига шараф деб биладилар.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

*Усманов Б.Х. – ЎзР ФА Тарих институти аспиранти*

Кейинги йилларда инсон эхтиёжлари доирасининг кундан-кунга кенгайиб бориши ва бу эҳтиёжларни кондириш йўлидаги ҳаракатнинг жуда тез ўсиб бориши инсониятнинг табиатга салбий таъсирини кучайтириб юборди. Айникса, XX асрнинг иккинчи ярмида одамзотнинг табиатга салбий таъсири шу даражада кенгайиб кетдики, бу бир мамлакат чегаралари доирасида амалга ошириладиган муҳофаза тадбирлари етарли бўлмай колди ва табиатни муҳофаза килиш эндиликда умумжаҳон ишига айланди. Инсонни табиатга таъсири ва унинг салбий окибатларини куйидаги маълумотларда яққол кўринади: бугунги кунда планетамизда ҳар йили 100 млрд. тонна фойдали қазилмалар қазиб олинмокда, 800 млн. тонна турли металлар эритилмокда, 60 млн. тонна сунъий материаллар синтез килинмокда. Қишлок хўжалигида фойдаланилаётган 500 млн. тонна минерал маданий ўғитлар, 3 млн. тонна турли пестицидлар, заҳарли моддаларнинг учдан бир қисми сув ҳавзаларини, атмосфера ҳавосини булғатмокда. Умуман, жаҳонда саноат ва бошқа соҳаларда ишлатилаётган 500 млрд. кубометр оковалар сув ҳавзаларига йўналтирилиб, уларнинг дунё океанларидаги каттиқ чўкмалари ҳар йили 14,4 млрд. тоннани ташкил килмокда. Дунёда энергетика кувватларини ишлаб чиқариш ҳар 12 йилда, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 15 йилда 2 бараварга ошиб бориши билан XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигидаёк табиатга "индустриал босим"нинг 2,5-3 марта ошиши кутилмокда. 1970 йилда, БМТ маълумотларига кўра, табиий муҳитни ифлослантирувчи чикиндиларнинг умумий ҳажми 40 млрд. тонна бўлган бўлса, XX аср ниҳоясида у 104-105 млрд. тоннага етди[2]. XVI асрнинг охирларидан XX асрнинг 70-йилларигача умурткали ҳайвонларнинг 250 тури ва кичик турлари буткул йўколиб кетди. 80-йиллардан бошлаб ҳар йили ўртача 1 та ҳайвон тури ва 50 га якин ўсимлик тури йўколиб бормокда. Қуш ва сут эмизувчиларнинг 1000 дан ортик тури йўколиб кетиш арафасида турибди[3].

---

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.Т.: "Маънавият" 2008.-114 бет

[2] Шахс ва жамият. Т., 2005, 176-177-б.

[3] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. Т., 2004. 208-б

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, бундан 1500 йил илгари ер юзининг 47%ини ўрмонлар ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 27% бўлиб қолган[1]. Дунёдаги сув манбаларига эътибор қаратадиган бўлсак, маълумки дунёдаги жами сув захираларининг атиги 2%и чучук сувдир. Одамлар дунёдаги умумий сув захираларининг атиги 0,4% идангина фойдаланиш имкониятига эга. 1,1 млрд.га яқин одам тоза ичимлик сувидан фойдалана олмайди. Ҳар куни 2 млн тонна чиқинди сув ҳавзаларига ташланади. Бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатлардаги 2 млрд.дан ортиқ одам сув танқислигини сезмоқда[2].

Маълумки, озон қатламининг сийраклашувини олдини олиш, атмосфера ҳавосининг исиши ва ифлосланиши, дарё ва океан сувининг ифлосланиши, чўлланишлар, ўсимлик ва ҳайвон турларининг йўқолиб бориши кабилар бутун сайёрамизга оид глобал муаммолар ҳисобланади. Бу масалаларнинг ечимини топиш ва уларни бартараф этиш ёлғиз бирор-бир давлатнинг вазифаси бўлмай, аксинча, у бир неча давлатларнинг, ҳатто айримларини ечимини топиш эса бутун дунё давлатларининг вазифаси бўлиб, дунё давлатларининг ўзаро ҳамкорликда иш тутишларини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу борада ўз фикрини қуйидагича баён этади: «тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон яратадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим»[3].

Экологик фалокатларнинг олдини олиш ва атроф-муҳитни яхшилаш ишлари давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг учта шакли орқали амалга оширилади:

– табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан давлатларнинг икки ва кўп томонлама шартномалари асосида ҳамкорлиги;

– давлатлар ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилишнинг халқаро ташкилотларида иштирок этиши;

– табиий ресурслардан биргаликда фойдаланиш[4].

Хулоса қилиб айтганда, ҳозир жаҳонда глобаллашув жараёни шиддат билан давом этмоқда. Бугунги кунда жаҳондаги бирор бир мамлакат ўз ҳолича алоҳида ривожлана олмайди. Давлатлар тараққиёт ютуқларидан ўзаро биргаликда фойдаланганидек, эндиликда экологик муаммоларни ҳам биргаликда ҳал этиши лозим. Чунки экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

## ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ МИЛЛАТ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИГА ТАЪСИРИ

***Искандарова З.М. – УрДУ тадқиқотчиси***

Глобаллашувнинг миллат ижтимоий-маънавий қиёфасига таъсирини замонга нисбатан, давр ва муҳит ичида, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилиш мумкин. Ҳар бир миллат ижтимоий-маънавий қиёфасини нисбатан, ҳаётий тажрибалар кўлами ва одамийлик сифатларининг умумлашган ёки хусусийлашган шаклларида кўришимиз мумкин. Шунингдек, миллат

[1] Тилавов Т. Биология кийма-кийликсини асраш – хаётни асрашдир //Экология хабарномаси. 2008. №3. 39-б.
[2] Сув Ўзбекистон аҳолиси учун муҳим хаётий ресурс. Т. 2007. 11-б.
[3] Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т., 1998. 110-б.
[4] Тилавов Т. Экологиянинг долзарб муаммолари. Қ.: «Насаф». 141-б.

ижтимоий-маънавий қиёфасининг аҳамиятига нисбатан, унинг ўз даври, замонаси, Ватани ва бутун инсониятга таъсири, келтирган нафи ёки маънавий озуқаси салмоғи билан белгиланади.

Кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги пайтдаги муҳим хусусиятларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат бундай салбий ғоявий таъсирлардан қутилиш учун инсонпарвар ғояларни асос қилиб олиши муҳимдир.

Жамиятда маърифатли инсонларни кўпайиши унинг тараққиёт даражасини белгилаб беради. Чунки маърифатли инсонлар ўқимишли киши, зиёли, илмли, ориф, фозил, олим, муаллим, устоз, мураббий, ахлоқан комил одам бўлиш орқали жамиятга наф келтиради. Бундай инсонларнинг маърифатлилигини биз нафақат таълимда, балки, барча соҳалардаги илмларни эгаллаганлиги ва ахлоқ меъёрларини ўзлаштирган одоб-ахлоқлилиги даражаси билан белгилашимиз мумкин бўлади. Яъни, маърифатли инсонгина глобаллашув шароитида кишилар онгида тинчлик ғояларини шакллантириш, одамзодни ёвузлик, жиноятчилик каби салбий иллатлардан халос қилиш муаммоларини англаган ҳолда фаолият олиб боради. Глобаллашув шароитида содир бўлаётган мураккаб жараёнлар ва турли тажовузкор мафкуралар, ҳаёсизлик ва зўравонлик кайфиятларини, эгоцентризм ғояларининг кириб келиши хавфи кучайган бир пайтда, халқни, айниқса ёшларни тажовузкор мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб келмоқда. Глобаллашув жараёни туфайли юзага келган турли хэтарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз керак.

Дунё яралибдики, икки куч – яхшилик ва ёмонлик ҳамиша бир-бири билан курашиб келган. Бу курашнинг ибтидоси тарихимизнинг дурдонаси ҳисобланган "Авесто" давридан бошланган бўлса, ҳозирги глобаллашув жараёнида ҳам қарама-қаршилик давом этиб келмоқда. Айни вақтда дунёда эзгулик билан бирга ёвузлик ёнма-ён яшамоқда. Шунинг учун ҳам бундай ёвузлик устидан ғалаба қозониш учун маърифий ва маънавий йўлни танлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда нафақат ўзбек халқи балки, дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам шу йўлдан бормоқда. Зеро, маърифат зоҳирий ва ботиний илм сифатида инсоннинг тафаккур қобилиятини шакллантирувчи соҳа ҳисобланади.

Бугунги кунда ёвуз кучларга қарши кураш, уларга нисбатан кескин чоралар кўриш тобора глобал муаммога айланиб бормоқда. Шу маънода, таъкидлаш кераки, глобаллашув жараёнининг салбий томонлари ҳам баъзи ҳолларда кўзга ташланиб қолмоқда. Жумладан, ғоялар ва маданият соҳаларидаги глобаллашув ўз-ўзидан минтақамизда вестернизация (ғарбийлаштириш) сиёсатини келтириб чиқармоқда. Оқибатда глобаллашувнинг диний экстремизм, халқаро гиёҳвандлик савдоси ва терроризм балоси каби ўта хавфли жиҳатлари намоён бўлиб бормоқда.

Ҳозирги глобал ўзгаришлар жараёнини ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун дунёда ғоялар кураши давом этмоқда. Шу боисдан ҳам миллий ғоя ёшларимиз учун йўлчи юлдуз бўлиши керак. Чунки у уларни бегона ғояларнинг зарарли таъсиридан асровчи қудратли кучга айланиши мумкин. Умуман олганда, биринчидан, XXI аср тарих саҳифасига глобаллашув ва буюк тараққиёт асри сифатида кириб келди. Глобаллашув жамият соҳасида ўзига хос мураккаб, айни пайтда объектив жараён саналанади. Шу билан бирга глобаллашувнинг барча жараёнларни қамраб олиш кўламининг тезлиги бутун жаҳон учун янгилик ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳозирги глобал ўзгаришлар даврида ҳар бир миллат айниқса ёш авлод вакили ўз вазифасини миллатнинг кунига яраш, оғирини енгил қилишда кўриши лозим. Шу сабабли у ўз шахсий қобиғидан чиқиб юрт

тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, халк манфаати ва фаровонлигини юксалтириши оркали ўзини камолотга эриштириш йўлида бошкалардан кўпрок самаралирок меҳнат килиши учун ўзини ҳам жисмонан, ҳам маънавий-маърифий, ҳам мафкуравий ва руҳий жиҳатдан чиниктириб боришга алоҳида эътибор бериши керак бўлади.

Учинчидан, глобаллашув жараёнида дунёда содир бўлаётган вокеалар ва ҳаракатлар тезликда интернет тармоклари оркали таркалади. Бу эса ахборот коммуникация дунёсининг ривожланишидан далолат беради. Интернетда ишлаган киши дунё янгиликларидан хабардор бўлади, айрим ёшлар ўзини виртуал дунёда эканлигини ҳис килмайди. Унда ишлаш руҳий ғояларнинг ривожланишига ва соғлигига зарар етказиши ҳам мумкин. Интернет дунё ҳамжамиятини ўзининг порнографик ва бошка зарарли сайтлари билан ташвишга солмокда, ўспирин ёшларнинг онгига таъсир килиб, баъзи нохолисона хабарларни ҳам таркатмокда. Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандларининг интернетда ишлаётган жараёнини назорат килишса максадга мувофикдир. Бирок глобаллашув деганда факатгина интернет ёки ахборот глобаллашувини назарда тутиш хато ҳисобланади. Интернет тармоги глобаллашув жараёнини кучайтирувчи асосий омилдир. Шундай экан глобаллашувга иктисод, маданият, фан соҳасидаги ва экология, хуллас бутун дунёдаги глобаллашувни мисол килиб келтириш мумкин.

Тўртинчидан, баъзилар янги технологияларнинг кенг таркалишини кўллаб-кувватлайдилар, бу билан глобаллашув жараёни барча салбий окибатларнинг олдини олишга кодир, деб ҳисоблайдилар. Ғарб цивилизациясининг ютукларидан ҳайратланган бошкалар глобаллашув факатгина ижобий ўзгаришларга олиб келади, деган фикрда. Ушбу тоифадаги тадкикотчи ва олимлар бу ўриндаги маданий ўзига хосликни колоклик, камбағаллик, тараккиётдан воз кечиш каби тушунчаларнинг синоними сифатида баҳолайдилар. Учинчи бир гуруҳдагилар эса глобал ўзгаришларда катта таҳдид мужассам эканлигини таъкидлайдилар. Бошкаларнинг тасаввурига мувофик, глобаллашув иктисодий соҳада эмас, балки диний соҳада катта хавф-хатар тайёрламокда. Яна бошкаларнинг карашларида глобаллашув миллатга ва миллий ўзига хосликка путур етказади. Маданий, шу жумладан диний кадриятлар, турмуш тарзи ҳам хавф остида колади. Бундай ёндашувга мойиллик билдираётган фан ва сиёсат арбоблари учун маданий ўзига хосликни саклашга интилиш асосий максаддир.

## GLOBALLASHUV VA UNING IKKI QUTBLI XARAKTERI

***Haqnazarov G'.N. – O'ZMU, Falsafa fakulteti talabasi***

Fan-texnika taraqqiyoti jadal sur'atlarda rivojlanib borayotgan bugungi kunda insoniyat taraqqiyoti va jamiyat hayotining jahon miqyosida integratsiyalashuvi kuzatilmoqda. Natijada jahon ahamiyatiga ega bo'lgan turli jarayonlar yuzaga kelmoqda. Bu jarayonlarning olamshumul ahamiyati globallashuv tushunchasida o'z ifodasini topadi. Fan-texnika va axborot texnologiyalari taraqqiy topgan bugungi sharoitda globallashuv ob'ektiv va qaytmas jarayon sifatida yuzaga chiqadi. Shunga ko'ra u kishilik jamiyatining ijtimoiy hayotida tabiiy ravishda ma'lum ma'noda boshqaruvchilik xususiyatini kasb etadi. Demak, globallashuv tushunchasining mohiyatini ilmiy-falsafiy tadqiq etish dolzarb ahamiyatga ega.

Hozirgi kunda globallashuv tushunchasining turli talqin va ta'riflari mavjud. Masalan, fransuz tadqiqotchisi B.Bandining yondashuvi alohida diqqatga sazavordir. U globallashuv jarayoning uch o'lchovli ekanligini ta'kidlab o'tadi :

- globallashuv – muttasil davom etayotgan tarixiy jarayon:
- globallashuv – jahonning gomogenlashuvi va universallashuvi jarayoni:
- globallashuv – "milliy chegaralarni yuvilib ketish" jarayoni[1].

[1] Бади Б. Глобалистика: Энциклопедия / гл. ред. И.И.Мазур, А.Н.Чумаков. М., 2003. –С.162

Bir so'z bilan aytganda, globallashuv dunyonining turli kishilar o'rtasidagi aloqalarni yaxshilaydi. Axborot almashinuvi jarayonini yaxshilab jahon madaniyatining boyishiga xizmat qiladi. Ilm-fan, texnika yutuqlarining keng amaliyotda tezkor ravishda qo'llanilishiga imkon yaratadi.

Globallashuv jarayoni ham ko'plab jahonshumul muammolar bilan birgalikda voqe' bo'lmoqdaki, ularni tahlil etish va ushbu muammolarga nisbatan yechimlar topish bugungi kunning dolzarb masalalaridan sanaladi. Zero, globallashuv ma'lum siyosiy guruhlar yoxud kuchlilarning kuchsizlar ustidan yuritadigan mustamlakachilik harakatlarining niqobi bo'lib qolmasin. Ko'pincha, globallashuv jarayoni davlatlararo munosabatdagi tengsizlik uchun niqob vazifasini o'tamoqda. Bu nafaqat iqtisodiy va siyosiy balki ijtimoiy, ilmiy, madaniy, texnikaviy va sog'liqni saqlash sohalarida ko'zga tashlanadi. Turmush darajasi sohasidagi tengsizlik ham bundan mustasno emas. Ushbu farqlar xalqaro munosabatlarda turli nizolarga sabab bo'lishi mumkin. Masalaga tarixiy yondashgan ba'zi davlatlar o'zlarining tarixiy jihatdan qadimiy ekanliklari va shu vajga ko'ra, o'zlarini yangi paydo bo'lgan endi rivojlanayotgan davlatlar siyosatiga qandaydir ma'noda ta'sir etishga haqli deb hisoblaydilar. Ushbu fikrimiz isbotini Prezidentimiz I.Karimovning quyidagi so'zlarida ham ko'rishimiz mumkin: "Yangi mustaqil davlatlar o'rtasida teng huquqli va o'zaro manfaatli hamkorlikni qaror toptirish hamda shakllantirish bilan bog'liq ob'yektiv qiyinchiliklar va murakkab masalalar ustida to'xtalmagan holda, nazarimda, e'tiborni ba'zan sun'iy ravishda tug'dirilayotgan bir qator muammolarga qaratish muhimdir. Men bularni aslida sub'yektiv bo'lgan, muayyan siyosiy kuchlar, tarixiy jarayonlarning ob'yektiv rivojlanish yo'lini tushunishni istamasligi yoki to'g'ridan-to'g'ri tushuna olmasligi, zimmamizga alohida tarixiy vazifa yuklangan va biz boshqalardan ustunmiz degan fikr ularning ongida mahkam o'rnashib qolganligi tufayli kelib chiqayotgan muammolar jumlasiga kiritgan bo'lardim"[1].

Davlatlar tengsizligi qanday bo'lmasin, uni bartaraf etishning yagona yo'li xalqaro huquq rolini va suveren tenglik prinsipini amalga oshirishda davlatlarning faol pozitsiyasini kuchaytirishdir. Har qanday davlat o'zini "kuchlilar qo'lida o'yin bo'lmasligi uchun xalqaro huquqiy me'yorlarga nisbatan o'zini qat'iy va mo'tadil pozitsiyasini yaratmog'i va o'zi ham shu me'yorlarga og'ishmay amal qilmog'i lozim. Globallashuv yoxud beg'araz yordam ko'rinishida o'z hududiga kirib kelayotgan turli xil oqimlar, nodavlat tashkilotlar, demokratik institutlarning faoliyatiga beparvolik bilan qaramasligi zarur. Zero yurtimizga kirib kelgan turli diniy ekstremistik oqimlar ham xalqimizning diniy ongini boshqa islom mamlakatlari xalqlarining diniy onglari bilan integratsiyalashuvida "beg'araz" yordam berishni niqob qilib olgan edilar. Bunday guruhlar (xizbut tahrir, vahobiylik kabi oqimlar) o'z faoliyatlarini targ'ibot qilishda o'z maslaklarini kuzatish orqali ham amalga oshirayotganlari fikrimizga tasdiq topishi mumkin. Dastlab ular targ'ibotni diniy ongni tiklash niqobi ostida boshlaydilar. Keyingi bosqichlarda esa xalifalik davlati qurishda jonbozlik ko'rsatish bu maslakka qo'shilgan har bir kishining muqaddas burchi ekanligini uqtira boshlaydilar.

Xalqaro terrorizm, xalqaro narkotrafika ham globallashuv jarayoning ajralmas qismi sifatida namoyon bo'lmoqda. Ular globallashuvning barcha axboriy va moliyaviy imkoniyatlardan to'laqonli foydalangan holda o'z faoliyatlari ko'lamini kengaytirmoqdalar. Yuzaga kelgan global miqyosdagi mojaroli vaziyatni bartaraf etish global chora-tadbirlar ko'rishni talab qiladi. Bular sirasiga terrorizm, narkotrafika, transmilliy jinoyatchilik faoliyatlarining har bir bosqichining oldini olishga qaratilgan xalqaro huquqiy me'yorlar bazasini yaratish, xalqaro miqyosdagi aksilterror tuzilmalarni tashkil etish va ularning iqtisodiy tayanchlarini mustahkamlash va ushbu faoliyatlarga qarshi g'oyaviy immunitetni yaratish va uni keng doirada targ'ib etilishini ta'minlash kabilarni kiritish mumkin.

---

[1] Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari, taraqqiyot kafolatlari. – Toshkent: O'zbekiston, 1997. – B.50

Globallashuv jarayonining strukturaviy elementlaridan biri bo'lgan ommaviy madaniyat masalasi ham ehtiyotkorona yondashuvni talab qiladi. Ommaviy madaniyatning keng tarqalishi, avvalo, milliy mentalitet va milliy madaniyatlar rivojiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Bu esa jahon xalqlarining etnik xususiyatlari yemirilib millat sifatidagi tanazzuliga sabab bo'lishi mumkin. Ya'ni ommaviy madaniyat mualliflarining g'oyaviy va axboriy jihatdan istebdodiga olib keladi. Buni sobiq SSSR ning baynalminallashtirish siyosati misolida yaqqol ko'rishimiz mumkin. Masalaning yana bir jihati borki, u avvalgisiga nisbatan birmuncha katta xavfni o'zida namoyon etadi. Ommaviy madaniyat globallashuv sharoitida yuqorida sanab o'tilgan va boshqa muammolarning yoyilishida axboriy tayanch vazifasini o'taydi. Bir so'z bilan aytganda, ommaviy madaniyat har qanday g'oyani tarqatishning oson, zamiridagi ma'noni anglab olish qiyin, tezkor va shuningdek samarali yo'li bo'lib qolmoqda. Bu ham dunyo mamlakatlaridan kuchli go'yaviy immunitet va ogohlikni talab etmoqda.

Yuqoridagi fikrlarimizdan ayon bo'ladiki, globallashuv jarayoni ikkiyoqlama va'ni ijobiy va salbiy xususiyat kasb etadi. Biz mazkur jarayonning ijobiy ta'sirlarini inkor etmagan holda, uning salbiy oqibatlaridan himoyalanish lozimligini qayd etamiz. Globallashuv - dunyo xalqlaridan bu jarayonga o'ta sinchkovlik va ogohlik nuqtai nazaridan munosabatda bo'lish talabini qo'yadi. Ammo bu borada bir davlatlarning qarshiligi uzoqqa bormasligi ayon. Bugungi dunyo xalqlari o'z milliy xavfsizliklarini ta'minlashni istar ekanlar, global chaqiriqlarga global tarzda javob bermoqlari lozim.

## ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Тоиров А. – ЎзМУ фалсафа факультети талабаси*

Маълумки бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида интеграция ва глобализация жараёнлари содир бўлмоқда. Буни нафақат фан, техника ривожида балки, иқтисодий, сиёсий, шунингдек, маданий ва маънавий соҳаларда ҳам кўриш мумкин. Чунки ижтимоий ҳаётнинг ушбу соҳалари бир-бири билан ўзаро узвий алоқадорликда бўлганлиги боис, уларнинг биридаги ўзгариш табиий равишда бошқасига ҳам таъсир этмасдан қўймайди. Бу борада иқтисодий соҳа нисбатан устувор аҳамиятга эга.

Глобаллашувнинг икки – ижобий ва салбий жиҳатларини қайд этар эканмиз, унинг иқтисодий соҳада намоён бўлишини кўриб чиқсак. Масалан, иқтисодий глобаллашувни ижобий деб баҳоловчилар бу жараён асосида вужудга келган арзон ишчи кучининг ортиши, бозорлар ҳудудининг кенгайиши, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг шарти бўлган ресурсларга яқинлашиш, барча турдаги муаммоларни ҳамкорликда ва нисбатан осон ҳал этиш, маданиятлар таъсирлашуви натижасида миллий менталитетларнинг бойиши ва унинг натижасида турли этник, диний зиддиятларнинг бирмунча юмшатилиши каби имкониятларнинг юзага келишига урғу бермоқдалар. Ва аксинча, иқтисодий глабаллашувга нисбатан норозилик кайфиятида бўлганлар, арзон ишчи кучининг кўпайиши натижасида малакали кадрларнинг ишсизлиги ортаётганлиги, сифатли товар ҳамда хизматлар ўрнини арзон ва бугунги кун стандартлари талабига жавоб беролмайдиган паст сифатли товарлар эгаллаётганлиги, ривожланаётган давлатларнинг ривожланган давлатлар ҳисобига тараққий этаётганлиги, санаб ўтилган сабабларнинг оқибати ўларок рўй бераётган миллий-маънавий инқирозларни далил сифатида келтирмоқдалар. Юқоридаги муносабатлардан кўринадики, глобаллашув иқтисодиётда бошлансада, унинг ижобий ва салбий оқибатлари ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларига ҳам соя солади. Ва аксинча, бевосита иқтисодий глобаллашувнинг натижаси ўларок намоён бўлган жиҳатлар яна иқтисодиётнинг ўзига таъсир этишини кузатишимиз мумкин. 2008 йилда АҚШ ипотека банк тизимларида бошланган ва ҳозиргача давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози фикримизнинг яққол далилидир. Чунки кўплаб экспертлар инқирознинг ипотека

олимлар илмий билиш жараёнининг ривожига катта таъсир кўрсатувчи фанлараро ёндашувлар доирасидаги кенг микёсли тадкикотларга эҳтиёж сезмокда. Зеро, илмий билиш жараёнининг табиатига хос бўлган янги жихатларни тадкик этиш илмий аҳамиятга молик масалалар сирасига киради.

Иккинчидан, илмий билишда фанлараро ёндашувларнинг илмий-методологик асосларини тадкик этишда шу соҳа доирасида тадкикотлар олиб бораётган олимларнинг илмий изланишларидан илмий-назарий манба сифатида фойдаланиш мамлакатимизда фан, техника ва технологияни ривожлантириш максадида олиб борилаётган тадкикотларни янада ривожлантиришда фундаментал аҳамият касб этади.

Учинчидан, ҳар кандай дунёни билиш, шу жумладан, илмий билиш ҳар бир тарихий даврда маълум «тизимли ёндашув»га мувофик амалга оширилади. Яъни, фаннинг янги объектларни таҳлил килишга ўтишида янги тизимни шаклланиши муҳим асос вазифасини ўтайди. Тизимли ёндашувнинг бундай имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида биз фан тараккиётининг янги сифат боскичига кираётганлигини ва уни тушунишда янгича илмий тафаккур тарзига ҳам мурожаат килиш кераклигига ишонч ҳосил киламиз.

Тўртинчидан, тизимли ёндашув илмий билишнинг ўзига хос хусусиятларини аниклашнинг биринчи ва муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Илмий билиш тарихи бирон-бир кашфиёт амалда кўлланилиши натижасида илмий билишнинг тегишли соҳаси жадал суръатларда ривожлана бошлашини, фан, техника ва технологиянинг ривожланишида муайян инкилобларни юзага келтириш билан характерланади. Фанлараро ёндашувлар айнан шундай инкилобларнинг методологик табиатини аниклаш ва улар ортидаги ҳакикатни излаб топишда кўл келади.

Бешинчидан, фанлараро ёндашувлар тармокли билиш хусусиятига эга. Яъни, унинг асосида табиатшунослик фанларидан тортиб то ижтимоий-гуманитар фан соҳаларининг тадкикот усуллари муайян максадларни кўзлаган ҳолда бирлаштирилади. Шунинг учун ҳам унинг умумий ва хусусий жиҳатларини тадкик этиш фан тараккиёт йўналишининг кейинги боскичига таълукли муаммолар кўламини аниклашда муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, глобаллашув жараёнларини таҳлил этишда синергетиканинг фанлараро ёндашув усули сифатида намоён бўлиши ўзига хос маъно-мазмунга эга. Айни шу маънода, синергетик парадигма оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, ундаги нарса ва ҳодисаларнинг азалий кетма-кетлиги, тартиб ва хаоснинг ўзаро алокадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий карашлар мажмуи ҳисобланади. Ўз навбатида у фанлараро ёндашуларнинг янги характеристикасини ифодалайди. Яъни, у глобаллашув жараёни билан уйғун бўлган табиий-илмий ҳамда ижтимоий-гуманитар фан тадкикот усулларини бирлаштиришга имконият туғдирувчи ночизикли илмий тафаккур услуби сифатида ҳам намоён бўлади[1]. Шу маънода мазкур тадкикотда илмий билиш соҳасига оид фанлараро ёндашувларнинг тадкиқ этишда синергетика соҳасидаги кўлга киритилаётган ютукларга алоҳида эътибор каратиш устувор аҳамият касб этади.

---

[1] Шевлоков В.А. Концептуальные представления синергетики: конкуренция или интеграция? // Докл. Адыг. (Черкес.) междунар. акад. наук. – 2001. – Т.5, №2 – С.156-164; Штеренберг М.И. Является ли синергетика наукой // Философские науки. – 2004. – №6 – С.130-139; Методология биологии: Новые идеи: Синергетика, семиотика, коэволюция. – М.: Эдиториал УРСС, 2001 – 262с. Добронравова И.С. Синергетика: становление нелинейного мышления. К., 1990. Полани М. Личностное знание: на пути к посткритической философии. М., 1985.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКИИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ АҲАМИЯТИ

*Шарипов А.З. – БухДУ аспиранти*

Ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси ижтимоий муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутади. Ҳамкорлик бу кўпгина маънавий омиллар мажмуаси бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараккиёт масалаларини ҳал қилишдаги бирдамлиги кўринишидир. Ижтимоий ҳамкорлик (ўзаро ҳаракат) – ижтимоий фаолият юритувчи индивид ёки гуруҳнинг бошқа шу каби индивид ё гуруҳларнинг жисмоний ва ақлий ҳатти-ҳаракати. Бундай ҳамкорлик шароитида томонларнинг ҳар бири ўз ҳаракатлари учун рағбатни ошириш ва зарарни камайтиришга уринади.

как представитель того или иного народа, той или иной конфессии, той или иной социальной группы или корпорации. Для этого стоило бы учиться видеть изъяны скорей в самих себе, «выдавливая из себя по капле раба» – как советовал мудрейший А. Чехов. Следует также развивать в самих себе понятие о чести и чувство собственного достоинства. Каждый из нас должен учиться быть гражданином, сознающим свой долг и свою ответственность перед собой и перед отечеством, чтобы национальная гордость не переходила в национальную спесь.

Гуманизм выступает против ложной коллективности, стадности, потому что в таких случаях гаснет разум и ответственность человека. Гуманизм – это ощущение своего неразрывного единства со всем человечеством и природой, ибо для гуманиста отчизна – это не только его Родина, но и вся Земля, а братья – все люди.

Наконец, гуманизм развязал самый трудный узел – проблему человеческих взаимоотношений. Он нашел решение, которое не давалось ни одной из существующих идеологических систем мира. Он нашел золотую середину соблюдения баланса частных и общественных интересов. Середину, которая благоприятствует первым, не в ущерб вторым, и наоборот, т. е. обеим сторонам в равной мере.

Гуманизм дает шанс каждому человеку найти себя и состояться, а человечеству в целом – не превратиться в муравейник.

Человек – автор и первопричина культуры во всем её многообразии, во всех её проявлениях. Тот, кто признает «первородство» и самородность человека, тот наполняет культуру жизнью, содержанием и смыслом.

## ТОЛЕРАНТЛИК ВА АКМЕШАХС ШАКЛЛАНИШИ МУАММОЛАРИ

***Тиллаева Г. – ф.ф.н., ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти***

XXI асрга келиб инсоният турли қарашлар қизиқишларга эга бўлган миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамфикрлиги, фикрдошлилиги ҳамда ҳамжиҳатлилиги умумижтимоий ҳаётнинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолди. Бошқача айтганда, миллатлар тотувлигини таъминловчи омиллардан бири бўлган толерантлик ғоялари бугунги кунга келиб нафақат миллатлараро масалалар, балки давлатлар келишувининг асосий воситасига айланиб қолмоқда. 1995 йил 185 давлатнинг ЮНЕСКО вакиллари Париж Толерантлик принциплари Декларациясининг қабул қилиниши ва ратификацияси муносабати билан ООН қарорига мувофиқ бу куннинг ҳар йили нишонланиши фикримизнинг ёркин далилидир.

Қуръони Каримнинг «Ол-и имрон» сурасида «Оллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга юмшоқ сўзли бўлингиз»[1], -дейилади. Албатта, инсон ўзини ўраб турган кишилар билан толерантлик муносабатлари асосида ширинсухан бўлиши, унинг келажакдаги муваффақиятларига асос бўлиши мумкин. Бу борада Кайковуснинг «Қобуснома» асарида шундай фикрлар бор: «Мулойим сўзга бахил бўлмағил, халқ мулойим сўз эшитмаса, мол-дунёга мағрур бўлур. Қаттиқ сўз демагил, яхши сўз дегил. Токи яхши сўз эшитгайсан»[2]. Бу иҳтибосда «яхши сўз» бошқаларга нисбатан сабр-тоқатлироқ (толерант) бўлиш маъносида келтирилган. Мавлоно Баҳоуддин Нақшбанд «Сабр ва чидамда ноғора каби бўлмоқ лозимки, у қанчалик шапалоқ емасин, бироқ ўз алабига хилоф овоз чиқармайди»[3], -дейди.

Толерантлик ғоялари билан шаклланган шахс ҳар бобда ўз фикрларининг мукаммал эканлигини исботлашга кўп вақтини кетказмасдан, бошқаларнинг

---

[1] Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур)./ Ол-и имрон сураси. Тўртинчи жуз. Тошкент: Чўлпон, 1992. 49-б.

[2] Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. -Тошкент: Ўқитувчи, 33-б.

[3] Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К.1. -Тошкент: Ёзувчи, 1996.

фикр-мулоҳазаларини чуқуррок ўрганишга, уларнинг камчиликларидан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилади ва албатта алолат билан мукаммал фикрни аниклай олади. Айникса, инсон ўзи яшаб турган ижтимоий ва табиий муҳитларга нисбатан толерантлик муносабатларида бўла олади. Буюк мутафаккир ва бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг фикрича, инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, одамгарчилик, меҳр-муҳаббат, дўстлик, бирдамлик, аҳиллик асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш ақлий-ахлоқий тарбияга кўп жиҳатдан боғлиқдир. У жасурлик, мардлик, сабр-қаноат масалаларига алоҳида эътибор билан қарайди. Руҳан ва жисмонан бақувват, ақлан етук, ахлоқан баркамол кишилар ўз юртини, Ватанини душманлардан ҳимоя қила оладиган, ҳалқпарвар бўлиб шаклланади.

Юқоридаги фикрлар асосида XXI-аср техника ва технологиялар асри деб қайд этилаётган экан, табиат ва жамият, инсон ва борлиқ ўртасидаги мутаносибликни саклаш, одам акмесидаги ўзига хосликни, уни индивидуал намоён бўлиши янги давр кишиси – акмешахсни толерантлик руҳида тарбиялашни тақозо қилмоқда.

**Акме** – юнонча (*«расцвет», «вершина»*) камолот, юксалиш, етуклик маъноларини англатади[1]. **Акмешахс** – акмеологиянинг асосий предмети бўлиб, унинг мазмун-моҳияти – инсоннинг ҳар бир касб-ҳунарни илм-билим орқали чуқур эгаллаши, унинг жамият ривожи, миллат равнақи, турмуш фаровонлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий-ҳуқуқий жиҳатларига ижобий таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини чуқур англаши, ўз ижодий фаолиятини, касб-ҳунар соҳасидаги бурч ва масъулиятини адо этишга сарфлаш мақсадида мукаммаллик ва камолотга эришиши жиҳатларини фанлар билан уйғунликда ўрганишдан иборатдир.

Толерантлик руҳида тарбияланган акмешахс – инсон тараққиёти, ривожланиши ва мукаммаллашуви дастуридаги оқ доғларни ёпади ва бўш ўринларни тўлдиришга хизмат қилади. Инсон акмеларининг рўёбга чиқиши уни реаллик даражасига, имкониятларни, ички ресурсларни қай даражада мос келиши, ўзининг болалигидан эзгу ниятларини ҳаётда тўлиқ намоён этишига боғлиқ. Бунинг замирида тинимсиз машаққатли меҳнат ва изланишлар мужассам бўлиб, жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан акмешахснинг толерантлик муносабати асосий омил бўла олади. Албатта, ҳар бир халқ ва миллат ўз ҳаёти ҳамда яшаш тамойиллари ва турмуш тарзини менталитетга асосланиб қуради. Миллий менталитет турмуш тарзининг маънавий-тарихий фазилатларини шакллантирувчи манба, ибтидо ҳисобланадики, ундан маҳрум бўлган турмуш тарзи қуруқ абстракциядан иборат бўлиб қолади. Миллий менталитет миллатнинг тарихий илдизлари, илк моддий ва маънавий негизлари, асрларга чўзилган ҳаётий тажрибаси асосида шаклланган соғлом турмуш қоидалари, ақл-фаросати, атроф-борлиққа ёндашиш усуллари бўлиб акмеологик ривожланиш асосида барқарорлашган соғлом муҳит, соғлом тафаккур, соғлом тарбия тизими каби уч муҳим омил яхлит бирликни ташкил этади. Уларнинг ўзаро узвий алоқадорлигининг маҳсули сифатида олиб қараладиган соғлом турмуш тарзи – акмеологик ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва роли ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида, толерантлик акмешахс шаклланишининг асосий омилларидан бири бўлиб, у миллатлараро тотувликни таъминлаш, цивилизациялар алмашинуви даврида юз берадиган зиддиятли вазиятларда жамиятда муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилидир.

[1] Тиллаева Г.Х. Ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2009. 148-б

## ДУНЁВИЙ ДАВЛАТНИНГ ТОЛЕРАНТЛИК ЖИҲАТЛАРИ

***Муталов Ш.Ш. – М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети***

Толерантлик[1] жаҳондаги маданиятлар, ўзликни ифода этиш шакллари ва инсон индивидуаллиги намоён бўлиши йўлларининг ранг-баранглигига ҳурмат, қабул қилиш ва тушуниш демакдир. Билим, очиқлик, мулоқот ва фикр, виждон, эътиқод эркинлиги унга имконият яратади. Толерантлик хилма-хилликдаги уйғунлик демакдир. Бу нафақат ахлоқий бурч, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёждир. Толерантлик тинчликка эришишга йўл очади ва уруш маданиятини тинчлик маданияти билан алмаштиришга кўмаклашади. ... Толерантлик аввало инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланадиган фаол муносабатдир. ... Айрим кишилар, гуруҳлар ва давлатлар толерантлик намоён қилишлари шарт[2].

Толерантлик хилма-хилликни қадрлаш, яшаш ва бошқаларга яшаш учун имкон бериш демакдир. Бу фикрлари, хатти-ҳаракатлари, дини, миллати ва ҳоказолари бошқача бўлган кишиларга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш демак.

Толерантлик декларацияси жами инсон ҳуқуқлари борасидаги 14 халқаро ҳужжат асосида тузилган. Аксарият давлатлар, жумладан Ўзбекистон, ушбу халқаро ҳужжатлар стандартларини ўз миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилган. Шунинг билан толерантликнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Толерантликнинг таърифида назарда тутилган фарқлардан ирқий, этник, диний ва эътиқодий тафовутлар энг муҳимлари ҳисобланади. Булардан ирқ этник белги билан узвий боғлиқ эмас. Дин белгисини миллий идентификацияга боғлаб қўйиш майли бор.

Фикримизча, агар диний таълимотда айнан шу дин ягона чин дин ҳисобланса, ушбу динга асосланган давлат том маънода толерант бўла олмайди. Давлатнинг дунёвийлиги ўз-ўзидан толерантликка олиб келмайди. Ҳатто давлатнинг дунёвийлиги унинг конституциясида белгиланган бўлса ҳам бу толерантликнинг шарти, холос.

Гуруҳ толерантлиги, биринчидан, давлат барпо этган ҳуқуқий заминга асосланган бўлади, иккинчидан, унинг аъзолари толерантлигидан диалектик равишда ташкил топади. Яъни, давлат толерантлик мафкурасини яратади, гуруҳ мафкураси ва гуруҳ психологияси вужудга келади, аммо булар гуруҳ аъзолари мафкураси ва психологияси йиғиндисидан иборат бўлмай, гуруҳ тақозо этидиган нормаларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳақиқий толерантлик муҳитини барпо этган давлат, яъни турли дин вакиллари диний мансубликларини, атеистлар атеист эканликларини бемалол намойиш этишлари мумкин бўлган давлат – чиндан толерант давлатдир. Фикримизча, диний асосда тикланган давлат том маънода толерант бўла олмайди, чунки бу давлатдаги маросимлар, давлат аппаратида лавозимлар эгаллаш шартлари динга боғлиқ бўлиб, ҳаёт муҳити дин фарзлари ва талаблари билан боғлиқ бўлади ва толерантлик учун қулай шароит яратмайди.

Лекин дунёвий тараққиёт йўлини эълон қилган давлатда ҳам ўз-ўзидан толерантлик ҳукм сурмайди. Таъбир жоиз бўлса, давлат ва нодавлат ташкилотлари толерант онгни (толерантлик онгини) барпо этишлари зарур. Бунинг учун ҳуқуқий замир зарурий шарт бўлиб, етарли шарт эмас. Бутун

---

[1] «Толерантлик» терминига синоним сифатида ўзбек тилида "Бағрикенглик" деган сўз ҳам термин сифатида қўлланилади. Биз таклиф қилаётган термин танлаш системасига кўра байналминал вариантини танлаш мақсадга мувофиқдир.

[2] ЮНЕСКО толерантлик тўғрисидаги декларациясидан. http://portal.unesco.org/en/ev.php-URL_ID=13175&URL_DO=DO_TOPIC&URL_SECTION=201.html

жамиятда толерантлик мухити хукм сурмоги лозим. Бунга тарбия, таълим ва мафкура оркали эришилади.

Иркий, диний ва этник ранг-баранглик жихатдан намуна бўлидаган мамлакатлардан АКШ тадкикот лаборатория вазифасини ўташи мумкин. АКШ халки ўзини асосли равишда этатик маънода, яъни бир давлатнинг жами граждандлари сифатида миллат деб хисоблайди. Иркий, диний ва этник белгилар миллат белгиси хисобланмайди. Кора танли ва рангли граждандлари тўла хукукка якиндагина эришган бу давлат мазлумлар кураши оркали шу каби нуксонлардан холи бўлиб кора танли президентни сайлади. Толерантлик мухити барпо бўлишида хукумат ва, айникса, судларнинг ахамияти катта. Яратилган мухитда ирк, этник мансублик, жинс, дин ва шу кабилар асосида латифа, камситувчи лакаблар ишлатиш ва хоказолар маданиятсизлик ва жавобгарликка тортиш учун асос хисобланади. Хатто тилда ислохотлар ўрказилиб "негр", "коратанли америкалик" сўзлари ўрнига "афроамерикалик", гендер жихатларни инобатга олиб касбларда аёл ва эркаклар учун феркли сўз ишлатилса, уларни битта сўз билан алмаштириш[1], турмушга чиккан ва чикмаган аёлларни ажратмаслик учун "Mrs" ва "Miss" ўрнига "Ms"[2] мурожаати киритилди ва хоказо.

Нотолерантликка сабаб бўладиган тафовутлардан диний фарклар, фикримизча, энг мураккаб муаммолар тугдиради. Мисол билан изохлаймиз. АКШнинг мамлакатга садокат ахдида[3] 1954 йилдан бошлаб "Under God"[4] деган сўзлар кўшиб айтилади. Садокат ахди Конгресс йигилишлари, расмий маросимлар, мактабларда дарслар бошланишидан олдин айтилади. Мазкур сўзлар кўшилгандан сўнг 2002 йилгача бир неча бор эътироз билдирилди. Диний нуктаи назардан политеизм тан олинмаслигига, атеистик нуктаи назардан динга мажбурлашга эътироз билдирилди. Атеистик эътироз (2002 йил) судларда кўриб чикилди. Биринчи суд "Under God" сўзлари билан айтишни АКШ Конституциясига хилоф, деб топди. Иккинчи суд даъвони мохияти асосида эмас, даъвогарнинг оилавий муносабати асосида рад этди. Учинчи суд (2005 йил) уч оила даъвоси билан масалани кўриб чикиб ўз округида болалар ахдни айтишини ташкил килиш амалиётини давом эттирмасликни тавсия килди. Граждандлар конституциявий хукукларидан фойдаланганликлари диккатга лойик. Буни чин толерантлик далолати сифатида кабул килиниш мумкин.

ОАВ да кўрсатиш ва эшиттириш этикаси мавжуд бўлиб, расмий позициядан чикиш килаётган кишилар бирон бир дин тарафдори бўлиб кўринмасликлари ва давлат теле- ва радиопрограммаларида бундай этика амалда бўлиши керак.

## К ВОПРОСУ О ГЕНДЕРНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ

***Касымова К.А. – аспирантка ИФиП АН РУз***

Проблема формирования гендерной толерантности ставится в таких важнейших международных документах, как «Декларация принципов толерантности» ЮНЕСКО, «Декларация и Программа действий Всемирной Конференции по правам человека», «Декларация тысячелетия ООН», в которых цель достижения гендерного равноправия выступает как одна из приоритетных.

Следуя логике определения, согласно которому под толерантностью понимается мирное сосуществование людей с различной историей, культурой и идентичностью, гендерную толерантность можно охарактеризовать как мирное сосуществование между мужчиной и женщиной в общественной, экономической, политической сферах и семейной жизни.

---

[1] Масалан, "steward" (стюард) ва "stewardess" (стюардесса) сўзлари ўрнига "flight attendant" сўзи киритилди.
[2] "Miss" деб ўкилади.
[3] Pledge of allegiance. Батафсилрок каранг: http://en.wikipedia.org/wiki/Pledge_of_Allegiance
[4] "Худо номи билан"

маданиятларининг шаклланишида диннинг роли, уларнинг ҳаётларидаги миссиялари, қўллайдиган ёндашувлари ва эътиқодлари, қадриятларидаги ўхшашлик ва фаркларни тушунишга ёрдам беради. Бу эса талабаларда бошлангич курслардан ок толерантликни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Кейинги ярим асрдан кўпрок давр мобайнида жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари олимлари бошчилигида ривожлантирилган ва ҳозирги кунда кўп мамлакатларнинг таълим тизимида кенг қўлланилаётган маданиятлараро тадқиқотларнинг натижалари эса талабалар, мутахассислар ва бошқа инсонларнинг толерантлигини ривожлантириш жараёнини янада кенг асосланган билим, тажриба ва кўникмалар билан мустаҳкамлайди.

Менежмент, социология, психология ва бошқа фанлар ютуқларидан фойдаланадиган, фанлараро тадқиқотлар соҳасидан мустаҳкам ўрин олган маданиятлараро тадқиқотларни Ўзбекистонда ривожлантириш, тадқиқот натижаларини менежмент, халқаро бизнесни бошқариш, социология, психология, халқаро алоқалар, халқаро иқтисодий алоқалар каби соҳаларда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш, ҳамда малака ошириш дастурларининг мос фанларининг ишчи дастурларига татбиқ этиш глобаллашув жараёнида халқимиз вакиллари тўкнашаётган ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни самарали ҳал қилиш ечимларидан биридир. Жаҳон миқёсида натижалари энг кенг қўлланилаётган маданиятлараро тадқиқотлар қаторидан Гирт Хофстед ва Фонс Тромпенаарс ишлари мустаҳкам ўрин олган. 1980 йилда чоп этилган китобида Хофстед тенгсизлик, ноаниқлик ва нотанишликлар билан муносабат, шахслараро алоқалар, эмоционал гендер роллари муаммоларига тегишли маданиятнинг тўртта ўлчамларини эмпирик равишда ҳосил қилди. 1991 йилда у вақт бўйича тақдирланишни белгилаш билан боғлиқ бешинчи ўлчамни, 2008 йилда эса касбдошлари билан яна икки янги ўлчамларни ўз моделига киритди. Ушбу ўлчамларнинг ҳақиқийлиги улар ўзгаришларининг мамлакатлар иқтисодий, географик ва ижтимоий кўрсаткичлари билан корреляцияси муҳим эканлигини кўрсатиш билан эришилган[1]. Гирт Хофстед ўзи ва касбдошлари билан биргаликда аниқлаган маданиятлар ўлчамлари қуйидагилардир: Ҳокимлик масофаси, Ноаниқликлардан қочиш, Индивидуализм ва Коллективизм, Маскулинлик ва Фемининлик, Узоқ ва қисқа муддатга йўналганлик, Эркин ёндашиш ва Ўзини тутиш, Монументализм ва Ўз кўнглига олмаслик.

Халқаро бизнесни бошқариш соҳасида ўз фаолиятини назарий ишларга нисбатан кўпроқ амалий маслаҳатчилик ишларига йўналтирган Тромпенаарс эса маданиятлар фаркларини ифодалаш учун Универсализм ва Партикуляризм, Индивидуализм ва Коллективизм, Нейтрал ва Хис-ҳаяжонли, Махсус ва Аралаш, Эришганлик ва Олдиндан белгиланганлик, Ўтмишга, ҳозирга ва келажакка йўналганлик, ҳамда Ўзига йўналганлик ва Ташқарига йўналганлик деб атаган ўлчамларни шакллантирди ва улардан фойдаланди[2].

Демак, бундай тадқиқотлар толерантликни ривожлантириш учун маданиятлараро менежмент ва қўшни соҳаларда янги натижалар олиш йўлида илмий ва амалий ишлар қилаётган олимлар ва амалиётчилар учун фойда беришига шубҳа йўқ.

---

[1] Ronnie F. Littrel. Book Review: Minkov, M. (2007). What makes us different and similar: A New Interpretation of the World Values Survey and other cross-cultural data. Sofia, Bulgaria: Klasika y Stil Publishing House. 240 pp. Journal of Cross-Cultural Psychology, 2008, 39: pp. 654-658.

[2] F. Trompenaars and C. Hampden-Turner. Riding the Waves of Culture: Understanding Cultural Diversity in Global Business. Second edition. McGraw Hill. 1998.

# TOLERANTLIK – FUQOROLIK JAMIYATINI SHAKLLANTIRISH ASOSI

*Xolmaxmatov A. – O'zMU, Falsafa fakulteti talabasi*

Hozirgi kunda respublikamizda amalga oshirilayotgan siyosiy islohotlar fuqarolik jamiyatini barpo etish hamda huquqiy demokratik davlat qurishga qaratilgan. Bu maqsadga yetishishda kishilarning dunyoqarashida tolerantlikni shakllantirish muhim ahamiyatga ega.

Fuqarolik jamiyatini barpo etish, unda qonun ustuvorligi hamda diniy bag'rikenglikni ta'minlash, ijtimoiy-siyosiy, huquqiy ongni shakllantirish masalasi ham bugungi kun dolzarb muammolaridandir. "Fuqarolik jamiyati - tushunchasi insoniyat taraqqiyotining har bir davrida mutaffakkirlarning aql-idrok, erkinlik, farovonlik va adolat hukm suradigan ideal ijtimoiy tuzum modelini yaratish yo'lidagi intilishlari bilan tavsiflanadigan alohida bir voqelikni aks ettiradi. Fuqorolik jamiyati tarixan ideal model bo'lib kelgan[1]. Demak, fuqarolik jamiyatiga oid qarashlarni tahlil qilishda fuqaroga alohida e'tibor qaratish lozim. Zero, jamiyat hech qachon o'z-o'zicha shakllanmaydi, uni inson yo'naltirib boradi. Fuqaroning bunday jamiyat tashkil qilishdagi asosiy harakati uning dunyoqarashini tolerantlikka dahldorligi bilan belgilanadi. Shuning uchun ham davlatimiz xalq manfaatlariga xizmat qiluvchi demokratik tamoyillarga rioya etadi, inson, uning hayotiy erkinligi, sha'ni, qadr-qimmati va boshqa daxlsiz huquqlarini oliy qadriyat hisoblaydi, insonning demokratik huquq va erkinliklarini qonunlar bilan himoya qiladi. Buning isbotini bosh qomusimiz bo'lmish Konsitutsiyaning 4-moddasi misolida ko'rishimiz mumkin: "Davlat barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlari va an'analari hurmat qilinishini ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoitlar yaratadi".

Davlatimizda olib borilayotgan siyosiy hamda huquqiy faoliyat millatlararo totuvlik, o'zaro hamjihatlik hamda bir-birini hurmat qilish tamoyillariga amal qiladi. Buning yana bir isbotini biz yurtimizda turli millat va elat vakillari uchun ta'minlab berilgan vijdon erkinligi hamda diniy bag'rikenglikka bo'lgan munosabatda ham ko'rishimiz mumkin. Hozirgi kunning eng dolzarb muammosi bo'lmish diniy bag'rikenglikni ta'minlash har qanday jamiyatning orzusidir. Prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek: "Mana shunday vaziyatda inson o'z mustaqil fikriga, zamonlar sinovidan o'tgan hayotiy-milliy qadriyatlarga sog'lom negizda shakllangan dunyoqarash va mustahkam irodaga ega bo'lmasa, har turli ma'naviy tahdidlarga, ularning goh oshkora, goh pinhona ko'rinishdagi ta'siriga bardosh berishi amrimahol"[2]. Demak, fuqarolik jamiyatini shakllantirish uchun inson ma'naviy hayotining eng asosiy kuchi bo'lmish diniy e'tiqodga tolerantlik nuqtai nazardan qarash, asosiy e'tiborni esa vijdon erkinligiga qaratish muhim. Agarda jamiyatda diniy biqiqlik vujudga kelsa, bunday jamiyatda also fuqarolik jamiyatini qurib bo'lmaydi. Chunki, diniy cheklanishlar mavjud bo'lgan davlatda o'zaro hamjihatlik hamda totuvlikka putur yetadi va o'z navbatida qoloqlik va fanatizmning vujudga kelishiga sabab bo'ladi. Bunday jamiyatda tolerantlik o'rnini ekstremizm, radikalizm, fundamentalism, shovinizm va eng yomoni irqchilik kabi salbiy illatlar egallaydi. Fuqarolarning totuvligi barham topib, uning o'rnini jaholat va ma'rifatsizlik qoplaydi. Bu esa o'z navbatida mafkuraviy bo'shliqni vujudga keltiradi. Bunday bo'shliq vujudga kelmasligi uchun, Prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek: "... yoshlarimizning ma'naviy olamida bo'shliq yuzaga kelmasligi uchun, ularning qalbi va ongida sog'lom hayot tarzi, milliy va umummilliy qadriyatlariga hurmat va ehtirom tuyg'usini bolalik paytidan boshlab shakllantirishimiz kerak"[3].

Afsuski, bugungi globallashuv jarayonida fan-texnikaning rivoji, shu jumladan virtual olamining taraqqiyoti yoshlar ongida ko'pgina ijobiy taassurotlardan tashqari, ba'zi bir salbiy g'oyalarning o'rnashib qolishiga imkoniyat tug'dirmoqda. Biz bu

---

[1] Musaev F. Demokratik davlat qurishning falsafiy-huquqiy asoslari. -T. :O'zbekiston, 2007. –B.73
[2] Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. -T.: Ma'naviyat, 2008. -B.113
[3] Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. -T.: Ma'naviyat, 2008. -B.114

salbiy holatni butunlay mutloqlashtirishdan yiroqmiz, lekin virtual olamda ayrim kuchlarning g'arazli niyatlarini amalga oshirish uchun foydalanayotganligi ham haqiqatdir. Elektron dunyoni turli siyosiy kuchlar, terroristik, ekstremistik tashviqotlar va g'oyalarni targ'ib qiluvchi har xil jinoiy to'dalarning faoliyatlarini amalga oshirishlariga va o'z qarashlarini ommaga targ'ib qilishlariga ham ko'maklashmoqda. Qo'poruvchilik, harbiylar va tinch aholini qiynoqqa solish, ko'z ko'rib quloq eshitmagan usullar bilan jazolash sahnalarini namoyish etish orqali vahima uyg'otish, tinch hayot tarzini izdan chiqarish, zarar yetkazadigan, aqidaparastlik ruhi bilan yog'rilgan, o'z mafkuraviy ta'sirlarini muttasil tarzda saqlab turishga qaratilgan manba'lar tobora xavfli ko'rinish kasb etib bormoqda. Bu esa o'z navbatida mamlakatda faoliyat yuritadigan barcha virtual olam sohasi vakillariga, ayniqsa, dunyoqarashida fundamentalizmga moyilligi bor fuqarolarga jiddiy ta'sir ko'rsatib, ularda g'oyaviy bo'shliqni vujudga keltirib, tahlikali vaziyatlarni yuzaga keltirmoqda. Tinchlik, demokratiya kabi tushunchalar ular orasida erish tushunchalar bo'lib tushuna boshlaydi. Oqibatda fuqarolar dunyoqarashida turli xil to'siqlar vujudga keladi. Bunday vaziyatni oldini olish uchun ularga qarshi tolerant dunyoqarashli shaxslarni tarbiyalash hamda fuqarolik jamiyatini yaxlit holda rivojlantirish, erkin iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy munosabatlarga erishish kerak bo'ladi. Bunday jamiyatni esa yuksak ma'naviyatli, dunyoqarashi keng insonlargina shakllantirish mumkin. Yuksak ma'naviyatga ega bo'lgan shaxslar xalq mafaatlarini o'z manfaatlaridan yuqori qo'yadi.

Xulosa qilib aytganda, "Fuqarolik jamiyati - ijtimoiy hayotning davlat ta'siri va aralashuvidan, ma'naviy ta'zyiqlardan holi bo'lgan hamda insonlarning turmush sohalarini tashkil etuvchi munosabatlar majmuidir."[1] Shunday ekan, xalqning bunday jamiyatga erishuvi millatning yuksalishiga, yurt tinchligiga va millatlararo totuvlikni vujudga kelishida asosiy belgilovchi kuch bo'ladi. Bu kuchni esa tolerantlik bilangina barqarorlashtirish va uni istiqbolini ta'minlash mumkin. Tolerantlik ijtimoiy jihatdan yaxlit millat mafaatlarini o'zida mujassam etgan falsafiy tushinchadir.

## ТОЛЕРАНТЛИК: ТАРИХ ВА ТУШУНЧА

*Ирматов F.Ш. – ТАЙИ*

Бугунги дунёнинг сиёсий, диний, маънавий ва бошка мухим сохаларида толерантликнинг муайян жихатларини кузатамиз. Сиёсий жараёнларнинг глобал тус олиши, маданиятлар якинлашуви хар бир масалада толерантликни талаб этмокда. XXI асрни тўла маънода "толерантлик асри" деб аташ мумкин.

Толерантликнинг илк кўринишлари динда кузатилади, бу холат тарихий ижтимоий-сиёсий вазият билан узвий боглик. Ўрта асрларда Шарк ва Fарб маданий хаётининг якинлашуви, илм-фан сохасидаги кашфиётлар турли дин вакилларини биргаликда хамкорлик килишини такозо этди. Диннинг мохияти оммавий холатларда фанатик ахамият касб этади. Яъни, инсонларнинг аксарият кисми диннинг шаклий фарзларини бажаради ва ўзини диндор, эътикодли хисоблайди. Аслида инсон учун эътикод масаласидек муросасиз масала йўк. Шунинг учун хам таъкидлаб ўтиш лозимки, хар канлай толерантлик дастлабки келиб чикишида мажбурийликдан, чорасизликдан, зарурриятдан келиб чиккан. Масалан, ўрта асрларда салиб юришлари даврида Куддус шахрида христианлар ва мусулмонлар биргаликда истикомат килишган. Тарихий тадкикотларда икки дин вакилларининг катта кийинчиликлар, конли тўкнашувлар, мисленсиз курбонлар билан бир-бирларининг манфаатларини эътиборга олганликлари кузатилади. Кейинчалик бундай холат Англияда XVII асрда христиан дини секталари ўртасида кузатилади. Кромвел армияси таркибидаги турли секта вакилларининг тинчлик учун курашни бирга олиб бориш зарурати Европадаги диний толерантликнинг биринчи кўринишлари эди.

---

[1] Odilqoriyev X. Konstitutsiya va fuqarolik jamiyati. -T.: O'zbekiston, 2002.-B.24.

XVIII асрдаги Уйгониш даврида Европада толерантликнинг кенг ёйилишини кузатиш мумкин. Бунда файласуф-маърифатпарварларнинг ўрни беқиёс. Тарихчилар Вольтерни мумтоз толерантликнинг энг йирик вакили деб аташади, файласуфнинг карашларида диний ва сиёсий толерантликнинг назарий-хукукий асослари яратилган: "... мен сиз айтаётган фикрга умуман қўшилмайман, лекин ҳаётимни қурбон қилиб, ўз шахсий фикрингизни айтиш ҳуқуқингизни ҳимоя қиламан... "[1]. Файласуфнинг ушбу фикри, нафақат диний, балки ижтимоий карашларда ҳам толерантликнинг зарурийлиги кўрсатмоқда. Чунки, ҳар бир инсон ўзининг табиий ҳуқуқларидан фойдаланиши керак. Йиллар ўтиб, толерантлик сиёсий ҳаётнинг ажралмас хусусиятига айланди.

Толерантлик кишиларнинг дунёқарашлари, қадриятлари, урф-одатлари ва умуман ҳаёт тарзига бегона бўлган қарашларга сабрлилиги, ҳайрихоҳлигидир. Индивидуал ҳолатларда толерантлик соф психологик аҳамият касб этади. Чунки бу жараён инсон руҳияти, интеллекти билан узвий боғлиқ. Шунинг учун психологлар толерантликни оғир ва ноёб қобилият деб ҳисоблайди, зеро ҳамма инсонлар ҳам табиатан толерант эмас.

Психологияда бошқа фанлардаги каби толерантликнинг кундалик ва соф илмий турлари фаркланади. Лекин замонавий психологияда бу фаркларни аниқ кўрсатиб бериш мушкул. Бунинг учун толерантликнинг бир неча таърифларини таҳлил қилиш лозим: масалан, толерантлик - "қарама-қарши, зиддиятли ҳолатлардаги ҳамкорлик қадрияти", "ўз шахсий, индивидуал манфаатларидан фарқ қилувчи манфаатларни қабул қила олиш", "меҳмондўстлик, хотиржамлик, тинчлик кайфияти, тажовузкорлик ва ёвузликка қарши туриш", "тинглаш қобилияти, қабул қилинаётган ахборотни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиш", "келишувчанликка интилиш". Юқорида келтирилган таърифлар руҳияти, иродаси кучли шахсларга кўпроқ хос. Чунки, толерантликнинг соф мазмуни "ўз манфаатларини унутмаган ҳолда" ўзгалар манфаатларини ҳурмат қилишда ўз аксини топади.

Шахс психологиясининг такомиллашувига кўра толерантлик феноменининг қуйидаги турларини фарқлаш мумкин:

- табиий толерантлик – очиқлик, ишонувчанлик, қизиқувчанлик ("Мен" шаклланмаган ёш);
- ахлоқий толерантлик – сабрлилик, чидамлилик (шахсга хос, яъни "Мен" шаклланган давр);
- интеллектуал толерантлик – далилли ишонч, манфаатли чидам ва сабр (шахсда ички ва ташқи "Мен"нинг бирикуви).

Умрнинг дастлабки йилларида болада ҳамма нарсага ишонувчанлик, очиқлик кузатилади, эҳтимол "беғубор болалик" деган ибора шундан келиб чиққандир. Йиллар ўтиши билан ўсмир ўзида ахлоқий фазилатларни ўзлаштириб боради, бу эса сабрли, чидамли бўлиш сифатларини шакллантиради. Бу ташқи "Мен"нинг намоён бўлишидир. Интеллектуал салоҳият, ҳаёт тажрибасининг ортиши билан кишидаги ички "Мен" ташқи "Мен" билан бирлашади ва шахснинг яхлит характерини намоён қилади. Бунда энди, шахс ўзи манфаатдор бўлган вазиятда, англанган ҳолатда толерентлик сифатини намоён қилади.

Толерантлик ҳамкорликда яшашнинг ажралмас талаби. Чунки, биз доим миллати, дини, ҳаёт тарзи, дунёқараши турлича бўлган инсонлар билан мулоқотда бўламиз. Баъзида ошкора, баъзида яширин толерантлик муваффақиятларимизнинг омили бўлиб хизмат қилади. Демак, кишилар томонидан қабул қилинган умумий қарашларни ўз хоҳиш истакларига қарши бўлса-да, қабул қилиш толерантликнинг умумий моҳиятидир.

[1] http://www.krugosvet.ru/articles/10/1001072/1001072a1.htm

ёмигирлар йўлларни уйларни, боғу-роғларни бузилишига ҳам олиб келиши мумкин.

## ФОРМИРОВАНИЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ К ВИЧ-ИНФИЦИРОВАННЫМ И БОЛЬНЫМ СПИДОМ

*Шарипова Д.Д., Шахмурова Г.А., Таирова М. –*
*ТГПУ им. Низами*

Как известно, мировая общественность, в том числе и наше государство весьма обеспокоено проблемой распространения ВИЧ и СПИДа среди населения, в частности, среди подрастающего поколения. Проблема СПИДа - синдрома приобретенного иммунодефицита – стала геополитической и имеет общие корни во всех странах мира с наркоманией, алкоголизмом и терроризмом. Опасность этой проблемы заключается в том, что заболевание самой трудоспособчой части общества – молодежи (18-35 лет) приводит к преждевременной смерти с тяжелыми социально-экономическими последствиями. О том, что эта проблема стала международной, свидетельствует общая статистика ВОЗ: в настоящее время в мире из 70 млн. ВИЧ-инфицированных – 3,5 млн. детей, из которых свыше 2 млн. умерли от СПИДа; каждый день в мире СПИД уносит более 7 000 человеческих жизней.

В этой связи данная проблема вызвала необходимость разработки стратегической программы противодействия распространению ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан на 2007-2011 год, в которой были представлены три основных направления:

- стратегия в области государственной политики Республики Узбекистан по противодействию распространению ВИЧ-инфекции;
- стратегия в области профилактики ВИЧ-инфекции;
- стратегия в области лечения ВИЧ-инфекции.

Особое внимание уделяется соблюдению прав человека в соответствии с национальным законодательством, искоренению стигмы и дискриминации, связанных с ВИЧ-инфекцией.

В контексте этого следует отметить, что различают внешнюю стигму, т.е. стигму по отношению к чужой группе, которая и она может проявляться в различных формах; внутреннюю стигму – или самостигматизацию, т.е. стигму по отношению к группе, к которой принадлежит сам человек и которая изменяет отношение человека к самому себе. Наряду с этим, может быть представлена институциональная стигма, т.е. дискриминационное отношение со стороны правительства, здравоохранения, сферы бизнеса и других. Личная стигма – это личные предрассудки и представления о какой-либо группе людей. Личная стигма является прямым следствием институциональной и культурной стигмы и заметно влияет на межличностную стигму – это ненависть, презрение, страх или смущение, которые проявляются при контактах со стигматизированной группой и могут принять формы дискриминации, оскорбления, дискриминационные слова и замечания, насилия. В данном случае дискриминация – это стигма, которая становится действием отдельных лиц по отношению к ВИЧ-инфицированным.

Бережное, уважительное, толерантное отношение со стороны окружающих требует выполнения следующих принципов:

- обеспечение социальной, юридической, и политической среды, позволяющей проведение мероприятий по преодолению ВИЧ-инфекции;
- реализация многосекторального подхода к решению проблемы ВИЧ-инфекции;
- привлечение гражданского общества (ННО, религиозных структур и т.д.) и людей, живущих с ВИЧ-инфекцией, к мероприятиям по предупреждению распространения ВИЧ-инфекции;

- реализация комплексного подхода к снижению уязвимости, основанного на более безопасном поведении;

- принятие действенных мер и комплексный подход к преодолению эпидемии с учетом прогноза ее развития.

Стратегической программой также предусмотрено совершенствование нормативной базы, создание единой комплексной системы мониторинга и оценки, проведения профилактических мероприятий среди населения с рискованным поведением (уязвимых групп) среди молодежи. При этом особая роль отводится педагогам образовательных, воспитательных учреждений, которые призваны приобрести глубокие знания о ВИЧ и СПИДе, вооружить необходимыми знаниями о СПИДе тех, которых они обучают, и показывать им пример сочувственного отношения к ВИЧ-инфицированным и больным СПИДом, а также вместе со своими воспитанниками принимать посильное участие в работе организации, проводящих борьбу со СПИДом. Эта работа должна последовательно реализоваться в общеобразовательных школах, средних специальных учебных заведениях и высшей школе.

Целенаправленная педагогическая деятельность, направленная на предупреждение заражения ВИЧ-инфекцией, должна осуществляться в процессе учебной, внеклассной и внешкольной деятельности, в ходе всех воспитательных мероприятий и реализовываться с применением современных педагогических технологий и интерактивных методов обучения, таких как мозговой штурм, дебаты, работа в малых группах (создание жизненных ситуаций), зиг-заг и др.

В деятельности педагога приоритетным должно стать формирование гуманистической направленности личности, способной к толерантному отношению к ВИЧ-инфицированным и больным СПИДом, вооружив их умениями о том, что СПИД не передается при рукопожатиях, поцелуях, проведении совместных мероприятий, пользовании предметами обихода, посещении больных СПИДом, а также в случае сформированности здорового образа жизни (ЗОЖ). Педагоги вместе с родителями обучают молодежь основам соблюдения правил здоровой жизни, целомудрия, ответственного поведения. На всех этапах системы непрерывного образования необходимо помочь детям и подросткам сформировать необходимые жизненные навыки, в том числе и навыки поддержки и оказания помощи больным ВИЧ и СПИДом.

Целью профилактического образования является пропаганда среди населения здорового образа жизни и предотвращения распространения заболеваний. Для достижения этой цели необходимо повышать информированность о данной проблеме, т.к. знание путей передачи инфекции может способствовать толерантному отношению к больным, отказу от стигмы. Профилактическое образование будет эффективным, если оно охватит широкие слои населения, если материалы и формы образовательной работы будут открыты и доступны. Этому может способствовать организация общественного обсуждения проблем ВИЧ и СПИДа, здоровых сексуальных отношений, должных взаимоотношений в семье, борьбы с наркоманией, алкоголизмом и др.

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Мухаммадиева О.М. –ф.ф.н., ЎзМУ доц.в.б.*

Ер юзидаги 1600 дан ортик миллатдан 262 таси ўз давлатчилигига эга. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун, уларнинг манфаатлари, рухияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий ижтимоий ҳаётда буни доим эътиборга олиш зарур. Тарихий тажриба кўпмиллатли давлатнинг баркарорлиги миллатлараро муносабатларга дахлдор ҳуқук ва эркинликларни тўғри белгилаб қўйиш билан бир каторда, амалиётда унга канчалик риоя килишига ҳам боғликлигини кўрсатмокда.

Бемалол айтиш мумкинки, жаҳоннинг турли нуқталарида алангаланиб турган бундай низолар аксарият ҳолларда миллатлараро муносабатлар назарияси ва амалиёти ўртасидаги мутаносибсизликнинг натижасидир. Мамлакатимиз ҳудудида жуда қадим замонлардан турли миллатларга мансуб халкларнинг вакиллари яшаб келганлар. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халкимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов шундай дейди: "Қадимий диёримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма-ён яшаб келгани, бу эса бағрикенглик, тинчликпарварлик, саховат ва меҳр-оқибатлилик фазилатлари билан ажралиб турадиган халкимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз"[1].

Миллатлараро муносабатда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўпмиллатлилик жамиятнинг сиёсий-иктисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигини қўлга киритгач, мамлакатимизда сиёсий барқарорликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлган миллий масалага алоҳида эътибор қаратиб келмокда ва адолатли миллий сиёсат олиб бормокда. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституциясида миллий муносабатлар ҳуқуқий асосларининг юридик жиҳатдан адолатли тарзда ҳал қилиб берганлигида яққол кўриш мумкин. Унда барча фуқаролар қонун олдида тенг қилиб қўйилди. 8-модда "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон республикасининг фуқаролари ташкил этади". Демак, Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллати ва иркий мансублигидан, диний эътиқодидан қатъи назар, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаросидир. Шунингдек, 18-моддада "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципига мос бўлиши шарт". Мазкур моддада мустаҳкамланган Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги тамойили инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро ҳужжатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси номидан унинг Президенти имзолаган "Янги Европа учун Париж Хартияси" талабларига тўла мос келади.

Ўзлигини англаган, кадрлаган миллатгина бошка халкларни ҳам ўзига тенг билади, уларнинг тараққиётини ўзининг камолоти билан боғлиқ ҳолда кўради. Ўзбекистон амал қилаётган миллий сиёсат моделини ташкил этадиган мазкур ёндашув инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари устуворлигига, мамлакатда яшовчи турли миллат вакиллари ўртасида тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини қарор топтириш, улар ўртасидаги бағрикенглик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, ҳамда мавжуд маданий, диний, лисоний хилма-хилликни улкан бойлик, миллатлараро тотувликни ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тараққиётнинг асосий шартларидан бири деб билишга асосланади.

Айни пайтда, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви окибатида юзага келаётган мафкуравий таҳдидлар мавжуд бўлган бир вазиятда кишиларда толерантлик, бағрикенгликни камол топтиришда миллатлараро тотувликнинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Миллатлараро муносабатларда асосий омил, ҳар бир миллатни бағрикенглиги, ўзаро ҳурмат ва тенглигини таъминланишидир. Президентимиз таъкидлаганидек: "Инсонлар орасидаги ана шу ўзаро ҳурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишларидан қатъи назар, Ўзбекистон деб

---

[1] Каримов И. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезонидир. 15 жилд. Т., Ўзбекистон. 148-бет.

яталган умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда[1].

## ТОЛЕРАНТЛИК – УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ

*Атоева М.Я., Жураева Ҳ.А. – БухДУ*

Қадрият жамият тараққиёти ривожида асосий омил бўлиб, у инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Қадриятлар ижтимоий характер касб этиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Айниқса, мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритган дастлабки кунларданоқ миллий анъана ва қадриятларимиз, урф-одатларимиз қайта тикланиб, маънавият ва маърифат соҳаларига, миллий ўзликни англаш масаласига устувор аҳамият берилди. Натижада миллий маданиятимизнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлигини таъминлашда имконият яратилиб, жамиятимиз маънавий ҳаётида янгиланиш ва ўзгаришлар содир бўлиб, миллатлараро тотувлик янада мустаҳкамланиб, миллий урф-одат ва диний қадриятларга муносабат ижобий томонга ўзгарди.

Бугунги кунда айниқса, толерантлик умуминсоний қадрият сифатида шахслар, миллатлар, халқлар ва турли диний эътиқоддаги кишиларни бир-бири билан боғлаб, улар ўртасидаги муносабатларда дўстона муҳитнинг юзага келишини таъминлашдек муҳим вазифани бажариб келмоқда. Жумладан, толерантликнинг ривожланиши оддий инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан тортиб, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган барча жараёнлар учун муҳим заруратга айланиб бормоқда. Толерантлик умуминсоний қадрият сифатида ҳозирги кунда қанчалик ривожланса, инсониятнинг бехавотир ҳаёт кечириш имконияти шунча ортади. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида Ватанимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшамоқда ва барқарор тараққиётга эришмоқда.

Толерантлик – турли қараш, эътиқод, жаҳон маданиятига ҳурмат, умуминсоний қадриятларни бағрикенглик асосида қабул қилиш ва тушуниш, инсоннинг ўзлигини намоён қилишга асосланган индивидуалликнинг аниқ намоён бўлишидир.

Толерантлик умуминсоний қадрият сифатида жаҳондаги барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларига мувофиқ келади. Жаҳондаги бирорта халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умуман жаҳон цивилизациясидан мутлақо ажралган алоҳида маданиятга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг маданий, маънавий ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Шу сабабли барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиши тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Умуминсоний қадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммоларни ечиш ҳам киради. Улардан энг асосийлари Ер юзида илм-фанни тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, ядровий қуролларнинг пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, коинотни ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолардир.

---

[1] Каримов И. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезонидир. 15 жилд. Т., Ўзбекистон. 149-бет.

Умуминсоний қадрият сифатида толерантлик кишини амалий иш қилишга ундайдиган, унинг фаолиятига маъно ва мазмун бағишлайдиган, мақсадини аниқлаш имконини берадиган, бирор жараёнга, жамиятда амалга оширилаётган вазифаларга нисбатан шахс ёки ижтимоий субъектларнинг қандай муносабатда бўлаётганини аниқлаш имконини берадиган маънавий мезон.

Умуминсонийлик туйғуси фақат ўз халқи қадриятини ардоқлаш, кўз-кўз қилиш ва бошқалар орасига ёйиш учун интилишга асосланмайди, балки ҳар бир халқ, элат, уруғ қадриятларини қандай ҳолатда бўлса, шундайлигича қабул қилиб, уларни ҳурмат қилишдан бошланади.

Республикамизда яшовчи барча фуқаролар ўзининг миллатидан, ижтимоий келиб чиқишидан, ирқи ва жинсидан, қайси дин ва диний эътиқодга мансублигидан, тили ва маданияти, урф-одатларидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига ва имкониятларига эгадирлар.

Миллий истиқлол мафкурамиз республикамизда яшовчи ҳар бир миллат ва элатнинг миллий хусусиятларини, урф-одати, тили ва маданиятини ҳисобга олишга асосланган. У Ватанимизнинг кўп миллатли халқи истакларини ифодаловчи ва уларни бир-бири билан бирлаштириб, жипслаштириб, битта асосий мақсадга, яъни мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар, билимлар йиғиндисидир. Миллий истиқлол мафкурамиз кишиларни ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликка, тенглик ва ўзаро дўстликка, социал адолат, инсонпарварлик ва бағрикенгликка чорлайдиган ғоядир.

Хулоса қилиб айтганимизда, толерантлик умуминсоний қадрият бўлиб, ер юзидаги турли миллат, элат ва халқларнинг қарашларини, эътиқодларини, маданиятларини янада жипслаштириб, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаётга инсониятни чорловчи муҳим омилдир.

## БАҒРИКЕНГЛИК ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСИ

*Тожибоева Х. М. – БухДУ катта ўқитувчиси*
*Каримова З. – БухОО ва ЕСТИ катта ўқитувчиси*
*Мўминова Ф. – Бух ОО ва ЕСТИ катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг таълим-тарбия масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириб, уни жаҳон андозалари даражасига кўтаришда, айникса, мустақил дунёқарашга, миллий ғурур ва ифтихорга эга бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни тарбиялашда бағрикенглик ғояларининг ўрни бекиёс. Чунончи, бағрикенглик минглаб йиллар давомида шаклланган, халқимизнинг эътиқоди даражасига кўтарилган қадриятлардан бири ҳисобланади. Бизнинг ота-боболаримиз асрлар давомида бошқа миллат ва дин вакилларига, каттаю-кичикка, ёрдамга мухтож ҳар бир кишига кўмаклашиб, уларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилиб келган. Бу эса жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминловчи омиллардан бири саналади. Аждодларимиз эътиқод қилиб келаётган ислом динининг ҳам асосий ғояларидан бири ҳеч кимга ёмонлик қилмаслик, ҳатто чумолига ҳам зарар етказмаслик, бағрикенгликдир. Зеро миллий, диний аҳиллик, ҳамкорлик жамият тараққиётининг муҳим устуни. Бағрикенглик жамиятда яшаётган кишиларнинг муросавий турмуш тарзи, камолотга ҳамкорликда интилишидир. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида бағрикенглик тамойилларидан амалда кенг фойдаланишини тақозо этади. Бизга кўҳна тарихдан маълумки минтақамиз ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган марказ бўлиб келди. Ҳалқимизга хос сабр-тоқат, матонат, жасорат, ҳиммат ва бағрикенглик хусусиятлари ҳаёт бўҳронларидан омон қолиш ва ривожланиш

учун зарур табиий мезон бўлиб келди. Ҳатто, бу худудни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халкларининг маданияти, маънавияти, кадриятлари энг муҳими багрикенглиги олдида бош эгибгина колмай, балки унинг бебаҳо анъаналарини, тили, маданияти, урф-одатларини кабул килганлар. Чунки багрикенглик ўзбекнинг кадимий, буюк кадриятларидан ҳисобланади. Бугунги кунда багрикенглик тамойили дунёда тинчлик ва осойишталикни саклаш ва мустаҳкамлаш учун ҳизмат килмокда. 1995-йилда кабул килинган «Багрикенглик тамойиллари Декларацияси» бунинг амалдаги исботи бўлиб, унинг асосий мазмуни ва моҳияти куйидагиларга асосланади:

- багрикенглик - бу бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни ривожлантириш, урф-одат ва анъаналарни авайлаб-асраш, уларни ривожлантириш;
- ўзини ифодалашнинг ва инсонни алоҳидалигини намоён килишнинг хилма-хил усулларини жорий этиш;
- билим, самимият, очик мулокот ҳамда ҳурфикрлик, виждон ва эътикодни вужудга келтириш;
- багрикенглик нафакат маънавий бурч балки сиёсий ва ҳукукий эхтиёж, маънавий баркамоллик;
- багрикенглик тинчликка эришишни таъминловчи, уруш кулфатидан тинчлик неъматига элтувчи йўл;
- багрикенглик инсоннинг барча ҳукуклари ва эркинликлари эътироф этилишига асосланган ижтимоий муносабатлар тизими.

Жамиятда багрикенглик тамойилларини карор топтириш барчага тегишли бўлган мукаддас бурч. Ҳалкимиз шу нарсага ишонч ҳосил килдики, ҳар бир Ўзбекистонликнинг такдири, истикболи ўз халкининг маънавий даражасига боглик. Шу нуктаи назардан олиб караганда багрикенглик жамиятнинг ўзига хос мафкуравий куроли ҳам бўлиб, у жамиятни идора килишнинг кулай воситаси сифатида ҳамма давр ва маконда салтанатлар ва хонликлар, хонликлар ва амирликлар сиёсатининг муҳим жабҳаси сифатида аҳамиятли бўлиб келган. Шунинг учун, багрикенгликни ўрганиш ва шундан келиб чикиб, фаолият юритиш, Ўзбекистон мустакиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш вазифалари билан боглик равишда тадкикот олиб бориш ҳозирги кундаги муҳим вазифадир. Зеро, ҳар кандай давлатнинг ва миллатнинг гуллаб яшнаши, тинч ва баркарор тараккий этиши, унинг багрикенг сиёсатига ҳам боглик. Бугунги кунда багрикенглик гояси жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Она сайёрамизга бир катор оламшумул муаммолар таҳдид солиб турган бугунги кунда миллатлар ва мамлакатлар ҳамжиҳатлигининг накадар муҳим аҳамият касб этиши ойнадек равшан. Шундай экан, юрт тинчлиги ва ҳалк фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро багрикенглик сиёсатини амалда карор топишини таъминлаш тарихий заруриятга айланди.

## ТОЛЕРАНТНОСТЬ КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОВРЕМЕННОЙ ПРОСВЕЩЕННОСТИ

*Кишлакова Н.М. – к.ф.н., профессор Финансовой академии при Правительстве РФ*

После распада социалистического мира изменяется весь мир. Начинается новая эпоха. Как после падения Римской империи и мир варваров, и римский мир по-новому осмысливали духовно-интеллектуальные, цивилизационные ценности поздней античности и тем самым создавали принципиально новый мир ценностей – христианство, так и теперь современным человечеством создается мир ТОЛЕРАНТНОСТИ.

# IV ШЎЪБА. МОДЕРНИЗАЦИЯ, ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ВА ТОЛЕРАНТЛИК РИВОЖИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ШАРТИ

*Талапов Б. – тарих фанлари номзоди, НамДУ доценти*

Ўзбекистонда миллий демократик тараққиётни таъминлаш шартларидан бири мамлакатни модернизациялашдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлайди: "Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш – биз учун бош вазифа бўлиб қолади"[1].

2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган жаҳон молиявий инқирози Ўзбекистонда белгилаб олинган ушбу вазифага жиддий таъсир қилолмади ва аксинча у модернизациялашдан кенг фойдаланиш орқали миллий демократик тараққиёт сари янада дадил ҳаракат қилишга ундади. Юртбошимиз юқоридаги маърузасида 2008 йилда ялпи ички маҳсулотни 8 фоизга, ишлаб чиқаришни (саноатда) 9,6 фоизга, қишлоқ хўжалигини 5 фоизга кўтариш инфляция даражасини 6-8 фоиз даражасида сақлашни вазифа қилиб қўйган эди. 2008 йил натижалари ва 2009 йилда амалда ошириладиган вазифаларни белгилаб олишга қаратилган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қилган маърузасида эса у ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот 109%, саноатдаги ишлаб чиқариш 112,7%, қишлоқ хўжалиги 104,5%, инфляция эса 7,8% бўлганини қайт этди. Демак, 2008 йилга мўлжалланган режалар, молиявий инқироз таъсирига қарамай, тўла бажарилган. Республикамиз ўзининг миллий демократик тараққиётига дадил, ишонч билан интилмоқда.

Мамлакатни модернизациялашнинг иккинчи устувор йўналиши ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини модернизациялаштириш билан боғлиқдир.

Таъзия маросимларида ҳам Ўзбекистон ўзбекларидан хориждаги ўзбеклар маросимларида фарклар мавжуд. Жаноза маросимларидаги фарклардан АҚШ, Саудия Арабистонида истиқомат килаётган ўзбеклар билан Ўзбекистон ўзбеклари удумларини киёсий таккослаш оркали вокиф бўлиш мумкин. Саудия Арабистонидаги ўзбеклар жаноза маросимидан сўнг, марҳумнинг "учи", "еттиси", "йигирмаси", "кирки" каби маросимларни ўтказишмайди, буларни бидъат деб ҳисоблашади. Ёхуд уларда марҳум дафн этилганидан сўнг маросимда иштирок этган барчанинг майит чиккан хонадонга кабристондан кайтиб бориши шарт эмас. Факатгина вафот этган кишининг кавм-кариндошлари ушбу вазифага масъул ҳисобланадилар холос. АҚШ ўзбекларида вафот этган кишини 911-ракамли хизмат кўрсатиш идораси олиб кетиб, уни дафн этиш билан боғлик махсус сертификатни тайёрлаб берганидан сўнг маросимларни бажаришга киришиш мумкин.

Юкоридагиларга карамай хориждаги ўзбеклар имкон кадар ўзларининг ўзбекчиликларини саклаб колишга ҳаракат килмоклалар. Миллий ўзликни йўкотмаслик максадида чет эл ўзбеклари бир-бирларидан минг километрлаб узок масофаларда, алоҳида-алоҳида мамлакатларда яшасаларда ўзаро куда-анда бўлишга ҳаракат киладилар. Масалан АҚШ ўзбекларида кўпрок Туркия ўзбекларидан келин тушириш таомилга кирган. Ҳатто, 1991 йилда яъни Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистондан ҳам АҚШдаги айрим ўзбек хонадонлари келин килдилар.

Ўзбекона ҳовлилар куриш, миллий таомлар пишириш, Наврўз байрами, Рўза ва Курбон ҳайити каби диний байрамларни жамоа бўлиб нишонлаш, гап, гаштак каби тадбирларни уюштириб туриш, аёлларнинг бир ойда бир бор бўладиган учрашувини ташкил этиш, маҳалла-маҳалла бўлиб яшаш анъанасини саклашга уриниш, бечораҳол ва ночорларга моддий ёрдам кўрсатиш кабилар ўзликни саклаб колиш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Бирок хориждаги ўзбеклар истикболда "форслашиб", "араблашиб", "европалашиб" (ассимиляциялашиб) кетадиларми ёки Туркиядаги курдлар, Канададаги украинлар ва АҚШдаги руслар каби ўзларининг этник

хусусиятларини саклаб колиб "ўзбек жамоалари" сифатида тарихда абадий коладиларми? – мазмунидаги саволга аник жавоб айтиш муаммодир. "Этник ренессанс" (халкларнинг уйғониши) кечаётган ҳозирги даврда асл миллий ўзликка кайтиш хориждаги ватандошларимиз такдирида юз бериши ёхуд юз бермаслигини келажакдаги ҳаёт кўрсатади. Хориждаги ўзбеклар ўзлигини саклаб колишлари учун Ўзбекистон ўзбекларидан жуда катта маънавий ҳамдошлик масъулияти талаб килинади. Чет эл ўзбеклари ўзбек халкини жаҳонга танитишда, дунё мамлакатлари билан маданий ва иктисодий ҳамкорлик килишда муҳим бир кўприк бўла оладилар.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ, ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ВА ТОЛЕРАНТЛИК ЯПОН "МЎЪЖИЗАСИ"НИНГ АСОСИ СИФАТИДА.

*Ғуломова С.Т. – БухДУ укитувчиси,*
*Иброгимова Ф. – БухДУ 2-боскич талабаси*

Модернизация, инновацион тараккиёт ва толерантлик маълум маънода бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар бўлиб, мазкур тушунчалар замонавий раҳбарнинг бошкарувчилик фаолиятида яхлит ҳолатда кўлланилган такдирда ўзининг ижобий натижасини бериши, табиийдир. Ушбу фикрнинг исботи сифатида япон менежментига нигоҳ ташлаш максадга мувофик ҳисобланади.

Тарихга назар ташласак, иккинчи жаҳон уруши даврида Япония каттик хонавайрон килинган эди. Япония киска муддат ичида ўз иктисодиётини тиклаб, 1950 йилнинг ўрталаридан бошлаб тез суръатда ривожлана бошлади. Бу йиллар мобайнида японлар, нафакат, ўзларининг анъанавий бошкариш тизимларини ташкил килишни тубдан ўзгартирдилар, балки улар эски тизимга америка менежментининг айрим жиҳатларини киритиб, юкори самарани кўлга киритдилар.

Японлар модернизацион янгиланиш ва ривожланиш стратегиясининг ҳамда инновацион тараккиётнинг бош унсури сифатида асосий эътиборларини шахс омилига каратадилар. Инсон салоҳияти концепцияси япон менталитетининг кейинги давр ривожланиши учун пойдевор бўлди, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Тахминан 1600 ишчиси мавжуд бўлган "Мацисута дэнки" фирмаси раҳбари К.Мацисута 30-йиллардаёк япон тадбиркорларининг диккатини шахс омилига каратишга чакиради. Япон ишбилармонининг фикрига биноан, ҳар кандай ташкилотнинг баҳоси унинг кишилар ресурси баҳосига тенгдир[1]. Меҳнатга бундай ёндашувни дастлаб К.Мацисута кўллаган бўлса, бугунги кунга келиб барча япон ишбилармонлари персонал ролини у сингари юкори баҳолайдилар. Шу ўринда, таникли тадбиркор, "Сони корпарейшн" компаниясининг раҳбари Акко Моританинг куйидаги фикрини эътироф этиш айни муддаодир: "бизнинг сиёсат шундан иборатки, бизга ёлланган одамларга компания оила аъзоларига ва энг ҳурматли ҳамкасбларга бўлган муносабатда бўламиз...кўл остингизда акли расо ва куч-ғайратга тўлиб-тошган ходимларингиз мавжуд экан, кейинги кадам сифатида уларнинг ижодий кобилиятларини рағбатлантиришга зудлик билан киришинг"[2]. Зеро, "асосий эътиборни ишга эмас, ишчига каратинг", шиори остида фаолият юритувчи япон фирмаларида раҳбарлар билан ишчилар ўртасида бир-бирларини ажратиш ёки табакалаш сингари салбий иллатларни учратиш мушкул. Уларнинг барчаси битта кафетерий ёки ошхонага бориб, тушлик пайтида бир стол атрофида ўтириб овкатланадилар, бир хил иш кийимини кийишади ва ҳар хил анъанавий байрамларда биргаликда катнашадилар. Раҳбарлар учун алоҳида хона ажратилмайди, яъни улар ҳаммага умумий бўлган шароитда меҳнат киладилар.

---

[1] Атабеков Тимур "Менеджмент по-японски" // Экономическое обозрение. 2000 г №6. С 53.
[2] Салимов Садир "Бошкариш санъати ёки Япония менежментининг асосий хусусиятлари" // Иктисод ва ҳисобот, 1993 й №1. Б 20.

Корхона хўжайини – тадбиркор ходимларига оддий ишчи сифатида эмас, балки ўз корхонасида маҳсулотларни етиштириш, ишлаб чиқариш ривожланиши, модернизацион янгиланиш ва инновацион тараққиётнинг асосий омили, деб қарайдилар. А.Моританинг нуқтаи назарича, бундай тенглик ҳолати бирон-бир мамлакатда бу қадар мавжуд бўлмай, компания раҳбари "оқ ёқалилар"га ҳам, "кўк ёқалилар"га ҳам уларнинг мансаби, мавқеи, ижтимоий келиб чиқиши, бойлигидан қатъи назар, бир хил муносабат билдиради, мазкур ҳолат эса жамоани бирлаштиради, уни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Айнан корхона японлар учун умумий мақсад ва қизиқишларнинг марказлаштирилган қадрдон масканидир, шунинг учун ишчилар ўзларини бир оила фарзандларидек ҳис қиладилар. Чунки, корхона фақат ўз ходимигагина эмас, балки унинг оиласига ҳам жиддий эътиборини қаратади. Бундай эътибор ходимнинг оиласи учун уй-жой қуриб бериш; арзон баҳода уй-жой сотиш; уй-жойни расмий нархда олиб, арзон ижара ҳақи эвазига ходимларга бериш; шифохоналарда даволангани учун тўланадиган харажатларни тўлаш; дам олиш ва сиҳатгоҳларга юбориш; саёҳатга жўнатиш; паст фоиз эвазига кредит бериш; спорт билан шуғулланишлари учун имконият яратиш кабиларда яққол кўзга ташланади. Ваҳоланки, уй-жой қуришда йирик фирмалар харажатларнинг 98%игача ўз зиммаларига олсалар, юз ходимдан иборат кичик корхоналар эса фақат 20,1%гача ёрдам бера оладилар[1].

Маълумки, цех ва бригадада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда технология билан боғлиқ бўлган жараёнларга қараганда ходимларнинг ижтимоий-руҳий ҳолати катта роль ўйнайди. Социологик тадқиқот натижаларига кўра, меҳнат жараёнида кўтаринки кайфиятда маълум бир вазифани бажариш учун 1,5-2,0 дақиқа, тушкун кайфиятда эса 2,5-3,0 дақиқа вақт сарфланади[2]. Шу сабабли, япон корхоналарида усталар цехга кираётган ходимлар билан суҳбатлар ўтказадилар. Агар кимдир ўзини ёмон ҳис қилса, кайфияти бузилган ёки асабий ҳолатда бўлса, уста дарҳол бу ҳолатнинг сабабини аниқлаб, юзага келган муаммони атрофлича ҳал қилишга ҳаракат қилади. Чунки, ходимдаги ҳолсизлик, кайфиятнинг бузилганлиги ёхуд асабий руҳий ҳолат бир қатор нохушликларга: маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигининг кескин пасайиши, жамоадаги соғлом ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилиши, ходимларда эртанги кунга ишонч ҳиссининг сўниши кабиларга олиб келиши табиий ҳолдир.

Демак, япон менежментининг марказида шахс омилига эътибор асосий ўрин эгаллаган бўлиб, ўз навбатида, унинг негизида умуминсоний қадрият сифатида толерантлик ва шарқона бағрикенглик ғоялари кўзга ташланади. Буни япон корхоналаридаги раҳбар ва ходимлар ўртасидаги тенглик ҳолати, ходим сингари унинг оила аъзолари ҳақида ҳам қайғуриш жараёни, шунингдек, ҳар бир ходимнинг ижтимоий-руҳий ва ижтимоий-моддий аҳволи мисолида кўриш мумкин. Бинобарин, толерантлик ва шарқона бағрикенглик билан бир қаторда, "япон мўъжизаси"нинг замирида 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кескин тус олган модернизацион шарт-шароит ва инновацион тараққиёт ётади.

---

[1] Ғуломов С.С. Менежмент: бошқарув санъати, назарияси ва амалиёти. Т., 2002. Б.298.

[2] Салимов Салир "Бошқариш санъати ёки Японияда менежментининг асосий хусусиятлари" //Иқтисод ва ҳисобот. 1993 й №1. Б.20.

## V ШЎЪБА. ЭКСТРЕМИЗМ, РАДИКАЛИЗМ, ТЕРРОРИЗМНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

### ТЕРРОРИЗМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМ ЙЎЛЛАРИ

*Мустафаев М. – т.ф.д., проф., Бух ТИП и ЛП*

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов инсоният осойишталигига хавф солиб турган "Халқаро терроризм"нинг жиноий ҳаракатлари тўғрисида тўхталиб: Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи "Бизнесчилар" учун қон ва нопок сиёсат қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида Халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўлаётган можароларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлигига алоҳида тўхталиб ўтган эдилар.

Терроризмнинг қиёфасини ифода этувчи омиллар қуйидагилардан иборат. Илгари терроризм дунёнинг турли минтақаларида ўзаро боғлиқ бўлмаган бўлса, эндиликда эса бу ҳаракатлар бир-бири билан чамбарчас боғланиб бормоқда. Терроризм яқиндагина пайдо бўлган эмас, уни пайдо бўлиши, шаклланиши тарихи узоқларга бориб тақалади. Терроризм чегара билмас бир офатга айланди. Чунки дунёдаги турли давлатларда ташкил топган экстремистик кучлар ўзаро бирлаша бошлади. Бу борада ёлғиз ҳаракатлар бир занжирга боғланганлиги, бу тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган марказлардан бошқариладиган экстремистик кучлар ва ташкилотлар мавжуд. Терроризмнинг жаҳон цивилизациясига қарши офатга айланиши, кўплаб давлатлар ва уларнинг раҳбарлари, дунёдаги соғлом сиёсий кучларнинг бу масалага охирги пайтгача эътибор бермаганликлари ва қатъият билан кураш олиб бормаганлиги билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов дунёдаги раҳбарлардан биринчилардан бўлиб терроризмнинг бутун инсониятга хавфи тўғрисида Халқаро анжуманларда дунё жамоатчилигини огоҳлантирган эди.

Мазкур муаммони тўғри тушуниш ва халқаро жамоатликни огоҳлантириш нуқтаи назаридан улкан аҳамият касб этади. Терроризм миллий давлат чегараларидан келиб чиқиб, тобора кенгайиб, глобаллашмоқда. Халқаро терроризм қандай рангли байроқ остида, қандай ғоявий ва мафкуравий шиорлар асосида, қандай мақсадларни кўзда тутиб амалга оширилмасин замонамизнинг энг хавфли, энг даҳшатли глобал муаммоларидан бирига айланди. Террорчиликнинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши унинг чегараларининг ҳам кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Халқаро терроризм ўзининг дастлабки тарихий келиб чиқиш даврида қандайдир бир мамлакат чегараси билан, қандайдир муайян чекланган мақсадларни кўзда тутган ҳолда ва чекланган воситаларни қўллаб амалга оширилган, унинг оқибати ҳам шуларга мутаносиб намоён бўлган бўлса ҳозирги вақтда кўлами ва бошқа жиҳатлари билан агар таъбир жоиз бўлса, геометрик пропорцияда ортиб бормоқда.

Ҳозирги даврда халқаро терроризмнинг глобаллашуви шу даражага бориб етдики, нафақат бирон-бир мамлакат ёки минтақада, балки жаҳон миқёсида биронта мамлакати йўқки, терроризм, хусусан халқаро терроризм хавфидан ўзини ҳоли деб билса. Халқаро терроризмга қарши сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий ва маънавий жиҳатлардаи самарали кураш олиб бориш ва ижобий натижаларга эришиш учун аввало унинг тарихий ижтимоий-сиёсий, ғоявий ва мафкуравий илдизларини аниқ англаб олмоқ зарур.

Ёш авлодни терроризмнинг зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш учун унинг келиб чиқиш сабаблари, ижтимоий ва этник таркиби ҳақида батафсил маълумот бериш талаб қилинади. Жаҳон динлари тарихи, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Ватан туйғуси", "Одобнома",

"Миллий истиклол гояси. тушунча ва асосий тамойиллари", "Инсон ва жамият" фанларини ўкитиш хамда дарсдан ташкари тарбиявий ишларда терроризмнинг бузгунчи вайронкорлик башарасини очиб бериши лозим бўлади.

## ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ЭКСТРЕМИЗМ, РАДИКАЛИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҒОЯЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

*Мирзалиева Д.Т. – ТИУ аспиранти*

Ҳозирги кунда учраб турган динга рахна солувчиларнинг максадларини барбод килиш, уларнинг Куръон оятлари маъноларидан чикарган хулосалари накадар хакикатдан узок эканлигини халкимизга исботлаб бериш, уларни дин асосларидан хабардор килиш учун, мустакиллик берган имкониятлардан тўла фойдаланган холда, Куръон оятларининг маъноларини, тарихини хамда нозил бўлиш сабабларини изчил ва чукур ўрганиш, Куръони каримдаги хар бир мавзуни кенг ва холис ёритиб бериш хам илмий, хам амалий ахамиятга молик, долзарб вазифадир. Шундан келиб чикиб, ислом манбаларидан бўлган Куръони карим оятларини ўрганиш мухим ишлардан хисобланади.

Ислом манбаси Куръони Карим оятлари нафакат ислом тарихи, балки арабларнинг исломдан олдинги, яъни Жоҳилия давридаги ижтимоий, сиёсий, маданий ва диний хаётларини очиб берувчи мухим манбадир. Шундай экан, Куръони каримда ўз аксини топган Туббаъ кавми хакидаги вокеанинг тарихийлигини кўрсатиб бериш катта ахамият касб этади. Кўпгина оятларда Муҳаммад пайғамбар туғилмасларидан олдин, яъни Жоҳилия даврида яшаган турли кавмлар тарихига оид маълумотлар келган. Шундай кавмлардан бири Туббаъ кавмидир. Бу кавм ҳакидаги тарихий вокеа Куръони каримнинг «Духон» 36-37 ва «Қоф» 13-14 сураларида ўз аксини топган ва унинг тарихи араб, рус, инглиз, француз, немис, турк хамда ўзбек олимлари томонидан ўрганилган.

Духон сурасида Туббаъ кавми хакида келган оятнинг маъноси куйидагича: 36. Бас, агар («охират бор» деган сўзларингизда) ростгўй бўлсангизлар, ота-боболаримизни (кайта тирилтириб) келтиринглар-чи? – дерлар. 37. Улар (куч-кувватда) яхширокми ёки Туббаъ кавми ва улардан аввалги кимсалармиʼ?! Биз уларни халок килдик. Чунки, улар жиноятчи (осий) эдилар. Қоф сурасида Туббаъ кавми хакида келган оятнинг маъноси куйидагича: 13. Шунингдек, Од (кабиласи), Фиръавн (кавми), Лутнинг оға-инилари, 14. дарахтзор эгалари (яъни, Шуайб кавми) ва Туббаъ кавми хам. (Уларнинг) барчалари пайғамбарларни инкор этишгач, Менинг ваъдам (азобим уларга) мукаррар бўлди.

Муфассир ва тарихчи олимлар асарларидан бу кавм хакидаги куйидаги маълумотларни олиш мумкин.

1. А.Мансуров Куръони карим маънолари таржима ва тафсири китобида шундай дейди. «Туббаъ» кавми кадимда Яман диёрида яшаб ўтган Туббаъ исмли бир мўъмин подшоҳнинг фукаролари бўлиб, улар жуда бадавлат ва басавлат бўлишган. Бу кавм ўз подшоҳларига итоат этмаганлари учун Аллоҳ таоло уни халок килган.

2. Алауддин Мансуровнинг «Куръони карим ўзбекча изохли таржима»сида Духон сурасининг 36-37 ояти шундай тафсирланади. Туббаъ кадим замонда Мадина атрофида яшаб ўтган бир солих подшох бўлиб, унинг кавми жуда бакувват кишилар эди. Улар куч–кувватларига ишониб ўз подшоларига итоат этмаганларидан кейин Оллох таоло уларни халок килган эди.

3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф «Тафсири хилол» китобида ««Туббаъ» кавми деганда Ямандаги кавм тушинилади. Бу иккинчи Ҳимяр подшохларининг лакаби бўлган. Ўша подшохлардан бири Аллоҳнинг динига кириб, ўз кавмини хам шу динга чакирган. Бу кавм ўзларига келган

пайғамбарларни ёлғончига чиқаришган, иймон йўлига юрмаган ва оқибатда ҳаммалари Аллоҳ кофирларга, пайғамбарларни ёлғончига чиқарганларга ваъда қилинган азоб-уқубат, ҳалокатга учраганлар. Уларнинг довруғи араблар ичида кенг тарқалган» деган.

4. Қуртубий «Туббаъдан мақсад бир киши эмас, ундан мақсад Яман подшоҳи, улар Табабиъа подшоҳлари деб юритилган. У бир подшоҳнинг мусулмонлар халифаси, рим императори каби номланадиган лақаби бўлган холос» дейди.

«Туббаъ»ларнинг ҳукмронлик қилган милодий 275-525 йилларни иккинчи Ҳимяр даври деб номланади. Баъзи тарих китобларида 14 та «Туббаъ» ҳукмронлик қилган деб берилган бўлса, араб тарихчиси А.Ҳ.Шараф ад-Диннинг «Тарих ал-Яман ас-Сақофий» (Яманнинг маданий тарихи) номли китобида эса, юқоридаги 14 «Туббаъ»га кирмаган яна 8 та «Туббаъ»нинг номи қўшимча қилинган. Юқоридаги 14 «Туббаъ»нинг еттинчи «Туббаъ»си Қуръонда зикри келган Абукариб Асъад ибн Маликкарибдир. Унинг ҳукмронлик қилган йиллари 385-415 йилларга тўғри келади.

Тарихий манбалардаги маълумотларга кўра, IV-VI асрларда Яманда ҳукмронлик қилган ҳимяр подшоҳларини номидир. Туббаъларнинг энг устунликка эришган ва гуллаб-яшнаган даври Абкариб Асъад, яъни лақаби ал-Комил бўлган IV асрнинг охири ва V асрнинг бошларида ҳукмронлик қилган подшоҳ даврига тўғри келади. Бу подшоҳ ҳақида қуйидагича афсона ҳам бор: у яҳудийлик динини қабул қилади ҳамда у ўз халқини шу дин, яъни яҳудолик динини қабул қилишларини талаб қилади. Қабул қилмаганларни эса, ўлимга маҳкум қилади. Рус тарихчиси М.Б.Пиотровский ўзининг «Предание о химяритском царе Ас'аде Камиле» (Ҳимяр подшоҳи Асъад ал-Комил ҳақида ривоят) китобида ушбу маълумотга таянган ҳолда, Қуръони каримда зикр қилинган «Туббаъ» ҳам Абкариб Асъад бўлиб чиқмоқда дейди.

Раҳматуллоҳ қори Обидов «Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти» номли китобида келтиришича, «Яманда иккинчи Ҳимярий подшоҳларнинг барчасининг исмига Туббаъ деган лақаб қўшилган. Туббаънинг даражаси маликдан юқори бўлган. Туббуъларнинг биринчиси ал-Ҳорис ибн Зи Шаммар, энг охиргиси Юсуф Зу Нувос бўлиб, у яҳудий динига мойил бўлган. Баъзи ривоятларга кўра, Туббаъ қавмига 13 та пайғамбар юборилган.

Профессор А.А.Ҳасанов Туббаъларнинг инқирозга юз тутиши ҳақида ўзининг «Қадимги Арабистон ва илк ислом, Жоҳилия асри» номли китобида шундай келтирган. Бир қатор омиллар, пировард натижада Ҳимяр давлатининг инқирозга юз тутишига олиб келди. Ҳамма қадимги империялар учун объектив бўлган бу ички қарама-қаршилик Ҳимяр давлатида айникса V–VI асрларда яққол кўзга ташланди. Шундай вазиятда 525 йили Византия императори Юстиаиннинг қистови билан Ҳабашистон негуси Яманга катта қўшин тортди. Ҳимяр ва арҳаб уруғларидан бошқа ҳамма Яман уруғлари Зу Нувосни тарк қилганлиги туфайли у мағлуб бўлди.

Хулоса қиладиган бўлсак, тарихда «Туббаъ» номи билан Ҳимяр давлатида 20 дан ортиқ подшоҳлар ўтган. Улар иккинчи Ҳимяр давлати даврида ҳукмронлик қилганлар. «Туббаъ»ларнинг гуллаб-яшнаган даври «Туббаъ» Абу Кариб Асъад ал-Камил даврига тўғри келган. Бу эса юқорида кўрсатилганидек Қуръонда ўзига хос ифодасини топди. Ҳозирги кунда бартараф этиш муаммоси бўлиб турган, ислом динини ниқоб қилиб олган турли хил экстремистик гуруҳларга қарши курашишда ва юртимизда, нафақат юртимизда, балки бутун дунёда барқарорликни таъминлашда ислом манбаларини тўлиқ билмасдан курашиб бўлмаслигига иш давомида яна бир бор амин бўлинди.

## ИСЛОМ МАЪРИФАТИ ВА ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ

*Гуламова М.Т. - Бух ОО ва ЕСТИ доценти,*
*Норова М.С – - Бух ОО ва ЕСТИ ассистенти.*

Давлатимиз мустақилликка эришгач, биринчидан, янги мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиши, ўз тараққиёт йўлини белгилаши, барча соҳаларда турли давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, мунтазам ривожланиб бориши учун имконият яралган бўлса, иккинчидан дунё микёсида юз бераётган глобал ва минтақавий салбий жараёнлар юртимизга ҳам таъсирини кўрсата бошлади. Бундай салбий жараёнларга наркобизнес, диний экстремизм ва халқаро терроризм, бузғинчилик, уюшган жиноятчилик, дунёдаги ва минтақадаги катта давлатларнинг ўз геосиёсий ва геостратегик манфаатлари йўлидаги ўзаро рақобатлари ва бунда миллий ва диний омиллардан фойдаланишга уринишлари киради.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро сиёсатда дин омилидан фойдаланиш сезиларли равишда ортди. Шу боис одамларнинг «диннинг маънавий қадриятлари билан, шиорлардан, хусусан Исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш»[1] зарурати туғилди.

Марказий Осиё ҳудудида айрим диний-сиёсий, экстремистик кучлар динни сиёсийлаштиришга, одамлар, аввало ёшлар онгига сиёсийлаштирилган диний қарашларни олиб келишга ҳаракат қилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек «бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда, бу эса Исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда»[2]. Энг ёмони, улар мамлакат тинчлигига рахна солишга, жамиятдаги миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни бузишга аҳолини турли гуруҳларга бўлиб ташлаб, улар орасида фитна уйғотишга ҳаракат қилди. Агар тарихга назар ташласак, «халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айриш ҳоллари бўлмаган»[3].

Агар соф диний манбаларга мурожаат қилсак, ҳамда ташқи кучларнинг дин омилидан ўз манфаатларида фойдаланаётганларини ҳар томонлама чуқуррок англаб етсак. Ислом дини зўравонлик ва жиноятчиликни бутқул қоралайди, аксинча, инсонпарварликни, комил ахлоқ-одобни, тинчлик ва дўстликни тарғиб қилиши маълум бўлди. Ислом динининг ҳақиқати аслида шуни тақозо этади. Аниқроқ қилиб айтсак, Ислом дини ҳар қандай қон тўкиш, талончилик, зўравонликдан бутунлай холи, энг эзгу қарашли ва чиройли амалларни бажаришга чақирувчи, бошқа динларга нисбатан бағрикенг, соф диндир.

Қуръони Каримда бундай оятлар бор: «Фақат Аллоҳ ҳузурига соғлом дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)»[4], «Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз»[5].

Ҳадиси Шарифлар ҳам инсонларни яхши амаллар қилишга, ёмонликлардан қочишга чақиради: «Мусулмон ким? Унинг қўли ва тилидан ҳеч ким зиён кўрмаган киши. Мўмин ким? Бошқаларнинг моли ва жонига тажовуз этмайдиган киши. Муҳожир ким? Гуноҳ ва маъсиятлардан ҳижрат қилган

---

[1] Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. 4-б.
[2] Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., 1999 й. 10-б.
[3] Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-т. Т. 2003. 127-б.
[4] «Шуаро» сураси, 89-оят.
[5] «Моида» сураси, 2-оят.

киши». «Имоннинг афзали сабрли ва бағрикенг бўлишдир», «Мўмин кишини ҳақорат қилиш гуноҳ, у билан жанг қилиш эса куфрдир», «Фитна котилликдан ҳам ёмонроқдир».

Хуллас, яхшилик ва эзгуликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи ҳадислар жуда кўп.

Демак, динимизнинг асосий манбалари Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда ёмонлик, зулм-зуравонлик ҳамда бузғунчилик қораланган.

Кичкина масалани ҳам илм ёки илмли киши орқали аниқлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Президентимизнинг сўзлари билан айтсак, асосий вазифа «миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборатдир»[1].

## НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ВЛИЯНИЯ ИСЛАМСКОГО ФУНДАМЕНТАЛИЗМА НА ТЕРРОРИЗМ В УЗБЕКИСТАНЕ

***Пулатов Ю.С. – д.ю.н., проф.***
***(Высший военный таможенный институт)***

По некоторым источникам в мире насчитывается около 205 исламских террористических организаций. Более 40 из них, т.е. каждая пятая, исповедуют радикальный ислам фундаменталистского толка и, главным образом, они достигают своих целей путем вооруженного насилия.

Среди общего количества различных террористических организаций фундаменталистского толка можно выделить две группы:

– организации, которые официально декларируют свою самостоятельность, но получающие финансовую и материальную подпитку от определенных государственных структур и исламских международных организаций. Например, общество «ИГАСС» при Всемирной лиге, движение «Талибан», финансируемое саудитскими организациями и поддерживаемое некоторыми пакистанскими военными кругами и спецслужбами;

– независимые исламские боевые организации такие, как «Аль Джихад», «Хамас» и другие.

Эти организации четко структурированы, мобильно управляемы, организованы, фанатичны в достижении поставленных целей и задач, умеют хорошо конспирироваться. Социальную структуру этих организаций составляют маргинальные слои населения, в основном безработная молодежь, без достаточного образования и с низкой культурой, стремящаяся получить хоть какую-то духовную и материальную поддержку. Безработица, неконтролируемые рост народонаселения и незаконная миграция, снижение уровня жизни вместе с экстремистской исламской пропагандой – это те главные факторы, которые обеспечивают мобилизационный ресурс исламских террористов.

Несмотря на принимаемые меры, как общегосударственного, так и регионального масштаба, в последние годы в Республике Узбекистан сохраняется опасность совершения преступлений террористического характера. Аналитические прогнозы показывают, что эта опасность и в ближайшие годы будет сохраняться, создавая угрозу национальной безопасности Узбекистана.

Характер совершенных террористических преступлений можно классифицировать как: увеличение посягательств на жизнь и здоровье людей, при уменьшении доли посягательств на материальные объекты; рост масштабности, для которого характерны большие человеческие жертвы; усиление жестокости и «безоглядности» действий террористов.

---

[1] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. 75-б.

Эксперты правоохранительных органов не без оснований полагают, что националистические и экстремистские организации для совершения террористических актов в различных городах Узбекистана используют организованные преступные группы. Особую опасность представляют организованные группы, связанные с религиозными и политическими организациями, которые преследуют цели разжигания межнациональной и межконфессиональной розни. Для этого они используют методы террора, добиваясь цели нарушения целостности государства. На фоне слияния и сотрудничества нелегальных и легальных структур экстремистского толка с националистическими, религиозно-сектантскими, фундаменталистскими и другими сообществами, на основе взаимовыгодных интересов, происходит сращивание политического и уголовного терроризма.

Исламский терроризм, с его идеей исламского радикализма, проник в Узбекистан и стал угрожать национальной безопасности. Это привело к тому, что получили определенное распространение религиозные организации деструктивного и оккультного характера.

Фактор повсеместной «исламизации» населения стремятся активно использовать в своих политических целях различного рода национал-сепаратистские и иные экстремистские движения, в особенности радикальные, с фундаменталистским уклоном. Имеющиеся сведения констатируют факты оказания этим движениям материальной, финансовой, военной и другой помощи иностранными государствами для ведения террористической деятельности.

По своей направленности и сущности, радикальные течения в исламе являются одним из видов тоталитарных деструктивных сект. Вовлеченным в эти секты гражданам ваххабиты обещают безбедную жизнь, и на фоне обещанного благополучия молодые люди попадают под жесткий контроль и зависимость, к так называемым, «духовным наставникам».

Большое влияние на религиозное обучение жителей региона оказывают некоторые специализированные учебные заведения. Финансирование их осуществляется зарубежными исламскими организациями и из средств пожертвований верующих. На территории республики стали появляться новые мечети, при которых действуют школы, группы, в которых обучаются как дети, так и взрослые. По свидетельству экспертов, зачастую преподавание в них ведется лицами, не имеющими специальной подготовки и разрешения на преподавательскую деятельность, а их программы обучения порой изобилуют материалами исключительно экстремистского толка. Происходит смыкание антигосударственного националсепаратизма с реакционными фундаменталистскими течениями в исламе, на общей платформе попыток насильственного свержения конституционного строя. Ряд иностранных государств, путем усиления своего влияния в регионах традиционного проживания мусульман, стараются придать исламу политизированный оттенок.

Лидеры сепаратистов, при военной и финансовой поддержке противников стабилизации обстановки в регионе, пытаются объединить разрозненные бандгруппы с целью совершать террористические акты.

Таким образом, можно сделать вывод, что последующие годы XXI века для мирового сообщества и, в частности, для Узбекистана станут временем дальнейшей активизации терроризма, что потребует новых подходов, методов и средств в борьбе с террористическими проявлениями, совершенствования правовой базы по борьбе с терроризмом.

# ТЕРРОРЧИЛАР ВА ИСЛОМ

***Гуламова М.Т. – Бух ОО ва ЕСТИ доценти,***
***Қодирова З.Қ. – БухДУ ассистенти.***

"Террор"нинг асл маъноси нима, "террорчиларнинг ўзлари ким ва улар аслида нима мақсадни кўзлашади?" деган савол ҳаммага тинчлик бермаяпти.

ТЕРРОРИЗМ (лот. Terror — қўрқув, даҳшат) — маълум ёвуз мақсад йўлида куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули[1]. Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Жамиятга доимий қўрқув, фитна, ғаламислик муҳитини вужудга келтириш, зўравонлик йўли билан жамият барқарорлигини бузиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсаддаги ўлдириш ва портлатишлар бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини ташкил этади.

"Террор" дейилганида ўзга тарафнинг барқарор тузими ва миллий қадриятлари билан ҳисоблашмай уларга ўз ҳаёт тарзи ва маданиятини зўравонлик билан ўтказиш учун қўрқитиш усулини қўллаш тушунилади.

Террорчилар сиёсий мақсадлари, яшаш тарзлари ва ўзларига маъқул бўлган ахлоқни бошқа жамиятларга мажбуран сингдириш учун одамларни оммавий тарзда қўрқитиш, улар орасида ваҳима, ихтилоф ёйиш учун даҳшатга солишнинг барча усулларини қўллашга ҳаракат қилишади.

XIX Русия анархиячиларининг "отаси" Михаил Бакунин ва унинг ғоявий шогирди Сергей Нечаевлар террорчини бундай таърифлашган: «Террорчи мавжуд қонуний тартиб ва бутун маданиятли дунё билан ҳамма алоқаларини узган кишидир... Унинг учун битта фан – йўқ қилиш, кириб ташлаш фани бор, холос". Террорчиларнинг аксарияти ирода, виждондан маҳрум кимсалардир. Уларнинг насаби ҳам, миллати ҳам, дини ҳам бўлмайди. Жаҳоннинг ҳамма ерида террорчи гуруҳлар одатда жоҳил, нодон, эътиқоди суст ё умуман эътиқодсиз, нима мақсадда жиноят қилаётганини англай олмайдиган кишилардан тузилади.

Тадқиқотчилар А.Хазанов ва В.Ушаковлар фикрича: «Террорчиликка қарши курашни учинчи жаҳон урушига тенглаш мумкин. Бу урушнинг алоҳида хусусияти шуки, унда бутун Дунё жанг майдонига айланган. Бу уруш инсонларнинг руҳияти ва қалбини забт этиш учун бошланган урушдир."[2] Терроризм турли мамлакатларда хилма-хил шаклларда ва ҳар хил мақсадлар асосида дунёга келади. Маълум бир мамлакат халқларининг дунёқараши, маънавий-руҳий қиёфаси, аниқроғи, эҳтиёжлари, турмуш тарзи бевосита ана шундай жараёнларнинг шаклини, қиёфасини, моҳиятини ва ривожланиш жараёнларини, бошқача қилиб айтганда, эволюциясини белгилайди.

Ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни қўлга киритишни кўзловчи кучларнинг зўравонлиги ва қўпорувчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. Сиёсий терроризм нафақат жиноятчи гуруҳлар, ҳатто баъзи реакцион, агрессив руҳдаги расмий сиёсий кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин.

Ислом ниқоби остида террорчилик ва қон тўкиш билан шуғулланаётган оқимлар зиммасида миллионлаб қурбонларнинг масъулияти ва гуноҳи бор.

Дунё зўравонлари бу ҳодисани ислом билан боғлашга қанчалик уринишмасин, террорчилик ва дин бир-бирига мутлақо зид тушунчалардир. Улар бир-бири билан асло келиша олмайдилар.

Террорчилар зулм, қотиллик, уруш, одамларни жабр-ситамга мубтало қилишни асосий мақсад қилиб олишган. Ислом дини асосида раҳм-шавқат,

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар(*Маъруза матнлари*). *Тошкент* 2001й
[2] "Обозрение" журнали, 2005 йил сентябр, 9(88)-сон

меҳр-оқибат, инсонпарварлик, биродарлик, нафсга қарши кураш, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-осойишталик каби эзгу хислатлар ётади.

Ислом номининг ўзаги «тинчлик, омонлик"ни англатади. Бу дин "инсонларни тинч-тотув яшашга, бошқаларга хатто бошқа дин мафкура вакилларига ҳам зулм қилмасликка чақиради. Бутун инсоният глобал қарама-қаршиликлар ва бир ҳовуч кучли давлатларнинг дунёни қайта тақсимлашга қаратилган геосиёсий ўйинлари авжга чиққан замонда хушёрликни ҳар қачонгидан оширишлари, дўст ким-у душман ким, ажрата олишлари, ғанимлар фитнасига учиб бир қўғирчоқ каби диндошлари ва миллатдошлари қотилига айланиб қолишдан ўзларини ҳимоя қилишлари керак.

## ИСЛОМ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ: ЭТНОМАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ

***Ражабов Р. –тарих фанлари номзоди, доцент***

Ислом ва ислом маданиятининг жаҳон тараққиётида ўрни мудом қизиқиш уйғотиб келган, чунки ислом цивилизацияси, академик В.В.Бартольднинг қайд этишига кўра, нафақат мусулмон дунёсига, шунингдек дунё халқлари тараққиётига жиддий таъсир кўрсатган йирик ижтимоий воқеликдир.

Ислом ва ислом маданиятининг бугун рўй бераётган глобаллашув жараёнларига таъсири махсус ўрганишни тақозо этади. Мазкур мақолада биз унинг бир йўналиши, ислом маданиятининг шаклланишига ўлкамиз халқларининг таъсири, арабларнинг юртимизга келиб ўрнашиши билан боғлиқ жараёнлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Ислом маданиятининг, цивилизациясининг юзага келиши, шаклланиши ва жаҳонга тарқалиши глобал воқелик эди.

Илмий адабиётларда ва оммавий ахборот воситаларида кенг қайд этилаётган "глобаллашув", "глобал дунё", "глобал муносабатлар", "глобал иқтисодиёт", "глобал информация" каби атамалар тарихий нуқтаи назардан мутлақ янги воқеликлар эмас. Халқлар, қитъалар, минтақалар ўртасидаги алоқалар антик даврдан бери барқарор воқелик сифатида мавжуддир. Масалан, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги кенг тарихий, иқтисодий-маданий алоқаларни ифода этган Буюк ипак йўли, аҳмонийларнинг Ўрта ер денгизи орқали Европага кириб бориши, грек-македонияликларнинг Яқин Шарқ, Марказий Осиё ва Ҳиндистон ҳудудларига юриши жараёнлари мисол бўлиши мумкин. Шундай мисоллардан яна бири ислом цивилизациясининг юзага келиши билан боғлиқ жараёнлардир.

Араб-мусулмон цивилизациянинг интеграция маркази сифатида шаклланиши осон кечмаган. Масалан, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг қайд этишича, Қутайба ибн Муслим Бухорони уч марта мусулмон қилган, тўртинчи марта у Бухоро аҳолисини қурол билан исломни қабул қилишга эришган. "Қутайба, араблар бухороликлар билан бирга туриб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундаб фармон чиқарди ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди"[1]. Аммо ўлкамиз халқлари мусулмончиликни ўзининг этномаданиятига мувофиқ ўзлаштирган. Асрлар ўтиши билан ўлкамизда яшаб қолган араблар эса ўтроқ халқлар билан ижтимоий-маданий алоқалар ўрнатган, улар билан ўз келажагини, қисматини боғлаган. Ҳозирги кунда улар Ўзбекистоннинг асосан Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва қисман Тожикистон, Туркманистон, Қирғизстон ва Қозоғистон Республикаларининг айрим ҳудудларида истиқомат қиладилар. Тарихий-этнографик кузатишлар кўрсатадики, улар маҳаллий аҳоли билан қон-қариндош бўлиб кетган; уларнинг ҳаёт тарзи туб аҳолиникидан фарқ қилмайди.

Глобаллашув, интеграция мураккаб, ички қарама-қаршиликлар билан кечадиган жараёндир. Лекин улардаги яратувчанлик, уюшқоқлик, интеграция

---

[1] Наршахий Абу Бакр. Бухоро тарихи. –Т.: "Фан", 1966. –124 б.

миллий ўзига хосликларни зўрлаб ўзига итоат эттиришни назарда тутмаслиги лозим. Глобаллашув тарихий-маданий ривожланиш махсули бўлганида халклар, давлатлар ўртасида уйғунликни юзага келтиради. Ана шундагина умуминсоний демократик принципларга амал килинади, ҳар бир халкнинг суверенлиги таъминланади.

## ИЗМЕНЕНИЕ ТРАДИЦИОННЫХ ПРИНЦИПОВ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА КАК ФОРМА РЕАГИРОВАНИЯ НА УГРОЗУ ТЕРРОРИЗМА (ОПЫТ ВЕЛИКОБРИТАНИИ)

*Закурлаев А.К. – к.ю.н., соискатель ИФП АН РУз*

Современная практика борьбы с терроризмом в ведущих странах мира, имеющих многолетний опыт противодействия терроризму как внутри своей страны, так и за ее пределами, таких как Великобритания и США, свидетельствует о новом направлении в уголовной политике зарубежных стран, центр тяжести которой все чаще переносится в сферу уголовного судопроизводства. Смещение акцентов обусловлено ограниченностью ресурсов уголовного права в борьбе с преступностью, остановить рост которой не может ни угроза смертной казни в США, ни длительные сроки лишения свободы в европейских странах.

В данных условиях надежду на успех в противодействии преступности зарубежные специалисты все чаще связывают с модернизацией уголовного судопроизводства. Основным направлением такой модернизации является ограничение прав подозреваемого и обвиняемого, отказ от традиционных принципов уголовного судопроизводства.

Так, например, в Великобритании новые тенденции в уголовном судопроизводстве явились результатом длительной борьбы с терроризмом в Северной Ирландии. С 1969 г. продолжается присутствие британских войск на данной территории, действия которых урегулированы специальным законодательством, включая Закон "О Северной Ирландии (Чрезвычайные положения)" 1973 года и Закон "О предупреждении терроризма (Временные положения)" 1974 года. Цель последнего закона состояла в следующем: 1) запретить организации, причастные к терроризму; 2) установить институт высылки из страны лиц, подозреваемых в причастности к террористической деятельности (прежде всего, иностранцев). Причем право устанавливать перечень запрещенных организаций и принимать решение о высылке предоставлено не судебным органам, а Государственному секретарю - Министру внутренних дел.

Закон 1974 г. расширил права на арест подозреваемых в причастности к терроризму без санкции и содержание их под стражей без предъявления обвинения на срок до 5 дней. Причем, данным лицам отказано в праве обжаловать в суде законность задержания и, таким образом, на них не распространяется действие знаменитого принципа "habeas corpus", родоначальником которого явилась Англия несколько веков назад. В соответствии с данным законом единственной запрещенной организацией явилась так называемая Ирландская республиканская армия (ИРА).

В последующие годы в Великобритании было принято более 10 законодательных актов, регулирующих правовой режим чрезвычайного положения в Северной Ирландии и направленных на предупреждение терроризма. Одним из последних явился Закон "О терроризме" 2000 года.

Закон "О терроризме" 2000 года предусмотрел дальнейшее ограничение прав отдельных граждан и организаций, подозреваемых в причастности к терроризму. В данном акте дается расширенное понятие терроризма, увеличен список запрещенных организаций до 14, установлен порядок обжалования решения Государственного Секретаря о запрете той или иной организации, расширены права на обыск и арест лиц, подозреваемых в терроризме, предоставлены дополнительные полномочия полиции на допрос любого лица, находящегося на

территории Северной Ирландии, о причастности к терроризму. Причем за отказ отдачи показаний установлен штраф.

Кроме того, данный закон подтвердил действие положений Закона "О предупреждении терроризма (Временные положения)" 1989 г. об отмене презумпции невиновности в отношении лиц, подозреваемых в терроризме, и переносе бремени доказывания невиновности на самих подозреваемых. Кроме того, Закон 2000 г. установил уголовную ответственность за: 1) ношение одежды с символами запрещенных организаций (ИРА и др.); 2) сбор информации, которая может быть использована для совершения актов терроризма; 3) сокрытие любой информации, которая может способствовать раскрытию преступлений, связанных с совершением террористических актов.

Британский закон 2000 г. изменил организацию судопроизводства в Северной Ирландии, в результате чего практически отменил действие суда присяжных на данной территории: в приложении к данному закону перечислено более 70 видов преступлений, которые отныне могут рассматриваться без участия присяжных, включая дела об убийстве, покушении на убийство, организации взрывов, поджогов и др. Причем правом выносить более суровые приговоры наделены магистратские суды - суды низшей инстанции, разбирательство в которых осуществляется без участия присяжных. (Ранее судопроизводство по данной категории дел осуществляли только Королевские суды - суды вышестоящей инстанции, рассматривающие дела с участием присяжных). Таким образом, налицо тенденция к скорому и достаточно жесткому суду.

Закон "О терроризме" 2000 г. подтвердил полномочия Министра внутренних дел издавать списки запрещенных организаций, чем он не замедлил воспользоваться. Данный закон вступил в силу 19 февраля 2001 года, а уже 28 марта 2001 года Министр внутренних дел Великобритании Джек Стро издал "Статутное положение № 1261", вступившее в силу на следующий день - 29 марта, в соответствии с которым к ранее имевшемуся списку из 14 запрещенных организаций добавилась еще 21 организация. В результате на сегодняшний день в Великобритании запрещены 35 организаций, 18 из которых - исламские организации, возникшие на Ближнем Востоке, в Турции и Кашмире.

Анализ свидетельствует, что наряду с запретом деятельности террористических организаций, в Великобритании сформировались следующие направления борьбы с терроризмом: 1) отмена презумпции невиновности; 2) ликвидация суда присяжных; 3) отмена судебного контроля за законностью ареста и содержания под стражей лиц, подозреваемых в терроризме. Несмотря на кажущуюся жесткость и недемократичность предпринимаемых в Великобритании мер для борьбы с терроризмом, опыт данной страны свидетельствует, что противодействие данной угрозе требует порой отказа от традиционных принципов и норм судопроизводства, учитывая характер и степень общественной опасности данного деяния.

## ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚНИНГ ЎРНИ

***Қаххарова М. – ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси***

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-маънавий ҳаётимизда туб юртимиз, миллатимиз ва шарқона турмуш тарзимизга хос ва «ўзбек модели»га мос янги ижтимоий муносабатлар, миллатимиз асл мақсад-муддаоларини ифода этувчи, олийжаноб умуминсоний, миллий ва диний қадриятлар, шарқона хислат фазилатлар, илғор ва бунёдкор ғоя, мафкура ва маънавият – кундалик амалий ҳаётимизга кенг кириб бормоқда. Улар истиқлолнинг энг муҳим воситалари сифатида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, комил инсон ва соғлом жамият яратишда муҳим омил сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аҳолимизни ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга зарурий имкониятлар яратилмоқда. Шу ўринда

шуни айтиш мумкинки, хукукий маданиятни шакллантириш учун, энг аввало хукукни тушуна билишимиз зарурлигини хис этишимиз керак. Бу борада кабул килинган Конституциямизнинг жуда кўплаб моддаларида багрикенглик гоялари акс этганлигини эътироф этиш мумкин. Масалан 41-моддасида: – Хар ким билим олиш хукукига эга эканлиги ёки 4-моддасида: "Узбекистон Республикаси ўз худудида истикомат килувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат килинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади", деб ёзилган сўзларнинг асл мазмунини тахлил киладиган бўлсак, жамиятимизда яшаётган барча миллатли фукароларимизга нисбатан багрикенглик килинаётганлигини кўриш мумкин. Буни албатта хар биримиз тўгри талкин килмогимиз даркор.

Бу эса мустакилликни янада мустахкамлаш, жамиятни инсонпарварлаштириш, хукукий маданиятни юксалтириш, урф-одатларимизга бўлган хурмат хиссини уйготиш хамда ахолимизни турмуш тарзида хукукни тўлаконли тушуна билишликлари эса багрикенгликда намоён бўлади.

Багрикенглик тушунчаси хам урф-одатларимизда ўз ўрни, инсонларни бир-бирига бўлган хурмат эхтиром ва хукукий муносабатида ривожланмокда.

Хар бир фукаронинг эрки, тенглиги, жамиятдаги мавкеига путур етишига комусимиз ва кабул килинган конунларимиз йўл куймайди. Чунки инсон учун керакли бўлган хар бир хукук ва эркинликлари тўлаконли комусимизда белгилаб берилгандир. Бу инсонга берилган имкониятларни хам багрикенглик дейиш мумкин, шу билан бирга хар бир юрт фукароси жамиятимизнинг аъзоси сифатида мавжуд берилган имкониятлардан бахраманд бўлиш хукукига эга бўлмокда.

Багрикенглик инсонларнинг ўз хукукларини тўгри тушуна билиши ва унинг замирида соглом ижтимоий-хукукий фикрлар уйготишига эришмогимиз лозим. Бунинг учун энг аввало фукароларимизни хукукий саводхонлигини юксалтиришимиз мухим вазифа хисобланади. Жамиятимизда канча кўп фукароларимиз хукукий билимга эга бўлсалар, хукукий маданиятимиз хам шу даражада юкори бўлади ва инсонларда багрикенглик туйгуси юксалади.

Халкимизга хос багрикенглик ўзининг кадимий илдизлари ва тарихига эга. Бу мерос бизга бобокалон мутафаккирларимиздан мерос бўлиб, унинг хукукий асосларини хам яратганлар. Жумладан, улуг Сохибкирон Амир Темур «Турон, Туркистон халки хакида мушохада юритганда» унинг илдизи чукур, тарихи кадимий, турк халкининг Бош томиридир, деган бўлса, XX аср улуг адиби, буюк шоиримиз Гофур Гулом «Узбек халкининг тарихи Миср эхромларидан хам кадимийдир», – деган эди. Халкимиз миллий хусусиятларига хос бўлган бокий фазилатлардан багрикенглик, мурувват, химмат, саховатпешалик, дахлдорлик, олийжаноблик, одамийлик, мехр-окибат, гамхўрликни акс эттирувчи ахлокий кадриятлар кенг кулоч ёзиб, кўнгил, калби маънавий кемтик инсонларга бахоли кудрат ёрдам кўлини чўзиб, моддий манфатимизни хар бурчагида учратиш мумкин. Шу ўринда Юртбошимизнинг куйидаги фикрларини эслаш максадга мувофик: «Хамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўла амалга ошириш биз учун доим энг мухим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин хам бўлиб колади»[1].

Хулоса ўрнида, юртбошимиз урғу бериб айтганларидек, хар кунимиз, хар ишимиз савобдан иборат бўлса, бу умр мазмуни рохатда ўтади. Бунинг учун эса инсонларнинг хукукий саводхонлигини ошириш оркали фаровон хаётни шакллантириш, кишиларнинг турмуш тарзини яхшилаш, фарзандларимизни баркамол, соглом, ахил, мехр-окибатли, багрикенглик гоялари асосида тарбиялаш глобаллашган жамиятни шакллантиришнинг яна бир шартига айланмоги лозим.

---

[1] И.Каримов. Узбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараккиёт йули «Халк сўзи» 2007й. 31 август

# ГЛОБАЛИЗАЦИЯ И ПРОБЛЕМЫ БОРЬБЫ С КИБЕРТЕРРОРИЗМОМ

*Турсунмуратов Т. – к.полит.н., соискатель УМЭД*

В условиях глобализации выработка эффективных механизмов борьбы с кибертерроризмом стала неотъемлемой частью обеспечения как национальной, так и международной безопасности. В этой связи, анализ существующих проблем, касающихся укрепления информационной безопасности государства, в частности, борьбы с кибертерроризмом приобретают приоритетный характер.

Как отмечают эксперты, кибертерроризм - это несанкционированное вмешательство в работу компонентов телекоммуникационных сетей, функционирующих в их среде компьютерных программ, удаление или модификация компьютерных данных, вызывающая дезорганизацию работы критически важных элементов инфраструктуры государства и создающая опасность гибели людей, причинения значительного имущественного ущерба, либо наступления иных общественно опасных последствий[1].

Возможность кибертерроризма представляет собой целый ряд важных вызовов. В силу их внутреннего характера компьютерные атаки практически невозможно прогнозировать или проследить в реальном времени. Поэтому атака может начаться в любое время, в стране или за рубежом, и стоять за ней могут жаждущие острых ощущений юнцы, враждебно настроенные страны, преступники, шпионы и террористы. Потребуются значительные ресурсы, чтобы с высокой степенью достоверности определить, кто несет за это ответственность. Современные технические и технологические возможности даже развитых стран, как представляется, не будут в состоянии в ближайшем будущем в одиночку решить эту проблему.

Наиболее серьезной проблемой для противостояния кибертерроризму является анонимность злоумышленников. Этот фактор дает возможность для кибертеррористов осуществлять агрессии, которые пока не дают возможности обоснованной идентификации подлинного источника.

Наряду с этим, другим вызовом в противодействии ИКТ-агрессии является недоразвитость и непоследовательность в правовых нормах на международном и национальном уровнях. Из-за сложности сравнения законов, действующих в различных государствах мира, сбор доказательств в таких обстоятельствах, когда могли быть использованы Интернет или другие электронные средства, а также преследование по закону, поиск, захват и выдача отдельных лиц представляются проблематичными.

При этом следует также отметить, что на международном уровне отсутствуют универсальные нормы и соглашения по поводу четких определений таких понятий, как «кибер-агрессия», и какие виды карания, экономические санкции или ответственность может повлечь за собой такого рода деятельность. Усилия международных организаций по противодействию ИКТ-агрессии остаются нескоординированными. Так, меры со стороны ООН в основном ограничены советами и рекомендациями.

Тем не менее, за последние годы наблюдаются позитивные тенденции укрепления международного сотрудничества в области борьбы с кибертерроризмом.

В 2004г. Советом Европы была принята Конвенция по кибер-преступлениям, участники которой обязуются создать в рамках своего национального законодательства правовую базу для эффективного противодействия ИКТ-преступлениям, а также оказывать содействие другим участникам в расследовании дел по данной проблеме.

В августе 2007г. было создано специализированное агентство ООН – Международный союз в области телекоммуникаций (МСТК), который

---

1. А.Щетилов «Некоторые проблемы борьбы с киберпреступностью и кибертерроризмом» http://www.crime-research.org/library/chetilov.htm

обнародовал Повестку глобальной кибер-безопасности для координации усилий международного сообщества в данной области.

В 2008 году в Организации Североатлантического договора было создано Бюро по управлению кибер-обороны (БУКО), которое является своего рода «центральным командованием по координации технических, политических, информационных усилий среди Союзников».

Еще в ходе Пражского саммита в 2002 году была принята Программа НАТО по реагированию на компьютерные инциденты (ПРКИ), в рамках которой были созданы Координационный центр ПРКИ в штаб-квартире НАТО в Брюсселе и Технический центр ПРКИ в г.Монс.

Однако, до факта кибер-нападения против Эстонии в октябре 2008г. фокусом внимания НАТО в данной сфере являлась только защита собственных внутренних систем (т.е. секретариата и других органов Альянса), а не содействие Союзникам в их борьбе против феномена. После эстонских событий важным шагом в этом направлении стало создание Центра по общей кибер-обороне НАТО (ЦОКО), дислоцированного в Таллине[1].

В целом, эффективное международное сотрудничество представляется критически важной составляющей в решении проблем в области борьбы с кибертерроризмом. При этом, национальные парламенты должны сыграть важнейшую роль в разработке и принятии нормативных актов, а также ратификации международных соглашений в области борьбы против кибер-преступлений и обеспечении неуклонного и корректного соблюдения данных норм своими правительствами. Меры по противодействию кибер-нападениям должны носить всеобъемлющий и глобальный характер.

## ДАВР ТАФАККУРИДА ҚОНУННИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

*Қобулова Ш.С. – ЎзМУ,*
*Фалсафа факультети талабаси*

Инсон ўз қизиқиши ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида қадим замонлардан бошлаб дунёни билишга ҳаракат қилган. Жамият тараққиёти юксалиб бориши билан кишиларнинг билим доираси кенгайиб, тафаккури ривожланиб борди. Бошқача қилиб айтганда, билимлар тизими инсоният тафаккури тараққиётининг ҳаракатлантирувчи механизмига айланди.

Мана шундай муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ечимини топиш ва сабабини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, глобализм воқеликдаги барча воқеа ва ҳодисаларнинг меъёр ҳамда миқдорининг бузилишидан келиб чиқди. Жамиятдаги бундай глобалистик даражасига етиб бораётган ҳолатларни бартараф этишда, меъёр ва қонун-қоидалар тизими етакчи ўринни эгаллайди. Меъёр ва миқдорни бир маромда ушлаб турувчи, тартибни сақлаб турувчи тенденция бу – қонундир. Қонун устувор бўлган давлатда албатта, тинчлик, мустақиллик, эркинлик бўлади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек "Мен учун энг муҳими – қонунийликни ҳурмат қилишдир"[2].

Қонун – кундалик ҳаётимизда нисбатан тез-тез ишлатилиб турадиган тушунчадир. Лекин улар ўз соҳаларига кўра турличадир. Булар ҳуқуқий, табиат ва фалсафий қонунлардир, лекин улар ўз соҳаларига кўра, ҳар хил бўлгани билан барибир, бир-бирларини тақозо қилиб, узвий боғлиқликда механизм бўлиб ишлайди. Тафаккур услубининг таркибий қисми сифатида «қонун» тушунчасини фалсафий таҳлил қиладиган бўлсак, қонун - оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим зарурий умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир.

Оламдаги барча нарса табиат, жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. «Фанларнинг асосий вазифаси ҳам

---

[1] NATO and cyber defence. The Report of PA NATO. 2009. http://www.nato-pa.int

[2] Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993. –Б 5-6

объектларнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунларини аниқлашдан иборат[1]. Яъни бунда, фанларнинг (ижтимоий, гуманитар, табиий ва х.к.) асосий вазифаси ҳар бир соҳа бўйича тадқиқот ўтказиб, қонунларни кашф қилиш ёки уларнинг амал қилиш хусусиятларини ўрганиш ва очиб беришдан иборатдир.

Инсон қонунларни билиши, уларга амал қилиши доирасида эркиндир. Эркинлик англаб олинган заруриятдир. Ҳар қандай қонунга хос белгилардан бири, зарурийлик, яъни объектив тарзда амалга ошириш, ўз-ўзидан намоён бўлишдир. Эркинлик эса, ана шу зарурийликни англаб олиш ва амал қилишдан иборат фаолиятни англатади.

Оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса бир-бирини тақозо қиладиган ва шу билан бирга, бир-бирини истисно қиладиган қарама-қарши томонлар бирлигидан иборат. Демак, воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг бўлиши ҳам одатий ҳол. Масалан, иссиқ ва совуқ, оқ ва қора, кеча ва кундуз, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва жаҳолат ва х.к. Қарама-қарши тамонлар бир-бирини инкор этади ва шу билан бирга бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди.

Инкорни инкор қонуни мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй берваётган ҳодисалар моҳиятини илмий англашда катта аҳамият касб этади. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни билдирмайди. Аксинча, бу халқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлатиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислом Каримовнинг, «Янгисини қурмасдан туриб, эскисини бузмаслик лозим» лиги тўғрисидаги хулосасида яққол ўз асосини топган.

Умуман олганда, бугунги кунда сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётнинг деярли барча масалаларида глобаллашувнинг таъсирини кузатиш мумкин ва бу муносабатларни тадқиқ этишда фан ҳамда муайян соҳанинг қонуниятлар тизимидан фойдаланиш ўзининг самарали натижасини беради. Демак, фан ва фалсафий қонуниятларни глобал жараёнлар диалектикасига татбиқ этиш замон талабидир.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

***Мухитдинов Ф.М. – ю.ф.д., ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти грант раҳбари***

Бугунги кун XX-асрнинг сўнгги ўн йиллигида юз берган сиёсий воқеаларининг жаҳоншумул аҳамиятини янада терангроқ англаш учун муҳим палла деб айтсак, муболаға бўлмас. Зотан икки қутблик дунё харитаси собиқ иттифоқнинг парчаланиши, советлар исканжасида бўлган мамлакатлар ҳамда халқларнинг озод бўлиши, ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари туфайли, янги ранг-баранг давлатлар билан тўлди. Лекин ушбу воқеаларнинг аҳамияти нафақат дунё харитасининг тўлдирилиши билан, балки инсонлар жамиятининг ривожланиши, кишилар фаровонлигини ўсиши билан янада юқори аҳамият касб этади. Айнан мана шу сиёсий жараёнлар узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган айрим халқ ва миллатлар тўплаган илғор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий тажрибадан баҳраманд бўлиш ва, аксинча ўзининг маданий-маърифий, ижтимоий-психологик қадриятларини бошқа халқ ва элатларга етказиш имконини очди. Зеро, глобаллашув оддий тушунчада, муайян ижтимоий-маданий воқеликни, жараёнларни, ҳодиса ва ҳолатларни кўпчилик томонидан бир-бирига яқин тарзда англаш, уларни кечишида фаол иштирок этиш ва уларни кечишига имкониятлар очиш демакдир. Яъни глобаллашув – муайян ижтимоий-маданий қадриятларини умумий тарзда англаш ва уларни синтезлашдир.

---

[1]Шермухамедова Н. Гносеология – билиш назарияси. –Тошкент.: ЎФМЖ, 2009. –Б. 69.

Шундай бўлгач, глобаллашув халқлар ва миллатлар ўртасидаги нафақат соф сиёсий ва иқтисодий интеграциялашувни назарда тутади, балки у маданий, яъни ижтимоий-ҳуқуқий уйғунлашувни ҳам ифода этади. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон ҳам мана шу тарихий-маданий жараёнлардан четда қолаётгани йўқ. У кўплаб глобал ижтимоий-маданий, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзловчи ташкилот ва лойиҳалар аъзоси ва иштирокчисидир.

Ўзбекистон бу лойиҳаларда фақат бошқа мамлакатларнинг ижтимоий-маданий тажрибаларини истеъмолчиси сифатида иштирок этмай, балки ўзининг бой тарихий, маданий ва ижтимоий-ҳуқуқий мерос ва тажрибасини етказиш имкониятларидан унумли фойдаланиб келмоқда. Жумладан, ҳуқуқий соҳада Ўзбекистоннинг терроризм ва диний экстремизга, гиёҳвандлик моддаларини тарқатишга ҳамда одам савдосига қарши кураш фаолияти бугунги кунда регионал ва ихтисослашган ташкилотларнинг иш лойиҳаларидан ўрин олган, шунингдек улар айрим мамлакатларнинг ҳуқуқий амалиётларида ижобий тажриба сифатида фойдаланилиб келинмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз глобал ижтимоий-ҳуқуқий маданиятнинг илғор қадриятларини ўз ҳуқуқий амалиётига киритишга эришганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Хусусан, жиноят-судлов юритуви соҳасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг ғоявий асоси сифатида хизмат қилувчи англо-америкача суд юритувига хос бўлган айрим процессуал шакллардан суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда фойдаланди. Назарда тутилаётган масала 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган "Қамоққа олиш учун санкция бериш ваколатининг судларга ўтказиш" қонун нормаси бўлиб, мазкур процессуал институт дунёда Habeas Corpus Act номи билан машҳур бўлиб, илк бор 1679 йилда Англия қироллигида судлов амалиётига жорий этилганди. Мазкур ҳужжат инсоният тарихида ғайриқонуний тарзда айбловчининг ўзи томонидан кишиларни ҳибсга олишини чекловчи илк ҳужжат ҳисобланади. Шу боис, у жуда кўплаб мамлакатларнинг жиноят-судлов қонунчилигидан жой топган. Ушбу тартибнинг ғояси ҳибсга олиш масаласини процесс иштирокчиси бўлган айбловчидан *холис бўлган* иштирокчи – суднинг ихтиёрига ўтказилганлиги ҳақидаги тушунчани беради. Мана шу институт жиноят процессида жиноий қилмишни содир этишда айбланаётган шахсни суд муҳокамасининг объектидан, унинг субъектига, яъни муайян ҳуқуқ ва қонуний манфаатга эга шахсга айлантирди.

Habeas Corpus Actнинг энг асосий вазифаси жиноят процесси учун муҳим бўлган – шахснинг эркинлигини чеклаш масаласини айнан жиноят процессининг дастлабки босқичидаги суд муҳокамасида айблов ва ҳимоя тарафларининг фаол иштирокида суд томонидан ҳал қилинишини англатиб, унинг мазмуни шундан иборатки, (а) айбловчи судга жиноий даъво юритаётган шахснинг қилмишини асословчи маълумотларни тақдим этишга мажбур; (б) ҳимоячи эса шу маълумотлар юзасидан баҳс юритиши мумкин. Бу ҳимояга ўз нуқтаи назари асосли эканлигига судни ишонтира олиш имконини тақдим этади; (в) суд бир масала юзасидан икки ёндошувдан бирининг асосли ёки асосли эмаслигини эътироф этиш ваколатини амалга оширади.

Шундай муҳим процессуал масаланинг суд иштирокида амалга оширилишининг ўзи, жамият томонидан суд фаолиятини унинг ижтимоий функцияси моҳиятига мос равишда тушунишга яқинлаштиради. Бу ҳам ижтимоий-ҳуқуқий маданиятнинг асосларидан баҳраманд бўлиш ҳамда ижтимоий маданият глобаллашувининг бевосита таъсиридир. Негаки, қарийиб икки минг йил олдин рим ҳуқуқшунослари суднинг ижтимоий функциясига бевосита жамиятда адолатни ўрнатиш институти сифатида қараган эдилар. Уларнинг фикрича, адолат (яъни ҳуқуқий адолат дейилмоқчи – Ф. М.) – бу, нафақат суд келган тўхтам ёки унинг қарори, балки адолат – бу суд муҳокамаси орқали ўрнатилган ҳодисадир. Habeas Corpus Act ҳам мана шу ҳуқуқий концепция ғоясига тўлиқ асосланган бўлиб, қамоққа олиш чорасининг суд

муҳокамасида бевосита суд томонидан ҳал қилиниши – ушбу масалада ижтимоий-ҳуқуқий адолатнинг ўрнатилишини англатади.

Ижтимоий-маданий глобаллашувнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ислоҳотларига таъсирини яна бир ташланган сиёсий-ҳуқуқий қадамда кўриш мумкин. 2005 йилнинг 1 августида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йилнинг 1 январидан "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Шубҳасиз, бундай қадам жамиятимизда инсоннинг ҳаёти, унинг қадр-қиммати юқори ўринда эканлигини яққол намоён қилади.

Аслида ўлим жазосини бекор қилиш масаласининг негизида XYIII ва XiX асрларда Европанинг Буюкбритания, Германия каби мамлакатлардаги диний мафкураларда юз берган ислоҳотлар сабаб бўлган. Инквизиция машаққатларига дучор этилган Европа халқлари Рим папасининг мутлақ ҳукмронлигидан халос бўлиш учун курашга киришди. Охир оқибат протестантларнинг "диний эркинлик" мафкураси ғолиб келди. Айрим манбаларда[1] айнан протестантлик мафкураси бозор муносабатларининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлиги эътироф этилади. Зотан, бозор иқтисоди ижтимоий ҳодиса сифатида кўп укладли, эркин рақобат муҳитига эга тизимдир.

Айнан христианлик мафкурасидаги "инсон ҳаёти худо томонидан берилган ва у фақат унинг ўзи томонидан олиниши мумкин" деган протестантлик ғоялари асносида Европанинг кўпгина мамлакатлари қонунчилигида ўлим жазоси бекор қилинди. Бугунги кунда мамлакат қонунчилигида ўлим жазосининг бекор қилинганлиги умумий ва глобал гуманистик тафаккур маданиятининг белгиси ҳисобланиб, жамиятнинг инсон ва унинг муаммоларига бўлган ижобий сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий ёндашувда эканлигини англатади.

Албатта, мамлакатимизда кечаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳали давом этмоқда. Ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам етарли. Унинг йўналишлари асосан жиноят-судлов юритувидаги учлик: *айблов, ҳимоя* ва *ишни ҳал қилиш* функцияларини янада такомиллаштириш орқали жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ таъминлаш, жиноят содир этган шахсларга адолатли жазо белгилашга эришишдан иборат. Умид қиламизки, илмий тадқиқотлар, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муваффақиятини белгиловчи бирламчи омил бўлиб хизмат қилади.

## ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИК ЖАРАЁНИДА СОДИР ҚИЛИНГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

***Шокиржонова Н. – ТДЮИ тадқиқотчиси***

Дунёда кечаётган ижтимоий глобаллашув жараёнлари ўз доирасига кўплаб иқтисодий, сиёсий ва маданий масалаларни қамраб олмоқда. Кўплаб мамлакатлар халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий глобаллашувдан манфаатдор эканликларини намоён этсалар, айрим ижтимоий гуруҳлар мана шу жараёнга тўсиқ қўйишни, унинг ривожланишини секинлаштиришга уринмоқдалар. Кўпинча, антиглобал гуруҳлар куррамиз учун муҳим бўлган умуминсоний муаммоларни ҳал қилишга қаршиликларини оммавий тартибсизликлар келтириб чиқариш орқали ифода қилишни мақбул кўрадилар. Шу боис, оммавий тартибсизликларни тергов қилиш ва уларни олдини олиш муаммолари кўпчилик давлатлар учун долзарб масалага айланган. Бу муаммо Ўзбекистон учун ҳам ёт масала эмас. Зеро, Ўзбекистон ҳам ўзининг яқин тарихида шундай ҳодисаларга дуч келганди.

Оммавий тартибсизлик жараёнида содир этиладиган жиноят турларининг криминалистик таснифига ва уларни тергов қилиш методикасига келадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, одам ўлдириш, баданга турли даражадаги

---

[1] Қаранг: Гараджа В.И. Социология религии. –М.: 1996. –С.192-208

шикаст етказиш, номусга тегиш, ўғрилик, мулкни қасддан нобуд қилиш каби оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этиладиган жиноят турларининг алоҳида тарзда криминалистик таснифи ҳамда тергов қилиш методикаси кўплаб илмий асарларда, тадқиқот ишларида таҳлил қилинган.

Аммо, қайд этилган жиноятларни бирлаштирувчи ягона ва умумий белгилари мавжуд бўлиб, у криминал мақсадларга етишиш воситаси тарзида шахсга жисмоний ёхуд руҳий тазйиқ ўтказишни назарда тутади. Шундан келиб чиқиб, таҳлил этилаётган жиноятларни бирлаштирувчи мезонларини аниқлаш орқали уларни бир криминалистик гуруҳга жамлашга уриниш мумкин. Буни мазкур жиноятларни жиноий-ҳуқуқий, янада тўғрироғи криминалистик таснифга оид белгилар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар криминалистик тасниф элементларини аниқлашнинг асосий масаласи бўлиб, ушбу элементлар қаторига, масалан қуйидагиларни киритиш мумкин: а) жиноят ходисаси (жиноятнинг содир этилиш вақти, жойи, усули ва бошқа ҳолатлар); б) жиноят содир этган шахснинг айбдорлиги, унинг айб шакли ва жиноий ҳатти-ҳаракатнинг мотив ва мақсадлари; в) айбланувчининг шахсини таснифловчи ҳолатлар; г) жиноят оқибатида етказилган зарарнинг характери ва миқдори; д) жиноий хатти-ҳаракатни ва жазони инкор этувчи ҳолатлар; д) жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар; е) жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилувчи ҳолатлар; ж) жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар. *Объектив* томондан мазкур жиноятлар қонунга хилоф равишда шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш, унинг соғлигига зарар етказиш, жинсий дахлсизликка ва мулкий ҳуқуқларига тажовуз қилишни ҳамда ҳокимият вакилининг ёки ўзининг фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатишни назарда тутади. *Субъектив* томондан эса, ушбу жиноий қилмишлар бевосита ҳаракат орқали амалга оширилиши мумкин.

Бу борада алоҳида турдаги жиноятларни тергов қилиш методларида қайд этилган жиноятларга доир асос ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси анча тўлиқ ишлаб чиқилган. Шу боис, оммавий тартибсизликлар жиноятини тергов қилиш методикасини яратишда қайд этилган методларнинг тавсияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир[1].

Оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этиладиган жиноятларнинг қонунда эътироф этилган асосий турлари мана шулардан иборат. Бироқ, юқорида биз кўриб чиққан ҳолатлар криминалистика назариясида шаклланган алоҳида тоифадаги жиноятларини тергов қилиш хусусиятларига бевосита боғлиқ бўлиб, агар уларни бир, яъни оммавий тартибсизликлар жиноятини тергов қилиш методикаси остида бирлаштирадиган бўлсак, албатта, алоҳида тоифадаги жиноятларни тергов қилишда тавсия этиладиган методларнинг айрим жиҳатлари ўзгаради. Негаки, энди бундай қилмишларни тергов қилишда бевосита оммавий тартибсизликларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарурдир.

Бундай хусусиятлар нимадан иборат бўлиши мумкин? Ушбу саволга жавоб берадиган бўлсак, бунда, энг аввало, юқорида қайд этилган барча жиноятларни бир умумийликка боғловчи хусусият мавжудлигини эътиборга олиш лозим бўлади. Булар мазкур жиноятларнинг бевосита: а) оммавий тартибсизлик жараёнида; б) айнан уларнинг оммавий тартибсизликни ташкил қилган ёхуд унда фаол иштирок этаётган шахслар томонидан тўғри қасд орқали содир этилганлигидир.

Шундай экан, оммавий тартибсизликларни тергов қилишда унинг жараёнида содир этиладиган юқоридаги жиноятларни тергов қилиш методикаларида илгари суриладиган тавсияларга амалга қилган, аммо юқорида

[1] Мазкур қаранг: Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик /Муаллифлар: F.Абдумажидов ва б. 2 томлик. Т.2. -Б. 26-34; ...

қайд этилган ана шу икки хусусиятни эътиборга олган ҳолда амалга ошириш зарурдир. Бу деган, оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, номусга тегиш, ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш каби жиноятларнинг бевосита оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилганлиги ҳамда уларни оммавий тартибсизликлар ташкилотчиси ёхуд унинг фаол иштирокчиси томонидан содир этилиши ва шу ҳаракатларни ифода этувчи ҳолатлар исботланиши зарур.

## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ОИЛАДАГИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

*Холдибекова Ф. – УзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси*

Мустақил давлатларнинг вужудга келиши мавжуд давлат тузумларининг сиёсий тизими ва ғоявий йўналишининг ҳам тубдан ўзгаришига олиб келди. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлган Ўзбекистон ҳам бошқа миллий мустақил давлатлар сингари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тараққиёт соҳасида ўз йўлини белгилаб олди. Жаҳонда, шу билан бирга Марказий Осиё минтақасида, мавжуд ҳарбий-сиёсий вазият бу ерни халқаро диний ақидапарастлик ва терроризм таъсир этувчи ҳудудга айлантирди. Шўро даврининг мафкурасидан воз кечгандан кейин жамиятимизда бўшлиқ пайдо бўлди. Ёвуз ғоя ва мафкуралар жамиятимизга жуда салбий таъсир қилди, у баъзи ёшларнинг онгини заҳарлади ва улар диний экстремистик ғоя ва мафкураларга амал қилиб, террорчилар сафига қўшилиб қолиш ҳоллари рўй берди. Бу ҳолатларнинг олдини олишда оила муҳитининг роли беқиёс каттадир. Шу боис, истиқлолнинг илк кунлариданоқ оилага катта эътибор қаратилиб, қатор ислоҳотлар амалга оширила бошланди.

Чунки, оила шахснинг маънавий шаклланишида катта ўрин тутади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, инсон маънавиятнинг илк тасаввурлари оилада «она сути, намунаси, аждодлар ўгити билан сингади»[1]. Инсон оилада дунёга келар экан, кейинги ҳаётини ҳам у билан, ўз тақдирини оиласи тақдири билан боғлаб, никоҳнинг муқаддаслигини унутмай яшайди. Оилада олинган илк тарбия, билим кишининг кейинги маънавий ривожланиши, камолоти учун маънавий асос ролини бажаради.

Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун оилани мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш давлат сиёсатига айланади. Бунинг қатор сабаблари мавжуд. Биринчидан, оила жамиятнинг қудрати ҳисобланади. Иккинчидан эса ҳуқуқий, демократик давлатнинг шаклланиши кўп жиҳатдан кишининг оилада оладиган тарбиясига боғлиқ бўлади. Оилада олинган дастлабки таълимот билимлар киши камолоти учун асос, пойдевор вазифасини ўтайди.

Жан Жак Руссо бола онгини ёзилмаган доска (тахта)га қиёслайди: унга ота-она нимани ёзса – шуни ўқийди. Эзгулик, инсонпарварлик, қонунга итоаткорлик, адолатпарварлик, меҳр-оқибатлилик, ор-номус, шаън ва бурч каби тушунчалар инсонга туғма шаклда берилмаслиги, улар дастлаб ота-она шахсий намунаси воситасида оилада болалар онгига сингдирилиши ҳаммага аён. Киши микро муҳитда (оила) макро муҳитга (жамият) чиқар экан оилада олган дастлабки тасаввур ва тушунчаларга таянади, ўз фаолиятини улар асосида қуради. Шу боис халқимизнинг «қуш инида кўрганини қилади» деган нақлини катта ҳаётий маъноси бордир. Оила – бўлажак фуқаро, шахс учун гўёки ошён, ин кабидир.

Маънавий жиҳатдан соғлом, ғоявий жиҳатдан мустаҳкам авлод айнан оила муҳитида камол топади. Оила шунинг томчиси каби жамиятдаги барча

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992, 71-бет.

ҳодисаларни – хато ва камчиликларни, турли ижтимоий муаммоларни ўзида акс эттиради. Оила даражасида ижтимоий муаммолар устида гап бўлишлиги, уларга катталар томонидан муносабат билдирилиши табиий ҳолдир.

Оиланинг таркиби ва ундаги кўп қиррали муносабатларнинг тизими асосида эр-хотин, ота-она ва болалар алоқаларидангина иборат, деб тасаввур қилиш бир томондан тўғри бўлса, иккинчи томондан, ушбу муносабатларга юзаки қарашни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бизга маълумки, фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир. Президент Ислом Каримов бу тўғрисида жиддий огоҳлантириб, «ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта хавф, десам муболаға бўлмайди»[1] – деб таъкидлаган эдилар.

Оилада ёшлар, болалар катталарнинг ижтимоий воқеаларга муносабатини кузатадилар, ўзларига баҳолайдилар ва кўпинча ота-оналари келган хулосага ва баҳолашга қўшиладилар. Қуш ўз полапонларига учишни, қандай яшашни ўргатган каби инсон ҳам ўз фарзандларига ижтимоий муҳитда қандай ўзини тутишини ўргатади, уни катта ҳаётга етаклайди.

Ҳар хил ёт мафкуралар таъсирига берилмаслик учун ҳар бир инсон, айниқса, ёшларимиз мафкуравий қуролланган бўлиши керак. Бунинг учун буюк келажагимизга мустаҳкам ишонч, руҳиятимизни тетиклаштирувчи, бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшиб, ҳамжиҳатлик, ҳамкорликка чорловчи миллий истиқлол мафкурамизнинг асосий ғоялари ва мақсадларини халқимизга, содда, аниқ, ҳаққоний, тушунарли ва ишонарли етказиб бериш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хулоса шундан иборатки, инсон камолоти нафақат жисмоний тарбияси, балки биринчи галда маънавий тарбияни тақозо этади. Оила инсон камолотининг бешиги, дастлабки босқичидир. Оилада асос солинган маънавий камолот пойдевори бўлажак шахс ижтимоийлашуви учун нафақат маънавий, балки ғоявий асос ҳам бўлади. Шунинг учун оила жамиятнинг бошланғич бўғини бўлибгина қолмай, асоси ҳамдир. Зеро инсон камолоти дастлаб ушбу асосда қарор топа бошлайди, унинг таъсири шахс ижтимоийлашуви учун ҳал қилувчи аҳамият касб қилади. Бошқача қилиб ифодалаганда, оила инсон камолотининг илк манбаидир. Бу бўлажак шахсни ижтимоий жиҳатдан етуклигини таъминловчи бошланғич асос вазифасини бажаради. Президентимиз таъбири билан айтганда: «биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қиладилар"[3]. Бунинг учун ёшлар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш зарур. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшларда ҳозирги замон бузғунчи ғоя ва мафкуралар (ваҳҳобизм, терроризм, ислом фундаментализми ва бошқаларга) қарши ғоявий иммунитетни шакллантириш лозим.

## ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ҒОЯВИЙ ТАҲДИДЛАР

*Хошимов Ш.Ж. – СамДУ катта ўқитувчиси*

Бугунги кунда Ўзбекистонда эркин бозор муносабатларига асосланган, демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, бошқача қилиб айтганда Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этилмоқда. Ўзбекистонда барпо этилаётган адолатли, инсонпарвар, дунёвий давлат инсон ва фуқаро ҳуқук-

[1] Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. Асарлар 8 том. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Б. 467.
[3] Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999

Шу билан бирга, истиклол берган саодатни суиистеъмол килаётган, дин никоби остида яшириниб, аслида ҳакикий диний тамойилларни, миллий кадриятларни, аждодларимиз ётган табаррук кадамжойларни оёк ости килаётган, асл ниятлари ғаразли, экстремистик-террористик кайфиятлар кимсалар, баъзиси четдан сукилиб, баъзиси ўз орамиздан пайдо бўлиб, ҳаёт тажрибаси, онги шаклланиб улгурмаган ёшларнинг фикри-хаёлини буза бошлаганининг ҳам гувоҳи бўлдик".

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Конун иккита йўналишини, яъни, биринчидан, инсоннинг диний, виждоний эътикодини эркин ва ихтиёрий танлай билиш ҳукукини, истаса ҳеч кандай динга эътикод этмасликка мутлак ҳакли эканлигини, диндор бўлмаса-да, барча инсонлар каторида тенг ҳукуклилиги эътироф этилишини, иккинчидан, мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган диний ташкилотларнинг барча муносабатларини ҳукукий тартибга солиб туришни максад килиб кўяди (1-модда).

У Ўзбекистонда ҳеч кимнинг виждоний, диний эътикоди ёки эътикодсизликда, унга зўравонлик килиш, тазйик ўтказиш, кўркитиш каби бирор бир тарзда мажбур этилишини мутлак такиклайди. Жумладан, вояга етмаганларни ихтиёрисиз, шунингдек ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчилар хоҳишисиз диний ўкитишларга жалб этишга йўл кўйилмайди (3-модда).

Маълумки дин, жумладан ислом, инсонларни яхшиликка, имон бутунлигига, тўғри тарбия топиб эзгуликка хизмат килишига етаклашни максад килади. У ҳар кандай зўравонликни коралайди, жумладан кўр-кўрона, билиб-билмай, моҳиятини англаб-англамай "динга муккасидан тушиш"ни ҳам маъкулламайди. Динга эътикод дилдан, вужуддан, калбдан бўлмоғи керак. Кўркув, алдов, зўрлаш, тазйик таъсирида сиғиниш – ёлғон эътикод бўлиб колди.

Конуннинг 19-моддасида яна бир муҳим ҳолат мавжуд. Унда "диний экстремизм, сепаратизм ва акидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-фото-аудио-видео маҳсулотларини ва шу каби бошка маҳсулотларни тайёрлаш, саклаш ва таркатиш конун ҳужжатларига мувофик жавобгарликка тортишга олиб келади" дейилади. Биз яхши англаб олмоғимиз керакки, дин никоби остида кутқу, жанжал, бекарорлик уруғини сочувчи гуруҳларнинг асосий кураш воситаси ана шу йўлдан фойдаланишдир. Бу ишларининг уруғи куритилиши керак.

Шуни тушунишимиз керакки эътикод том маънодаги "эътикод эркинлиги доирасида бўлмоғи керак. Уни атрофдагиларга зўрлаб сингдириш, шиор килиб олиб, шахсий манфаат ёхуд сиёсий "капитал" тўплаш йўлида фойдаланиш, энг асосийси, ислом таълимотини устакорлик билан бузиб талкин килиш оркали одамларни нопоклик, имонсизлик, хунрезликка чорлашнинг накадар хавфли эканлигини чукур англашимиз керак".

Жамият ҳаётининг бош мезони бу онгли турмушдир. Маънавият ва маърифат тараккиёт тамойилидир. Маърифатсизлик бошландими, ўша жойда жаҳолат ҳукмрон бўла бошлайди. Жаҳолат кўр-кўрона ҳаракат килишга, котиллик ва ваҳшийликка ундаб, охир окибатда инсон кишилик киёфасини йўкотади. Ўкиб, илм олиб доно бўлиш, инсоннинг энг муҳим зийнати ва безагидир. Бизга боболаримиздан катта илмий мерос колган, тарихий тажрибадан ўтган инсоннинг аклини, фикр уйини сайкаллаштирадиган насиҳат ва ўгитлар колган. Шуни англашимиз керакки, маърифат булоғидан канча кониб сув ичсак шунча жамият ҳаёти соғломлашади ва тараккиёт тезлашади.

# VI ШЎЪБА. ФУҚАРОВИЙ ЖАМИЯТНИ ВА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДУНЁВИЙ ДАВЛАТНИ ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА ТОЛЕРАНТЛИК РИВОЖИ

## ТОЛЕРАНТНОСТЬ – НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ РАЗВИТИЯ ДЕМОКРАТИИ

*Кадырова Э.Р. – доц. ТАСИ*
*Толстиков Л.А. – ст.преп.ТАСИ*

С возникновением нации как исторической общности у людей возникает сильное чувство национальной солидарности. Современные развитые цивилизации в политическом, культурном и религиозном отношении плюралистичны. Так, в условиях религиозного плюрализма и религиозной толерантности в Англии был достигнут гражданский мир и согласие. Благодаря утверждению принципа религиозной толерантности как идеального принципа демократии, в западных странах произошла стабилизация общественного развития, которая положила начало становлению демократических свобод – печати, союзов, собраний и т.д.

Демократическое сознание характеризуется некоторыми аспектами общественного сознания, связанными с формированием личности, ее активной жизненной позицией, убежденностью в том, что демократия есть естественное состояние общества, образа жизни людей.

Демократия невозможна без взаимоуважения, взаимопонимания, сотрудничества, гуманизма, взаимопомощи, равенства. Понятие толерантности охватывает не только сферу бытия, но и сферу духовной жизни людей и, особенно, их психологию. Как очень важный аспект человеческих взаимоотношений толерантность невозможно понять без чувств доброжелательности, внимания, милосердия и сопереживания. Термин «толерантность», возникший в биологии, пришел в гуманитарные науки и означает быть сдержанным, терпимым, уважительным. Понятие «толерантность» стало широко употребляться в общественных, в том числе философских науках. Как философская категория она отражает наиболее общие, универсальные аспекты и связи, а как нравственная и правовая – принцип свободы, равенства, справедливости и долга.

Современное человечество – это множество наций, этносов, конфессий, языков, культур и социальных групп, живущих в различных социально-экономических и политико-правовых условиях, у которых разные интересы, традиции, обычаи и менталитет.

Сегодня мир перестал быть биполярным, однако решение многих проблем не стало проще, а даже усложнилось, приобрело глобальный характер.

Президент Республики Узбекистан И.Каримов в работе «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» подвергает анализу различные виды угроз безопасности обществу, государству.

К таким угрозам относятся социально-экономический и политический монополизм, религиозный экстремизм. Фактически все эти угрозы социальной стабильности связаны с нетерпимостью к другим народам, их общественно-политической жизни, к культуре, верованиям. Подтверждением этому являются участившиеся в мире преступления, связанные с расовой, этнической,

религиозной и политической нетерпимостью. Демократия формируется, развивается постепенно с учетом как социально-экономических факторов, так и многовековых традиций, обычаев, культуры народов, наций. Политическая свобода предполагает, что люди в достаточной степени доверяют своим политическим оппонентам. Экономическая свобода предполагает терпимость к конкурентам, ведь конкуренция способствует и стимулирует инициативу людей.

Этническая терпимость предполагает, что люди осознают принадлежность различных этнических групп к человечеству в целом. Поэтому толерантность требует понимания – истина не бывает простой. Критериями демократии являются следующие ценности: уважение прав и свобод граждан, отказ от насилия в сфере политики, гуманность, этническая, политическая, религиозная толерантность, верховенство закона.

Все эти ценности закреплены в Конституции Республики Узбекистан и законодательных актах.

В республике созданы все условия для развития внутриполитической демократии, а толерантность есть естественное состояние жизни людей.

Это является предпосылкой для формирования такого типа общественного устройства, при котором человек имел бы возможность реализовать свои права на свободу, что в свою очередь, обуславливает создание в обществе атмосферы терпимости, солидарности и сотрудничества.

Известно, что у нас в стране культурное, этническое, языковое и религиозное разнообразие является естественным явлением. Не случайно, а точнее закономерно, что многонациональность и многоконфессиональность являются богатством Узбекистана. Умение и желание жить мирно с людьми разных национальностей и вероисповеданий – это исторически сложившаяся многовековая традиция узбекского народа. Даже в тяжелые периоды истории на земле Узбекистана не было ни этнических, ни религиозных войн. Все это является прочной основой и придает динамизм процессу демократизации общественной жизни в республике и обусловливает необратимость реформ.

История человечества знает немало войн, объективный анализ которых показывает, что всегда подлинные интересы, стоявшие за этими войнами, были скорее политическими, чем религиозными. Это не результат религиозной нетерпимости, а столкновение интересов различных социальных групп, преследующих свои экономические, политические и другие цели. Экстремистским группам нужна не истина, а политическая власть.

У узбекского народа богатые традиции. В Узбекистане проживают более 130 наций и народностей, существует 15 религиозных конфессий. Без мирного диалога между ними не было бы и стабильности. Демократия невозможна без признания того, что толерантность – одно из основных условий ее становления. Она есть результат внутреннего развития государства и условие социального прогресса.

Принцип толерантности, являющийся универсальным, становится необходимым для любого государства, строящего демократическое, правовое государство и гражданское общество. Именно этот принцип не допускает ущемления прав и свобод других людей, одновременно взаимодополняет другие нормы и принципы демократии: приоритет закона, равенство и свободы граждан, открытость общества.

# МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИДА АКМЕОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

*Норматов К. – т.ф.д., профессор, Ўтамуродов А. – ф.ф.н., доцент*

Миллий қадриятлар алоҳида халқ, элат ва миллатларнинг ўз тарихий тараққиёти давомида яратилган барча моддий ва маънавий бойликлари, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари ҳамда миллат менталитети – ўзлигини белгилайдиган бошқа ўзига хос томонлари йиғиндисидан иборатдир. Чунончи, улар: табиий қадриятлар (ер, сув, ҳаво, ер усти ва ер ости бойликлар); ижтимоий қадриятлар (оила миллат синф ва ҳоказо); моддий қадриятлар; маънавий қадриятлар; шахсий қадриятлар; умуминсоний қадриятлар; оилавий қадриятлар ва маданий мерос назарда тутилади.

Ўзбекистонда истиқлол шарофати билан миллий қадриятлар қайта тикланди. Миллий қадриятларимиз истиқлол маданиятини яратишимизга негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Дарвоқе қадрият сўзини маъносидан билиб олиш мумкин. Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, миллат тили, маданияти ва тарихий удумлари, жамики моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги, унинг туйғусида ҳам акс этади. Миллий туйғу – табиий туйғудир. Унда миллатнинг тарихи, ҳозирги аҳволи, миллий руҳияти ва хусусиятини тушуниш мужассамлашган бўлади.

Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг ўз миллий манфаат ва қадриятларини қандай қилиб англашини тасаввур қилиш қийин бўлади? Айни пайтда акмеологик жиҳатлари равнақ топади.

Демак, миллатлар, миллий манфаатлар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий туйғулар ҳам, миллий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллатни миллий қадриятлардан маҳрум қилишга уриниш – тарих ва инсоният учун энг катта жиноят эканлигини бугун дориломон кунларда тушуниб етаяпмиз. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлари билан бирга миллий қадриятлари ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Юртбошимиз Ислом Каримов давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётини маънавият, маърифатсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслигини эътиборга олиб, Истиқлол йилларининг илк даврида\ёк маънавият, маърифат ишларига катта эътибор берди. 1993 йил «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази» тузилиб, унинг вазифалари белгиланди. Булар биринчидан, миллий ва умуминсоний қадриятлар тамойилларини босқичма-босқич ўрганиш, унинг акмеологик жиҳатларини оммага етказиш асосий масала қилиб қўйилди.

Иккинчидан, миллий-маънавий қадриятларимиз негизи бўлмиш «Авесто» муқаддас китоби, Қуръони Карим, ҳадисларидан тортиб, мутафаккир алломаларимиз – Муҳаммад Мотуридий, Ҳаким ат-Термизий, Мусо ал-Хоразмий, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад ал-Фарғоний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний каби ва бошқаларнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ қилиш назарда тутилди.

Учинчидан, Йўлбошчимиз таъкидлаганидек жаҳон цивилизациясининг йирик намояндалари Николай Коперник, Жардано Бруно, Галилео Галилей "дунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган"[1].

Тўртинчидан, миллат маънавий қадриятларимиз асоси – Ислом Каримов асарларини ўрганиш, акмеологик муаммоларни ўзлаштириш ва аҳоли онгига сингдириш, айниқса ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, толерантлик масалалари кабилар амалга оширилиши назарда тутилади.

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: "Маънавият", 2008. 161-б.

Бешинчидан, жойларда ОАВ дан кенг фойдаланиш,хозирги глобаллашув даврида маънавият-маърифат ишларини самарали йўлга қўйишни белгиланди.

Шундан келиб чиққан, ҳамда маънавият, ва маърифат ишлари ўзининг ривожланишида янада такомиллашиб миллий кадриятлар ва миллий мафкура миллатимиз, халқимизни туб бурилиш-янгиланаётган Ўзбекистон учун фидойилик ва фаоллик билан бунёдкорлик ишларига бошлади. Шу боис 2006 йил 25 августда Юртбошимиз Ислом Каримов миллий гоя ва мафкура фаолиятини янада такомиллаштириш учун Республика тарғибот ҳамда миллий мафкура илмий амалий марказларни тузиб, бу жабҳада кенг кўламли ишлар маънавият, маърифатни олиб борилиши ва янада такомиллаштириш борасида қарор қабул қилди. Бу тадбирий чоралар маънавият, маърифат жамоатчилик негизида амалга оширилиб, мамлакат миқёсида миллий гоя ва мафкура масалаларини ташвиқот ва тарғибот қилишда кўп ишларнинг бажарилаётганлиги унинг аҳамиятини янада ошириб бормоқда.

Маълумки, инсон жамиятдан ажралган ҳолда яшамайди. У ишда, ўқишда, турар-жойда ҳамма вақт жамият ичида бўлади, турли хил муносабатларга киришади. Бунда, айникса турар-жойда шаклланган ижтимоий фикрнинг шахсга кучли таъсири бўлиши мумкин. Шу маънода маҳалланинг ижтимоий фикрни шакллантиришдаги ва умуман, шахсни тарбиялашдаги ўрни каттадир. Миллий кадриятларимизнинг сақланиши ва авлоддан-авлодга ўтиб келишида аждодлар маҳаллалар беминнат хизмат қилиб келган. Маҳаллада тарихан таркиб топган миллий анъана ва кадриятларни эъзозлаш, изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг унутилаётган энг яхши удумларини қайтадан оммалаштириш, маҳаллаларни маданий ва маърифий ҳамда иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш чоралари кўзда тутилган эди.

Маълумки, миллий ўзига хослик, фуқаролик позицияси, мустақиллик неъматларига муносабат қабилар ижтимоий муҳитда шаклланади. Айнан ана шу жиҳат маҳалла аҳлини ижобий бир мақомда ушлаб туришда катта роль ўйнайди. Миллий кадриятнинг аксиологик такомиллаша боришида диний урф-одат ва анъаналарнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Зеро, дин билан маҳалланиш ҳамжиҳатлиги ёшлар тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асарида таъкидлаган эди: "Биз диннинг бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз". Ушбу асарда Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида динга бўлган муносабатнинг асосий мезонлари ҳам белгилаб берилган:

– диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

– диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

– диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

– маънавий тикланиш умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

– диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш".

Давлатимизда адолатли сиёсатнинг ўрнатилиши ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан унинг асосий тамойилларининг кўрсатилиши фақат диндорлар учун эркинлик яратиш билан чегараланмасдан, балки халқимизнинг маънавий меросини, хусусан, диний қадриятларини тиклаб, уларни ижтимоий ҳаётимизга татбиқ қилиш имкониятини ҳам беради. Ислом дини халқимизнинг асрий ахлоқ меъёрларини, миллий анъана, ва удумларини, маросим ва маъракаларини қўллаб-қувватлаб келган ва бойитган. Инсонларни аҳилликка,

ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаган, куч ишлатиш ва адолатсизликни қоралаган.

Исломий қадриятлар ва халқнинг тарихий анъаналари ўзининг бутун босиб ўтган тарихий йўли давомида кишиларнинг онги ва шуурига чуқур сингиб борган ва турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этиб келган. Бу борада акмеологик фикрларга айланган. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" номли асарида Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Нақшбандий, Яссавий каби уламолар номларини истиқлолнинг илк кунларидан тиклашга киришганлиги шундай шарҳланган эди: "Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур этолмаймиз".

Дарҳақиқат, қадриятлар хусусида фикр юритганда ҳам миллий, ҳам диний, ҳам умуминсоний қадриятлар мавжудлигини эсда тутишимиз лозим. Мазкур қадриятларнинг ҳар бирини инсоният ҳаётида, жамият тарихий тараққиётида ўзига хос ўрни бўлиб, улар ёнма-ён яшагандагина бир-бирини тўлдириб боради.

Халқимизнинг улуғ аллома фарзандлари - Беруний, Фаробий каби олимлар миллий ва диний қадриятларни бир-биридан ажратмаган ҳолда фикр юритганлар. Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" номли асарида фақат исломий қадриятлар хусусидагина эмас, балки бошқа динлардаги (буддавийлик ва ҳоказо) қадриятларни ҳам таҳлил қилиб, улар ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратади.

Улуғ мутафаккир Фаробий ҳам ўз ижодида маънавий-маданий масалаларга диққат қаратган. Ахлоқий камолотда қадриятларнинг ўрни беқиёс деган фикрни илгари сурган. У "Фозил одамлар шаҳри" номли асарида раҳбари донишманд бўлган халқ бахтли-саодатли эканлиги, бундай раҳбар эса қуйидаги 12 фазилатга эга бўлиши лозимлиги ҳақида таъкидлаб ўтади:

у соғ-саломат бўлиши керак;

нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур;

у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларини хотирасида тўла-тўкис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги лозим;

у зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинмас аломатларини сеза олиши даркор;

у фикрини равшан ифодалай билиши керак;

ўзини пок тутиши, ёмон ишлардан узоқ бўлиши зарур;

у таълим олишга, маърифатга ҳавас билан қараши лозим;

у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши шарт;

у ўз қадрини билувчи номус-ориятли одам бўлиши, улуғ олий ишларга интилиши даркор;

бойлик орттиришга қизиқмайдиган бўлиши зарур;

адолатпарвар, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни раво кўрувчи бўлиши керак;

ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли жасур бўлиши, қўрқоқликка ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги лозим.

Мана шундай олийжаноб акмеологик фазилатларни ўзида жамулжам этган, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилини пухта билган, уларга собитқадамлик билан амал қиладиган, шарқона ахлоқ-одоб меъёрлари ва қадриятларига тўла риоя қиладиган, элим деб, халқим деб ёниб яшайдиган Президентимиз тимсолидан раҳбарлар мустақилликни мустаҳкамлаб, ўз қўлимиз билан қураётган келажакнинг чигал масалаларини ҳал қилувчи қадрдонига жасоратли шахслар бўлиши мумкин.

Хулоса килиб айтганда, биринчидан, кадриятларни англашда халкимизнинг маънавий-маданий меросини тиклашгина эмас, балки уни чукур ўрганишимиз ва маъкул томонларини хаётимизга татбик килишимиз лозим; иккинчидан, комил инсонни тарбиялашда, маънавиятда юкори даражага эришишда илм-фаннинг бекиёслигини эътиборга олиш керак бўлади; учинчидан, ахлокий етукликни шакллантиришда ва турмуш тарзининг ривожида кадриятларнинг мухим ўрин тутишини хисобга олган холда миллий, диний ва умуминсоний кадриятларнинг ўзаро алокадорлигини назардан четда колдирмаслик зарур; тўртинчидан, 130 дан зиёд миллат, элат яшайдиган мустакил Ўзбекистонда миллий ва диний кадриятларни тиклашга кенг имкониятлар яратилган шароитда улар ўртасида дўстлик, хамкорлик, инсонпарварлик толаларини узлуксиз ривожлантириш лозим; бешинчидан, кадриятларнинг хозирги пайтда жадал ривожланаётгани истикбол ва эзгулик бўлиб колсин.

Демак, умуман олганда маънавий юксаклик — шахснинг жамулжам поклиги, жисмоний ва аклий зукколиги, ўз юрти истикболи учун фидоий бўлиб заковатини бағишлаш демакдир.

## ТОЛЕРАНТНОСТЬ И ДЕМОКРАТИЧЕСКИЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ НАРОДА

***Махаматов Т.М. – д.ф.н., профессор Финансовой академии при Правительстве РФ.***

Процесс расширения и углубления демократического образа жизни народа и сращивения его с политической демократией является естественно-историческим результатом развития цивилизации. Ведь основная цель цивилизации, к которой она стремится на протяжении всей своей истории, – это свобода, равенство, справедливость, которые суть основные принципы и формы проявления демократизма современного общества.

В наше время сущность демократического образа жизни приобретает новые формы реализации. Это обусловлено бурным процессом глобализации, массовой миграцией и вовлечением народных масс в политику в слаборазвитых и развивающихся странах. В западный мир проникает восточная культура, а восточный мир осваивает культуру Запада. На улицах, в офисах фирм и предприятиях Шанхая и Нью-Йорка, Москвы и Лондона, Берлина и Иерусалима сталкиваются, бок о бок работают люди разных национальностей, вероисповеданий и культур. Здесь одной из самых адекватных форм практической реализации принципов свободы, равенства и справедливости является толерантность.

Современная Россия во всех сферах своего бытия остро нуждается в формировании полноценной и глубокоукоренённой культуры толерантности как составной части образа мысли и жизни народа. Следует отметить, что в определенных кругах нашего общества имеются высокие образцы культуры толерантности. Но она должна из образца превратиться в неотъемлемый элемент цивилизованности современного россиянина.

Толерантность (латинский термин – tolerancia) означает терпимость. Уже первоначальное значение термина показывает, что толерантность как терпимость и снисходительность сама по себе абстрактна и стихийно не сможет превратиться в необходимый и полноценный принцип современной цивилизованности. Для обогащения и развития своего содержания понятие толерантности должно выйти за рамки понятия из сферы политической культуры, каковым, в основном, оно сейчас является. Но как?

На наш взгляд, наряду с основными принципами демократического образа жизни действительными основаниями развития и превращения понятия толерантности в одну из высших категорий современной цивилизованности

являются, как минимум, историческая память (философия прошлого), дружба и действенное гражданское общество.

Философия прошлого (но не пройденного) является еще одним основанием формирования культуры толерантности. Один из существенных моментов философии прошлого заключается в понятийном осознании ценности и неповторимости жизни каждого конкретного человека. Как отмечал Ф.М.Достоевский словами персонажа «Братьев Карамазовых», любить все человечество просто и легко, но терпеть, тем более, любить конкретного человека очень трудно. Человечество прошло очень тяжелый путь исторического бытия: каннибализм, рабство, страшные и изощрённые пытки, костры инквизиции, мировые войны, репрессии тоталитаризма, холокост, известные и неизвестные нам природные катастрофы. Несмотря на все это мы живы! Но боль этих страшных испытаний остается в нашей генетической памяти и ведет нас к культуре толерантности.

Толерантность превратится в содержательную сущность нашего образа жизни, нашей цивилизованности и, наконец, богатством нашей души лишь тогда, когда она дорастет до Дружбы. «Дружба (и любовь) – это самое глубинное отношение к другому человеку и отношение другого человека к тебе, – справедливо пишет З.М.Оруджев. – Из всех общественных отношений людей она является самым внутренним, сущностным отношением человека к человеку, то есть человеческим»[1].

Здесь мы должны вслед за Аристотелем подчеркнуть внутреннюю связь между дружбой, правом, равенством и «нравственно прекрасным». «[Требования] права естественно возрастают вместе с теснотой дружеских уз, – отмечает Стагирит, – коль скоро [дружба и право] относятся к одним и тем же людям и распространяются на равные [области]»[2]. «В каждом из государственных устройств дружба проявляется в той мере, что и право…»[3].

В дружбе реализуется равенство, снимается сухая терпимость, снисходительность. «Терпимое другое» становится «своим иным», толерантность приобретает значение реального человеколюбия.

Естественное и гармоничное соединение толерантности с философией прошлого и дружбой не осуществляется благими пожеланиями или громкими лозунгами, да и законодательные акты, постановления мало помогут. Фундаментальным синтезирующим основанием высшей формы толерантности выступает действенное гражданское общество.

Значение и роль гражданского общества в формировании культуры толерантности заключается в его возможностях посредством различных общественных мероприятий и акций избавлять население от элементов «массового общества» и способствовать образованию народа. Массовое общество – это такое общество, в значительной части которого при определенных социально-политических, психологических и иных ситуациях пробуждаются особенности и черты массы, уличной толпы, которая готова к неожиданным действиям.

Костяк массового общества составляет главным образом деклассированные элементы, некоренная часть населения города, недавние переселенцы из провинций, иммигранты или же выходцы из их семей и из семей тех, для которых жизнь была всегда тяжелым физическим и экономическим бременем.

БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар даражасида қабул қилинган бир қатор муҳим ҳужжатлар, 16 ноябрни "Халқаро толерантлик куни" деб эълон қилиниши толерантлик муаммосини глобаллашганлигидан далолат беради. Президент И.Каримов томонидан қўйилган "Давлатлар ўртасида ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ечишда мазкур ташкилот ва унга аъзо бўлган давлатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити мавжуд бўлгандагина қабул қилинадиган қарорларнинг самараси ва таъсирини сезиш мумкин"[2] вазифалар нуқтаи назаридан жаҳон жамоатчилигининг толерантлик муаммосига қизиқишини тобора кучайтирди. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ислоҳотлар жараёни "Ўзбек модели"нинг сиёсий, ҳуқуқий жиҳатларининг мураккаб ва яхлит мажмуида жамият аъзоларининг, айниқса ёшларининг маънавий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклланиши алоҳида ўрин эгаллаб, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг барпо этилиши ижтимоий барқарорликни таъминлаш, фаровонлик, инсоннинг маънавий камолотга етиши, кўп миллатли ва поликонфессионал жамиятимизда ҳуқуқ ва манфаатларни янада уйғунлаштириш, глобаллашув шароитида халқаро ҳамжамиятга ҳар томонлама ва чуқур интеграциялашув, халқаро экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларини бартараф этишга қаратилган. Бу эса ёшларнинг ижтимоий ахлоқий юксалиш омиллари тизимида толерантлик феноменидек мураккаб жараённи махсус тадқиқ этиш заруриятини янада оширади.

Ўзбек халқи миллий характерига хос бўлган сабр-бардошлилик, меҳр-оқибат, меҳрибонлик каби хислатларни янада ривожлантириш миллатнинг маънавий-ахлоқий тикланишининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади ва ёшларда толерантликни шакллантириш, ҳамда юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз навбатида ёшлар бу хислатларни нафақат мерос сифатида қабул қилишлари, балки халқимизнинг маънавий-ахлоқий анъаналарини янада бойитишлари лозим бўлади. Яқин тарихий ўтмишимизда ҳукмрон бўлган тоталитар-синфий мафкура умуминсоний ва у билан боғлиқ бўлган миллий маънавий-ахлоқий қадриятларга ижтимоий тотувлик, динларга нисбатан чидамлиликни, толерантлик каби ғояларга қарши қаратилган бўлиб, ёшлар сиёсати ҳам айнан шу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилган. Фуқаролик жамиятни барпо этиш шароитида ўтмишдан қолган бундай иллатлар ва уларнинг оқибатларини тезроқ бартараф этиш вазифаси ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёнларининг янада долзарблашуви, шунингдек ижтимоий-маънавий қайта ўзгаришларнинг интенсивлашуви миллий микёсларда нафақат ижобий, балки салбий кўринишларга эга бўлди. Бу эса ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ривожида уларда толерантликни фаоллик билан ва мақсадли равишда шакллантириш ҳамда юксалтиришни тақозо этмоқда.

---

[1] Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари// Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.3. Б.15.

[2] Каримов И. Хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, халқаримиз фаровонлигини ошириш – энг муҳим ва устувор масала //Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.: Ўзбекистон, 2006. Т.14. Б.253.

# ҒОЯВИЙ БЎШЛИҚ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

*Бойтураев Т.Д., Бекчанов С.И. – УзДЖТИ Фалсафа кафедраси ўқитувчилари*

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари миллий истиқлол ғоясига бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий ғояга эҳтиёжни ҳам долзарблаштирмас эди.

Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти шундаки, у одамлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай, амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи носоғлом ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади[1].

Ғоявий бўшлиқ эски мустабид тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида илгари ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўз мавқеини йўқотгач, тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимнинг ҳали тўлиқ шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли хил мафкуралар ушбу бўшлиқда ўз таъсир доирасини ўтказишга уринади. У мамлакат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигига жиддий хавф солади. Чунки, ғоявий бўшлиқ ғоявий заифликка, мафкуравий бекарорлик ва ғоявий парокандаликка олиб келади. Ғоявий парокандалик миллатнинг бирдамлигига, давлатнинг қудратига путур етказади, натижада давлатлар ва халқлар қарамликка, иқтисодий ва мафкуравий [illegible] тушиб қоладилар, таназзул ва тушкунликка йўлиқадилар.

Ғоявий, мафкуравий бўшлиқ бир кунда ва бирданига пайдо бўлмайди. Бунда муайян жараёнлар рўй бериши, яъни эски ғоя ва мафкура таназзулга юз тутиши, умрини ўтаб бўлиши, ўтмишга айланиши лозим. Масалан, собиқ иттифоқ мафкураси ана шундай ҳолга тушган эди. Унинг асосий ғоялари собиқ шўролар ҳокимияти раҳбарлигида зўрлик билан амалга оширилди. Натижада бу мафкура якка ҳукмрон бўлиб қолган эди. Унинг юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жуда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса кейин кечади.

Мафкуравий инқироз халқ оммасининг туб манфаатларини ва орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида юксалтирадиган бунёдкор ғоянинг, жозибали мафкуранинг йўқлиги, бу [illegible] замон талабларига жавоб бера оладиган тизимнинг шаклланмаганлиги натижасида ҳосил бўладиган ҳолат ва жараённи ифодалайдиган тушунчадир. Буюк мутафаккирлардан бири Абу Наср Форобий ўз даврида инсон ва жамият ҳаётида мафкура ва ғоянинг нақадар муҳим ўрин тутганлиги ҳақида шундай деб ёзган: "Инсон бахт-саодат нималигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу қилмишлари ёмон ва ноўринлидир"[2]

Хуллас, умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилиши натижасида ғоявий бўшлиқ вужудга келар экан, турли мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: «Кези келганда илгари айтган бир фикримни такрорламоқчиман: бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ

---

[1] Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 87-бет.

[2] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: "Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти". 1993. 76-бет.

использованием специально разработанных требований, невозможно установить насколько эффективна проводимая государством налоговая политика. Поэтому критика тех или иных ее аспектов (не стимулирует развитие производства, не способствует интеграции предприятий, не создает благоприятных условий для функционирования тех или иных отраслей народного хозяйства) не всегда является достаточно обоснованной, ибо число таких локальных требований, выдвинутых с позиций различных заинтересованных сторон фискальных отношений, можно продолжать до бесконечности.

В связи с отмеченным очевидно, что научно обосновать налоговые принципы путем простого сравнения предложенных или уже применяемых на практике идей, определяющих способы формирования налоговых систем, очень сложно. Более корректный способ решения этой проблемы состоит в разработке и последующем исследовании специальных моделей фискальных отношений, представляющих собой некоторый мысленный «заменитель» оригинала и предназначенный для уточнения характеристик и рационализации методов построения налогов. При этом, однако, принципиально важно понимать, что, во-первых, в отличие от так называемых предметных моделей, они не поддаются прямой экспериментальной проверке, и, во-вторых, в данном случае предмет рассмотрения составляет не реальность как таковая, а некоторые специально сконструированные артефакты, которые могут существенно разниться в зависимости от априорных позиций отдельных исследователей.

## БИРДАМЛИК МИЛЛИЙ ШАКЛЛАНИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ СИФАТИДА

***Махмудов Л. – ЎзМУ аспиранти***

Тарихдан маълумки, миллатнинг шаклланиши ва ривожланишида моддий омиллар билан бирга унинг ички маънавий-руҳияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, миллийликни белгилашда бирдамлик энг асосий шартларидан биридир. Бу бирдамлик инсонларни севги ва биродарлик асосидаги бирлашуви ҳисобига эмас, аксинча маълум маданиятни уктириш ҳисобига эришилади.

Миллат аъзолари бирдамликни ҳис қилиш ва бирга фаолият юритишлари, алоҳида ўз уринишларини бошқа интилишлари билан ўлчамасликлари лозим. Бирдамлик ҳамиша инсонларни ўз олдиларига қуйган мақсадларига эришишда, интилишларида муҳим белги сифатида намоён бўлади. Маълумки, барча мустақиллик учун курашган давлатлар мафкурасида бирдамлик ҳисси, яъни ўз миллатини битта ғоя атрофига жипслаштиришга интилиш охир оқибат мустақилликка эришишга олиб келган. Гарчанд мустақилликка эришиш осон кечмаган бўлса ҳам миллат ва миллийликни шаклланишида, халқларни бирлаштириб турган бирдамлик ҳисси мақсадга эришишда муҳим роль ўйнаган. Буни деярли барча давлатларда кузатиш мумкин. Хусусан МДҲ давлатларининг мустақиллик сиёсати даврида глобал муаммоларни ўзаро бирдамлик, толерантлик асосида ечишга интилиши бунинг яққол мисолидир. Бирдамлик ҳисси инсонларни ҳеч қачон тарк этмайди, фақат бу хусусият кўпроқ муаммоларни ҳал қилишда, хавфни бартараф этишда яққол намоён бўлади.

Бирдамлик ҳисси ер юзида инсон фаолият юрита бошлаган энг дастлабки даврлардан бошлаб шаклланиб келган, чунки инсонлардаги бу хусусият ҳаёт талаби бўлиб келган. Инсоният бошидан кечирган оғир кулфатлар, урушлар, агрессив ҳаракатлар, шунингдек мустамлакачилик сиёсати ва ҳатто миллатни йўқ қилишдек тажовузлар ҳам инсонларни бирлашиш ва жипслашиш хусусиятларини йўқ қила олмаган. Гарчанд халқлар ўз қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари, дини ва бошқалар орқали фарқлансалар-да, ўз орзу-мақсадлари ва интилишларида ўзига хос бўлган бирдамлик асосида миллий ҳаракатларни юзага эттиради. Бу ўзига хос бўлган миллий ҳаракатлар фан, маданият ва дин орқали

... миллатлар билан мусобақалашади ва бир миллат ёки бир неча ...лардан иборат бўлган миллийлик кўринишини касб этади.

Миллийлик ягона маъмурий-худудий бирлик доирасида бутун аҳоли учун ... тил ва маданиятни зарур, деб ҳисоблайди. Инсон ўз фаолияти орқали ўз-ўзини миллат билан айнанлаштиради. Бошқа томондан эса миллат ҳатто ҳеч ... бошқа гуруҳнинг қисми деб ҳисобланмаганлиги учун ҳам ўз-ўзини ...лашни кафолатлайди.

Бугунги кунда дунёдаги кўплаб давлатларда миллийлик турли хил бўлган ... кўринишларда намоён бўлмоқда. Масалан, ўз дини ва қадриятларини ... даражада баҳолаш, буюк шахсларни ўз миллатининг ифтихори деб санаш ... орқали келиб чиқишини ҳамда маданиятини ўзга халқлар маданияти урф-... тили ва келиб чиқиши билан айнанлаштириш шулар жумласидандир. ... хусусиятлар Европа, Осиё, МДҲ ва бошқа давлатларда яққол кўзга ...намоқда. Бу давлатларда миллийлик миллий давлатчилик нуқтаи ...дан, қолаверса ўз миллати ва қадриятларини сақлаб қолиш учун кураш ... намоён бўлмоқда. Миллий давлатчилик бу муайян миллатнинг ...ий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий қадриятлари, манфаатларига ...ган, жамият ижтимоий-тарихий ривожи натижасида шаклланган давлат ...лар. Бунда бирор ҳудудда мутлақо кўпчиликни ташкил қилган халқлар ...оий ҳаётни ташкил қилиш учун бирлашиб, ўз манфаатларини ҳимоя ...увчи давлатни вужудга келтирадилар. Миллий давлатчилик миллатнинг ўз ...нишида жипслашиб, миллий хусусиятларнинг янада барқарор ва ...кам бўлишида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, тарихий тажрибага ... ўз давлатчилигидан маҳрум бўлган миллат ривожида миллий емирилиш, ...лик ва манқуртлик устун бўла бошлайди. Ҳозирда миллий ...чиликни шакллантиришга интилиш миллатни сақлаб қолишга интилиш ...да намоён бўлмоқда.

Бугун дунёда фан, маданият, замонавий технология ривожланган ва миллий интеграция авж олган бўлса ҳам, бутун инсоният учун хавф солиб ...ган терроризм ва диний фундаментализм, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатлар билан бирга иқтисодий, геосиёсий ва экологик муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кундаги бутун дунё, ...ерса бир давлат ёки бир миллат олдидаги муаммоларни ҳал қилишда ...лик, ҳамжиҳатлик давр талабидир.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

*Алиқулов Қ. – СамДУ тадқиқотчиси*

Халқимизнинг интеллектуал салоҳияти мустақиллик туфайли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўла бошлади. Халқимизнинг иқтисодий онги ва фаоллиги қайтадан тикланди, кенгая бошлади ва у ижтимоий ҳаётни турли-туман жабҳаларида намоён бўла бошлади. «Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббатни, ўз яқинларига меҳрибонликни танлаган йўли – касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутади. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод маҳсулидир»[1]. Бу шароитда ёшлардаги ташаббус ва ғайрат, сабр-тоқат ва матонат, шижоат ва ижодкорлик туйғуларини қўллаб-қувватлаш, янгича иқтисодий фаоллик компонентларини шакллантириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу йўлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарор ва фармонлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодиёт соҳасида, хусусан ёшлар иқтисодий онги ва фаоллигини ривожлантириш республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 168-бет

марказидан ўрин олди. Барча ислохотлар, пировард натижада инсон ва унинг ижтимоий фаоллигига каратилгани учун биринчи навбатда мамлакат иктисодий базасини тўгри шакллантириш ва ривожлантиришга боғлиқ эди. Бунинг учун «Ўзбек модели» ишлаб чикилди ва унда иктисодиётнинг мафкурадан устуворлиги, иктисодиётни сиёсий карашлар тазйикидан куткариш масаласи кун тартибига қўйилди. Президентимизнинг бу концептуал ғояси канчалик тўгри ва улкан назарий, методологик аҳамият касб этганини ижтимоий ҳаёт тажрибаси исбот килмокда.

Агар иктисодиёт соҳасидаги ислохотларни биргина кишлок хўжалиги билан боглаб кўздан кечирадиган бўлсак, шу нарса аён бўладики, юртимизда асосий аҳоли кишлокларда, ёшларнинг кўпчилиги кишлокда яшагани учун уларни ҳам моддий, ҳам маънавий ҳаёти бўйи ғамхўрлик килиш ижтимоий ислоҳотларимизнинг марказидан ўрин олди. Натижада 2009 йил «Кишлок тараккиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон килинди. Бунинг окибатида фермер хўжаликларига кенг имкониятлари яратилди, деҳконлар даромад ва кўплаб киймат солигидан озод этилди, етиштирилган ҳосилнинг ярмини келишилган нархда сотиш имконияти яратилди. Жойларда тадбиркорлик, ишбилармонлик ривожланиб, кичик, ўрта ва хусусий бизнес карор топа бошлади.

Бу жараёнлар бевосита одамларда, ёшларда ҳаётга, ўз касби ва машғулот турларига янгича иктисодий фаол муносабатнинг шаклланиб бораётганидан, иктисодий тафаккурда янгича ўзгаришлар содир бўлаётганидан дарак беради.

Президентимиз И.А.Каримов: «Биз кичик, ўрта ва хусусий бизнес ялпи ички маҳсулот ишлаб чикаришда нафакат ҳал килувчи мавке эгаллаши, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда, айникса, кичик шаҳарлар ва кишлок жойларида иш билан таъминлашда муҳим омилга айланишини ўз олдимизга асосий вазифа килиб қўймокдамиз»[1], деб таъкидлайди.

Мамлакатнинг иктисодий соҳаларини ислоҳ килишга каратилган тадбир ва чораларининг барчаси халкимиз ва ёшларимиз ҳаётини, келажагини гўзаллаштириш, маънавий юксалтириш, иктисодий тафаккури, дунёкараши ва онги юксак бўлган шахсларни вояга етказишга каратилган.

Мустакиллик муайян миллат ва шахснинг эркин яшаши ва ривожланиши учун ижтимоий муҳит яратиш билан бирга иктисодий тафаккурнинг миллий ўзига хос томонларини рўёбга чикариш имкониятини ҳам кенгайтирди. Бунинг учун халкимиз калбига якин кадриятларга бўлган муносабатни ўзгартириш, тарихий кадриятларимизни ривожлантириш, ёшлар иктисодий онгини ўстириш, буюк аждодларимиз меросини мукаммал ўрганиб, улар номларини абадийлаштириш зарур эди. Зеро, мустакил Ўзбекистоннинг сиёсий, иктисодий ва маънавий-ахлокий пойдеворини баркарор килиш ёшларимизнинг меҳнатсеварлиги, маънавий баркамоллиги, иктисодий тафаккурининг ривожланиши, ҳукукий онгининг юксалиши билан узвий боғликдир.

Шу тарзда мустакил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги стратегик максади ва тамойили белгиланди ҳамда аста-секин амалга оширила бошланди. «Самарали ижтимоий сиёсатни, иктисодиётни баркарорлаштириш, таркибий ўзгартиришлар, бозор муносабатларини боскичма-боскич жорий этиш чора-тадбирлари билан уйғунлаштириб амалга ошириб борган такдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иктисодиётини барпо этиш мумкин»[2]. Шунинг учун ҳам мустакилликнинг дастлабки кунлариданок бозор муносабатларини маънавий мерос билан уйғунлигини таъминлаш, ёшлар онгида юксак инсонийлик туйғуларини камол топтириш, жаҳон тажрибаси билан танишиш кабилар шакллана бошлади.

---

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 371-бет

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 141-бет.

Ўзбекистоннинг янгиланиши ва ривожланишида иктисодий ва ижтимоий соҳалар ислоҳотлар учун асос бўлди ва одамларнинг, айниқса ёшларнинг онги ва тафаккури ўзгариши, янгиланиши ва ривожланишига олиб келди.

## ХИЁБОН, БОҒ-РОҒЛАР – ТАРБИЯ МАСКАНИ СИФАТИДА

*Рустамова М.И. – СамТИ ўқитувчиси*

Тарихий тараккиёт жараёнида хиёбонлар, сайргоҳлардан, одамлар ўзининг соғлигини яхшилашда, кайфияти, руҳиятини кўтаришда доимо самарали фойдаланиб келишган, натижада хиёбонлар кишиларнинг руҳияти кўтарилиб иш унумдорлиги ўсишига, фаоллигининг ошиб боришига доимо хизмат қилган. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов таъкидлаганидек: "...Одамлар кун бўйи ишлаб келганидан сўнг, хордиқ чиқаргиси келади, томоша кўргиси, чиройли боғларда сайр қилишни истайди. Афсуски, вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида истироҳат боғлари талабга жавоб бермайди. Мустақил давлатимизнинг халқимиз миллий маданиятини ривожлантириш борасида олиб бораётган сиёсатини амалга ошириш, маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафкурасини халқ онгига сингдириш, инсонни давр талаби асосида тарбиялаш борасида қилиш керак бўлган ишлар ҳали ниҳоясига етгани йўқ"[1].

Самарқанд шаҳримизда ажойиб хиёбонлар, боғу-роғларнинг барпо бўлиш тарихи бор. Бу мақолада университет хиёбонининг келиб чиқиши ва тарихини ҳамда унинг ёшларни эзгулик, бағрикенглик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили, воситаси сифатида хизмат қилганлигини кўриб чиқамиз. Бу хиёбон рус чоризми томонидан Самарқанд шаҳри босиб олингандан сўнг генерал губернатор Абрамов топшириғига биноан турли мамлакатлардан келтирилган дарахт кўчатлари асосида барпо бўлган. Ўша даврларда барпо қилинган бу сайргоҳда олий табақа вакиллари сайр қилиш ва дам олиш имкониятига эга бўлган. Рус чоризми даврида бу хиёбонга «Сартлар» қўйилмасин деган махсус ёзув қўйилган экан. Барпо этилган хиёбонларда ҳам ҳамма даврларда тенг муносабатларда барча одамлар сайр этиш имкониятига эга бўлмаган. Собиқ Иттифоқ даврида бу хиёбон «Максим Горький» деб номланган. Бу хиёбондан коммунистик мафкурани мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилган, турли монументлар, рамзлар ўрнатилган ва турли тадбирларни ўтказишда бу хиёбондан усталик билан кишиларда коммунистик эътиқодни мустаҳкамлашда фойдаланилган. Ҳаттоки социалистик инқилобни амалга оширишда ҳалок бўлган турли миллат ҳарбий саркардаларининг баъзи бирларининг хиёбонда қабрлари ҳам бор эди. Мустақиллик туфайли хиёбонлар турли сиёсий мафкуралардан холи этилиб, одамлар манфаати йўлида ҳамма баравар дам оладиган, сайр қиладиган, фикр алмашадиган, сиёсий мафкурасиз одамлар учун зарур бўлган, дам оладиган, сайр қиладиган хиёбонга айланди. Бу хиёбон бугунги кунда ёшларда Ватанга садоқат, эзгулик, бағрикенглик, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашнинг омили сифатида хизмат қилмоқда.

Республикамиз хиёбонлари ва боғ-роғларида олиб борилаётган ишлар одамлар томонидан тўғри қадрланиши керак. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларида ҳар бир нарсага тўғри муносабатда бўлишни тарбиялаши керак. Масалан, хиёбондаги барпо қилинган нарсалар одамлар учун, уларнинг бахт-саодати учун, уларнинг дам олиб сайр қилиши учун, уларнинг соғлиғи учун жўшқин меҳнатга сафарбар қилиш учун қилинганлигини фарзандларимизга тўғри тушунтириш керак. Хиёбондаги нарсалар одамларга, фарзандларга хизмат қилишини у халқ нарсаси ва у нарса муқаддас эканлигини, уни авайлаб-асраш керак эканлигини англатишимиз зарур. Шундагина одамлар меҳнати билан яратилган ҳар бир хиёбон янада гўзал ва обод бўлади. Ҳозир хиёбондаги бузилмаларга қарасангиз баъзан ачиниб кетасан. Тарбиясиз баъзи фарзандларининг

---

[1] Каримов И.А. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқ. //«Тошкент оқшоми». 1995 йил. 22 ноябрь.

## МАҲАЛЛА – ЁШЛАРНИ ТОЛЕРАНТЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАСКАНИ

*Иброҳимов А.Ю. – ТВДПИ катта ўқитувчиси*

Демократиянинг энг кўп тарқалган шаклларидан бири фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ҳисобланади. Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш тизимининг асосий бўғинини маҳаллалар ташкил қилади.

Мустақиллик йилларида энг қадимги қадриятларимиздан ҳисобланган, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ўзбек халқининг яшаш тарзини ўзида тўла тўкис мужассам этган маҳалланинг жамиятдаги муносиб ўрни тиклаб қўйилди. Ўзбек маҳалласи – халқимизга хос донишмандлик тимсоли. У тарихида ҳам ўз тажрибаси, ҳаётийлиги, халқчилиги билан дунё аҳли тафаккурини ўзига жалб қилиб келган. Мозийдан тортиб ҳозиргача давлатлар ўзининг кўпгина эзгу амалларини, хосиятли барокатли тадбирларини, ҳаётий муҳим масалаларини маҳаллада оқсоқоллар, фаоллар ақл-заковати, алоҳида назорати билан амалга ошириб, ҳал қилиб келадилар.

Тарихдан маълумки, маҳаллалар эзгулик белгиси, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одатлар ва анъаналар шаклланган маскан бўлиб, одамларни ўзаро меҳр оқибатли, саховатли қилиб тарбиялашда, ўзига хос толерантликни шакллантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Ўзбек маҳаллалари ўзига жамоатчилик руҳи, инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, инсоф, диёнат, раҳмдиллик, диний толерантлик каби инсоний туйғулар билан суғорилган ҳолда шаклланган катта оиладир. Тарихий тараққиётнинг маълум босқичида қариндош-уруғчилик асосида ташкил топган жамоалар ўрнига келган маҳаллалар жамият ҳаётида асосий ўрин тута бошлаган.

Ўша даврларда ҳам маҳаллаларга обрўли, маънавиятли, эътиқодли, одамларни орқасидан эргаштира оладиган жасур кишилар оқсоқоллик қилганлар. Улар ҳар бир фуқаро ҳақида етарли маълумотга эга бўлган. Маҳалла ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилиш давомида вужудга келган ва асрлар давомида шаклланиб келган амалдир.

Ўзбекистон ҳукуматининг ҳозирги кундаги маҳаллани ривожлантириш борасида олиб бораётган сиёсатидан кўзланган мақсад муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этишни назарда тутади, шулардан бири толерантликни ривожлантириш бўлиб, халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарини қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат.

Бугунги кунда маҳалланинг маънавий соҳадаги долзарб вазифаларидан бири, бу ёшларда толерантликни шакллантириш ҳисобланади.

Маҳалла инсонларни, айниқса ёшларни маънавий, сиёсий, ҳуқуқий ва толерантлик руҳида тарбиялашда ҳам бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларига нисбатан алоҳида мавқега эга, чунки маҳалла аҳолига энг яқин ташкилот ҳисобланади. Маҳалла инсонларнинг кундалик ҳаётидан, иссиқ-совуғидан, ёшларнинг қандай тарбия топаётганлигидан бохабар бўлиб туради. Маҳалла тарбия ўчоғидир. Ҳар бир жамият аъзосининг илк ҳаёти оиладан бошланади. Оила эса маҳаллада шаклланади.

Маҳалланинг вужудга келиши билан унинг тарбиявий аҳамияти, яъни инсонларга нисбатан тарбиявий таъсири бир вақтда шаклланган. Инсонларнинг шаклланишида комил ва етук бўлиб етишишида асосан оилавий муҳит таъсири жуда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Маҳаллада яшаётган ҳар бир оила аъзоси ўз оиласининг йиллар давомида мисқоллаб йиғган обрўсини маҳаллада сақлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун жамиятга фойдаси тегиши мумкин бўлган ибратли оилаларни ва шу оилалар таркибидаги соғлом фикрли толерант инсонларни шакллантириш ҳозирги даврнинг долзарб талабларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, маҳалла кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, инсонларни аҳил яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва бекиёс макондир.

Жамиятимиз истикболини, миллатимизнинг тақдирини, иқболини, бахту-саодатини ўйлар эканмиз, энг аввало, ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқукий ва толерантлик тарбиясига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Зеро, ёш авлодни ўз ҳолига ташлаб қўйиш уларнинг тарбиясига бефарқ бўлиш, билим ва маънавияти билан шуғулланмаслик келажакда уларнинг комил инсон бўлиб етишишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ёшларни маънавий жиҳатдан, ақлан соғлом, толерант ва жисмоний бақувват этиб тарбиялашда нафақат давлат идоралари, балки нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хусусан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам ўз зиммаларига масъулиятли вазифаларни олишлари ва бу борада тегишли хатти-ҳаракатлар қилишлари лозим. Зеро фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, айниқса маҳалла аҳолига энг яқин бўлган, халқ билан ўзаро алоқадорликда фаолият юритувчи ижтимоий демократик институтдир.

Ёшлар тарбияси, уларни соғлом вояга етказиш, жамиятда ўзига хос муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги муаммоларини бартараф этиш, шунингдек жамиятда толерантликнинг ривожида, мамлакат тараққиётида ўз ҳиссаларини қўшишлари учун имкониятлар яратиб бериш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг, хусусан, маҳалланинг долзарб вазифасидир.

Ҳар бир ёш ўзи – бир дунё. Биз фарзандларимиз онгига она юрт манфаати, халқ озодлиги, мамлакатимиз ободлиги муштарак қадрият эканлигини сингдира боришимиз, уларни комил инсонлар қилиб вояга етказишимиз, уларда толерантликни шакллантиришимиз зарур.

Шундай экан, ёшларга эътибор – келажакка эътибордир. Ёшларимизни кўз қорачиғимиздек асраш, уларни инсонпарварлик ва саховат руҳида тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзини, толерантликни шакллантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ёшларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан қад ростлашининг жўшкин ўчоғи бўлган маҳалла, қўни-қўшничилик ва толерантликни ўзаро ёрдамлашувни тарбиялашнинг муҳим масканидир.

## МИЛЛИЙ ҒОЯ, ДЕМОКРАТИЯ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

*Алиев Ф.А. – ЎзДЖТУ тадқиқотчиси*

Дунё ўзгаришлари мазмуни умумий ёндашувларга, муроса ва ҳамжиҳатликка эришишга даъват этувчилар билан хусусий ҳақиқат тарафдорлари яъни фақат ўз манфатларн йўлида курашувчилар ўртасидаги бахс-мунозара кескинлигининг тобора ортиб бориши билан изоҳланмоқда. Инсоният ақлан фикр қилиш, умумий саъй-ҳаракатларга эришиш, сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий зиддиятларни фақат ялпи бартараф этиш учун курашиш зарурлигининг замон тақозоси эканлигини тобора равшанроқ англамоқда.

Маълумки, айни даврдаги демократия тартиботлари ғарб дунёсида туғилган ходисадир. Ҳозирги пайтда дунё халқлари ҳаётига сингдирилаётган демократия тамойиллари ғарбий Европа халқларига мос бўлган турмуш тарзининг адолат тамойиллари билан йўғрилган намунасидир.

Бутун дунёда юз бераётган глобаллашув, яъни, умумийлашув жараёнларининг муштарак қисми сифатида намоён бўлаётган ғарбона демократлашув шарқ халқлари ҳаётига муайян қийинчиликлар орқали томир отмоқда. Бу йўлда ҳар бир давлат ўзига хос мураккабликлар даврини ўташига, баъзан эса кутилган натижаларнинг мутлақо тескари ҳолатларига рўпара бўлиб қолишига ҳам тўғри келмоқда. Агар демократиянинг асосий талабларидан бўлган инсон ҳақ-ҳуқуқларини тенг таъминлаш ва уни адолатли ҳимоялаш

зарурати анъанавий буддавийлик динига сиғинувчи мамлакатларда бир қадар тинчлик кечаётган бўлса, ислом қонунлари барқарор бўлган Шарқ мамлакатларида бу жараён жиддий катаклизмлар, сиёсий бухронлар хисобига амалга оширилмоқда.

Айни чоғда таъкидлаш зарурки, ҳаёт ривожи қонуниятларининг бетўхтов амал қилиши ҳамма ерда ҳам ўзгаришлар муқаррарлигини қайта-қайта тасдиқламоқда. Мазкур ўзгаришларни умумжаҳон глобаллашув жараёнларининг узвий жиҳати сифатида англаш даражаларининг турли хилда эканлиги муаммонинг самарали ечилишига тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Шарқ халқлари турмуш тарзи мураккабликлари тўғрисида ўлмас обидалар ёзиб қолдирган қадимги Хитой мутафаккири Конфуций дунё барқарорлиги фақат моддий бойликларнинг тенг тақсимланишигагина эмас, балки умум томонидан эътироф этилган тенгсизликларга гаянишига бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Тенгсизлик тартиботининг мазкур формуласи нафақат узоқ Шарқ балки Марказий Осиё мамлакатларида асрлар мобайнида амал қилиб келган. Бунинг тамомила акси сифатида ғарб дунёси ҳар бир фуқаронинг ҳеч бир истисноларга боғлиқ бўлмаган реал тенглигига эришиш учун неча асрлаб кураш олиб борди ва бунга эришди ҳам.

Биз бугун ялпи тенглик учун кураш ҳаракати муайян маънавий қадриятлар, инсонийлик, эзгулик сингари тамойиллар аҳамиятининг сусайишига олиб келганлигидан қатъий назар, ғарб мамлакатлари умумий юксак тараққиётга эришиш имкониятларини туғдирганлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Айни чоғда ялпи тенгликка эришиш жараёнлари оқибатида одамлараро муносабатлардаги илиқлик, самимият, эзгулик, ҳамдардлик сингари тамойилларнинг ҳаётдаги аҳамияти сусайишига олиб келганлигини ҳам унутмаслигимиз зарурдир. Бугунги ғарб дунёсида индивидуализм, эгоизм, конформизм, маргиналлик, шафқатсизлик хусусиятлари шахс сифатларига айланиб қолаётганлигини оммавий ахборот воситалари ташвишланиб қайд этмоқда.

Ўзбеклар табиатдан жамоавий халқ бўлганлигидан ўзлигини ҳамиша атрофдагилар муносабатига кўра англашга мойилдир. Ўзликни жамоада англаш тамойили эса кишиларнинг оилада, маҳалла-кўйда, ишхонада, жамоат ишларида қандай баҳоланиши билан ўлчанади. Масалан, тўйларимиз ёхуд маъракаларимиз обрўсини атрофдагиларнинг тадбиримизга қандай муносабатда бўлиши, яъни кимлар қатнашиши, қанча одам келишига кўра баҳолашга ўрганганмиз. Бу жиҳат юз йиллар мобайнида турмуш тарзимизда теран илдиз отиб бўлган.

Аммо, бугун дунё ва жамиятимизда вазият тамоман ўзгача манзара касб этиб улгурди. Биз бу ҳолатни, яъни ўзгарган дунёни ҳам тўла англаб етмаётганимизни ҳам тан олишимиз керак. Биринчидан, дунёнинг ҳаёт маромида, умр суръати тезлашиб жўшқин мазмун касб эта бошлади. Иккинчидан, бозор талаблари ҳамма нарсага сергаклик билан ёндашиш, ҳисоб-китобни қатъий олиб бориш заруратини кун тартибига чиқазди. Учинчидан, дунё жараёнлари билан доимий ҳисоблашиш атроф мамлакатларда юз бераётган жамики воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш заруратини муҳим талаблар даражасига чиқазди. Тўртинчидан, ҳар бир сиёсий гуруҳ, жамоа ёхуд алоҳида инсоннинг дунё жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари беҳад ўсди. Бундай шароитда одамларнинг тор биқиқ муҳитда яшаш ва фаолият кўрсатишлари, фақат ўз анъаналари доирасида турмуш кечиришлари мумкин бўлмай қолди. Дунё ўзгаришларининг муқаррар мантиғи жамият ва фуқаролардан ҳам ўз турмуш тарзларини мутаносиб ўзгартиришларини қатъий талаб қила бошлади.

# ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯСИДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛНИНГ АҲАМИЯТИ

*Самадов А. -- СамДУ*

Юртбошимиз И.А Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Республикамиз ўз келажак йўлини энг белгилай бошлашиданоқ, ёшлар тарбияси, уларни бахтли, баркамол авлод қилиб тарбиялаш ортимиздан келаётган навқирон авлод вакилларига ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз истеъдодларини тўла намоён этиш учун зарур барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор берилди. Таълим тўғрисидаги қонунда, кадрлар тайёрлаш, мактаб таълимини ривожлантириш, соғлом авлод учун Давлат дастурларида ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатларида ёшлар тарбияси билан боғлиқ чора-тадбирлар кўзда тутилди. Бунинг боиси, ҳар қандай миллатнинг эртаси, келажаги ва албатта тақдири ёшларга, улар қандай қадриятлар асосида камол топаётганлигига Ватанга муҳаббатига, илмий, маданий ва меҳнат салоҳиятига боғлиқ. Шунинг учун ёшларга хос ғайрат-шижоат ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида шакллантириш муҳим вазифадир. Бизнинг юртимиз жаҳон саҳнасига шонли ўтмишини, мустақиллигини ва куч-қудратини намоён қилар экан, уни бир жумла билан, келажаги буюк давлат деган орзу-умид билан изоҳлади. Шонли ўтмиш билан келажакни боғлайдиган, Ватан тақдирини белгилайдиган ёш авлод – бу орзу-интилишини рўёбга чиқарувчи кучдир. Маълумки ҳар бир давлатнинг равнақи, унинг фуқароларининг салоҳияти, билимдонлиги, ишонч идеалларига боғлиқдир. Шундай экан, эртанги кунимиз эгаси бўлган ёш авлодни тарбиялаш, шубҳасиз, биринчи рақамли муаммо ва тадбирлардан ҳисобланади.

XX асрнинг охири ва XXI аср бошларига келиб миллий тараққиётда ўзига хос янги хусусиятлар вужудга келди. Кўпгина мамлакатларда яшаётган миллатлар ва халқлар ўз мустақиллигини қўлга киритдилар ва ўзлари ўз истиқболларини танладилар. Миллатлар халқлар ўзлигини англашга, миллий-маънавий идеалларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини қайта тиклашга бўлган интилишлари кучайиб бормоқда. Цивилизациялар шаклланиши, унинг бутун дунёга ёйилиши глобаллашувнинг объектив қонунларидан биридир. Ҳар қандай цивилизациянинг гуллаб-яшнаши маълум бир макон ва замонда, бир авлоднинг интеллектуал салоҳияти, маданияти ва маънавиятини кескин кўтариши оқибатида вужудга келган жараён деб тушуниш керак. Бу тарихий тараққиёт, маълум бир ижтимоий воқеликни келтириб чиқариб, унда миллий ва умуминсоний қадриятлар шаклланади ва ривожланади. Ана шундай миллий идеал ва қадриятлар ривожланиб, янгиланиб бораётган шароитда етишиб келаётган ёш авлодга кўрсатма, андоза, ўлчов вазифасини ўтайдиган ягона маънавий-маърифий, ахлоқий идеал зарурдир. Ёшлар тарбиясида мукаммаллик халқ педагогикасини асосини ташкил қилади. Уларни онги-шуурини олий қадриятлар билан бойитиш ҳар бир кекса авлоднинг асосий вазифаси бўлиши керак. Ҳозирги глобаллашув кескинлашган бир замонда миллий ўзига хослик ва тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш давр талаби бўлиб турибди. Чунки, миллий ўзига хосликни, халқ педагогикасидаги шаклланган ахлоқий тамойилларни ёшлардаги таъсирини емирилишини [illegible]тиришга хизмат қилувчи омиллар кўпайиб бормоқда.

Бугунги кунда ёшларнинг кучли ахборот босими остида яшаётганлигини, уларнинг кўпчилиги тарқалаётган маълумотлар, интернет ва телевидение орқали кўрсатилаётган оммавий маданият маҳсулотларини қандай бўлса шундай қабул қилаётганлиги, улар ўз навбатида ёшларнинг кундалик ҳаёти, хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топаётганлиги энг ачинарли ҳолатдир.

Ёшларнинг янгиликни қандай бўлса, шундай қабул қилишга мойиллиги [illegible] бўлиб, бу жараён ёшлар ахлоқий қиёфасини ўзгаришига олиб келмоқда. «Уларни глобаллашув жараёнига тортилиши шу даражада кенгки, у нафақат

# ЁШЛАР ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

*Кузиев Н.А. – Бухоро давлат тиббиёт институти ўқитувчиси*

Ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашнинг муҳим соҳаларидан бирини ёшларда диний бағрикенгликни тарбиялаш ташкил қилади.

Толерантлик лотинча сўздан олинган бўлиб чидаш, чидамлилик, сабр-тоқатли бўлиш деган маънони англатади. Толерантлик (бағрикенглик) тушунчасини инглиз иммунологи П. Медавр 1953 йилда илмий муомалага киритган. Агар толерантлик дастлаб таксикология формакалогия фанларида қўлланилган бўлса, ҳозирги вақтда диншунослик, миллий истиқлол ғояси, фалсафа, сиёсатшунослик ва бошқа соҳаларда қўлланилмоқда. Толерантлик (бағрикенглик) жаҳон миқёсида кенг тарқалган тушунча бўлиб, у сиёсий, тиббий, ахлоқий, фалсафий, этник, иқтисодий, экологик, эстетик, ҳуқуқий, демографик, мафкуравий, диний кўриниш ва шаклларга эгадир.

Жаҳонда глобаллашув жараёни кескин содир бўлаётган шароитда ёшларда диний бағрикенгликни тарбиялаш давримизнинг асосий талабларидан бири бўлиб қолди.

Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда буюк ғоя ва ниятлар йўлида ҳамжиҳат, ҳамкор бўлиб яшашини, фаолиятини англатади.

Дин ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларидан бири. У дастлаб инсон ҳаётининг ибтидоий даврида вужудга келган ва ўша замонда яшаган инсонларнинг дунёқарашини ҳам акс эттирган. Дин дунё, инсон ва бошқа мавжудотларнинг яралиши, келиб чиқишини, ҳаётнинг маъно-мазмунини, инсонларнинг яшашдан кўзлаган мақсади каби масалаларга илоҳий нуқтаи назардан жавоб берувчи дунёқараш шаклидир. У бугунги кунда ҳам шу вазифани адо этиб келмоқда. Дин диний дунёқарашни, диний урф-одат, маросимларни, диний ҳис-туйғу, кайфиятни, диний муассаса ва ташкилотларни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ каби) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган, қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган.

Диний эътиқодларнинг моҳияти умумий эканлигига қарамасдан, динларнинг кўриниши хилма хилдир. Дунёда жуда содда, қадимий динлар билан бир қаторда, умумжаҳон аҳамиятига молик, мураккаб, жаҳон динлари ҳам мавжуд. Улар тарихий заруриятга қараб турли даврларда вужудга келган. Жумладан, 2009 йилда буддавийлик дини вужудга келганига 2553 йил, насронийликка 2009 йил, ислом динига эса милодий ҳисоб билан 1430 йил тўлади.

Маълумки дунёдаги барча йирик динлар бу дунёни фоний, ўткинчи ҳисоблайди, савобли ишлар қилиб, боқий дунё ҳаётига тайёргарлик кўриш деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш масаласи озми, кўпми ўз аксини топган. Шу боисдан ҳам ҳар бир ватандошимиз, айникса, ёшлар, аввало динлар тарихини, уларнинг асл моҳиятини билиши лозим. Шундагина уларни ғаразли мақсадларни кўзлаб юрган кучлар тўғри йўлдан чалғита олмайди, улар ижтимоий ҳаёт тасдиқлаган, исботлаган йўлни эътироф этадилар.

Ватанимиз ҳудудида ислом дини қарор топганига қадар зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, маздакийлик, насронийлик каби динлар ҳам мавжуд бўлган ва уларнинг синтези натижасида бетакрор маданият вужудга келган.

Қадимдан она юртимизда мусулмонлар, насронийлар, буддавийлар, иудавийлар ва бошқалар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда мачит, черков, синагога ибодатхоналарининг мавжуд бўлиши,

турли динга мансуб такводорларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб оғир дамларида ҳам улар орасида диний асосда можаролар бўлмаганини халкимизнинг динларгро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаганлигидан далолат беради. Ўзбекистонда эркин фукаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этилмокда. Қурилаётган жамиятнинг тамойиллари, хукукий асослари ишлаб чикилган ва халкимиз томонидан кўллаб кувватланмокда. Ўзбекистонда давлат барча динларга, барча эътикод соҳибларига конуний асосда тенг имкониятлар яратиб берган. Дин ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги конуни асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига биноан фукароларнинг ҳак-ҳукукларини ҳурмат ва ҳимоя килиш асосида олиб борилаётганлиги эътикод эркинлигини амалда таъминламокда.

Ўзбекистонда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умуминсоний қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмокда. Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган «Жаҳон динлари тинчлик йўлида» халкаро анжумани бунинг исботидир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 17 та диний йўналиш, 2039 та диний ташкилот, 7 та марказ, 2 консистир, 13 та диний ўкув юртлари мавжуд. Уларнинг ўз фаолиятини амалга оширишни ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борада ҳукукий асослар юкорида кайд килинган конунларда ўз аксини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб миллий истиклол мафкурасининг бош ғояси – халкимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзусини амалга ошириш учун мустаҳкам таянч бўлиб хизмат килмокда.

## BARQARORLIK YO'LIDA

*Razzoqova Sh.A. – G'ijduvon qishloq xo'jalik kasb-hunar kolleji tarix fani o'qituvchisi*

Xalqimiz mustaqillikning g`oyat totli na'shidasini surish baxtiga muyassar bo`ldi. Davlatimiz o`z taraqqiyot yo`liga sobit qadam qo`ydi. Ammo, tinchligimizga rahna soluvchi diniy ekstremistik va terroristik harakatlarning O`zbekistonda ham o`zini gohi-gohida namoyon etishi mafkuraviy bo`shliq sharoitidan kelib chiqdi.

Prezident I.A. Karimov tomonidan Milliy istiqlol g`oyasi ishlab chiqilgach xalqimizni mafkuraviy immunitetini kuchaytirish davlat siyosatining asosida turdi. Xalqimizni, ayniqsa ,yoshlar ongini bugungi axborot xurujidan omon saqlash uchun bunyodkorlikka yo`g`rilgan milliy istiqlol g`oyasi bilan sug`orish jamiyatning har bir bo`g`ini faoliyati asosini tashkil etdi.

Diniy va dunyoviy ekstremizm va terrorizmning O'zbekistondagi ko`rinishi, maqsadi, harakatlanishini sezish, tushunish va oldini olish chora-tadbirlari to'g'risida Prezident I.A. Karimov tomonidan "O`zbekiston XXI asr bo`sag`asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari" deb nomlangan kitobida atroflicha fikr yuritiladi. Davlatimiz rahbari mamlakatimizning geografik siyosiy ahvoli bilan bog`liq bo`lgan xavf-xatarni birinchi o`ringa qo`yadi.

Bizga ma'lumki, o`tish davri mafkuraviy beraqarorligidan foydalangan ekstremistik va terroristik tashkilotlar o`z harakatlarini namoyon qila boshladilar. Prezident I.A.Karimov ekstremizm va terrorizm globallashuv jarayonlarida yanada faollashayotganligini, u dunyoning barcha davlatlari uchun real xavf ekanligini ta`kidlab, muammoni hamkorlikda yechish taklifi bilan chiqdi.

Terrorizm jamiyatga doimiy qo`rquv, fitna va dahshatga solish muhitini vujudga keltirish, zo`ravonlik yo`li bilan jamiyat barqarorligini buzish, gunohsiz kishilar, jumladan bolalarning halok bo`lishiga olib keladigan siyosiy maqsaddagi o`ldirish va portlashlar bu mudhish g`oyaning asl mohiyatini tashkil etadi. Bundan

*Мадаева Ш.О.* Глобаллашув даврида миллий ва умуминсоний кадриятлар диалектикаси ... 50
*Ғайбуллаев О.* Глобаллашув шароитида шахс эстетик маданияти масалалари ... 51
*Хошимова С.Х.* Глобаллашув ва маънавиятга таҳдид ... 53
*Султонова Л.* Толерантлик – глобал муаммолардан бири ... 55
*Исламов И.Н.* Маънавиятга таҳдид – келажакка таҳдид ... 56
*Салохов А.Қ.* Глобал бағрикенглик маданияти хусусиятлари муаммосига доир ... 57
*Муксимова Х.В.* Глобаллашув жараёнларида ахборот хуружи ва унинг олдини олиш усуллари ... 59
*Зокиров Ш.М., Джураев А.А.* К вопросу о межнациональной толерантности в условиях глобализации ... 60
*Бозоров Д.М.* Глобаллашувнинг синергетик тадқиқи ... 62
*Юлдошева С.* Глобаллашув шароитида инсон маънавиятини шакллантиришда халқ удумларини ўрни ... 63
*Усманбекова З.* Миллий-маънавий қадриятлар ва глобал муаммолар ... 65
*Расулова Н.* Бағрикенглик ва ахлоқий анъаналарга содиқлик масалалари ... 67
*Исроилов Б.Э.* Глобаллашув шароитида маънавий интеграция жараёни муаммолари ... 68
*Бурнаев Ш.Н.* Некоторые проблемы глобализации в контексте толерантности ... 70
*Аллаярова С.Н.* Герменевтик тафаккур ва унинг глобал жараёнларии тушунишдаги аҳамияти ... 71
*Аблокулова Д.* Глобаллашув жараёнида жамият соғлом турмуш тарзига таъсир этувчи салбий омиллар ... 73
*Шопўлатов А.* Миллий-маънавий қадриятларнинг миллат бирлигида тутган ўрни ... 75
*Усманов Б.Х.* Глобаллашув ва экологик муаммолар ... 76
*Исхандарова З.М.* Глобаллашувнинг миллат ижтимоий-маънавий қиёфасига таъсири 77
*Haqnazarov G' N.* Globallashuv va uning ikki qutbli xarakteri ... 79
*Тоиров А.* Иқтисодий ва маданий глобаллашув хусусиятлари ... 81
*Ботирова С.* Фанлараро ёндашув ва унинг моҳияти ... 83
*Шарипов А.З.* Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришнинг ижтимоий-фалсафий аҳамияти ... 85
*Шарипова О. Т., Бахтаева М.О.* "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида глобаллашув муаммолари ҳақида ... 86
*Солодова Г. С.* Миграционный аспект глобализации ... 88
*Ахмедов Г.Г.* Аспекты глобализации и национальное самосознание ... 89
*Вохидова М.Т.* Глобаллашув жараёнлари ва миллий қадриятлар ... 91

**III ШЎЪБА. ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ** ... 93

*Каримова Э.Г.* Ижтимоий-маданий толерантлик ... 93
*Назаров Р.Р., Алиева В.Р.* Толерантность и особенности её проявления в цивилизациях востока ... 94
*Рузматова Г.* Проблема внутреннего мира человека в условиях глобализации ... 96
*Салоҳиддинова Н.М.* Толерантлик ва инсоннинг экзистенционал ҳолати ... 97
*Бозорова Ф.Г.* Философский анализ феномена толерантности ... 99
*Исаева Д.А.* Толерантность и гуманизм ... 101
*Тиллаева Г.* Толерантлик ва экмешахс шаклланиши муаммолари ... 102
*Муталов Ш.Ш.* Дунёвий давлатнинг толерантлик жиҳатлари ... 104
*Касымова К.А.* К вопросу о гендерной толерантности ... 105
*Ашурбеков Р.Х.* Толерантликни ривожлантиришда ндисциплинлараро тадқиқотларнинг роли ... 107

*Xolmaxmatov A.* Tolerantlik – fuqorolik jamiyatini shakllantirish asosi ........ 109
*Ирматов Г.Ш.* Толерантлик: тарих ва тушунча ........ 110
*Мухаммадиева Х.* Толерантликнинг иммунологик таърифи ........ 112
*Гулямова М.Т., Кодирова З.К.* Сув – бағрикенглик тимсоли ........ 112
*Шарипова Д.Д., Шахмурова Г.А., Тацрова М.* Формирование толерантности к ВИЧ-инфицированным и больным спидом ........ 114
*Мухаммадиева О.М.* Миллатлараро тотувлик – толерантликнинг юксак намунаси ........ 115
*Атоева М.Я., Жўраева Х.А.* Толерантлик – умуминсоний қадрият ........ 117
*Тожибоева Х. М., Каримова З.,Муминова Ф.* Бағрикенглик жамият ижтимоий-иқтисодий барқарорлигининг асоси ........ 118
*Кишлакова Н.М.* Толерантность как составляющая современной просвещенности ........ 119
*Хайдарова Х.Б.* Бағрикенглик маданиятнинг моҳияти ........ 121
*Ахмедова Р.С., Махмудова Н.С.* Меҳр-оқибат толерантлик тимсоли ........ 122
*Зарипова М., Мақсудова М.* Бағрикенг аждодлар олласи ........ 123
*Raximova K.U., Salomova M.Z., Atoyeva D.B.* Ta'lim tizimida o'quvchilarda tolerantlik tushunchalarini shakllantirish masalalari ........ 125
*Каримова С.Р.* Миллий мафкура ва диний бағрикенглик тамойиллари ........ 126

## IV ШЎЪБА. МОДЕРНИЗАЦИЯ, ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ВА ТОЛЕРАНТЛИК РИВОЖИ ИСТИҚБОЛЛАРИ ........ 128

*Талапов Б.* Мамлакатни модернизациялаш – миллий демократик тараққиет шарти ........ 128
*Қодиров М.* Модернизация, инновацион тараққиёт ва толерантлик ривожи ........ 129
*Медетова Р.М.* Толерантность – важное качество личности в период глобализации и модернизации общества ........ 131
*Каримов Б.Р.* Открытие телевидения в Ташкенте и его влияние на модернизацию, инновационное развитие и глобализацию информационной цивилизации ........ 132
*Очилов О.* Замонавийлашув шароитида сиёсий фаоллик: тушунча ва моҳият ........ 134
*Каримов Б.Р., Каримова У.Б.* Модернлашув, инновацион тараққиёт ва толерантлик ривожи мақсадида тилшуносликдаги янги концепциялардан фойдаланиш имкониятлари ........ 135
*Кон О.В.* Роль филологической науки в формировании толерантного сознания ........ 137
*Назарова С.А.* Глобаллашувнинг тилдаги оқибатлари ........ 138
*Адилова Д.К.* Правовая культура как один из факторов модернизации жизни села ........ 140
*Исматиллаева Д.* Глобаллашув шароитида жамиятнинг иммун тизими, унинг толерантлик ва модернизацион хусусиятлари ........ 141
*Каримов Й.* Жамиятни модернизация қилишда маънавий қадриятларнинг ўрни ........ 143
*Ортиқов О.И.* Модернизация ва илмий-фалсафий меросни ўрганиш масалалари ........ 144
*Сафарова Р.Г.* Таълимни модернизациялаш шароитида ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялаш ........ 146
*Бафоев Ф.М.* Фалсафий тафаккур парадигмалари тўғрисида баъзи мулоҳазалар ........ 147
*Хайитов Ш.А.* Муҳожир ўзбеклардаги модернизациялашув жараёнлари ва ўзликни сақлаб қолиш муаммолари ........ 149
*Гуломова С.Т., Ибрагимова Ф.* Модернизация, инновацион тараққиёт ва толерантлик япон "мўъжизаси"нинг асоси сифатида ........ 151

## V ШЎЪБА. ЭКСТРЕМИЗМ, РАДИКАЛИЗМ, ТЕРРОРИЗМНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА ТОЛЕРАНТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ ........ 153

*Мустафаев М.* Терроризм: муаммолар ва ечим йўллари ........ 153
*Мирзалиева Д.Т.* Ислом манбаларида экстремизм, радикализм ва терроризмга қарши гояларнинг акс этиши ........ 154

***ГЛОБАЛЛАШУВ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ТОЛЕРАНТЛИК: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР***

***фалсафий нашр***

***Муҳаррир: К. Норматов***
**Мусаххиҳ: Ҳ.Юсупов**
**Техник мухаррир: З.Якубова**

***Босишга рухсат этилди: 12.11.09***
***Ҳисоб босма табоғи:16,5. Шартли босма табоғи 14,5.***
***Офсет қоғозида босилди***
***Буюртма № 176***
***Баҳоси келишилган нархда***

МЧЖ «FAN VA TA'LIM POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди.
Шартли босма табоғи 14,5. Бичими 84х60 $^{1}/_{16}$. Адади 150. Буюртма 04
Тошкент шаҳри, М Таробий кўчаси 31 уй.